

# АЛИШЕР НАВОИЙ



## ҒАЗАЛЛАР



## ШАРХЛАР

Тошкент  
«Камалак»  
1991





## ШОИРНИНГ МАНСУРАВИЙ МЕРОСИДАН МУНОЖОТ

Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳим. Зиҳи исминг азим, раҳмонлиғ ва раҳимлиғинг вожиб ут-таъзим. Исм сенинг исминг ва раҳмонлиғ ва раҳимлиғинг — сенинг қисминг, сен ганж ва оғариниш — тилисинг. Исминг жамъи сифоти асмои ҳусно, раҳмонлиғ ва раҳимлиғингга юз минг ҳамду сано. Раҳим ҳам сен, раҳмон ҳам сен, азим ҳам сен, субҳон ҳам сен. Субҳоноллоҳ, не кибриёву азаматдурким, сендин ўзгага вужуд итлоқи бўхтон ва тухматдур. Зотинг қайюми барҳақ, вужудинг воқеъи мутлақ. Сендин ўзга мавжуд кўрунгандар намуди бебуд, балки нобуду шомавжуд, вужуд ва мавжуддин сен мақсад. «Таоло шонука ва амма эҳсонука ва ло илоҳа гайрука. Е Вадуд ва Маъбуди вожиб ул-вужуд».<sup>1</sup>

ҲАМД. Илоҳи, азамату жабарут<sup>2</sup> сенинг шонингдадур ва мулку малакут<sup>3</sup> сенинг ҳукму фармонингда. Азалиётингга бидоят йўқ ва абадиётингга ниҳоят йўқ. Даҳр гулшанида ҳар гиёҳу яфрог сенинг ҳамдингга зекир ва сипеҳр анжуманида ҳар ҳарфу авроқ сенинг неъматингга шокир. Жамолияting бўстонида секиз учмоқ бир райҳони дилнавоз ва жалолияting зинданнида етти тамуғ бир самуми жонгудоз. Ҳашаматинг боргоҳида шамма — меҳри мунир ва санъатинг коргоҳида бир лавҳа сипеҳри асир. Юз бу оламча мавжуд этай десанг, «кунфаяқун»<sup>4</sup> иборати анга кофий ва минг анжомни маъдум этай десанг «хабаан мансура»<sup>5</sup> ишорати анга вофий. Ваҳдоният

<sup>1</sup> Шонинг олий, эҳсонинг умумий, ўзингдин ўзга маъбуд (илоҳ) йўқдур. Эй Дўст ва қатъий мавжуд зот! (Арабча жумла ва иборатларни Абдулазиз Мансуров таржима қилган).

<sup>2</sup> Улуғлик ва қудрат.

<sup>3</sup> Подполик ва коинот.

<sup>4</sup> «Бўл», деса бўлади.

<sup>5</sup> Тўзиган чанг.

сифатида шарику вазирдин мубарро ва фардоният сийратида волиду валаддин муарро. Илминг дарёсидин ҳар гавҳар нужум дурридин покроқ, мулкунг шаҳросидин ҳар лола қўёш машъалидин оташнокроқ. Бемонандлиғингга «лайсака мислиҳи шайъун»<sup>6</sup> гувоҳи содик, бепайвандлиғингга «лам ялид ва лам ювлад»<sup>7</sup> далили мувофиқ. Ҳар негаким, ташбиҳ қилилса, ўҳшамассен, яхши боқилса, ул сендуур ва сен ул эмассен. Ҳамдингда такаллум аҳли тили косир, сипосингда мутакаллимлар ажэдин мұхаййир. Бу бобда «ло нұхси саноан алайка»<sup>8</sup> мазкур бўлур, ҳар неча балогат лофин урган дам урмаса маъзур бўлур.

НАЪТ. Улки, «кунту набийян ва Одаму байнал moi ваттин»<sup>9</sup> мазмұни билан анбиёга мұқаддамдур, «раҳматан лиляоламин ва ҳотам ун-набийин»<sup>10</sup> мантиқи била аларга муаххар ва ҳотамдур, ҳабиби Ҳазрати Илоҳ Мұхаммад расуллуллоҳ саллалоҳу алайҳи ва салламдур. Юз йигирма тўрт минг анбийи мурсал хилқатидин мурод ул ва барча анга хайл ва ўн секиз минг олам ихтироъидин мақсуд ул ва офариниш анга туфайл. Нубувват таҳтида хұмоюн фирмә узра тож, анбиёву расул хайлида соҳибмөърож, аввалину охирин ҳолки, аниң шафоатига мұхтож. Буроқи иноят аниң марқаби улви хироми ва Жабраиали ҳидоят аниң пайки барқоми, лайлат ул меъроҗ аниң шабистони ва «ли маъаллохи вақтун»<sup>11</sup> аниң мақоми. «Салавоттулоҳи алайҳи ва ало алиҳит-тайибин ва асҳобиҳит — тоҳирин».<sup>12</sup>

МУНОЖОТ. Илоҳи, акрам ул-акрами сен ва мен—гунаҳкор.

Илоҳи, агарчи журму исёндин ўзга ишим йўқ, аммо сендин ўзга ҳам кишим йўқ.

Илоҳи, йўқ эрдим, бор эттинг, тифл эрдим, улуғлар жаргасига қоттинг, аммо нафсу ҳаво елидин зуҳдум ниҳолин ушаттинг ва оғиятим хайлин ёзуқ сипоҳи туркозидин тарқаттинг.

Илоҳи, ёмон атворимдин паришионлигим чўқтур ва шум нағсимидин пушаймонлиғ йўқтур, мундоқ балодин қутулурга уммидим сендин ўқтур.

Илоҳи, ўзлук ёмонлигидиң ўзлугум била ўта олмайдурмен ва яхшиларинг этагин ёмонлигим уятидин тута олмайдурмен.

Илоҳи, йиллар ибодат қиласанг, ҳеч ким

<sup>6</sup> Унга (Оллоҳга) ўхшайдиган бирор нарса йўқ.

<sup>7</sup> Тұғмаган ва түгілмаган.

<sup>8</sup> Сенинг мақтовингни айтиб тугата олмаймиз.

<sup>9</sup> Одам Ато сув билан тупроқ таркибида ётган даврдаёқ мен (Мұхаммад) пайғамбар бор эдим.

<sup>10</sup> Бутун олам учун раҳмат ва пайғамбарнинг узуги.

<sup>11</sup> Менда оллоҳ билан бирга бўлмоқ учун вақт бор.

<sup>12</sup> Оллоҳнинг салом ва раҳматлари ул зотга, пок оила аъзоларига ва тоза саҳобаларига бўлсин!

дахл қила олмас ва қарилар исён қилғани қабул қилсанг ҳикматин ҳеч киши била олмас.

Илоҳи, Одам хилофат таҳтиниг муставжиби ўзиму бўлди, сенинг тақдиринг бўлмай, шайтон муҳолафатининг сўзиму бўлди?!?

Илоҳи, бергувчисен ҳам фисқу фужурни, ҳам зуҳд, ҳам вараъни, аларнинг туҳматин бир неча ожизга боғламоқ не яъни?!

Илоҳи, инояtingга уммидворменким, гуноҳим беҳаддур ва раҳматингга сазоворменким, хатову саҳвум беададдур.

Илоҳи, дарди ҳолимни ҳар кимга айтсам рад қилса, сенга таважҷуҳ этгаймен ва агар сен рад қилсанг неткаймен ва кимга кетгаймен?

Илоҳи, сенинг йўлунгда туфрог етса тўтиёдур ва кесак йўлуқса кимиёдур, гайринингдин қизил олтун қора туфрогдек бекадру камбаҳодур.

Илоҳи, ёмонлиғимдин агарчи кўп аламим бор, ғамхорим сен бўлсанг не ғамим бор.

Илоҳи, дунё майли риштасин кўнглумдин уз ва нафсоният тийралиғида ҳидоят шамъи била ўзунг сари йўл кўргуз.

Илоҳи, ул узун йўл ва қатиғ водийда инояting била йўлда ва анинг қатъида аёғим тойилса дастгириғинг бирла қўлда.

Илоҳи, бу йўл сайрида шайтонни теграмга ёвутма, агар ул адув йўл урса зуҳдумдин не қолғай, инояtingни ўксутма.

Илоҳи, тақвойи берки, нафси гаддор анга забун бўлсун, вараъи насиб қилки, шайтони нобакор боши анинг аёғида ниғун бўлсун.

Илоҳи, гафлат уйқусидамен, бедор қил ва жаҳолат мастилиғидамен, ҳушёр қил.

Илоҳи, ул бедорлиғни огоҳликка еткур ва ҳушёрликни беиштибоҳликка улантур.

Илоҳи, душмандур шайтони ҳийланамой менга ва нафси худройдур корфармой менга, бу варталарда дастгир бўлмасангвой менга.

Илоҳи, агар хислатим эгридур, ниятим туздур. бу жиҳатдин қўрқинчим бордур, аммо уммедин бирга юздур.

Илоҳи агар афъолимга боқсам уят ўлтурур ва сенинг карамингни соғинсан уммид танимга жон келтурур.

Илоҳи, сендин ёмонлиғ келмас ва мендин яхшилиг, сен яхвисен ва мен — ёмон. Ҳар кимга ўзига муносибдур қилиғ. Тикан иши санчилмоқ учун ани қўйдурмак муносибдур, баҳор файзи ом учун анга гул мушобиҳдур.

Илоҳи, туфроғдин эл қўзига тийралиғ етар ва қуёш ашиъа била олам аҳли қўзин равшан этар.

Илоҳи, чун ҳар не қилилур сенга тақдирдур, қилғувчига не тадбирдур.

Илоҳи, тақдир қилганингни қилурга не ихтиёр, қилмасмен демакка кимнинг ҳадди бор.

Илоҳи, агарчи залолатқа тушубмен, аммо ҳидоятингга талабкормен ва агарчи тамуг ўтиға тушкали ёвушибмен, аммо раҳматингға умидвормен.

Илоҳи, уммидимни қарамингдин маълум қилма ва раҳматингни халойиққа ом қилғонда мени ҳам маҳрум қилма.

Илоҳи, агар дастгир сен бўлмасанг ишё ҳамону ит ғунжиси ҳамон ва агар парданўш сен бўлмасанг ридо ҳамону эшак аргамчиси ҳамон.

Илоҳи, тоатингға ҳавасим бор, аммо нафсқа забунмен, ибодатингга мултамасим бор, аммо гирифтари ишқу жунунмен.

Илоҳи, лаҳву ҳаво майдин мастмен, ужбу риё жомидин майпарастмен, бу дастовизлар била шайтонга ҳамдастмен.

Илоҳи, париузорларга мени девона қилдинг ва шамърухсорларга мени кўнглумни парвона қилдинг, бу сабаблардин расволиг била оламга (афсона) қилдинг.

Илоҳи, неча мусалсал зулф савдосидин бўйнумда занжир бўлғай ва муанбар хол хаёлидин кўнглум асир. Сенга бу навъ тақдир эрса, менга не тадбир.

Илоҳи, кўнглум кишвари қора кирпиклар ясоли ягмосидин бузуқдур ва сабрим уйи гулрангузорлар ҳўйи сайлидин йиқуқдур.

Илоҳи, ҳар оташин лаъл менинг ўт тушган жонимдин намудор ва ҳар сероб кунжида менинг кўп пайкон кўнглум шакли падидор. Бу офатларнинг иложи сенга осондур, менга душвор.

Илоҳи, шўхи чобукларга чевиланда ҳар ён шитоб солурсен ва аларнинг ҳар ён шитобида менинг ошуфта кўнглумга ҳар дам изтироб солурсен.

Илоҳи, аларга ул шитобдин қарор йўқ ва менга бу изтиробда ихтиёр йўқ. Аларнинг дилраболиги ҳам сендин ва ошуфта кўнгилнинг мубталолиги ҳам сендин.

Илоҳи, бирав ҳуснига малоҳат берурсен ва анинг тузин менинг кўнглум жароҳатига сепурсен.

Илоҳи, бирав мужаси нишин захролуд этарсен ва анинг нўгин менинг яралиғ бағримга санчарсен.

Илоҳи, шамъ ҳусни безанмаги ҳам сендин ва парвона мени ўртамаги ҳам сендин.

Илоҳи, гул узорига дилафрўзлуқ ҳам сен бердинг ва булбул фигону зорига жигарсўзлуқ ҳам сен бердинг. Агар қайси шамъи гулрух ишқи ўтинким, кўнглумға солдинг, парвона ва булбулдек сабру қароримни олдинг.

Илоҳи, агар ишқ суубатидин базм туздум ва май сайли оғатидин тақво ва зуҳдум уйин буздум. Ул не май ичмак ва аёғ тутмак эрдиким, аёғ-аёғ қон ютмак эрди.

Илоҳи, агар ҳажр шиддатидин туганлар ўртадим, дину исломим мазраъида хирманлар ўртадим.

Илоҳи, ҳар туган саводидин оғиятим рухсорин қаро қилдим ва анинг дудидин имоним рўзгорин қаро қилдим.

Илоҳи, агар ҳавасдин бош-аёғ яланг ҳар ён югурдум,  
бошдин аёғим ямон эрканин ҳалойиққа билдурдум.

Илоҳи, агар севги жунунидин кўксумга тош урдум, ул тош  
била нангу номусим шишаасин синдурдум.

Илоҳи, гоҳи бу жунундин атфол тошин бошимга ёғдурдум,  
гоҳи ахбоб маломати нишин кўнглумга еткурдум.

Илоҳи, қайси исён тийралиги билаким, оғиятим юзи  
қарормади, қайси бедод суубатиким, мен қаро юзлукка бор-  
мади.

Илоҳи, йигитлигим бу навъ қатиг ўтти ҳам ачиғ, қари-  
лиғда юз қатла ўзумни ўлтурсам не асиғ.

Илоҳи, эмди ҳамким, барчадин кечмак хаёлини қилурмен,  
ўзлугум била кеча олмон яқин билурмен.

Илоҳи, бу балоларга солдинг, қутқор ва андоқким, бу  
ибтилоларга кијординг, чиқор.

Илоҳи, мен баңда тавба қилдим дегандин не суд, сен тавба  
бергилки, ҳам таввобсен ва ҳам Маъбуд.

Илоҳи, намозеки, эл бўлмағунча қилмағаймен худнамо-  
лиғдур ва ул намоз учун хирқаву ридо худроилиг.

Илоҳи, ул намойишу оройишидин кўнглумни мубарро  
қилғил ва бу навъ, шайтон либосидин пайкаrimни муарро  
этғил.

Илоҳи, тоатқа тавфиқ берсанг риёдин аспа ва ибодатқа  
йўл кўргузсанг, хатодин аспа.

Илоҳи, ул тоатки, ужб келтургай, кўнглумга ёвутма ва ул  
маишатким, узрга еткургай, тилимдин йироқ тутма.

Илоҳи, беилож дардга алил қилма ва бемуруват номардга  
залил қилма.

Илоҳи, беашёлар мазаллатидин аспа ва бедиёнатлар  
туҳматидин аспа.

Илоҳи, жоҳил сұҳбатига побанд этма ва арозил ҳашматига  
ҳожатманд этма.

Илоҳи, носинослар мулойиматидин йироқ тут ва ҳақшу-  
нослар хусусиятидин қироқ тут.

Илоҳи, кўнглумни дарду шавқинг муҳаббати била овут ва  
кўзумни надомат ашки селоби била равшан қил.

Илоҳи, тилимни неъмати беқиёсингга шокир айла ва  
кўнглумни ҳамду синосингга зокир айла.

Илоҳи, қаламимға ҳамдинг рақамиға машгуллук бер ва  
рақамимға ҳалойиқ кўнглиға мақбуллук бер.

Илоҳи, замиримға худписандлигни ёвутма ва хотиримни  
эл нафҳи айбжӯлугига тутма.

Илоҳи, хаёлимни ниёз аҳлиға мойил тут ва ниёзу дард кў-  
зин дардмандлар аёғи туфроғи била ёрут.

Илоҳи, Подшоҳи Исломни мұслимин бошиға тутғил барда  
вом, яъни бандаларинг устиға кўланканғни қил мустадом, то  
шоҳу гадога дуоғўйлиқ қиласмиш бўлгаймен, вассалом.





## Суйима ФАНИЕВА АЛИШЕР НАВОЙНИНГ «МУНОЖОТ» АСАРИ

«Муножот» ҳақида илк маълумот Огоҳ Сирри Лаванднинг «Туркия китобликлариндаки Навоий ёзмалари» номли «Турк тили аралаштиrmалари йиллиги — Бюллетенъ» (Анқара, 1958) да босилган мақоласида берилган эди. Унда Истанбул, Тўпқопи. Раван қутубхонасидаги Навоий қуллиётининг нағис нусхаси (котиби Дарвеш Муҳаммад Тақий, таърихи — 901—902 (1495—96—1496—97) ва Фотиҳ нусха (Сулаймония қутубхонаси) ларида қуллиёт аввалидан ўрин олган асар сифатида тавсиф қилинган эди.

1973 йил «Адабий мерос — З» да Ҳ. Сулаймоннинг «Алишер Навоий қуллиёти қўллёмалари тадқиқотидан» номли мақоласи босилди. Муаллиф Навоийнинг жаҳон қутубхоналарида мавжуд бўлган 8 та мўътабар қуллиёти фотонусхалари, уларнинг кўчирилиш тарихи нуқтаи назаридан хронологик тартибдаги мухтасар тавсифини беради. Туркия нусхалари тавсифида эса Огоҳ Сирри Лаванд маълумотларига тўла таянади. Лекин ундан фарқли ўлароқ Ҳ. Сулаймон Дарвеш Муҳаммад Тақий кўчирган нусхани «шоирнинг ўзи тузган қуллиёт нусхаси бўлиб, унда қуллиёт учун Навоийнинг ўзи ёзган сўзбоши — Муножот бор», — деб ёзади.

Навоийнинг «Муножот» асари Огоҳ Сирри Лаванднинг 1965—68 йиллар мобайнида нашр этдиран «Алишер Навоий» номли 4 жилдли китобининг охирги жилдида эълон қилинган эди. Сўзбошида ношир ёзган эдики: «Муножот мансур ёғариш (дуо, ўтиниш) ларнинг энг гўзалларидандир. Навоийнинг мансур асарлари орасида тил ва услуб бокимиidan энг қусурсизи ҳисобланади. Муаллиф «Муножот» Тўпқопи ва Фотиҳ қитобхоналарида Навоий қуллиёти нусхаларининг бошинда ер олмоқдадур», — деб таъкидлайди.

«Муножот» мундарижасидан маълум бўладики, «Куллиёт» учун маҳсус ёзилган сўзбоши эмас, Навоий «Кулли-

ёт»ини тасниф этар экан, ўзининг бутун ижодиётининг гуманистик моҳияти, дунёвийлик пафоси, ижтимоий, сиёсий ва фалсафий характеристи, маълум исёнкорлик руҳи, асарларида ўз аксини топган шахсияти, бир сўз билан айтганда, илгор жихатлар давр мағқураси нуқтаи назаридан шаккоклик санаалган муддаолар бирлашиб шоирда, ботиний бир ҳаяжон руҳий изтироблар пайдо қилган ва у Оллоҳ наизида тавбатазарруъ қилиш эҳтиёжини сезган, десак хато бўлмагай. Лекин буюк даҳонинг Оллоҳдан илтижолари ҳам унинг дунё қарашида ва шахсиятидаги умумбашарий аҳамиятга молик илгор нуқталарни рўйи рост илғаб олици имкониятини беради.

«Муножот» Муқаддима ва З қисм: «Ҳамд», «Наът» ва «Муножот»дан иборат. «Ҳамд» ва «Наът»даги фикрлар Навоий достонлари аввалидаги ҳамд ва наътлардаги қайдлар билан мутлақо ҳамоҳанг бўлиб, оллоҳнинг буюклиги, азалий ва абадийлиги, ягоналик сифатлари. Муҳаммад пайғамбарнинг таърифини беради. «Муножот» қисми эса бевосита Оллоҳга мурожаат тараида битилган. Муаллиф ундан афв илтижо қилиб, ўзини гуноҳкор, Оллоҳнинг карамли эканини таъкидлайди ва пантеистик руҳдаги эътирофларга ўтади. Модомики, дейди Навоий, ҳар қандай мавжудот, унинг сифатлари, ҳар бир жонзод, унинг феъл автори, саъӣ-ҳаракатлари Оллоҳ томонидан қисмат этилган экан, «тақдир қилганингни қилурга не ихтиёр, қилмасмен демакка кимнинг ҳадди бор».

Маълумки, Навоий ҳаётининг охира бирмунча йиллар аввал юраги тубидан ўрин олган ҳаж сафари иштиёқи яна оловланади. У 905 (1499—1500) йиллар давомида бир неча марта бевосита ва билвосита — яқинлари орқали Ҳусайн Бойқародан ҳаж сафарига изн сўради. Ҳар гал Султон аввалига ижозат берар, лекин дарҳол ўзи шахсан шоир ҳузурига ташриф буюриб, сафарни қолдиришга кўндириб қайтар ёхуд энг нозик дўйстларни орага кўйиб шоирни аҳдидан қайтаришга муваффақ бўлар эди. Навоийнинг «Вақфия»да ёзишича, «икки орзу риштасидан (бири ҳаж, иккинчиси — ижод — С. F.) ўзгаким, гирихи кўнглум пардасидин ечилмади ва икки мурод ғунчасидин ўзгаким, тугуни жоним гулшанидин очилмади...

Мениким бу савдо низор айлади,  
Ҳавас илгига беқарор айлади.  
Не имонки, тонқай қарору сукун,  
Бировким, бу фикр этгай они забун».

Бу оразуси рўёбга чиқмаслигига кўзи етган чоғларида Навоий руҳий азоблар гирдобида қолар, ҳар қандай расмий, норасмий давлат юмушларию мадад истаб келувчилардан гоят толиқар эди, албатта.

«Муножот»даги «Илоҳи, эмди ҳамким, барчадин кечмак ҳаёлин қилурмен, ўзлугум билан кеча олмон яқин билурмен. Илоҳи, андоққи, бу балоларға солдинг, қутқор ва андоқким,

бу ибтилоларга киурдунг, чиқор», — дея илтижо қилиши шоирнинг юқорида ёдга олинган тушкун қайфиятидан дарак беради. Шу билан бирга ҳаммадан воз кечиш мумкин ва осон, лекин «ўзлуги»дан кечиш мутлақ мумкин эмас, бу аниқ. Бинобарин, «ўзлук»ни муқаддас сақламоқда, уни таҳлика ва лоқайдликлардан халос этмоқда итилиш ниҳоятда зарур, деган шоирнинг юксак эътиқодини юзага чиқаради.

Дикқатга сазовори яна шуки, Навоий илтижолари зимнида уни ижодиёти бўйлаб бош ҳат бўлиб ўтган давр, мұхитга йўналтирилган армон ва ўқинчли мулоҳазаларни уқса бўлади. Шоир илтижоларининг бир неча ўрнида нафсу ҳаво (дунё, бойлик маъносидаги — С. F.) майли, ҳирсу риё кабилардан сақланишда мададкорлик қилишини ўтиниши фикримиз далиллайдир. Шунингдек, тақво, зуҳд, ибодат сингари барча эл учун зарур бўйланған фарзларни бажаришда тавфиқ тилайди: «Илоҳи, тоатқа тавфиқ берсанг риёдан асра ва ибодатқа йўл кўргузсанг ҳатодин асра», — деб ёзди у. Бу ҳол XV аср фарзанди, тасаввуф таълимотига дахлдор ижодкор учун табиийдир, албатта.

Навоийнинг қатор илтижолари унинг дидактик қарашлари билан боғлиқдир: «Илоҳи, ашёлар (нодўстлар — С. F.) мазаллатидин асра ва бедиёнатлар тухматидин асра. Илоҳи, жоҳил сұхбатига побанд этма ва арозил (разиллар — С. F.) ҳашматига ҳожатманд этма». Бу илтижолар «Махбуб ул-қулуб»даги шоирнинг дидактик ўғитлари, бир қатор «танбех»ларидаги ҳикматли пандлари билан ҳамоҳангидир.

Навоий ўзининг ижтимоий қарашларига оид фикрларини ана шу «Махбуб ул-қулуб»да давом этдириб, уларни чуқурлаштирган, янги-янги тушунчалар билан бойитган. Унинг замона тескарилиги, давр қажрафорлиги ҳақидаги ўқинчли нолалари, зулмкорлик, беҳаёликлардан малул бўлган дилидан отилиб чиқсан аламли нидолари ўз аксини топган эди: «Давр бевафолари жавридин дод ва даҳр беҳаёлари зулмидин фифону фарёд. То олам биносидур бу ўтга ҳеч ким мендек чурканмайдур, то бевафолиқ ибтидосидур бу ёлинга ҳеч мендек чурканмайдур. Замон аҳли бевафолигидин кўксумга туганлар ва даврон хайли беҳаёлигидин бағримда тиканлар». Булар «Муножот»даги: «...гоҳи атфол тошин бошимга ёғурдум, гоҳи аҳбоб маломати нишин кўнглумга еткурдум. Илоҳи, қайси исён тийрагири билаким, оғиятим юзи қарормади, қайси бедод суубатиким, мен қаро юзлукка бормади» каби дардли армонларда ўз аксини топгандек кўринади.

Навоий «Илоҳи, замиримга худписандлигни ёвутма ва хотиримни эл нафъи айбжӯлигига тутма», — дея илтижо қилар экан, у ўз умри охирига қадар илгор инсонпарварлик заминида гоят мустаҳкам турганилигидан далолат беради. Хулоса тарзида айтиш керакки, Навоийнинг «Муножот» асари шоир қулиёти учун ёзилган сўзбоши эмас, балки ҳаёти охирида эътиқодлари мустаҳкам, имони комил, ижодда гоявий ниятлари юксак, ҳаёти ва орзу-умидлари пок ва хо-

лислигига ионса-да, яна бир бор Оллоҳдан нотинч руҳиятига осудалик тилаб, авлодларини маънавий камолотга, эътиқодий устуворликка, ўзлигини қадрлаш ва уни муҳофаза этишга чорлаш мақсадида ёзилган, ўтмишга эмас, келажакка қаратилган дил сўзлариdir.



## ҒАЗАЛЛАР

Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-хидо,  
Ер аксин майда кўр, деб жомдин чиқти садо.

Файр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги ғам,  
Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.

Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синғон сафол,  
Жом ўлур гетинамо, Жамшид ани ичган гадо.

Жому май гар буйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур  
Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.

Дайр аро ҳуш аҳли расво бўлғали, эй муғбача,  
Жоми май тутсанг мени девонадин қил ибтидо.

Токи ул майдин кўнгул жомида бўлгач жилвагар  
Чехрайи мақсуд, маҳв ўлгай ҳамул дам моадо.

Ваҳдате бўлғай мұяссар май била жом ичраким,  
Жому май лафзин деган бир исм ила қилғай адо.

Сен гумон қилғондин ўзга жому май мавжуд эрур,  
Билмайин нағый этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

Ташнаалаб ўлма, Навоий, чун азал соқийсидин  
«Ишрабу ё айюҳал-атшон» келур ҳар дам нидо.

\* \* \*

Зихи ҳуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо,  
Бу савдолар била кавнайи бозорида юз гавғо.

Сени топмоқ басе мушкулдуур, топмаслиғ осонким,  
Эрүр пайдолигинг пинҳон, vale пинҳонлигинг пайдо.

Чаман оташгаҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,  
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо.

Не ишга бўлди беором кўзгу аксидеқ Мажнун,  
Юзи кўзгусида аксингни кўргузмади Лайло,

Қуёшга гаҳ қизормоқ, гоҳ сорғормоқ эрур андин,  
Ки сунъунг боғида бор ул сифат юз минг гули раъно.

Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул киби Вомик,  
Юзунгдин гар узори боғида гул очмади Узро?

Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар,  
Недин бас лаъл ўлур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро?

Жамолинг партавидин шамъ ўти гар гулситон эрмас,  
Недин парвона ўт ичра ўзин солур Халилосо?

Малоҳат бирла туздунг сарвқадлар қоматин, яъни  
Ки мундоқ зеб бирла ул алифни айладинг зебо.

Қаноатнинг далилин инзово қилдинг, яна бир ҳам  
Далил ушбуки қониъ ҳарфидин халқ айладинг анқо.

Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун,  
Тикан жаннат тули васфин қилурда гунг эрур гўё.

\* \* \*

Эй, мусҳафи рухсоринг азал ҳаттидин иншо,  
Дебочайн ҳуснунгда абад нуқтаси туғро.

Заррот аро ҳар зарраки бор, зикринга зокир,  
Амтор аро ҳар қатраки бор, ҳамдинг гўё..

Машшотайи ҳуснунгдуур улким, нафас ичра  
Кун кўзгусин оқшом кулидин қилди мужалло.

Кун шакли юзунг саждасидин бўлди мушаккал,  
Тун турраси қаҳринг елидин бўлди мутарро.

Сунъунг қилибон субҳни ул навъ мушаъбад,  
Ким меҳр ўти оғзидин этар ҳар нафас ифшо.

Гўёки қуяр оғзи ул ўт хирқатидинким,  
Анжумдин ўлур обилалар гардида пайдо.

Мухтож сенинг даргахинга хусраву дарвеш,  
Парварда сенинг неъматинга жоҳилу доно.

Гул юзида булбул сенинг асрориңга нотик,  
Шамъ ўтида парвона сенинг хуснунга шайдо.

Ушишоқ аро, ё рабки, Навоийға мақоме  
Бергилки, сенинг ҳамдинга бўлсун тили гўё.

\* \* \*

Ўй, нубувват хайлиға хотам бани Одам аро,  
Гар алар хотам, сен ул отким, бўлур хотам аро.

Юз эшигинг туфрогига сурта олгайменму деб  
Чарҳ қасридин қўёш ҳар кун тушар олам аро.

Анжум ичра оразинг меърож шоми уйлақим,  
Тушса дурри шабҷароги ҳар тараф шабнам аро.

Не учун киймиш қаро ҳар ён солиб жайбиға чок,  
Фирқатингдин Каъба гар қолмайдурур мотам аро?

Соф кўнглида юзунг меҳрини гўё асрамиш,  
Туш чоги ҳар кун қўёш акси эмас Замзам аро.

Машъяле бўлмиш малак илгига равзанг бошига  
Ой чароги ҳар кеча бу нилгун торам аро.

Қум эмас Батҳодаким, меҳри жамолинг ҳажридин  
Зарра-зарра жисми бир-биридан тўкулдӣ ғам аро.

Йўл эмас, Ясирида йиртибтур юзин тирног ила  
Мақдаминг то етмади ул водийи хуррам аро.

Итларинг маҳсусу маҳзундур Навоий, кошки,  
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумрайи маҳрам аро.

\* \* \*

Ер узра тим-тим қон ёшим гўёки томмиш дам-бадам,  
Ким нақди васлинг байъиға кўзлар санар бир-бир дирам.

Ишқингда бўлғоч хоки рах, бўлдум балокапларга шах.  
Ғам хайлидин тортиб синаҳ, оҳ ўтидин чектим алам.

Бир қатла қўрсанг они бас, қатл этмагай эрдинг ҳавас.  
Ишқига, эйким, ҳар нафас бизни қилурсен муттаҳам.

Дай сарв қадди маҳлиқо, тенгри қачон кўргай раво  
Мендин вафо узра вафо, сендин ситам узра ситам.

Пўк фикри бу девонанинг, титрар ичи ҳам хонанинг  
Ким, сақфи бу вайронанинг ашким суйидин бўлди нам.

Мутриб, навоий ком тут, муг дайрида ором тут,  
Соқий, лаболаб жом тут, ким қасди жоним қилди ғам.

Берганга гам даҳри дани, майхона басдур маскани  
Ким, бода дафъ айлар ани, етса кишига ҳар алам.

Дайру ҳарамда сар-басар ул юздин истарлар хабар,  
Кўп ҳам низоъ этма, агар улдур самад, будур санам.

Дединг топиб жонон иси, топтим лабидин жон иси,  
Келур бу сўздин қон иси, Навоий, асра дам.

\* \* \*

Фалак нилуфаридин чашмайи меҳр ўлди гар пайдо,  
Юзунгда нилдин ул чашма қилмиш нилуфар пайдо.

Ўқунг кўнглумга етгач, қатра қонлар томди, ким кўрмиш  
Нихол андоқки они теккак ўқ, бўлгай самар пайдо.

Ачиғ сўз бирла бел қатлимга боғлар, турфароқ, буким,  
Назарга не оғиз зохирдур андин, не камар пайдо.

Лаби шавқи ичимда, юзда қон ёшим, ажаб эрмас.  
Юзида лаъл ютқоннинг бўлур дерлар асар пайдо.

Кўнгулни то паришон айладинг, юз барқи гам сочти,  
Нечаким ўтни қўзгарлар, бўлур андин шарап пайдо.

Ерутти васл шамъи аҳли ҳижрон тийра авқотин,  
Менинг шомимга, ваҳким, қилмади даврон саҳар пайдо.

Ажал қасрин ҳакими сунъ бас мушкил тилисм этмиш,  
Ки ҳар ким анда кирди, бўлмади андин хабар пайдо.

Масиҳодин дам урмангким, ҳабибим гардига етмас,  
Агар Жибрилдек илкидин онинг бўлса пар пайдо.

Навоий ишқин, эй зоҳид, сенинг пандинг аён қилди,  
Бале, айб ўлмагунча ошкор, ўлмас хунар пайдо.

\* \* \*

Ҳам рамад теккан кўзунгга жисми беморим фидо,  
Ҳам учуқ чиққан лабингга жони афгорим фидо.

Ашким, андин томар гирён кўз онинг садқаси,  
Қонгаким мундин чиқар, бу чашми хунборим фидо.

Ул кўзу бу лабға умрум бугу гулзориндағи  
Наргису гулбарги йўқим, бугу гулзорим фидо.

Кўзу оғзингдин кетарга бору йўқ ошубу ранж,  
Сабру ишқим садқа, яъникум йўқу борим фидо.

Гар гўнгул оҳу кўзунг олдинда лойиқ бўлмаса,  
Итларингга бўлсун, эй шўхи ситамкорим, фидо.

Жон агар ширин лабингга ўлгали дархўр эмас,  
Айла алфозинг учун, эй талхгуфторм, фидо.

Ўзлугумнунг қайдидин бир май била қилдинг халос,  
Вах, не дей, эй муг, санга бут бирла зунорим фидо.

Бода миръотида шоҳид акси зохир бўлмади, -  
Бодаву шоҳидга бўлмай нақди пиндорим фидо.

Эй Навоий, демаким жону кўнгулни найладинг,  
Айладим жавлон қилиб чиққанда дилдорим фидо.

\* \* \*

Нуқтайи мушкдур бу ё холи анинг жабин аро,  
Куфр саводини не хуш сизди баёзи дин аро.

Хотами лаъл оғзидур, лек ҳадиси жон олур,  
Захр ниҳон қилибурур лаъли магар нигин аро?

Саждададур юзум, vale жон аро ул санам ғами,  
Бўйнума субҳадур, vale бутдурур остин аро.

Жон кўнгул неча деди: асрали ўзни, келгач ул,  
Вах, яна қўзгалишилар кўргач они ичин аро.

Лаъли ҳадисида демангким сифат уйла кирпигин,  
Оғзима чунки санчилур неш бу ангубин аро.

Ақлу ҳавос эрур адам, жону кўнгулга йўқ вужуд,  
Тафриқа тушгали мену ул бути нозанин аро.

Эсти магар ҳазон еликим, ҳам ўлуб видоъ учун  
Воқеъайи фироқ эзур сунбулу ёсамин аро.

Бу чаман ичра ҳар гулеким очилур, фигонки, бор  
Ходиса тифли мунтазир узмак учун камин аро.

Белингү инжу тишларинг ҳасратида Навоийнинг  
Жисмию аники бордуур ришта дури, самин аро.

\* \* \*

Неча кўнглум ёра бўлса, раҳм қиласас ёр анга,  
Неча багрим тўлса қон, боқмас даме дилдор анга.

Бир югурук тифл эзур киринкларим ичинда ёш,  
Ким йиқилиб сончилибтур ҳар тарафдин хор анга.

Номам элтур қуш агар мазмунни элтиб қиласа шарҳ  
Сочқай ўт қақнус киби минг чоқ ўлуб минқор анга.

Лаълинг олдидা чекар эл жонини олгач кўзунг,  
Ваҳ, не шарбатдур лабингким, жон берур бемор анга.

Ақл эви сори инонин бошламоқ, носих, не суд,  
Телбаким, дашт узра маркабдур буазуқ девор анга.

Тортасен исён юкин, ҳам қил қадинг тоатғаким,  
Юқ оғир бўлса, рукуъ ул дам бўлур ноҷор анга.

Умр гафлат уйқуси бирла тиласен, кеча, ох,  
Кўз юмуб-очқуича кимнинг иътимоди бор анга?

Мен худ ўлдим, эй сабо, кўнглумни кўрсанг кўйида,  
Чиқма андин, деб насиҳат қилғасен зинҳор анга.

Зор жисмим тунгали ҳажр ўтидин гам чангига,  
Эй Навоий, ўҳшашур ҳам уд анга, ҳам тор анга.

\* \* \*

Чин кийиги десам кўзин, ваҳ, недуур итоб айга,  
Чунки қароси кўргузур ҳар сори мушки ноб анга.

Лаъли лабингда тер бўлуб оби ҳаёт қатраси,  
Еки Хизр суйи лабинг қатра бўлуб ҳубоб анга.

Ёнимади кўзни ашкким, боқмасун ўзга юзга деб,  
Ҳар сори айн рашкидин ёпти гаминг ииқоб анга.

Жисмим агар қуяр, кўнгул толиниури ажаб әмас,  
Кимки уйига тушса ўт, йўқ ажаб, изтироб анга.

Оқмади хўй узоридин лаълиғаким, ҳакими сунъ  
Эзди ҳаёт шарбатин, эмди урар гулоб анга.

Зулфи хаёлидин кўнгул ҳар ён этар ҳаво, валек  
Сайдга не халос чун баглиг эрур таноб анга.

Ҳазлукининг ҳижобидин кимки ўзин халос этар,  
Ўзга қаёнки солса кўз, мумкин эмас ҳижоб анга.

Аҳли мазаллат оҳининг новакидин сипеҳр агар  
Қочмади, мунча бас недур ҳам бўлубон шитоб анга?

Ваъдайи васл этиб эди, тушда аёгин ўпмишам,  
Дема, Новоий, ул пари айламасун ҳисоб анга.

\* \* \*

Агарчи йўқ талабингдин даме қарор манга,  
Иродат эмгагидур бу, не ихтиёр манга?!

Висол давлатин ул куни ўзумга жазм эттим,  
Ки ҳажр гуссасин этти ҳавола ёр манга.

Чу ёр кўнглида бўлсам, бало манга ёвумас,  
Бу важҳ илаки, темурдин бўлур ҳисор манга.

Не билсун ул кишиким, чекмамиш фироқ туни,  
Ки не сифат кечадур тийра рўзгор манга?!

Қочиб адамга борай ақлу фаҳму донишдин,  
Ватан боринда бу ёт эл аро не бор манга?!

Буюрмагин яна сабр, эй табиб, тенгри учун,  
Ки ушбу шарбат эмас эмди сазовор манга.

Навоийдек қадидин қилсан ўлгали оҳанг,  
Бийик мақом топибон ясанг мазор манга.

\* \* \*

Лабинг сори токим назардур манга,  
Ёш ўрнида хуни жигардур манга.

Дема, мендин айрил, доги умр сур,  
Ки ул умр ўлумдин батардур манга.

Туганлар дирам шаклидур зод учун,  
Адам сори чунким сафардур манга.

Қилур айб ошиқлигим барча халқ,  
Улус айби, ваҳқим, ҳунардур манга.

Табибо, яна сабрдин дема сўз,  
Ки бу шарбатингдин заарардур манга.

Дема, майни тарк этки, соқий юзи  
Бу кўзгу аро жилвагардур манга.

Чучукдур қамиш ўқларинг жонима,  
Бу най ичра гўё шакардур манга.

Навоий, ул ой ҳажрида тууу күн  
Қотиқ шому тийра сахардур манга.

\* \* \*

Шаҳр бир ой фурқатидан байтул-аҳзандур манга,  
Бир гули раъно гамидин bog зиндондур манга.

Базми ишрат ичра сиз май нўш этинг, эй дўстлар.  
Ким насиб ул лаъли лаб ҳижронидин қондур манга.

Чиқти ақлу фаҳм ила сабру кўнгул тан мулкидин,  
Чиқмайин ҳар лаҳза заҳмат бергучи жондур манга.

Ўқи баским тандадур, тегмас танимға ўзга ўқ,  
Улки ўқ деб нола қилдим, эмди қалқондур манга.

Үйла расвоменки, кўю кўчада ҳолим кўруб  
Баъзи эл гирёну баъзи халқ хандондур манга.

Ҳажридин багрим сувдур, ул сув аро болиғ киби  
Дарду меҳнат ўқидин бир неча пайкондур манга.

Хур мужгонин агар суртай деса қилмон қабул,  
Ким аёқда оразу хори муғилондур манга.

Май ичиб таотни фавт этмангки, ул ўт тобидин  
Неча боқсам баҳра ҳоло доги ҳирмондур манга.

Эй Навоий, халқ дер: жон бер, ваё кеч ишқидин,  
Гарчи бу душвор эзур, лекин ул осондур манга.

Беҳи рангидек ўлмиш дарди ҳажрингдин манга симо,  
Димогим ичра ҳар бир тухми янглиғ донайи савдо.

Мазаллат туфроги сориг юзумда бордур андоқким,  
Беҳида гард ўлтургон масаллик тук бўлур пайдо.

Оқартиб ишқ бошимни, ниҳон бўлди сариг чехрам,  
Момуг ичра беҳини чирмағон янглиғ киши умдо.

Юзумда тийги ҳажринг захми ҳар сори эрур беважҳ,  
Беҳини тийғ ила чун қатъ қилмоқ расм эмас қатъо.

Юзум туфроғдадур ҳар дам қуруғон жисм ранжидин,  
Беҳига сарнигунлук шохи заъфидин бўлур гўё.

Бу гулшан ичра беҳбуд истаган доим беҳи янглиғ  
Кийиб пашминайи тоат қадин хам асрармоқ авло.

Навоий гар қуёш норанжидин беҳрак кўтар, тонг йўқ,  
Беҳиким лутф қилмиш маҳди улъё исматуд — дунё.

Оразу холингни бир дам кўрмасам, эй дилрабо,  
Үйладурменким кўрунмас кўзума оку қаро.

Ҳажр аро раъно қадинг нахлин тилармен тенгридин,  
Шомлар шамъ истагандек хайр аҳлидин гадо.

Гар фироқ айёмининг билмон ҳисобин, не ажаб,  
Ким юзунг ҳажрида кундуз кеча янглиғдур манго.

Барқ эмас, оламга юз қўймишдур оҳимдин шарап,  
Раъд эмас, гардунга чирманмиш фиғонимдин садо.

Бошинг ол, кет ўз пайи вақтингға, эй шайдо қўнгул.  
Ким эмассен хаста жоннинг ҳеч дардига даво.

Неча оғқай қўз ёним, етқур губорин, эй насим.  
Фарзи айн эрур яшарур қўзга солмоқ тўтиё.

Умр елдек ўтмагин дебсен магар, эй боғбон,  
Ким яқоси чоксиз гул бутмади бу боғ аро?

Жон топай дерсен сабуҳийдин, vale гофилки, субҳ  
Чок этиб қўнглак, сенинг ҳолингта тутмиштур азо.

Эй Навоий, хаста кўнглумга мадалдур новаки,  
Рост андоқким заиф элга берур қувват асо.

\* \* \*

Кўнглум ўртансун агар гайрингга парво айласа,  
Ҳар кўнгул ҳамким сенинг шавқунгни пайдо айласа.

Ҳар киши васлин таманно айласам навмид ўлай,  
Ҳар киши ҳамким сенинг васлинг таманно айласа.

Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам чиқсун кўзум,  
Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснунгни тамошо айласа.

Гайр зикрин ошкора қилса лол ўлсун тилим,  
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа.

Рашқдин жонимга ҳар нарғис кўзи бир шуъладур,  
Бог аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.

Йўқ оғиздин нуқта айтур маҳвашимдек бўлмагай,  
Гар қуёш ҳар заррасидин бир Масихо айласа.

Оқибат жонимга етти, эй хушо мугким, мени  
Бир қадаҳ бирла ҳаробот ичра расво айласа.

Келтурунг дафъи жунунумга парихон, йўқ табиб,  
Ким ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа.

Субҳдек бир дамда гардун қўймагай осорини  
Ногаҳ аҳли сидқ қўнгли меҳрин ифшо айласа.

Даҳр шўхига, Навоий, сайд бўлма, нечаким  
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.

\* \* \*

Багир хунобидин заъф ўлди голиб хаста жонимга,  
Оғир эрди гизо, авд этти заҳмат нотавонимга.

Лабинг ҳажрида жисмим конидин ҳар пора лаъледур,  
Кўнгул заҳмида яхши боқсалар бир қатра қонимга.

Адам дуржики оғизинг ҳуққасидур, марҳаме ондин,  
Даводур гунчадек кўнглумдаги доғи ниҳонимга.

Сариф юзумдин эл, йиглар, магарким ўлмагим етти,  
Ким мундог хосият баракс бўлди заъфаронимга.

Салоҳим пардаси қуиди ул ўтлуг юз хаёлидин.  
Фигонким, ойни ёд этмак зарар қилди катонимга.

Ул ой кулбамга келди жондуур хуноб ила оҳим,  
Бу тортиглар мураттаб айламишмен меҳмонимга.

Қарору ақлу хушум ишқинг ўти бирла чурканди,  
Самум эси бало даштида озған карғонимга.

Замон авроқио ишқим эди Фарҳоду Мажнундин,  
Фалак бир-икки фасл этти изофат достонимга.

Навоий, Зухра удин мотамим тутқонда қуйдурди,  
Фалак сори эришиб борғон учқунлар фигонимга.

\* \* \*

Қошу кўзунгни мунажжим чунки қўрди бениқоб,  
Деди: қўрким, қавс буржидин туғубтур офтоб.

Бир лабинг жон олди андоқким, бириси билмади,  
Эмдиким билди, ароларинда бордур шаккароб.

Гар фалак қошинг била баҳсе ҳилолидин қилур,  
Бир деса пайваста, жоно, эшитур икки жавоб.

Гул киби юзунгда тер фард этти ҳупшумдин мени.  
Гарчи бехуш элга хуш учун муқаввийдур гулоб.

Ким сиришким қўрди, маълум этти ишқим ҳосилин,  
Дона бирла уйлаким эл нақдини айлар ҳисоб.

Гарчи ишқ ўтида кўнглумни ўқунгга шишладинг,  
Гарм бўлмаким, ҳануз не сих кўймиш, не кабоб.

Не чамандур бўки, ҳасрат сўйию дард ўтидин  
Парвариш топмиш қаю бир гулдаким бор обу тоб.

Гар Навоийнинг куюқ бағрида қондур, не ажаб,  
Хомсўа ўлур ёлин узра тушуб кўйган кабоб.

\* \* \*

Хоки пойи бўлди жони хоксорим қон ютуб,  
Ким чиқиб лаълини ўпгай риштайи зулфин тутуб.

Зулфин очқонда занах ҷоҳига тушгай минг қўнгул,  
Қўймаса ул ҷоҳ уза руҳсори шамъин ёрутуб.

Ишқ мухриқ даштини қатъ айламак душвор эрур.  
Кирмасам оҳим ели бирла ҳавосин совутуб.

Қўйгали мойилмену ҳажрига йўқ, ваҳким, мени  
Айлади рози иситмоққа ўлумдин қўрқутуб.

Дер эмиш, бир қун келиб қўнгли яросин буткарай,  
Келса бутгил, эй кўнгул, бу сўзга худ бўлмас бутуб.

Даҳр бўстонида қилмоқ сайр айлаб ҳою хуй  
Ҳараа кезмакдур ҳаётинг қушларини ҳуркутуб.

Жоми васлингдинки, элни тиргузурсен, бил яқин,  
Ким Навоий ўлгуси хунобайи ҳижрон ютуб.

\* \* \*

Мендин ул чобукнинг, эй пайки сабо, майдонин ўп,  
Кўйига бошим ниёзин еткуруб, чавгонин ўп.

Бодпойи сайрига ҳамтаклик айлай олмасанг,  
Ерга мендин юз қўюб кўрган сойи жавлонин ўп.

Гар аёғи рахшининг ўимак мұяссар бўлмаса,  
Қўз солиб ҳар ердаким тоңсанг аёқ босқонин ўп.

Қоши ёси ғамза ўқин отса, ваҳ, мен хастадин,  
Кўзларингга суртубон сувфорини, пайконин ўп.

Кулса лаъли, ваҳки, қолмас менда бир ўпгунча ҳуш,  
Ҳашв эрур, қўнглумки, айтурсен лаби хандонин ўп.

Пок этак истар эсанг, бир пок этаклик истабон,  
Хоки наълангиға юз қўй, гўшайи домонин ўп.

Эй Навоий, Каъбайи мақсад васлин истасанг,  
Шоҳи Фозий қасрининг даргоҳи олий шонин ўп.

\* \* \*

Қасри жоҳингга сипеҳр авжида айвон бўлди тут,  
Ҳам сипеҳр осийидин ер бирла яксон бўлди тут.

Лаъли руммоний тиласен дам-бадам зийнат учун,  
Қатра-қатра бағринг андин нордек қон бўлди тут.

Нафъ чун қуймактив ўзга қўрмагунг парвонадек,  
Бир қуёш ҳар тун санга шамъи шабистон бўлди тут.

Дайр қасди қилмагил ҳар лаҳза ошиқ бўлгали,  
Қасди дининг қилғасен бир номусулмон бўлди тут.

Истадинг дунё арусин туштаги маҳбубдек,  
Топмас эркач ком лаълидин, пушаймон бўлди тут.

Шўхлар қошин тиларсен, лек андоқким ҳилол  
Жонга етганда кўрунгач кўзга пинҳон бўлди тут.

Бир муганийидин наво топмоқ тиларсен чангдек,  
Эгри қад бирла ишинг фарёду афгон бўлди тут.

Кўси шавкат етти дўзахқа эшик қоқмоқ дуур.  
Бас ети иқлим мулки узра султон бўлди тут.

Эй Навоий, ўзни жамъ эт, йўқса олам маҳзанин  
Қон ютуб жамъ айлабон ўлгач паришон бўлди тут.

\* \* \*

Бузук кўнгулга фано бўлса ком чексун ранж,  
Ки ранж чекмаса ҳаргиз мұяссар ўлмас ганж.

Агар кишига чекиб ранж ганж бўлди насиб.  
Деса бу ганжни асрой, йўқ андин ортуқ ранж.

Кишики нақдини вазн айлабон қилур мадфун,  
Бу гуссасанждор, олғон киши фарогатсанж.

Йилон киби, не ажаб, ганж асрарон кишининг  
Ҳамиша комида гар заҳр эрур, танида шиканж.

Замона жоҳи учун ҳар ғулулайи ташвиш,  
Ки келса кўнглинг һини анга қилурсен ханж.

Десангки, фард ўлай элдин, кўнгулни холи тут,  
Ки тоқ дерлар агар ханж сори отсанг ганж.

Боши қуйидурур озода савсан оллида,  
Чу нарғис ўлди чаман маҳзанида нақдул фанж.

Тариг киби суюлур талхомлиқ бирла,  
Тариг-таригки йигиштурди олтунин норанж.

Итур кўнгул ҳарамидин хавотир асномин,  
Навоий, ўлса мақоминг Мадина, гар Афранж.

Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,  
Эрур андоқки қушлар қичқиришқайлар йилон кўргач.

Қўнгул чокин кўзумда ашки рангин элга фош этти,  
Балиғ захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач.

Кўзум қон ёш тўкар, нетиб қўнгул захмин ёшурайким,  
Топарлар ерда захмин сайд қонидин нишон кўргач.

Бўёлғон қон аро жон пардаси етгач ғами ҳажринг,  
Қўнгул боғида баргедурки, ол ўлмиш хазон кўргач.  
Хадангинг захми ичиндин балоларни юғон ёшим  
Эрур тифлеки, олгай күш боласин ошён кўргач.

Қўнгуллар нақдими торож этарга ёпмогинг бурқаъ  
Анингдекдурки, юз боғлар қароқчи карвон кўргач.

Юзин зулф ичра то кўрдум, ўлуб васлига етмасмен,  
Фалат эрмиш юз урмоқ кечада ўтни ҳар қаён кўргач.

Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,  
Бас, эл комин раво айла ўзингни комрон кўргач.

Навоий, хурдайи назминигни андоқ айладинг таҳрир,  
Ки сочқай хурда бошиниг узра шоҳи хурдадон кўргач.

\* \* \*

Гириҳ-гириҳ чу тугарсен — етар аёғинга соч.  
Гириҳларин чу очарсен — тушар қулоч-қулоч.

Қўнгулни қийди итиқ гамзасию қилмади раҳм  
Қиё-қиё боқибон ул икки қўзи қиймоч.

Чаманда кечада ётиб маст оразин ёпмиш,  
Қўп эмди, тонг ели, ул гулни лутғ бирлан оч.

Қалинг чаманда кўруб багбон агар сарвин  
Қўзига илса, ҳамоно керактур анга йигоч.

Жунунига тушти санубар қадингдин уйлаки сув,  
Бўлуб аёғига занжир узалди бошида соч.

Сипеҳр наъл кўруб кўксум узра меҳробе,  
Бало ўқига ҳамоноки айлади омоч.

Навоийё, дер эсанг кўрмайин вафосизлиқ,  
Таваққуф этма, замон аҳлидин вафо киби қоч.

\* \* \*

Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,  
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг?  
Е юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?

Тийғ ила пайконларинг етти қўнгул бўлгоч хароб,  
Сув қуюб тухм эктинг ул кишварни вайрон айлагач,

Қон эмаским ёнти гулгун ҳулла жаннат хозини,  
Ишқму тани шаҳид айларда урён айлагач?

Ошкор айлаб юзин кўзумни ҳайрон айлади,  
Ёштурун олди қўнгул кўзумни ҳайрон айлагач,

Жонда қўйғоч нақди ишқин қилди кўнглумни ҳалок,  
Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.

Эй Навоий, ишқ агар қўнглунгни мажруҳ этмади,  
Бас, недурким қон келур оғзингдин афғон айлагач?!

\* \* \*

Кўнгулни мугбача олди, мугона тут ақдоҳ,  
Ки йўқ салоҳ ила бўлмоғлиқ эмди бизга салоҳ.

Бир ой фироқида беҳудлуғ истарам, тўла тут,  
Агар қилиб эсанг афлок журмидин ақдоҳ.

Ҳалол бўлди ҳарботи ишқ ахлига май,  
Тутарбиз аҳли вараъ, кимки они тутса мубоҳ.

Ҳаётбахш майинг руҳ эмиштук, эй соқий,  
Магарки вовини иъзол этиб, қилибсен роҳ.

Йўқ эрса жисмда ул ҳосил айлаган қондин,  
Ҳаким не учун ажзосини деди арвоҳ?

Сабоҳ майкада боғлиқтуру хуморим тунд,  
Таажжуб этманг агар зикрим ўлса «ё фаттоҳ».

Не эрди майкада гавғоси, раз қизин гўё  
Бу шом қилди Навоийға пири дайр никоҳ.

\* \* \*

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,  
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.

Замон аҳлидин уз пайванд, агар десанг бирор бирла  
Қилай пайванд бори қилмагил ноаҳл ила пайванд.

Кўнгул комини қўй, гар худ менинг девона кўнглумни  
Топарсен уйла юз нарканду сол ҳар итга бир нарканд.

Эшитмай халқ пандин, турфаким панд элга ҳам дерсен,  
Қила олсанг эшитгил панд, сен ким — элга бермак панд?!

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлгил  
Гадолиг нонига хурсанду бўлма шаҳга ҳожатманд.

Бўлуб нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса душманни,  
Санга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.

Шакар лаблар табассум қилгонин кўргач кўнгул берма,  
Ки бедилларни аччиғ йиглатур охир бу шаккарханд.

Жаҳон лаззотини ширин қўрарсен, лек бандингдур,  
Гирифтор ўлма, воқиф бўлки, қанду қайдур эрур монанд.

Кўнгулдин жаҳл ранжи дафъи гар истасанг, бордур  
Навоий боғи назми шаккаристонида ул гулқанд.

\* \* \*

Қошинг меҳробини васл ахли этмиш қиблай мақсаду,  
Бошим юз қатла урсам ерга ҳажрингдин, манга не суд?

Ичимда ишқдин юз барқу дам урмоққа заҳрим йўқ,  
Үй ичра ўт солиб, ваҳ, мушкил эрмиш асрароғлиғ дуд.

Яда тошига қон етгач ёғин ёққандек, эй соқий,  
Егар ёмғирдек ашким чун бўлур лаълинг шароболуд.

Чу қўйдунг доғ, тиндурудунг кўнгулни дардинг истардин,  
Дира муроди гадони уйлаким қилгай киши хушнуд.

Жунун бу бўлсаким ёғди париваш тифллар тоши,  
Муносибдур бу тошлар ақл эшигин қилгали масдуд.

Тўкулди гул, фигон бас қилди булбул, шукрким, бори  
Сенинг ҳуснунг менинг ишқимда нуқсон бўлмади мавжуд.

Туну анжум дема давронга роҳат қилмасун деб майл,  
Қазо гулмихлар қоқти қилиб гардунни қийрандуд.

Хароботу муножот аҳлининг матлуби сендорсен,  
Менга кўрсатмасанг йўл, найтайин, қай соридур беҳбуд?

Навоий, Каъба зикрин қўйки, биз дайри фано истаб  
Заҳабно водиял — мақсад, важадно моҳувал — мақсуд.

\* \* \*

Айламас ҳар навъ бўлсан ул бути раъно писанд,  
Бўлмагон кўп яхшироқ оламда мендек нописанд.

Умр ўтуб, бир хизматим ул ой писанди тушмади,  
Ваҳ, не умр эрур, не қилсан айлагай, оё, писанд?

Ёр агар мушкілписанд ўлмиш, кўрунг мушқулки, бор  
Менда юз мушкил ишу қилмас бирин аммо писанд.

Ишқида қилдим жаҳондин қатъу жондин ҳам, не суд,  
Чунки ул жону жаҳоним айламас қатъо писанд.

Эй кўнгул, қуйдур тамаъ тухмин, таманно мазраъин,  
Бу экин невчунки ҳаргиз айламас доно писанд.

Давлати фақр истагил, невчунки бор ул қўй аро  
Сидқ ила киргач агар аълову гар адно писанд.

Чун фано шолини кийдим, атласинг йиг, эй синеҳр,  
Ким бу бозор ичра эрмас ҳаргиз ул коло писанд.

Соқиё, бир ўтки, кул қилғай вужудим хирманин,  
Айламон ҳайвон суйинким, айлагай иҳё писанд.

Бу не ақлу зуҳд бўлғай, зоҳидоким, қилмагай  
Мен киби оламда бир девонайи расво писанд.

Кеч бу боғу гулларидин ҳам, Навоийким, эмас.  
Аҳли таҳқиқ оллида дунёву моғиҳо писанд.

\* \* \*

Топқали хокий танимга новаки ишқинг күшод,  
Кўнглум айтур хайр мақдам, жоним айтур хайрбод.

Хатмудур ёхуд баёзида юзининг килки сунъ  
Хўблуг тугросини зангор ила қилди савод?

Хаттининг васфин ёзармен кирпиқу холи била,  
Хат ёзарда чўн заруратдур қалам бирла мидод.

Кирди гар шайдо кўнгул, эй ишқ, носиҳ наидига.  
Гам ема, девоналар хўйига бўлмас иътимол.

Бу нафаским ўлгали етмишибиз онинг ёдидин,  
Ул Масиҳо бир иёдат бирла қилмас бизни ёд.

Таън қилмангким, бўлуб ошиқ, муроде топмади,  
Ким эрур бизга бу иштин номурод ўлмоқ мурод.

Эй Навоий, гам ема бошингга бўлсун мустадом,  
Улки бордур вориси тахти Жаму тожи Қубод.

\* \* \*

Кирди сиймобий либос ичра яна ул гулузор,  
Ул қуёшдекким, анга мониъ бўлур абри баҳор.

Ул булут янглиғ либос узра сизилғон хатлари  
Бор анингдекким, ёғин тушгай булутдин тор-тор.

Бу либоси сиймугун ичра сенинг нозик танинг  
Ул кумишдекдурким, ул сиймоб аро тутқай қарор.

Мехри рухсоринг либоси сиймундин мутлақо  
Ул қуёшдурким, қилур кўзгуда аксин ошкор.

Бўлди сиймобий либосинг ранги баским, айладим  
Кўз саҳобидин бошингга ашқ сиймобин нисор.

Танни чун сиймоб этар бу чархи ахзор оқибат,  
Тўн агар сиймобий ўлғун, гар яшил, ҳукми бор.

Эй Навоий, кисвати гар обгундур, не ажаб,  
Бу яқиндурким, бўлур сув ичра дурри шохвор.

\* \* \*

Ҳар қачонким кемага ул ой сафар раҳтин солур,  
Мавжлуқ дарё киби ошуфта кўнглум қўзғолур.

Йиглама, эй кўз, недин соҳилга чиқмас кема деб,  
Кўз ёшим дарёсидур ҳар сориким эл кўз солур.

Титрабон сиймобдек кўнглум, этар жон оғзима,  
Тунд ел таҳрикидин ҳар дамки дарё чайқолур.

Сабр кўнглумда, кўнгул ул ойда, ул ой кемада,  
Ваҳни, бориб, телмуруб кўз, мунграйиб жоним қолур.

Дам тутуягандин ўлар элдек етибмен ўлгали,  
Сурмасун деб кемасин баским нафаслар асролур.

Кирма савдо баҳрида оламдин истаб судким,  
Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийголур.

Гарқ этар баҳри фано гам заврақин, эй пири дайр,  
Изгига чунким Навоий бода киштийсин олур.

\* \* \*

Барги гул юзиңда лаълинг рашикидин хуноблар,  
Гўнча кўнгли ичра ёғзинг ҳасратидин тоблар.

Сафҳаедур оразим дебоча ишқ авроқига,  
Кон ёшимининг хатлари шингарф бирла боблар.

Анким артилгон учун ҳам бўлмамиш киршикларим,  
Ким ясабдур кўз хаёлин чеккали қуллоблар.

Ҳажридин кўзларгаким ашқ эврулур, ул ашқ эмас,  
Ким эрур дарду бало дарёсига гирдоблар.

Айбим этманг, бош кўтармайдур дебон хумхонадин,  
Қилмайинму сажда топсан бу сифат меҳроблар?

Ҳажр аро икки кўзум ичра белингниңга нақшидур,  
Ўткарур тунни хаёл айлаб кеча бехоблар.

Рўзгорин қилди мазлум охининг дуди қаро,  
Кўрма золим хилватининг кўргасин синжоблар.

Терга ботқон гармрўлардин магар дафъ айламиш.  
Ўзлуки чиркин таҳарруқдин ирик мошоблар.

Дўстлар, мискин Навоий тийра шомин ёд этинг,  
Ер ила жоми ҳилолий чексангиз маҳтоблар.

\* \* \*

Кўзум ёшики, юрак қонига тутош кўрунур,  
Берур қонимга тонуғлуқ, агарчи ёш кўрунур.

Лабини сўргали, ақлим жунунга бўлди бадал,  
Май ичса тез ўлур эл, согда гар ёваш кўрунур.

Шикаста кўнглума оз гам бўлубтуур қуллий,  
Кесак қаноти синуқ қуш кўзига тош кўрунур.

Не кунки юзини қўрсам, тушумга кирса, не тонг,  
Қўёшқа боқсаю кўз юмса ҳам, қўёш кўрунур.

Не руд оқиздинг улус қонидинки, тегрангда  
Назарга сой тошидек неча боқса, бош кўрунур.

Муг эшигин турадек ёп юзинггаким, гардун,  
Қўёш синони чекиб таврида савош кўрунур.

Навоийнинг бу намози не навъ экин, ё раб,  
Ки сажда вақти кўзига ул эгма қош кўрунур.

\* \* \*

Борди улким, сендин айрилғай кўнгул то жони бор,  
Жаврунгга қўйдум кўнгул, қил ончаким, имкони бор.

Эй Масиҳим, мен қатили ишқмен, тиргуз мени,  
Бир нафас, дедим қабул этким, нафаснинг жони бор.

Новакинг етгач, ики нов очти ашким суйидин,  
Бўйи ул новакнинг икки новлик пайкони бор.

Хозини жаннат сени учмоғ гуликим бас манга,  
Буки ҳар ён тийгининг жисимимда томгон қони бор.

Ёрса кўксумни, фифон зоҳир қилур жон риштаси,  
Кўнглак ўлса чок, узулган торнинг афғони бор.

Жон қуши учқач, туз этти жисм уйин сели фано,  
Эй хумоюнфол ўшул чугзеки, бир вайрони бор.

Шайху бир бодому қон ютмоқки, пири дайрнинг  
Нуқл ила майдин фано аҳлига кўп эҳсони бор.

Даҳр шўхи макрига берма қўнгул, йўл баргин эт,  
Сен киби ҳар гўшада невчунки юз меҳмони бор.

Лаъли ҳажрида Навоий қони қайнар демангиз,  
Янги майдек руҳидурким, нолайи пинҳони бор.

\* \* \*

Товушким уй тошидин келса, дермен багри тошимдур,  
Эшиқдин соя киргач, согинурменким қўёшимдур.

Ичинда төғнинг қон, тошида юз минг бало тоши,  
Онинг тошу ичи мутлақ дегайсен ичу тошимдур.

Эмастур гарду гўй ул шўх майдонида, гўёқим  
Бири фарсуда жисиммидур, бири саргашта бошимдур.

Сиришкимни жигар парголаси бил, доғи қўза нури,  
Қўнгул сиррини, ваҳким, зоҳир этган ушбу ёшимдур.

Демай, паст ўлди афғоним елидин нахли айшимким,  
Бу нахлим араси муҳлиқ фигон ичра харошимдур.

Урармен ерга бошимни гамингдин жон талошурда,  
Фироқинг хайли бирла ул урушум, бу талошимдур.

Ёмон ҳолимга ҳайрат қилманг, эй Фарҳод ила Мажнун,  
Буқун сиз меҳмонсизким, тараф бирла маошимдур.

Фалак қасри била қавн муттакосидин деманг сўзким,  
Фано дайри маконим, фақр туфроги фарошимдур.

Дедимким: «Тушта меҳроб ичра кўрдум кофири масте»,  
Деди: «Кўргил, Навоий, кўз очибким, кўзу қошимдур».

\* \* \*

Не лўливашдур ул қотил, ки қон тўқмаккадур яксар.  
Қиё боқмоқлари—поки, итиқ мужгонлари—ништар.

Юзидиким хижилдур гул, паришон ҳар тараф кокул  
Сочиб гулбарг уза сунбул, тўқуб кофур уза анбар.

Югурмакликда ҳар гунбад, ки секрер ул маҳи гулқад,  
Гули меҳр олдорар беҳад, уёлур гунбази ахзар.

Чу лаъб асбобини тузди, саломат риштасин узи,  
Қамардек ҳола кўргуади, узори давридин чамбар.

Либоси нози часпондур, гаҳи туз қадди чавгондур,  
Замоне гўйи галтондур, зиҳи чобук, зиҳи дилбар.

Бошиға сим ўлуб паррон, тушуб гирдига анжумсон,  
Тулув эткан киби ҳар ён қамар атрофида ахтар.

Тўкуб қон неши ғам бирла, очиб майдон ситам бирла,  
Олиб таблу алам бирла кўнгуллар кишварин яксар.

Жунун шаъин қилиб равшан, кўнгулга телбаликдур  
фан,

Паридек бўлгали парранда ул шўхи пари пайкар.

Навоий бўлди лўликаш ики келмис анга лўли хаш,  
Қани бир жоми лўликаш, ки лўли тутса бир согар.

Тамаъ қилма фалакдин ком, ким ханжар қилур ошом  
Янги ой шаклидин ҳар шом ул лўлийи бозигар.

\* \* \*

Оразинг хуршиду оғзинг заррадин тимсол эрур,  
Зарра узра нуқта янглиғ оғзинг узра хол эрур.

Кокулунгдур мушку устида гириҳ мушк узра «мим»,  
Қоматинг шамшоду зулф остида тушган «дол» эрур.

Қошу қадду аулфидин пайваста то наълу алиф  
Танда кестим, ноладин озурда жиссими нол эрур

Чун дедим, холинг била кўз мардумининг ҳоли бор,  
Деди улким: хол дайсен, нуқтасиз ҳам хол эрур.

Нуқта дер ҳолатда тор оғзингни кўргузган лабинг  
Гўйиё занбур нешидин тешилган бол эрур.

Дурдкашмен пири дайр олдида мақбул ўлгали,  
Давлат ахлиниң қабули, кўрки, не иқбол эрур.

Соқиё, гар давр таъжаилин кўруб қон йигламас,  
Бас, Навоийдек сурохий ашки невчун ол эрур?

\* \* \*

Ҳаёт богида то сарву лола бўлгусидур,  
Менинг мумидди ҳаётим пиёла бўлгусидур.

Сурохий ўлгусидур манга сиймтан маҳбуб,  
Бошида қил анга мушкин кулола бўлгусидир.

Ҳаёт гулшани муғ қулбасию мугбачанинг  
Юзию қадди манга сарву лола бўлгусидур.

Не айб, базмим ичинда ҳазин фигонки, суруд,  
Ангаки қон ютар, албатта, нола бўлғусидур.

Қадақки, холима қон йиғелар, эмди оҳимдин  
Сиришки қатраси гулранг жола бўлгусидур.

Дединг фано недурур, мухтасар дейин: ўлмак,  
Ки шарҳини тиласанг, юз рисола бўлгусидур.

Қачон май ичра юзунг акси тушса, эй соқий,  
Пиёла даври ўшул ойға ҳола бўлгусидир.

Навоий, истама кавсар майини зуҳд била;  
Ки бода ичкучи элга ҳавола бўлгусидур.

\* \* \*

Оразинг қўяғусиму тер касратидин судадур?  
Ёхуд ул ораз суйининг аксиму қўзгудадир?

Дема айни ноздин ул кўз очилмайдурки, бор  
Кофириким мастилиқ ифротидин уйқудадур.

Топмогим ўзни маҳол ўлмиш фироқинг шомиким,  
Тоб ародур хаста жисму тоб ул гисудадур.

Сен уварсен новаку қўкеум шикоғидин қўнгул,  
Қўргалий келмиш, хато қилмаки, хуш қонудадур.

Сажда қўймоқ не тафовут Каъба ёхуд бутғаким,  
Қоши меҳроби қаён қилсан сўжуд ўтрудадур.

Ўлмагимдин зулфунигта гўё паришонлиғ ётиб,  
Мотам аҳлидек қўйи солиб бошин қайғудадур.

Нух умрию Сулаймон мўлкига йўқтур бақо,  
Ич, Навоий, бодаким, олам гами беҳудадур.

\* \* \*

Бу тоза туганким гамидин кўнглум ародур,  
Кўнглум қуши гам даشتни аро бағри қародур.

Жисмим аро пайкопнинг эмас ҳар сори, гўё,  
Ҳар гўшада ёмғур суйи гам тоғи ародур.

То бояни ҳалокимда не гулларки очилгай,  
Захмимдағи қон сув киби тинмайки бородур.

Жонимни чиқармоқча агар йўл ясамас ишқ,  
Гам тийги недин ҳар сори қўксумни ёродур?

Гам шоми деманг субҳки кўк шамъин ўчурган,  
Ашким сувидур улки, йироқтин оқародур.

Кир водийи ишқ ичра енгилракки, бу йўлда  
Ўзлук юкини ташламагон асру ҳородур.

Майхона Навоийғаву зоҳидга ики кавн,  
Ким анга гараз икки сародин бу сародур.

\* \* \*

Сочбогингдин чиққон, оё, сунбули пурчинмудур?  
Ё терисин солгон икки афъийи мушкинмудур?

Иффатингдиндурмуким меъжар юзига тушти чин,  
Ёхуд анда зеб учун машшота солгон чинмудур?

Нўшханд этганда лаълингдин қўрунмишму тишинг,  
Англамон, ёхуд асал ичра ёзилгон «син»мудур?

Сунбулин кўргач, кўзум булди қаронгу, эй сабо,  
Сочи мундоғ тийра ёхуд сочбоги эпкинмудур?

Чиқса ақдингдин аруси даҳр, бергил нақди жон,  
Демагилким, хунбаҳодур ушбу ё кобинмудур?

Даҳр золин гар десам Фарҳодкуш, айб этмангиз,  
Гар эмас Фарҳодкуш, охир денгиз, Ширинмудур?

Шавқ ўти топқач сукун дерсенки, ишқи таркин эт,  
Эй Навоий, бир нафас бу шуълаға таскинмудур?

\* \* \*

Нетиб туз этай қадким — жисмимда шиканлардур,  
Найлаб туз урай дамким — бағримда тиканлардур.

Тирног ила хатларким рухсорим узра чектим,  
Юз боғида гуллардин ҳар сори чаманлардур.

Юз ёптию жон олди, очқанда равон олди,  
Ўлтургали ошиқни, билмон, бу не фанлардур.

Зулфунгда тугун эрмас, кўюнгда губор эрмас,  
Афтода кўнгуллардур, фарсада баданлардур.

Юз аҳд ила маҳвашлар кўнглумни олиб, эмди  
Қатл айладилар, асру бадаҳд эканлардур.

Майхонада ҳар сори бир мастки бош қўймиш,  
Кирпичлари гўёким жонларга ватанлардур.

Жисмида Навоийнинг юз момук ила марҳам,  
Бир неча ўқунг заҳми бир неча туганлардур.

\* \* \*

Юзунгда зарварақ ҳар ёнки лутфи бениҳоятдур,  
Жамолинг муссафида ҳар бири гўё бир оятдур.

Сочингда зарфишон чеҳранг залолат шомида ҳар ён  
Тажалло машъалидин ёругон шамъи ҳидоятдур.

Юзунгда нил холи равза ичра нилуфар шибҳи,  
Бинафша гулшан ичра юзда нилингдин киноятдур.

Кўнгул сайдига очма сунбулунг домин, юз очфилким,  
Гул-ўқ очилса, қайд этмакка булбулни кифоятдур.

Эл ичра кўпдурур афсона Лайло ҳуснидин, лекин  
Сенинг ҳуснунгга ташбиҳ этмак они не ҳикоятдур?

Кўнгул қонин кўп ул хунхора кўз ичти, эмас, гўё  
Юзунг гулгунадин гулгунким, ул қондин сироятдур.

Дема, туш вақти ул юз кундин ортуқтур, муни кўргил,  
Ким ул ёндин ниҳоят бўлса, бу ёндин бидоятдур.

Эрур бедод боринда тараҳхум дўстдин, юз ҳайф  
Ангаким, шукр боринда иши доим шикоятдур.

Навоийга кўнгул бердингки, жонни олғасен бир кун,  
Эрур ўз нафъи шаҳдин гар раиятга риоятдур.

\* \* \*

Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқийдур ҳануз,  
Нотавон кўнглумда ул ой иштиёқидур ҳануз.

Гарчи ўзга ёр истар хотирим, бордур валек  
Жон анга манзил, кўнггул онинг висоқидур ҳануз.

Файр ишқи кўнглум эвинда нечун қилғай нузул,  
Ким хаёли маскани кўзум равоқидур ҳануз.

Ишқ ила май таркин, эй носиҳ, не навъ айлай қабул,  
Ким кўнгулга орзу ул турфа соқийдур ҳануз.

Фурқат ўти дофиъи дод ўртамакдур демаким,  
Ўртаган жоним ул ой доди фироқидур ҳануз.

Чарх ёлғуз қилмади Фарҳод қонин лолазор,  
Лола қонин тўқкучи онинг нифоқидур ҳануз.

Эй Навоий, гарчи мени меҳрсиз дер эрди ёр,  
Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқийдур ҳануз.

\* \* \*

Юзунг фироқида ҳар оҳ ўтинки чектим тез,  
Ул ўт шароралари бўлди ҳар тараф гулрез.

Қазо мусаввири гўё ҳал этти лаълий ранг,  
Лабинг ақиқини айлар маҳалда рангомез.

Лабинг малоҳати гавғо қўпорди оламдин,  
Шакарни буйла киши қайда кўрди шўрангез?

Итингки шерзабундур, анга тона олмон  
Десам, кўрай ани бошимдин ўзга дастовез.

Чу келди хасталиғим сўргали қадаҳнўшум,  
Кетур пиёлаки, ўлсам ҳам айламон парҳез.

Десанг замона ситетини ҳар замон кўрмай,  
Замонни хуш туту қилма замона бирла ситеz.

Гули сабоҳ юзин қўрмагайсен, эй булбул,  
Бу гулшан ичра Навоийдек ўлмасанг шабхез.

\* \* \*

Даҳр судидин тамаъ узким, зиёне беш эмас,  
Умрни тутқил ганиматким, замоне беш эмас.

Үй бино айлаб ажабдур элни меҳмон айламак,  
Улки бу уй ичра беш кун меҳмоне беш эмас.

Қўй тавонолиқ сўзин, ёд эт ажал хоринки, пил  
Пашшалар ниши қошинда нотавоне беш эмас.

Кир, фано дайридаким, ҳар шайху юз савдо анга,  
Улки отин ҳонақаҳ қўймиш, дўконе беш эмас.

Эйким, ўлмиш хилъатинг зарбафт, бори билким, ул  
Маъни аҳлини қулдурурга заъфароне беш эмас.

Мehr тоҷу ҷарх таҳтинг бўлса ғофил бўлмаким,  
Мehr бемехру фалак номеҳрибоне беш эмас.

Шаҳға иш эл фикрини қилмоқдур улким, зебким,  
Бир суруқ қўйдур раоб, уш шубоне беш эмас.

Гар Навоий истади оворалиғ, эй аҳли ҳуш,  
Фам еманг, девонайи бехонумоне беш эмас.

Авжи давлат узра бўлсун доимо Билқиси аҳд,  
Ким Зуҳал қасринда ҳар тун посбоне беш эмас.

\* \* \*

Кийик ҷарми заиф эгнимга мажнунлуғ нишони бас,  
Жунун тоши синуқ бошим уза қуш ошёни бас.

Дамингни асрар, эй Исоки, ранжим дафъига ҳар кун,  
Гизо ул ой қиличи заҳмининг бир қатра қони бас.

Сену ҳайвон суйи, эй Хизр, тутқил тарки жонимким,  
Манга ёр оллида ўлмак ҳаёти жовидоний бас.

Шаҳу иззат саририким, агар будур жаҳон жоҳи,  
Манга идбор қўйида мазаллат хокдони бас.

Ғанию қўнглида пинҳон дирам фикрию ишқ ўти  
Менинг қўнглумда кўйдургон неча доги ниҳоний бас.

Сангаг кавсар суйиу лаҳни Ҷовудийки, дайр ичра  
Муганий нагмаси бирла манга жоми мугоний бас.

Ҳаводис дафъига шаҳ кўк ҳисори узра гар чиқсан,  
Ки факр ахли учун дайри фано дорул-амони бас.

Фигонким, лутфу қаҳрига тафовут йўқни ҳам англаб,  
Фано аҳлига жаврин қилмади бу дайри фоний бас.

Навоийдек ўлар ҳолимда деманг ҳуру жаннатни,  
Сизинг барчаки бу оворага бир кўрмак они бас.

\* \* \*

Мени саргашта жисмин дөғ ила қон лолазор этмиш,  
Қуюн ёхуд тўкулган лолазор ичра гузор этмиш?

Танимдин қон чиқорғон ҳар тараф пайконларинг гўё  
Эрур ёмғурки, туфроғдин чечаклар ошкор этмиш.

Кўнгул бирла сўнгак манқал аро ўту ўтундектур,  
Маломат тошларин то чарх теграмдин ҳисор этмиш.

Юзин май гул-гул этгандин харош эрмас унум, балким  
Кўнгулда хор-хори нолам андомин фигор этмиш.

Лабинг жонимга солған шуълалар ичра қазо гўё.  
Улуғроқ лаълдин ахгар, кичикракдин шарор этмиш.

Бўла олсам улусқа ул қўёшли кўргали мониъ,  
Не ғамдур, гар йўлида чарх жисимин губор этмиш,

Халоким билгай улким, бордур ул янглиғ жафокори,  
Ки таврин ҳусн бепарволиги олуфтавор этмиш.

Кабутар қаср буржида эмае шаҳ шастидин эмин,  
Хушо ул чуғаким, вайрониа кунжин ихтиёр этмиш.

Маоф эрмас қаён гом урса раҳрав ноқайи жисмин.  
Нафас торин қазо чун бурниға онинг миҳор этмиш.

Муганний нағмаси жон берса базм аҳлига, тонг  
йўқким,  
Навоий риштайи жонин эшиб, чангига тор этмиш.

\* \* \*

Оразин ёпқач кўзумдин сочилик ҳар лаҳза ёш.  
Уйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қўёш.

Қут бир бодому ерим гўшайи меҳроб эди,  
Горати дин этти ногаҳ бир балолик кўзу қош.

Бу дамодам оҳим ифшо айлар ул ой ишқини,  
Субҳнинг бот-бот дами андоғки айлар меҳр фош.

Бўсае қилмас муруват, асрү қаттиқдур лабинг,  
Десам оғзи ичра айтур: лаъл ҳам бор навъи тош.

Новакинг кўнглумга киргач, жон талашмоқ бу экин,  
Ким қилур пайконини кўнглум била жоним талош.

Умри жовид истасанг фард ўлки, бўстон Хизридур  
Сарвким, дъяб айлади озодалиқ бирла маош.

Қоши оллиңда Навоий берса жон, айб этмангиз,  
Гар будур меҳроб, бир-бир қўйгусидур барча бош.

\* \* \*

Тузмагай эрди қазо бу жисми вайронимни кош.  
Чунки тузди, солмагай эрди анга жонимни кош.

Тан уйига жонни солгач, қилмагай эрди муқим,  
Ул уй ичра кўнгул отлиғ зори ҳайронимни кош.

Бўлди чун жону кўнгил бори назар шамъи била,  
Қилмагай эрди мунаввар чашми гирёнимни кош.

Чун адам саҳросидин келдим вужуд айвонига,  
Бузгай эрди марг селоби ул айвонимни кош.

Чун тузалди жисм уйи, қовғай эди ондин равон  
Йўқ кўнгула — девонайи расвойи нодонимни кош.

Чун ани ҳам қовмади, кўр этса эрди тиг ила  
Иқўз деган қон ёш ила олуда домонимни көш.

Чун бу доги бўлмади, қилмаса эрди жонима  
Чунча зебову малиху шўх жононимни кош.

Чун бу янглиғ бўлди жонон қўйса эрди марҳаме  
Гаҳ-гаҳи кўргач кўнгулда доги ҳижронимни кош.

Ишқ ичинда чора ўлмакдур Навоий дема, ҳақ  
Рўзи этгай лаъли жонбахш оби ҳайвонимни кош.

\* \* \*

Борғонингдин жон талашмоқ эрди мен маҳзунға иш,  
Келдингу жонимни олдинг: ул боришга — бу келиш.

Васл ошиқ жонидур, мен жон талоштим ҳажр аро,  
Ҳажр бориб, васл етгач, ўлмак эрур турфа иш.

Тиги то қўксумни ёрди нола қилмон заъфдин,  
Рост андоқким, қўяр ағфонни чок ўлгон қамиш.

Киймамиш ул сарв гулгун тўнки, тонг эрмас, бу ранг,  
Нахлким кўз борида қон бирла топти парвариш.

Иътидоледур ҳавои ишқ ароким хуш кечар  
Совуғ оҳим бирла ёзу қўнглум ўти бирла қишиш.

Жисмим узара бор янги бутган қўкумтул доддек,  
Сўзи ҳажрингдинки урдум ғуссадин ҳар ерга ниш.

Кишу синжобини, тонг йўқ, кийса музий бозгун,  
Ким чиқармиштур кишилиқдин ани синжобу қишиш.

Туз бўйл ўқтек гар тиларсен авж, ёқим әгридури —  
Давр ҳар бир гўшадин бўғазига солибтур кериш.

Эй, Навоий, ҳар дам ул ой меҳри ортар қўнглума,  
Гарчи йиллардурким, ул тарки муҳаббат айламиш.

\* \* \*

Васл шоми хилватимда ёқсалар ногоҳ шамъ,  
Рашқдин жонимни гоҳи соя ўртар, гоҳ шамъ.

Равшан этса уйни дилҳоҳим, ёрутманг шамъким,  
Шамъни базмим бўлди чун дилҳоҳ, эмас дилҳоҳ шамъ.

Урмасун кўп лоф куймақдинки, хижрон тунлари  
Тузмас эрди оллида тортай десам бир оҳ шамъ.

Риштайи жони куяр ашки оқиб, жисми эриб.  
Тийра шомим зулмидин бўлмиш магар огоҳ шамъ.

Оҳим андоғ тийра қилди қўкниким, тоғмас ўзин  
Гар қуёшдин ёқмаса Исойи Руҳуллоҳ шамъ.

Топса ҳирмон зулмати ичра, не тонг, ҳайвон суйин,  
Кимгаким бўлса ҳидоят нуридин ҳамроҳ шамъ.

Ҳажр аро истар жамолинг ҳам Навоий, ҳам кўнгул,  
Ким тиларлар тийра тунларда гадову шоҳ шамъ.

\* \* \*

Зиҳи азалда карам айлабон санга халлоқ,  
Карими хилқат ичинда макорими ахлоқ.

Сипеҳр гунбазини равшан этгали зотинг  
Чароғ ўлуб, анга қандил арсайи оғоқ.

Нужум кўзларини гарди маркабинг ёрутуб,  
Гаҳики секритибон чарх соҳатида Буроқ.

Рикобинг ўпмагининг орзусида ою қун  
Бериб Буроқинг учун ўзларига шакли чаноқ.

Ҳилолу меҳру шиҳоб ўлди наълу доду алиф,  
Фалакка бўлғали сендин насиб дарди фироқ.

Сипеҳр ҳар кеча юз минг кўзин недин юммас,  
Висолингга яна бир кеча гар эмас муштоқ?

Мақомингга етайн деб Навоий айлар сайр,  
Гаҳи Ажам била Неруз, гаҳи Ҳижозу Ироқ.

\* \* \*

Санга иш жавлон қилиб майдонда чавгон ўйнамоқ,  
Манга оллингда боийими тўй этиб, жон ўйнамоқ.

Бош овучлаб эгма қомат бирла қолмон раҳшидин,  
То тилар чобуксуворим кўнгли чавгон ўйнамоқ.

Кўз қаросин ўйнатур ҳар лаҳза ул мардумни кўр,  
Хиндуедекким эрур ойини қалқон ўйнамоқ.

Ўйнай-ўйнай айладинг куфр ила динимни бадал,  
Оллоҳ-оллоҳ, бумудур, эй номусулмон, ўйнамоқ?!

Жавр тошин ул пари ўйнаб отай дер эл сари,  
Ваҳки, бу девонаға етгач, не имкон ўйнамоқ?

Ҳар сари ашким югурмак не ажабким, айб эмас,  
Тийра уйдин чиққач-ўқ ўшларға ҳар ён ўйнамоқ.

Чарх ўюн бирла олур дин нақдин элдин, воқиф ўл,  
Бу мушаъбид бирла бўлмас аҳли ирфон ўйнамоқ.

Ваъда кўп қилдинг Навоийга ва лекин ўйнабон,  
Мунча бўлғай эл била, эй аҳди ёлгон, ўйнамоқ.

\* \* \*

Жўжун тошин харобот ичра ҳар дам кўксума урмоқ  
Эрур тақвию дониш бутларин тош бирла синдурмоқ.

Қуёшким зарра қўзғаб кирса вайронимга ҳажрингда,  
Кўзумга кул совурмоқ бил ани кўнглумга ўт урмоқ.

Чу пири дайр тақво хирқасин қуйдур деди, гар худ  
Анинг ҳар торидур жон риштаси, бўлмас боқиб турмоқ.

Лабинг ҳажринда хокий тан аро кўнглумни ҳисб эттим.  
Нечукким жонсиз элни расм эрур туфроққа топшурмоқ.

Дема, ул дилрабога не учун кўнглунгни олдурдунг?  
Ўз эрки бирла не мумкин киши ўз кўнглини олдурмоқ?

Агар оҳимдин айлаб жилва ёғдуруди жаво тошин,  
Не тонг гулбун сабо таҳрикидин гулбарги ёғдурмоқ.

Бинафша солхўрд элдекки бош солди қуий, гўё  
Яқин англаб ҳазони умр анга даъб ўлди қайғурмоқ.

Қадаҳ ичмак ёзуқ деб асрү мардуд этмагил, эй шайх,  
Бу қисм эрса азалдин, бежиҳатдур бизни ёзғурмоқ.

Қароглардин пўлак, жон риштасидин чиллавор этмиш,  
Қошинг ёсин Навоий қасдига гар истасанг қурмоқ.

\* \* \*

Ёр чун истарки, бўлгаймен мудом ондин йироқ,  
Ул жиҳатдин барча васл истар, мени маҳзун фироқ.

Яхшиларга бас ёмондур ҳолким ёр оллида  
Тенгдуур яхши-ёмон, балким ёмонроқ яхшироқ.

Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш, не тонг,  
Ростравлар арсадин гар чиқсалар руҳдек қироқ.

Тоза ҳар ён дод әмас жисмимда ул юз ишқидин,  
Ким бу кавкабларга бўлмиш ул қуёшдин ихтироқ.

Бу йироқлиқдин яқиндур ўлгамен, ваҳ ёрнинг  
Истабон ройин бўлубтурмен яқинлиқдин йироқ.

Маҳжабинлардин сияҳдиллиқ не тонгким, ойнинг  
Ботинин кўрсанг қародур, гур кўрунур зоҳир оқ.

Кўп Ҳижоз оҳанги тузма, ёр ила бўл барча вақт,  
Эй Навоий, гар Ажам бўлсун мақоминг, гар Ироқ.

\* \* \*

Кулмадинг, то кўзларимни кавкабафшон қилмадинг,  
Тўқмадинг қонимни, то бағрим тўла қон қилмадинг.

Тифлдекким гунча очқай, қилмадинг, эй бағри тош,  
Хотирингни жамъ, то кўнглум паришон қилмадинг.

Элга айтур заҳра йўқ, вах, йўқса, қай бир турктоз.  
Айладингким, юз кўнгул мулкини вайрон қилмадинг.

То қуёшдек жилва қилдинг, қўймадинг бир зарраким.  
Офариниши ичра рухсорингга ҳайрон қилмадинг.

Юз бало тошини ишқ атфолидин ёѓдурмадинг,  
То жунун торожидин жисемимни урён қилмадинг.

Эй фалак, қайси қуёш юзлукни бир кун чарх уза  
Жилвагар қилдингки, оқшом ерга пинҳон қилмадинг?

Демаким, қўйдум Навоий жонига доги ажал,  
Шукр бори мубталойи доги ҳижрон қилмадинг.

\* \* \*

Оразинг гулдур, гул узра сабзайи тар кокулунг,  
Оллоҳ-оллоҳ, гул юзун қилмиш муанбар кокулунг.

Қоматингдур шамъи рухсорингдур онинг шуъласи,  
Шуъланинг дудидур, эй шўхи ситамгар, кокулунг.

Очқайнингда нега ҳар тори ародур юз гирих,  
Гар қўнгуллар банд қилмайдур саросар кокулунг?

Не ажаб, хусн аҳлиниңг султони бўлсанг, хосеаким,  
Мушқдин қўйди қуёш бошига афсар кокулунг.

Сунбуледурким, саросар чирмashiбтур сарв ила,  
Нахли қаддинг бирлаким бўлмиш баробар кокулунг.

Истасангким, бўлмагай ошуфтаву дарҳам, дегил,  
Қилмасун бизни паришонҳолу айтар кокулунг.

Гар Навоийга димоғ ошуфта бўлса, тонг эмас,  
Чун сепар ҳар дам юзунг ўтига анбар кокулунг.

\* \* \*

Не ажаб, сарви сигийга инмаса бошинг сенинг,  
Ким эмастур қадди раънилиқда бўйдошинг сенинг.

Гар нийхоний фитна таълим айламас, бас, не учун  
Бошини чекмиш баногўшунгача қошинг сенинг?

Сангборони ғамингдин бош не янглиғ ёшурай,  
Ким саидат ғавҳаридур бошима тошинг 'сейнг.

Оби ҳайвон бирла гўё қилди лаълий ранг ҳал,  
Суврат ичра чун лабингға етти нақдошинг сенинг.

Ўта олмас ҳонақохи қудс эли, эй мугбача,  
Дайр эшигинда чу тузгай базм авбошинг сенинг.

Дема, эй носихки, қилмайсан сўзум бирла амал,  
Хотиримда қайда қолмиш анча қўлмошинг сенинг?

Эй Навоий, бўлди қонлиғ душманингким, ёшурур  
Ердин сориг юзунг рангини қон ёшинг сенинг.

\* \* \*

Эй ишқ, яна фурқат ўтин жониман урдунг,  
Жисимимни қул айлаб, кулини кўкка совурдунг.

Анжум дема, гўёки малойикка туташти,  
Охим ўти учқунлариким, кўкка етурдунг.

Қайд этмадингу бас ҳами зулфунгни қўнгулга  
Ким гайр хаёлин ҳам онинг бирла супурдунг,

Побўсини истаб магар, эй шодлиғ ашки,  
Бу зор ила дилбар қўрушур чоғда юурдунг.

Фурқат куни бас тийрадур, эй ишқ, ҳамоно,  
Ким сарсари охим била кўк шамъин ўчурдунг.

Ҳижрои туни, эй чарх, мушазъид гар эмассен.  
Не павъ қуёш тосини хирқангда ёшурдунг?

Тарк этмади бош қўймоқ эшигингда Навоий,  
Бу қўйдин ит деб они ҳар нечаки сурдунг.

\* \* \*

Не хаёл эди янаким, кўнгул қуши сайдини ҳавас  
айладинг.  
Баданимга ҳар соридин хаданг урубон, анга қафас  
айладинг.

Кўнгул ичра шуълайи ишқим, етадур фалакка  
забонаси  
Таниму сўнгакларим ул ўтунгни ёқарга хору ҳас  
айладинг.  
)

Кўз ичиндаким тўла қон эди, оғиз ичра даги  
тутундек оқ,  
Они дам-бадам қилибон фузун, муни ҳам нафас-нафас  
айладинг.

Етиб эрдим ўлгали ҳажр шоми анинг жафоси  
хадисидин,  
Нега уйқудин бурун ул фасонани, эй рафиқ,  
бас айладинг?!

Манга ишқ ранжи аро ўлум эрди чора, ваҳ,  
бу не ранжким,  
Ани дафъ этарга фироқ дарду гамини чорарас  
айладинг.

Чу гум ўлди чоку ҳазин кўнгул гами ҳажр даштида,  
эй фалак,  
Йўл озарга аҳли саломат ул кўнгул уйини жарас  
айладинг.

Чу фироқ шиддати, эй кўнгул, гами ишқ лозимаси  
эмиси,  
Не етишса чек, чу ўзинг бурун бу балони мултамас  
айладинг.

Туну кун сабу чекиб, эгнингга сол ўзунгни ҳалқайи  
дайр аро,  
Чу белингга мугбачалар каманди хаёлини марас  
айладинг.

Чу замона аҳли аро вафо тиладинг, чек эмди, Навойиё,  
Аламу бало, не учунки эл аро йўқ нима ҳавас  
айладинг.

\* \* \*

Неча жаврин тортайин ул сарви ҳуризодининг?  
Йўқмудур поёни, оё, зулм ила бедоднинг?!

Ақл дер; сол кўнглунгга зуҳду вараъ бунёдини;  
Ишқ айтур: йўқтууруп бунёди ул бунёднинг.

Тош эритти, вахқи Хусрав кўнглига кор этмади,  
Шуълаларким тешасидин секреди Фарҳоднинг.

Кўнгли меҳр айлар аёни, қўргач рақиби юзини,  
Кўрмагунча зок, чиқмас жавҳари пўлоднинг.

Токи сайдингмен, ишинг невчун газабдур, чун мудом  
Қуш гирифтор ўлса кўнгли хуш бўлур сайёднинг.

Ўлмагимни ёқма ҳижронингга, эй султони хуси,  
Қатла ҳукми қиласа шаҳ, не эрки бор жаллоднинг?

Рокиъ эрдим, чаңг уни келди сахаргаҳ, оҳқим,  
Борди мутриб нағмасига ҳосили авроднинг.

Йўл қоронгудур, талаб ноқис, қадам не навъ урай,  
Ерумай комил дамидин машъала иршоднинг.

Эй Навоий, неча булбулдек фигон ул гул учун,  
Йўқ анга таъсири чун бу нолаву фарёднинг.

\* \* \*

Раҳм этиб, эй дўстлар, мажруҳ кўксумни ёринг,  
Қўл ёланг айлаб солиб, ҳар ён ичимни ахтаринг.

Учраса юзи қаро кўнглум тутуб, тортиб, уруб,  
Үтқа солиб, ўртабон, жонимни андин қутқаринг.

Кетган эрса чоклик кўксум тикиб, воқиф бўлуб,  
Келса бу жониб, синонлар бирла санчиб қайтаринг.

Чун ўлармен — ёрни истанг, бошимга келмаса,  
Бош ёланг айлаб, қўюб туфроғ уза юа, ёлборинг.

Келса, айтурда ошуқмангим, фараҳдин ўлмайин,  
Нуқтадонлиғ бирла ул сўзни қошимда ўткаринг.

Бошима етса, чу ўлгумдур неча фарёд этиб,  
Бир нафас тенгри учун ҳар қайсингиз бир ён боринг.

Гар мұяссар бўлмаса бу иш, Навоий хастани  
Қўлдабон ё судрабон майхона сори бошқоринг.

\* \* \*

Не хуш уммидеким, урён нигун қад бирла урсам так  
Париларга жунун туморидур бўйнумда силкинчак.

Тери жисмимда ҳар ён тоза дого қон или гўё  
Қазо Мажнунга тикмиш лолалар яғрогидин кўнглак.

Яро кўзлар бўлуб танда чу бўлди хира ул юздин,  
Ясабмен ҳар тараф эски туганлар шаклидин айнак.

Юлуб пар жон қушидин, оҳ пайконин йигиб кўнглум,  
Ўқунг сингонларин гўё ясар афгон учун новак.

Назар солса юзунгдин ўзга юзга кўзни кўр айлай.  
Қилибон тийғ ила мардумни онинг нуқтасидек ҳак.

Ҳаво қилғонда зулғунг ҳалқа домидин кўнгул билдим,  
Бу қушнинг ҳам аёғ, ҳам бўйнида маҳкам эмиш илмак.

Изин ердин кетар деб асрадим раглар киби кўзда,  
Олиб жон риштаси бирла аёғи ўридиндик ўлчак.

Фалак зарфин ўла берди қазо ул ої майи ишқин.  
Бу майдин бизга, ваҳким, тегмади бир қатрадин  
кўпрак.

Лиқо мумкин эса учмоқ-томуғдин қочмаким, бўлмас  
Кишига ҳеч мақсаде мұяссар чекмайин эмгак.

Чу бўлдум ишқида фоний, ҳадисин сўрмангиз мендин,  
Ки қолмас зикри зокир бўлса мазкуринда мустаҳлак.

Тиларсен ўзлуқунгнинг жузв-жузвин мунфак эткайсен,  
Навоий назмининг жузвани қилғил жузви лоянфак.

\* \* \*

Хаёлинг ҳуснига кўнглумда зийнат берса ҳижронинг,  
Эрур гулгуна қон, машшота ишқу кўзгу пайконинг.

Жафо сарлавхида қилди алиф машқи кўзунг ёхуд  
Алифдек жонға неш урмоққа сафлар чекти мужгонинг.

Лабинг хатт зохир этти, Хизр умри берсалар ўлгум.  
Хусусаким, Хизрга ҳамдам ўлғай оби ҳайвонинг.

Тушумда васли эрди, эй кўнгул, ё раб, бало урсун  
Сангаким, мени уйғотти ажаб ҳолатда афгонинг.

Димоги йўқ мушавваш бўлмағон, гўёки бутратмиш  
Жаҳон боғида савдо сунбули зулфи паришонинг.

Неча ёғдурса ғам тошин фироқ атфоли, эй Мажнун,  
Не ғам бош узра Лайло боргоҳи бўлса қалқонинг.

Қафас қайдидадур булбул, буқим вайронга тутмиш чуғз,  
Вафоси йўқ эканни билди гўё аҳли дунёнинг.

Бу базм аҳли нифоқидин ториқмиш кўнглум, эй соқий,  
Эзиб бехушдору, тут манга етганда давронинг.

Навоий, ҳажрида не навъ сели ашқ оқиздингким,  
Висоли бўлди чун мумкин, ўтарга йўқтур имконинг.

\* \* \*

Яна, эй ишқ, гули рухсорин ошуби чаман қилдинг,  
Ҳазин булбул танига ҳар паридин бир тикан қилдинг.

Кўнгулни телба айлаб, қайдига ҳар ён оқар сувдин  
Чаман занжири гисусинда юз чину шикан қилдинг.

Саҳоб атфоли жола тошларин ёғдурғали, эй гул,  
Пари янглиғ зуҳур айлаб, жунун булбулга фан қилдинг.

Раёҳин хайлини чекмакка ер зиндонидин гўё.  
Булут айёридин ҳар қатра торин бир расан қилдинг.

Ниҳоли гул нишиман гулшан эттинг гўйи, эй булбул,  
Фироқ ичра тикандин бистару ҳасдин ватан қилдинг.

Юзунг шамъида шабнам, йўқса тердур, соқиё, ваҳким,  
Ул анжумдин шабистон ичра қатли анжуман қилдинг.

Чаманда маст елдин, вахки, ҳар ён ҳам бўлур гулдек  
Замоне жилва айлаб, бизни расвойи заман қилдинг.

Ўлук деб ужбдин зоҳир анга хилватни гўр айлаб,  
Ҳамоно пардайи пиндорин, эй гардун, кафан қилдинг.

Навоий қайда гам йил яна кўнглунг уйин бузгай,  
Ки айларда иморат анда балчиг дурдидан қилдинг.

\* \* \*

Эй кўнгул, ер-кўқ асосин асрү бебунёд бил,  
Ул кесакни сувда кўр, бу сафҳани барбод бил.

Жисм уйи чунким эрур фоний, тафовут йўқ, ани  
Гар фано селобидин вайрону гар обод бил.

Тўрт унсур қайдидин то чиқмагайсен, нафъ эмас  
Осмоний тўрт дафтарни тутайким ёд бил.

Эйки дебсен, ҳақни не таърифу васф ила билай?  
Васфдин мустагнию таърифдин озод бил.

Тенгри зикриким, малойикка гизойи руҳ зрур,  
Бу гизони ҳақ йўлига кирган элга зод бил.

Гар ҳабибим қилса изҳори калом, эй пири дайр,  
Исийи Марямни ул дам гунги модарзод бил.

Мантиқи ишқ ичра ошиқни тасаввур айла навъ,  
Фард бўлғонларни бу йўлда анга афрод бил.

Эл оёгига тушардин бошқа чиқмоқ расмини  
Май қуҳанниридин ушбу дайр аро иршод бил.

Эй сулук аҳли, қачон мақсуд топқумдур десанг,  
Мосиваллоҳни фано кўрган кунин мийод бил.

Эйки дебсенким, билай тавҳид сирридин хабар,  
Шаръдин неқим тажовуз айлади, илҳод бил.

Дўст васлин топмогон дунёву уқбодин кечиб,  
Ушбу дардингга Навоий ҳолин истишҳод бил.

\* \* \*

Солса наратав том уза чиққонда рухсори очук,  
Бир қуёшдур, тушса ҳар уй ичра тунглукдин ёруқ.

Совуг оҳиким чекармен, гарм ўлур оқмоққа ашк,  
Чашмаларда сув бўлур иссиғ, ҳаво бўлғоч совуқ.

Тенгри оллинда тонуқ демаки ўткар кимсани  
Менчи севмассен, бу ишга ҳуд эзур тенгри топуқ.

Лабларингниким уяуқ тутмиш ҳамул ҳайъат била,  
Оғзинг андоқ гунчадурким, тушмамиш ондин қобуқ.

Доғ ўртарга чапоним ичу тоши қолмади,  
Боғладим марҳам чапондин, қолди гар эски момуқ.

Гар ёзуқсиз ўлтутурсен, ғам өмон, лекин ғамим  
Мунчадурким, ўлмагай ногах сенга андин ёзуқ.

Ер дилҳоҳим чу топтинг, тенгдуур васлу фироқ,  
Ҳақ ризосин чунки қозғондинг не учмоқ, не томуқ.

Соқиё, май тутқали қўпмоқ басе таклиф эзур,  
Қўй такаллүфнию қўд, лекин манга ўлтур ёвуқ.

Затъфи кўплукти Навоийнинг кам ўлмас иоласи,  
Не муноғидур фигон булбулга бўлмоқлиқ оруқ.

\* \* \*

Номаси қўйнумда, баским изтироб айлар кўнгул,  
Ўпгали чиқмоққа гўёқим шитоб айлар кўнгул.

Тоза бутмиш эрди кўксум чоки, ваҳқим, тояпиниб.  
Чиққали ул раҳнани ҳар дам ҳароб айлар кўнгул.

Ўқи захми йўлидин солсам ичимга номасин,  
Бир фатила марҳам ўрнига ҳисоб айлар кўнгул.

Чирмабон жон пардасин маншур уза воло киби  
Кўрмасун деб гайр они, гўё ниқоб айлар кўнгул.

Гунчадек қат-қат бўлуб қон ул мусофири шавқидин,  
Номаси янглиғ дамо-дам печу тоб айлар кўнгул.

Мубҳам эрмиш руқъаси давронинг асру ёваким,  
Жонга бу андишадин ҳар дам азоб айлар кўнгул.

Эй Навоий, очти қўксумнинг тикилган чокини,  
Номаси қўйнумда, баским изтироб айлар кўнгул.

\* \* \*

Эй мусаввир, дилбаримга суврате монанд қил,  
Кўрмагидин хотиримни гаҳ-гаҳе хурсанд қил.

Ул ҳарир узраки тарҳ этгунгдуур тимсолини,  
Сигмаса, зайдига жоним пардасин пайванд қил.

Бўлмасун бу тўймадин маҳрум ул кўй итлари,  
Эй ажал, тақсим учун багримни юз парканд қил.

Ул париваш чиқти усрук секретиб кўнглагча,вой,  
Носиҳо, девона бўлдум, эмди тарки панд қил.

ЛАЪЛИ ШИРИНДИНКИ ҚИЛДИНГ АЙШНИ ЖОНИМГА ТАЛХ,  
Неча ачиғ сўз демак, бир қатла шаккарханд қил.

Жоми Жамнингроҳи Афридун йилони заҳридур,  
Эй кўнгул, ўзни сафоли факт ила хурсанд қил.

Ҳожати будур Навоийнинг, худоёким, ани  
Мугбача ҳуснита муг дайрида ҳожатманд қил.

\* \* \*

Гулбуни ишратдин узғил барги пайванд, эй кўнгул,  
Гунчадек бўл қон ютуб кулмакка монанд, эй кўнгул.

Қилма тарқ эврулмак ул гул гирдига булбул киби,  
Қиссалар гар гунчадек парканд-парканд, эй кўнгул.

Оразу лаъли хаёли бирла сен то хастасен,  
Нафтъ этар гўёки бу заъфиннга гулқанд, эй кўнгул.

ЛАЪЛИ НЕ КОНДИНДУУР, НЕВЧУН ҲАДИС ЭТМАС ДЕМА,  
Не ато бордур Масиҳога, не фарзанд, эй кўнгул.

Оразинг очқач, демаким, ошиқ этма ҳалқни,  
Ўтқа бермаклик дурур куйдурма деб панд, эй кўнгул.

Бисмил этти сайд кўнглидек сени тийги қазо,  
Ехуд ул лаб шавқидин қилдинг шаккарханд, эй кўнгул?

Эй Навоий, боқма тун-кун холиу рухсорига,  
Донаву сув бирла сайд ўлмас хирадманд, эй кўнгул.

\* \* \*

Эй, манга сенсиз баҳору боғу бўстондин малол,  
Ҳайси бўстону баҳору боғким, жондин малол.

Сенсизин кўнглум, тонг эрмас, бўлса жаннатдин малул,  
Не ажаб, булбулға гулдин airyу бўстондин малол.

Бўлмаса коғир кўзунг шайдоси мажнун кўнглума,  
Ақлу донишдин танаффур, дину имондин малол.

Ишқи түғёнида юз кўрсатса гулрухлар, не суд,  
Ким топар муҳриқ иситғон меҳри раҳшондин малол.

Куйдурурлар доғ дафъ ўлсун малоли ҳажр деб,  
Вой ангаким, воқиъ ўлғай доғи хижрондин малол.

Касрати пайконидин кўнглум ториқмас, гарчи бор  
Иътидолидинки ўтгач оби ҳайвондин малол.

Базм аро ҳар дам қадаҳ кўнгли тўла хуноб эрур,  
Мен киби гўё анга ҳам етти даврондин малол.

Қиблайи мақсад тиларсан, дард ўқидин гам ема,  
Истаган тавфи ҳарам кўрмас муғилондин малол.

Чарх анжумдин қулоққа паҳталар тиқти, магар  
Гам туни топмиш Навоий чеккан афғондин малол?

\* \* \*

Бўлмиш андог мунқатиъ аҳли замондин улфатим,  
Ким ўзум бирла чиқишиш мас ҳамзамоне сухбатим.

Эй хуш улким, тутмиш эрди ваҳш ила сахрода унс,  
Муҳиш аҳволе мангаким, бор ўзумдин ваҳшатим.

Истарам қочмоқ адам водийсидинким, қиргали  
Вомиқу Фарҳоду Мажнун бас гулудур хилватим,

Тўлғанурмен ўалугумдин чиққали, буқим эрур  
Дард водийсида саргардон қуондек ҳайъатим.

Эй ажал, тан хирқасин куйдурки, бўлмиш бас оғир  
Бу маломат ўқлари бирла тикилган кисватим.

Эй фалак, анжум ушоқ тошин йигиб бошингга ур,  
Чун фано майхонаси хиштидин ўлди турбатим.

Етти кўкни кўк варақлардек совурғай ҳар тараф,  
Тоқи мийнойи аро чирмашса охи ҳасратим.

Қўй дуру феруза баҳсинким, нужуму чархни  
Нилуфар барги уза шабнамча кўрмас химматим.

Лаълдек бошим осилсун ғарқайи хуноб ўлуб.  
Лаъл тиккан салтанат тожига бўлса рағбатим.

Турфа кўрким, ҳалқ коми бирла умрум бўлди сарф,  
Турфароқ буким, бировга ёқмади бир хизматим.

Эй Навоий, икки оламдин кечиб топтим висол,  
Бу ики бутхонадин эрмиш бу йўлда офатим.

\* \* \*

Умармен кўксума тошлиар ғам этгач қасди жон ҳар дам,  
Қоқармен бу эшикниким, етар бир меҳмон ҳар дам.

Үлук топиб бузуг ичра мени мажнунни гўё чугз,  
Навоий аҳдин огаҳ қилгали тортар фигон ҳар дам.

Ҳамоно туфргимни лаългун қилмоққадур буким,  
Келур багрим шикофидин лабинг шавқида қон ҳар дам.

Магар мажиун кўнгулга ҳар дам айлар ул пари жилва,  
Йўқ эрса, иевчун ўздин борур бу нотавон ҳар дам?

Очар гўё сабо ул гул юзидин ҳар замон бурқаъ,  
Буким бир фитна бирла қўзгалур аҳли замон ҳар дам,

Совуг оҳим бурудат солди олам ичра, қиши эрмас,  
Булут йўқ — дуди оҳимдин кўрунимас осмон ҳар дам.

Керак ҳар дам қадаҳким, май суйи ҳар лахза  
қайтаргай.  
Буким даврон жафосидин етар оғзимга қой ҳар дам.

Бу манзилдин санга йўл азмига боисдуур буким,  
Етар бир карвон ҳар дам, ўтар бир карвон ҳар дам.

Дамо-дам жавр ила буздунг Навоий қўнглин андоғим,  
Бузулгай мулки бир зулм этса шохи комрон ҳар дам.

\* \* \*

Бу кун аҳли жаҳондин ҳаста хотирмен, жаҳондин ҳам,  
Демон аҳли жаҳон бирла жаҳон, биллаҳки, жондин  
ҳам.

Мени жону жаҳондин ҳажр вақтиким малул этгай,  
Ватан ё мулқдин худким десун, бал хонумондин ҳам.

Кўнгулдин жонга еттим, эй ажал, нетгай ҳалос этсанг  
Мени ул телбадин, ул телбани мей нотавондин ҳам.

Не айрилмоқ дурурким ёр то айрилди, айрилмин  
Кўнгул мендин, фиғон кўнглумдину ўтлар фиғондин  
ҳам.

Манга жононсиз ўлмак яхшироқ, эй Хизр, юз қатла  
Кетурсанг мужда ўлмоқ бирла умри жовидондин ҳам.

Нафас катъ ўлди ул юз фурқатидин, кўзгу келтурманг,  
Ки мен эмди қутулдум ибтиносиз имтиҳондин ҳам.

Ямон-яхшига қўи зулм этмагилким, гар будур даврон  
Қутулғунг кимки андин яхшироқ ўйқ, мен ямондин ҳам.

Итига тўъма, дарбонига бўлсун муттако, ўлсам,  
Таним ул кўйдин олманг, бошим ул остоидин ҳам.

Фақиҳу Қаъба, ринду майқада, хушдур Навоийким,  
Сенинг ёдинг била мундин эрур озоду ондин ҳам.

\* \* \*

Тун оқшом келдию келмас менинг шамъни шабистоним,  
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.

Не гам, кўргузса қўксум порасин чоки гирибоним,  
Қўрунмас бўлса қўксум ёрасидин доғи пинҳоним.

Ғимидин дурри макнундек, сиришким оқти Жайҳундек,  
Музайян қилди гардундек жаҳонни ашки ғалтоним.

Фалак ҳам тўлди кавкабдин, қуёш ҳам тушти ашҳабдин  
Келиб тушмасму маркабдин менинг хуршиди рахшоним?

Жаҳонни зулмат этти чаҳ, бу зулмат ичра ўлгум, ваҳ,  
Манга бўлсанг не Хизри раҳ, ётиб, эй оби ҳайвоним.

Дема қўқдин қуёш кетмиш, фалакка тийралик етмиш,  
Ул ой ҳажрида тор этмиш фалакни дуди афғоним.

Іюёш қочиб юзин уйди, шафак ўтқа тушуб куйди,  
Фалакка дөглар қўйди ғамингдин сўзи пинҳоним.

Навоий киби хижрондин бу оқшом ўлдум афғондик,  
Ғамим йўқ бўйла юз жондин, етиб гар келса жононим.

\* \* \*

Йунунидин уйла туфроғ ўлди жисми ранжпарвардим,  
Ки ҳар тош урсалар атфол жисмимга, чиқар гардим.

Неча ҳажринда ўлгум оху ашкимдин солиб тўфон,  
Вале қўйманг, кўярарга келса сарви ноапарвардим.

Йўлида баски қўйдум чехра сончилгон хасу хошок,  
Сомонлар билки чекмиш қаҳрабодек чехрайи зардим.

Паёпай не экан абри баҳорийдин чоқин тушмак,  
Булут узра бир учқун солди гўё шуълайи дардим.

Қуюндеқ гар талаб даштида йўқ мен етмаган водий,  
Не гам, саргашталиқда учраса моҳи жаҳонгардим.

Вафо бўстонин ашким бирла сероб айладим умре,  
Эрур гам новаки сарвим, бағир парголаси вардим.

Махиқдур, эй Навоий, ул пари мендин малул ўлмоқ,  
Нединким, қўйида девоналиғни ҳаддан ўткардим.

\* \* \*

Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,  
Жон басе қилдим фидо, ороми жоне топмадим.

Гам била жонимга еттим, ғамгусоре кўрмадим.  
Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилистоне топмадим.

Ишқ аро юз минг маломат ўқига бўлдум нишон,  
Бир камонабрўда тузлукдин нишоне топмадим.

Кўнглум ичра сарв ўқдур, гунча пайкон, гул тикан,  
Даҳр боги ичра мундог гулистане топмадим.

Хусн мулки ичра сендек шохи золим кўрмадим,  
Ишқ қўйида ўзумдек нотавоне топмадим.

Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,  
Ўз ишимдин булъяжаброқ достоне топмадим.

Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен  
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.

Табъ ганжидин маоний хурдасин, юз қатла хайф,  
Ким нисор этмакка шоҳи хурдадоне топмадим.

\* \* \*

Оқизди лимуи бўркунгни кўргач онча қон кўнглум,  
Ки заъф этти сориғ гул гунчасидек нотавон кўнглум.

Кўнгулда баски гунчанг фикратидин хурдайи маъни  
Йигибмен, гунча кўнглидек бўлубтур хурдадон кўнглум.

Санубар кўнглига кўнглумни ўхшатмангки, ўртабдур  
Ниҳон ҳар тухм уммединга бир доги ниҳон кўнглум.

Бадан вайронида ул ҳусн ганжи ҳажридин гоҳи,  
Гаҳ ўз ёлғузлуғидин чуғадек тортар фиғон кўнглум.

Дури ишқингни то топмиш, агар чок ўлса сар-тосар,  
Гуҳар ютқон балиғ янглиғ дам урмас безабон кўнглум.

Анингдек тонти сиймин сойидинг ёди била улфат,  
Ки дастомуз қушдек онсиҳ ўлмас бир замон кўнглум.

Мақоми гаҳ бало тогидурур, гоҳи фано даши,  
Ки ишқ ичра берур Фарҳоду Мажнундин нишон  
кўнглум.

Фалак золи ғаму дардин чекардин ўлдум, эй соқий,  
Кетургил раз қизин ботким, тилар бир навжувон  
кўнглум.

Навоий, дерки, кўнглунгни кетургил ишқ кўйидин,  
Багоят яхшидур, гар бўлса рози ул ёмон кўнглум.

\* \* \*

Яна яроқ ўтига тушти тоблиғ кўнглум,  
Тараҳҳумеки қиласур ҳароблиғ кўнглум.

Софиса гунчанг учун қонга эврулур ҳар дам,  
Бу юз жароҳат ила печу тоблиғ кўнглум.

Фироқу дард қачон тузса баам кулбамда,  
Берур кўзум майи лаълу кабоблиғ кўнглум.

Эрур шарораки хуршид сори боргай тез,  
Юзунг висолига жаҳду шитоблиғ кўнглум.

Юзунгни кўрдум эса сув била балигдек ўлур.  
Қарореиз таниму изтироблиғ кўнглум.

Фано ели қониким очса чехрайи мақсуд,  
Ки тан губорида бўлмиш ҳижоблиғ кўнглум.

Навоий гам едю ўлди, доги топти висол,  
Не топмасун бу сифат хўрду хоблиғ кўнглум?

\* \* \*

Не айб, агар майи софий ғамиладур кўнглум,  
Ки чанг ҳалқайи зулфи ҳамиладур кўнглум.

Фалак ҳақиқати фикрида қуиди эрса, не тонг,  
Ки аждаҳоиे дамоннинг дамиладур кўнглум.

Муганиё, келу тузгил ҳарошлиқ унума  
Ҳазин таронаки, рудунг бамиладур кўнглум.

Нишотдин дема сўз, навҳа бирла бошла суруд,  
Ки дарду ғамзадалиқ оламиладур кўнглум.

Фироқ ўтига тушуб дам-бадам тўкар қон ёш,  
Ки охир ўлгуси ўз мотамиладур кўнглум.

Не айб, валидин ар марҳам ўлса кўнглумда,  
Ҳамиша чунки анинг марҳамиладур кўнглум.

Май ич, Навоию, ахли замондин айлама ёд,  
Ки ушбу хайлдин асру рамидадур кўнглум.

\* \* \*

Ер юзини тутти ашким, кўкка етти нолишим,  
Юқори тенгрию қуий сендин ўзга йўқ қишим.

Ложарам девонаву расвойи олам бўлғамен,  
Чун тушубтур, эй пари пайкар, сенинг бирла ишим.

Тиш қадабмен лаълингга узмасмен андин бу тамаъ  
Анбури ҳижрон ила бир-бир сугурсалар тишим.

Хар бири юз миннат айларлар, эрур бу ҳам жафо,  
Юзу зулфунг даврида мундоқ кечар ёзу қишим.

Тийралик дуду шафақдур шуълаву анжум шарор,  
Гўйиёқим солди ўт ҳижрон тунига қарғишим.

Мехри йўқлуғдин эрур ҳар тун синони оҳ ила  
Кўк ҳисори хайли бирла тонгға тегру сончишим.

Эй Навоий, гар сенинг иолангга йиғлар андалиб,  
Бир кун ул гул кўнглига ҳам кор қилгай нолишим.

\* \* \*

Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар наврўз ила байрам,  
Чаман сарви яшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.

Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб  
жавлон.

Анинг шайдоси бир дехқон, мунга шайдо бари олам.

Чаман сарви қолиб бебар, менинг саврим бўлуб дилбар,  
Ани ел айлабон музтар, бу елдек секратиб адҳам.

Кўнуб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавқидан гулгул,  
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.

Қилиб оҳим сари парво, бу ён майл этмадинг қатъо,  
Сабодин, эй қади раъно, бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ ҳам.

Бу боғ ичра май, эй соқий, ки бормен асрү муштоқий,  
Ки анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди ҳам маҳкам.

Навоий, кўйин эт манзил, юзу қаддига бўл мойил,  
Ки боғ этмас сени хушдил, гулу сарв айламас хуррам.

\* \* \*

Қирог эрмаски, қилмишмен кўзум сели йўлин маҳкам,  
Сиришк эрмаски, ул йўл беркимай қилмиш тарашишҳ  
нам.

Итининг гар аёғи куйди ўтган чогда қабримдин,  
Сўнгаклар туфроғимдин куйдуруб, айланг анга марҳам.

Кўнгулдур ул паридин ишқ мулкининг Сулаймони,  
Ки ҳам бор оҳидин, бил, ҳукмида, ҳам догоидин хотам.

Қуёшнинг қурбидин ойким ҳилол ўлгай эрур андок,  
Ки бир маҳваш санга еткач, ер ўпмакликка бўлғай ҳам.

Париваш тифллардин ҳар замон ортар жунунумким,  
Берурлар ҳушу ақлим қушларига тош отардин рам.

Улусдин чиқтиму ҳар дам қочармен соядин ҳам, вах,  
Ки ногаҳ ул қуёш сиррин десам ул ҳам эмас маҳрам.

Шикоф эрмас қаламдаким, фироқим шарҳи ёзғандин  
Яқо чок айлабон, чирмаб қаро, бўлмиш анга мотам.

Бу эрса майки қўйдурди вужудум кишварин атри,  
Яқин бил, соқиёким, жом сиррин билмай ўтмиш Жам.

Май ич даҳр ичраким иш сирридин англай десанг  
рамзе,

Эрур ҳар зарранинг моҳияти хуршиддин мубҳам.

Сахар кун ашҳабига чун керактур поймол ўлмок,  
Фалак майдонига ҳар тун қамардек сурди тут адҳам.

Навоий дарди ҳолидин дам очмас бўлса, айб этманг,  
Не дам очсун бирорким, топмади оламда бир ҳамдам?

\* \* \*

Ярамни тиккали бошинг уза бичакму экин?  
Бичакда риштайи жонимум ё ипакму экин?

Кўз асрү тиктим анинг ўймогига, билмонким  
Кўзум оқиму экин анда, ё сўнгакму экин?

Тун узра ойдину ойдинда субҳ эркинму,  
Ваё сочингда бурунчак уза лачакму экин?

Гул узра ҳар сори тоб урди сунбулунг, ёхуд  
Юзунгда зийнат учун сончқон гажакму экин?

Лабингдин истади жоним ҳаёт, билмасмен  
Ки бир сўқунчму ё қасди бир мучакму экин?

Бир усрук элни чиқиб қирғон эрмиш, эй Лутфий,  
Сенингму бегинг экин, ё бизинг миракму экин?

Навоий, ушбу паришон ҳадис ила гаразинг  
Авом хотирини сайд айламакму экин?

\* \* \*

Чиқоргач ул маҳи маҳмилнишин ораз ниқобидин,  
Жарасдек нола айлармен кўнгулнинг изтиробидин.

Ўмас кўксумга эски додлар, бал сукбалардурким,  
Сувабмен то хаёлинг чиқмагай кўнглум харобидин  
Ҳавоий ишқининг асрарга эрур ҳар ён кумиш гунбаз,  
Ки қилмишмен иморат баҳри ашкимнинг ҳубобидин.

Багирда неши гам ўлтурдю кўнглумда юз ғамким,  
Итинг кут этмагай ногаҳ, куюқ багрим қабобидин.

Тану жон заврақин гарқ этгали гирдоби оғатдур,  
Қуюнларким, югурур ишқ даштининг саробидин.

Қоши меҳробидин юз қиблага қўй дерсен, эй носих,  
Муважжаҳ дер экинсен, ваҳзи ожизмен жавобидин.

Хирад мулкини сабрим кишваридек буздунг, эй соқи  
Бу селиким равон қилдинг қадаҳполо саҳобидин.

Бў базм аҳлини бот йиқмоқдин ўзга соқийи даврон,  
Не қилди қасд бу нилин қадаҳ даври шитобидин.

Навоий риштайи фикри чекар маъни суманбўйин,  
Хуш ул тоҷирки, Юсуф чехра кўргузгай танобидин.

\* \* \*

Эйким, танимга жон берасен ҳар тариқдин,  
Ўлсам не айру тушгуча сендеқ рафиқдин.

Белингмудурки, анга қизил фўта боғладинг,  
Е риштаеки ўткарилибтур ақиқдин.

Савдову ришта захматига учради кўнгул  
Зулфу белинг хаёлида фикри дақиқдин?

Ҳар дам демаки, кўз ёшидин саргузаште айт,  
Дарё фасонасин не сўрарсен гарикдин?

Оҳим кўнгулни кўюнг аро солса, не ажаб,  
Гулзор аро Халил тушар манжаниқдин.

Зуҳд аҳли ужб тафриқасидин халос эмас,  
Шарти фано фирокдурур ул фарикдин.

Талпинма ашкинг ичра, Навоийки, чиқмади  
Ҳеч кимса гўта бирла бу баҳри амиқдин.

\* \* \*

Масиҳодин лабинг афсаҳ, қуёштин оразинг аҳсан,  
Қуёшинга фалак ҳайрон. Масиҳингга қуёш маскан.

Кўзумда гарди майдонинг, танимда нақди пайконинг,  
Анга кўз мардуми хозин, мунга жон қулбаси маҳзан.

Ясармен юз мақолат, вах, бўлур кўргач ани ногаҳ  
Кўзум ҳайрон, таним ларzon, эсим вола, тилим алкан.

Шикебу сабр уйин бузди, ки руҳсоринда кўргузди  
Хатидин нур уза зулмат, юзидин ўт аро гулшан.

Тўкарсен қон кўзунг бирла, берурсен жон сўзунг бирла,  
Лжойиб зунунесенки, ҳар фан ичра сен яқфан.

Маломат тоши доғидин ёруди ишратим шамъи,  
Ажаб гугирд ўтидин айладим бу шамъни равшан.

Ясарда сунъ меъмори фалак ғамхонасин гўё,  
Ки қилди дарду ғам кирмакка ҳар қавқабни бир  
равзан.

Сен истаб Ҳизр умри, турфа буқим, гунбази хаэро  
Юзига тун қаросин суртубон, айлар санга шеван.

Навоий, асрарон тамкин, кишидін истама таҳсин,  
Чу шаҳ қўргузди мустаҳсон, қўруб қазмингни

\* \* \*

Езарда ишқинг ўтиң секрир оҳимдин шарап ҳар ён.  
Варақда нуқталар ийнак шарарлардин асар ҳар ён.

Рақиб илги жафо тошин кўп отеа, боис оҳимдур.  
Анингдекким, итиқ ел шоҳдин сочқай самар ҳар ён.

Дам урмассен лабинг ширинлигин васф айласам, гўё  
Ики лаълингни бир-бирига ёпиштурди шакар ҳар ён.

Қўкарған додидур ғам тошларининг хаста жисмимда,  
Қуруғ шоҳ узра чирмашиб очилған нилуфар ҳар ён.

Суда гулбарглар оққан масаллик лаъли ҳажриида,  
Оқар ашким аро ҳар қатра қон бўлған жигар ҳар ён.

Қўнгулда ўқларингдин бар есам бир кун, ажаб эрмас,  
Мунингдекким бу боғ атрофида эктинг шажар ҳар ён.

Белинг сарриштасига мубтало бўлған кўнгул сайди  
Кийикдекдурким, маҳкам айламиш йўлин камар ҳар ён.

Не муҳлиқ водий эрмиш Каъбайи мақсад биёбони,  
Ки адно мўридин бор аждаҳоларга хатар ҳар ён.

Навоий риштайи зуҳди узулса, қилмангиз ҳайрат,  
Мунингдекким они усерук чекар бир сиймбар ҳар ён.

\* \* \*

Кўнгул тошлар қаросин додларким қўйди ғам ҳар ён,  
Жунун ифротидин девона сочқондек дираам ҳар ён.

Мен ашк ичра чўмуб, ҳар тун қилиб ҳамсоялар ошуб,  
Менинг ҳолимга йўқ, ўтган учун уйларга нам ҳар ёна!

Эрур ҳар сори ушишоқ оҳидин, майдин эмас буқим,  
Бўулур нахли қадига жилва айдар чогда ҳам ҳар ён.

Булутга ҳумрат эрмас меҳрдин; балким тутошибдур,  
Момуқдек баски чиқти оҳим ўтидин алам ҳар ён.

Бўлур қон мушки, ишқинг мушкини қон эттиким,  
бўлмиш

Қаро шанжарф, ҳолим ёзгали қўйсам қалам ҳар ён.  
Итибтур телба кўнглум ҳар тараф, эй ишқу дард,  
истанг.

Сўрайин ул париваш кўйида мен хаста ҳам ҳар ён.

Не водий қатъи қилмоқдур, фано даврида сокин бўл,  
Ки қай равзанга қўйсанг кўз, бўлур маръий ҳарам  
ҳар ён

Даме ўксутмагил, ё раб, ҳаробот аҳли гавғосин,  
Ки ул уидин кудурат қушларига бўлди рам ҳар ён.

Навоийдек қадам майхонага беркит сутун янглиг,  
Десанг оллингга юз ғам келмагай қўйсанг қадам  
ҳар ён.

\* \* \*

Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун,  
Нишона ҳар бирига дермен ушбу хаста бош ўлсун.

Юзунгунг меҳридин бир зарра сотмон, гар фалак  
жавфи

Тўла бўлсун филурий, ҳар филурий бир қуёш ўлсун.

Ситам зангин темурдек кўнлидин, ваҳким, қира олмас.  
Нечаким нолайи зоримда сухондек ҳарош ўлсун.

Қуёши бўлмас, эй гардун, ул ойга айламак ташбиҳ.  
Оғиз гар зарра, Чўлпон — кўз, янги ой анга қоп ўлсун.

Агар пайконларин кўса истабон тоити кўнгул, ғам йўқ,  
Келиб йиглар маҳал ул қатра сувлар кўзга ёш ўлсун.

Сипоҳи ҳуснунга бир маҳчаси раҳшон алам бўлгай,  
Қуёш кўзгусига оҳим сутуни гар тутош ўлсун.

Кўнгулда сирри ишқин асрой-асрай ўлдум, эй соқий,  
Қадаҳ тутким, ҳаробот аҳлига фош ўлса фош ўлсун.

Чу сидқи ишқ ўлур, офат кетарким, гулдурур қолгон,  
Агар булбул учун ҳар бир тикан бир дурбош ўлсун.

Кўнгулга жон била додинг оздор, қўй яна бир ҳам,  
Нечаки гадога бир дирам узра талош ўлсун.

Ўларда тенгдур ар шоҳ айласун гулшан гулин мафраш,  
Вагар гулхан кули узра гадо соҳибфирош ўлсун.

Навоий ашқ дурридек тиларким кўзда ер бергай,  
Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун.

\* \* \*

Қул ўлса рахши наъли барқидин ишқ ичра бир хирман,  
Вафо аҳли кўзи ул қулдин ўлгай сурмадек равшан.

Хаёлинг ҳар қўнгулга киргач, они ўртасанг, тонг йўқ,  
Анга невчунки ўтлуг қўнглум оташгоҳидур маскан.

Чу қўнглум мазраъида хирмани сабримга ўт солдинг,  
Янги додим эмас, қолмиш қаро ўрни куюб хирман.

Нихон ишқинг агар қатлимга боисдур, бўйун сундум.  
Кечар жон нақдидин улким, ёшургай шоҳ учун маҳзан.

Фироқинг биймидин бир ерда йўқ гам шоми оромим,  
Кечак ер кўп йивутгар кимки бор қасдида бир душман.

Бошинда савсаний белбоқ ила ул сарв этар жилва,  
Назар айланг, очилғон бօғ аро озода қад савсан.

Бузуғ қўнглумда равзан бўлди тийғинг заҳмидин ёхуд  
Бу вайрон уй, ҳамоноким ёрilmишдур, эмас равзан.

Сипеҳр ўлса санга марқаб, шафақ анжум билан ранги,  
Қўп илдам сурмаким, сен маст эрурсен, абрациинг  
тавсан.

Наво чек васл гулзорида гул шавқидин, эй булбул,  
Ки ҳижрон боғида бўлмиш Навоий шеваси шеван.

\* \* \*

Музайян қилма мармар тоши бирла туфрогим бошин,  
Ки қўнглум дуди Машҳад тоши айлар машҳадим  
тошин.

Булут бирла ёғин эрмаски, ул ой ҳажрида ҳар дам  
Тия олмон дамим дудин, йига олмон кўзум ёшин.

Азал наққошиким чекти янги ой шаклини, гўё  
Қалам соғ айлар эрди сизгали ул дилрабо қошин.

Қувонди шайх зикри ҳалқасидин, найласун мискин,  
Алола ичра кўрмайдур маломат кўйи авбошин.

Ҳалойиқ ўлганимни баҳтим уйқуси согинмишлар,  
Нечукким тонимас эл тавъамоннинг кўрса қардошин.

Сочинг фикрига то туштум, мусалсал бўлди ул савдо,  
Қачон билдим мен ул сарриштанинг бу навъ чирмошин.

Жаҳонни қўйдурур, эй муғбачча, паймонои лаълинг,  
Магар қўнглум ўти бирла қизитмишлар анинг дошин.

Ажаб меҳру сипеҳр эрмасмудурким, топмади Ҳарғиз  
Хирад бу тоқ меъморин, назар ул шамса наққошин.

Навоий, хонақаҳла хирқаву сажжоданг ўлмиш қайд,  
Булардин маҳлас истарсен, фано дайри сори ёшин.

\* \* \*

Борсанг ол жонимни, то сенсиз манга жон қолмасун,  
Жон қолиб, жон ичра ногаҳ доги ҳижрон қолмасун.

Чун ўлармен, чин дейин, ишқи бузуг кўнглумдадур.  
Мен ўлуб, ул ганиж бу вайронда пинҳон қолмасун.

Эй кўнгул, дей кўзга бу дамким тирикмен, келса ёр  
Оразидин баҳра олсун, асру ҳайрон қолмасун.

Ҳажрида онча бало еткур манга, эй чархким,  
Ўзгалар ишқин ҳавас қимлоққа имкон қолмасун.

Муждайи васлин дебон, эйким, кўнгулдин ҳажр ўқин  
Тортасен, вах, онча воқиф бўлки, пайкон қолмасун.

Даҳр аро андоқ маош этгилик, сендин қолмаса  
Тоат андоқким, керактур бор исён қолмасун.

Эй Навоий, событ ўлсун шоҳи Фозий давлати,  
Оллида кул бўлмагон оламда султон қолмасун.

\* \* \*

Юзунгда май гули ё гул очилғон бўстондур бу,  
Гулунгда қатра хай бўстондаги сувдин нишондур бу.

Кўзумда қатра қонлар боғлагон эрмас ҳамоноким,  
Назар боғида шавқунгдин очилғон аргувондур бу.

Эмас васлинг тилаб учқон кўзум атрофида кирпик,  
Ким ул дарёйи күшларга қамишдин ошёндур бу.

Қўнгулдин чиққон оҳим айлар афзуи ҳалқ савдосин,  
Ки шайдолик диёридин етишган карвондур бу.

Қизил ранглар кўзумда кўрган англар ашқ селинким,  
Оқарга келган ул йўллар била ҳар сори қондур бу.

Лабиндин хастадур кўнглум, дам очмай, эй Масих,  
                                ўтким.

Иложин юз сенингдекнинг бегона мас нотавондур бу.

Қуюндеқ дашт аро кўрсанг мени, кўп қочмаким, ҳар  
                                дам

Бошингга эврулур саргаштайи бехонумондур бу.

Кўнгул майхона роми, хотирим хуш май батидиким,  
Мунга руҳул-аминдур ул, анга дорул-амондур бу.

Дема, ҳижрон туни ҳар дам етар ул ойға фарёдим,  
Ул ой фарёдингта етмас, Навоий, не фигондур бу?!

\* \* \*

Ердин айру май ичмак қондуур балким огу,  
Хоҳ оғизда талх сув, хоҳи бурунда шўр су.

Деб здинг, эй ҳажр, ёринг келмаса, жон бергасен,  
Чиқти жоним бирга, вах, бу иккидин вақт ўтдиму?

Истасам ҳуснунг закотин, гар бўлур мониъ рақиб,  
Не ажаб, чун от бўлур доим гадо бирла аду.

Невчун оғзингга етар деб жоми гулгун дам-бадам,  
Хаста кўнглум гунчадек қон боғланибтур тў-батў.

Менки ўлдум кўйида, кўнглум ўтининг дудидур,  
Зодгин қилманг гумон, қонлиғ таним узра ғулу.

Зоҳиди худбинга хирқам зайли тегди, эй рафиқ,  
Олиб эгнимдин, фано дайри аро май бирла ю(в).

Эй Навоий, кўргач ул қотилни, қўйдунг ерга бош,  
Буйла бош қўйғач нафас ташвишидин фориг ую.

\* \* \*

Ҳар ён ул юзда тер оқиздингму?  
Ё оқар меҳр чашмасидин су?

Қолди холинг тер остида, ёхуд  
Дамин асрар сувга чўмуб ҳинду.

Тердин ул юзга бўлмиш ўзга сафо,  
Қатрадин гарчи тийрадур кўзгу.

Гулда шабнам ажаб худ эрмас, лек  
Ойда анжум гариб эрур асру.

Сенда тер, менда ашқидур юз уза,  
Йигласам мен, сенга келур кулгу.

Үёлиб тер оқизди анжум эмас,  
Шоми ҳажримда торами мийну.

Дер Навоийки гайр эмас мавжуд,  
Турфа сўз «лоилоҳа иллоҳу».

\* \* \*

Қаён қилса ҳаво ул турфа қуш уйқум олур қайгу,  
Вагар кулбамда бир тун қўнса худ кўздин учар уйку.

Фироқинг шомида субҳи висолинг ёдима киргач,  
Келур ҳар лаҳза тинмай йигламоқ ичра манга кулгу.

Қуёшим сарвдек қад бирлаким ҳар ён қилур жилва,  
Аёги остида, ваҳ, соядур ё сунбули гису.

Янги жон топқамен бўлса лабинг оби ҳаётидин,  
Ўларда оғзима чун томизурлар пахта бирла су.

Лабингнинг холидин жон истадим, ул олди жонимни,  
Гунаҳ мендиндур, андин йўқ, чу ишни акс этар ҳинду.

Қул ўлдум холу зулфу қаддинга, гар жаврдин қочсам,  
Эрур кўксумда ҳар ён доф ила наълу алиф белгу.

Қадаҳ миръати рух, эй соқию маҳмурлук ранжи  
Мени ўлтурди, бовар қиласанг, қўй оғзима қўзгу.

Чу даврон бевафодур неча соҳибжоҳ эсанг, эй шах,  
Гадолар хотирин асрару мағрут ўлмагил асру.

Ичар эрмиш ул ой ушшоқ ёди бирла соғарлар.  
Сени ул эл туфайли, эй Навоий, ёд қилгайму?

\* \* \*

Сочти тердин гул уза ул сарви гулрухсор сув,  
Куймагим дафъинга қилди ўт уза изхор сув.

Юзда хай түгёнидин гар кулса оғзи, йўқ ажаб,  
Ғунчага бўлмас очилмоқ ичмайин гулзор сув.

Тиги бот-бот заҳм урадин зор жисмим қилди заъф  
Замазам ўлсунким, кўп ичса еткуурор озор сув.

Ёр аёғи туфроғидин ўзга кўрмон доруйе,  
Эй муолиж, кўзларимдинким келур бисёр сув.

Мехрким ул чехра аксидур, недур гар бўлмамиш  
Ўтлуғ оҳим шуъласидин гунбази даввор сув.

Ғам ўтидин, эй ҳаким, ўлмак тилярмен, жомима  
Заҳр қўшсанг қўш, ва лекин қотмағил зинҳор сув.

Хаста қўнглум оғзи заҳми пахталиғ пайконидин,  
Бор' анингдеким момук бирла ичар бемор сув.

Шаръдин айри риёзатдин сафо касб айлаган  
Уйладурким сов ўлур таскин била мурдор сув.

Тўрт ёндин ўқи йўл қилмиш Навоий кўнглини,  
Ишқ савдоси учун гўё ясабтур чорсу.

\* \* \*

Оташин гул гарчи зийнатдур жаҳон бўстонига,  
Барқ эрур ҳар ел учургон барги булбул жонига.

Гарчи шамъ ўлди шабистон зеби, кўрким, шуъладин  
Тил чиқармиштур сусаб парвоналарнинг қонига.

Майки қўйгай соқий гулрух, эрур ҳайвон суйи,  
Ваҳки, оғат селидур ишқ аҳли хонумонига.

Най елин Исо дами тутқилки, ул бордур самум  
Ҳар нафас аҳли муҳаббат хотири вайронига.

Бир қадаҳ май ичмади бу дайр аҳли бехумор,  
То таҳаррук бўлди бу тоси нигун давронига.

Бода беранжи хумор эрур фано жомида, лек  
Ичмак они келмамиш ҳар булҳаваснинг шонига.

Ҳасрат ўлтурди мени, эй муғ, кетур жоми фано,  
Ким чидай олмон бугундин сўнг онинг хижронига.

Бўлмайин фоний, муҳаббат жомин ичмакдур маҳол,  
Сабт этинг бу нўктани дайри фано айвонига.

Ком топмай кимки ҳирмон дардига бўлмиш асир,  
Истаса ҳамдард, ўлтуртунг Навоий ёнига.

\* \* \*

Кўнгулким васлин истар ҳар тараф доди ситам бирла,  
Эрур Юсуф харидори неча эски дирам бирла.

Фигонлиғ кўнглуму ўтлуғ дамимни саҳл тутмангким,  
Олибмен ишқ иқлимини бу таблу алам бирла.

Итурдум оҳ ила ағёрни ул юз ҳавосидин,  
Аннингдекким, киши сувдин кетаргай хасни дам бирла.

Қуруғ жиссимда қонлиғ заҳм әмастур қатъ учун ҳар ён,  
Ки пайванд айламишсен ул сўнгакларни бақам бирла.

Туган бирла алифдин, эй мунажжим, ҳолатим кўргил,  
Ки кўксум тахтайи рамл ўлди ҳар ён бу рақам бирла.

Кўнгул машҳудига чун бўлди восил, бўлса бўлсун тил  
Агар қойил самад бирла, вагар зокир санам бирла.

Таайюн хирманин қўйдургай, аммо барқ рафтори  
Ки кўқдин ерча манзил қатъ қилғай бир қадам бирла.

Дема, кўксумда эскиргай туганларким, кўзум ҳар ён  
Чу тўқти қатра, доф ўлди бу сариг сафҳа нам бирла.

Қаду зулфунг била оғзинг тилаб қўз юмди оламдин,  
Навоийга тараҳхум айлаким, борди алам бирла.

\* \* \*

Зиҳи ҳайвон суйидек лабларингнинг ҳасрати жонда,  
Хатинг Ҳиазики пинҳондур ва лекин оби ҳайвонда.

Юзунг ҳақ нур, жисминг руҳи пок, эй руҳдек ғойиб,  
Сенингдек бир малаксиймо париваш йўқтур инсонда.

Ики кўзким, аросидин чиқиб ёш ўтти бошимдин,  
Биайниҳ гарқ бўлғон кемалардур баҳри Уммонда.

Дегайсен баҳр даврида қамишлиғ ичра ўт тушмиш,  
Кўзум гирдида қон ёшким югурур хори мужгонда.

Эмас пайконининг равшанлиғидин бу кўнгул акси,  
Ҳар ўқким ул отар, кўнглум эрур албатта, пайконда.

Ўтуб йиллар, ул ой бир қунки кулбам сори йўл озгай.  
Емон толиъдин ул кун бўлмагаймен байтул-аҳzonда.

Навоий қон ёш ичра гарқу ёри май ичиб доим  
Дер эрмиш: «Зарқ» айлайдур, кўрунг мен қонда, ул  
қонда?»

\* \* \*

Нардага кирган киби хуршиди раҳшон ҳар кеча.  
Азми хилват айлар ул шамъи шабистон ҳар кеча.

Ул кулуб аҳбоб бирла субҳдек, мен шамъвор  
Ўртаниб кўнглум, тўқармен ашки ғалтон ҳар кеча.

Бир қуёш ҳижронида урён таним гардун киби  
Мехр ўтидин кўргузур минг доғи пинҳон ҳар кеча

Гаҳ-гаҳ, эй маҳмури хоболуд, сўр ул хастани,  
Ким етар оғзига лаълинг ёдидан жон ҳар кеча.

Носиҳо, не навъ пинҳон тоат айлайким олур.  
Дину дониш нақдини бир номусулмон ҳар кеча.

Бир кечада сўргил мени ондин бурунким, сўргасен:  
Қони ул бедилки, айлар эрди афғон ҳар кеча?

Чек Навоий, нола, кўз май берсуну бағрим кабоб.  
Чун бўлур ул ой хаёли бизга мәҳмон ҳар кеча.

\* \* \*

Ё раб, ул юзни даме кўзумга пинҳон айлама,  
Ё кўзумни ондин ўзга юзга ҳайрон айлама.

Чеҳрасига мезбон ўлсун кўзум, ул чехрани  
Кўзларим уйидин ўзга уйга меҳмон айлама.

Очмайин зулфин, паришон кўнглума чектурма ох,  
Етмайин оҳим ели, зулфин паришон айлама.

Жонима лаълидин ўзга лаълидин ўзга лаълдин берма хаёт  
Лаълига жонимдин ўзга жонни қурбон айлама.

Бошима қўйидин ўзга қўйни қилма ватан,  
Қўйида бошимдин ўзга бошни ғалтон айлама.

Эй кўнгул, давр аҳлидин минг йилчилик йўл гўша тут,  
Ё алардин етса юз минг фусса, афғон айлама.

Истасанг, эй гул, Навоийдек хушилҳон булбуле,  
Ғунчадек кўнглин маломат хоридин қон айлама.

\* \* \*

Жон олса найлай ул бути паймон гусил била,  
Чун бермишам кўнгулни анга ишқи дил била.

Келди манга чу белини чектим, масалдуур,  
Ким тортса бўлур келури бўлса қил била.

Ашкимки қон бўлуб юзум узра тушар, эрур  
Ёшеки майл бор анга сорик-қизил била.

Қадди ҳавосида лабидин роҳат истарам,  
Ичсам керак мудом чоғири муътадил била.

Зулм аҳли ҳалқ қони учун тил узатмоги  
Бор уйлаким сибоъ ичар сувни тил била.

Кавсар майини шаҳд уза сунъ илги томизиб,  
Лаълинг мухаммар айлади ул обу гил била.

Доим қошингда бўлса Навоий ажаб эмас,  
Гул бирла булбул ўлса, не тонг, муттасил била.

\* \* \*

То кўрубон юзин қуёш қолғали иштиёқига  
Гоҳ бошига эврулур, гоҳ тушар аёқига.

Қошида холи ҳиндуйий кофир әзурки, аҳли дин  
Қатли учун чиқибдуур кўз сола дайр тоқига.

Дарду балову гуссани кўнглум аро кетурди ишк,  
Дўстларин бирав кибиким тилагай висоқига.

Васл мени чу ўлтуур, бор санга ўлмагим гараз,  
Раҳм этиб, эй ажал, мени солма анинг фироқига.

Пўя қулурда чобукум учти рикобида пари,  
Нақш согинма зеб учун сизғон анинг жаноқига.

Толиби фақр бор эсанг барча била мувофиқ ўл,  
Сен киму эътиroz ким аҳли замон нифоқига?!

Нўши лабинг зилолидин хаста Навоий ичгали  
Чекса ҳаёт чашмасин, заҳр келур мазоқига.

\* \* \*

Лабларингким, ҳайф әзур тенг тутмоқ они қанд ила.  
Синдуур юз қанд бозорини шаккарханд ила.

Токи ҳайронмен санга номус ила итмиш кўнгул,  
Телба янглигким қочар эл ғофил ўлғач банд ила.

Одам ул соатки жаннат ичра авлодин кўтарар,  
Не қувонгай дам-бадам сен нозанин фарзанд ила.

Қўй насиҳат, зоҳиду, ўтлуг дамидин ваҳм қил,  
Телба ит имкони йўқтурким соғалғай панд ила.

Ҳожатингни элга ара этмакка ҳожат бўлмасун,  
Хуш чиқишсанг лаҳзае бу зори ҳожатманд ила.

- Лабларинг ҳажринда юз паркандким бўлмиш кўнгул,  
Лаъъл әзур маҳлул қон ўрнига ҳар парканд ила.

Чун Навоий кўнгли синди, эмди лутфунг не осиг,  
Ким ушатса шишани, бутмас яна пайванд ила.

Солиб қон онча қўйдунг доғ бу жисми фигор ичра,  
Ки онча доғ ила қон бўлмагай бир лолазор ичра.

- Қушеким тушса, оҳим гирдбодидин чиқа олмас,  
Бирор янглигким қолгай эшиги боғлиғ манор ичра.

Ики рухсори икки зулф ёпқондин ниҳон ўлмас,  
Нечукким шуъла дуд ичра, қуёш ёхуд губор ичра.

Юзуңг шавқида ашким күзлар ичра жола боғлаимиш,  
Егин ул наўъким дур боғлагай абри баҳор ичра.

Қолибтур анбарин аулфунг ичинда боғланиб күнглум,  
Кийикдии қатра қон қолғон киби мушки тотар ичра.

Қизиг күнглумдаги пайконлари дардин не фаҳм этгай,  
Ангаким қатралар хайдиндурур ўтлуг узор ичра.

Чу ўлгум ҳасратидин, шояд ўтган чоғда күргаймен,  
Мени судранг гадолар күйида бир раҳгузор ичра.

Гар ул шаҳ базмидин бир журъя май топмон, ажаб  
эрмас,

Ки май шўхи кирибдур ширадин маҳкам ҳисор ичра.

Мениким айламиш ул мугбача ишқи майи маҳмур,  
Магар ҳам дайр пири чора қилғай бу хумор ичра.

Вафо айларда элга рўзгоринг айлама зойиъ,  
Ки улким сен тиласен, йўқтур аҳли рўзгор ичра.

Навоий, гар фалак даври санга еткурмас ул ойни.  
Не чора, чун сипехр эрмас кишига ихтиёр ичра.

\* \* \*

Оразинг холи недин қилди мени девона,  
Қушни сайд этмади чун суда кўрунган дона.

Кириб оқ уй аро жонлар қушини куйдурдунг  
Гарчи фонусда шамъ ўртамади парвона.

Тийрборони ғаминг бузди кўнгул масканини.  
Бизинг уй бўлди ёгин касратидин вайрона.

Ҳажр заъфидин ўлубмен танимасдек, не ажаб.  
Ошнолар манга бўлдилар эса бегона.

Бузди ул шўхи қадаҳнўш салоҳим уйини,  
Манга мундин нари манзил бас эрур майхона

Соқиё, тўлғуча паймона ерим майкададур,  
Мени масти этгали қўп яхшидурур паймона.

Журм эса ёр бошим узра етиб ўлмаганим,  
Эй Навоий, мени ўлтурмак эрур журмона

\* \* \*

Нилдин ҳар ён алиф ул маҳжабин рухсорида,  
Бир ниҳоли сарв эрур гёё Ирам гулзорида.

Ишқ султони сиёсат айлади ушшоқни,  
Халқ жисмидур, сомон эрмас бало деворида.

Тоза дөгедур фифоним ўтидин бўйнумдағи  
Ҳар мудаввар шакл шингарфий жунун туморида.

Тавқлар бўлмиш жели тортарга имон аҳлини,  
Ҳалқалар занжири зулфунг риштаси зунорида.

Телбалик тоги танимдур, бош уза жўлида соч,  
Ҳар бири бир нотавон Мажнун жунун қўҳсорида.

Тушса юз дастор бошдин, бош эгиндин, вах, не тонг,  
Ким эрур гулранг май бошида, гул дасторида.

Бору йўқин тенг кўрармен зарраву хуршиднинг,  
Йўқ оғиз бирла жаҳоноро жамолинг борида.

Шамъ ила май ахтарига бер саботу сайрким,  
Мехр фаҳм ўлмас фалакнинг собиту сайёрида.

Эй Навоий, зор жисминг нола қилмас заъфдин,  
Үйлаким суст ўлса, ун бўлмас муганий торида.

\* \* \*

Фалакдин яхшилиқ етгай дебон кўнглунгни шод этма,  
Ямонлиғким етар, ҳоло унут, ўтганни ёд этма.

Замона аҳлиға гар юз қуёшча кўргуазбсен меҳр,  
Вафо зинҳорким бир зарра чоғлиғ иътиқод этма.

Нужуму чарх деб ўкма гадонинг баҳъялиқ шолин,  
Тутунни чарху учқунларни анжум эътиқод этма.

Фано аҳли аёғи туфроғи шарҳин ёзар бўлсанг,  
Қарогимни ҳал айла, эй рафиқ, ўзга мидод этма.

Мидод этган қарогимни қилибон кирлиғим хома,  
Кўзумнинг пардасидин ўзга когазга савод этма.

Қилиб солиҳ амал касби шиорингни салоҳ этгил,  
Але фосид хаёлинг бирла ҳар дам бир фасод этма.

Чу билдинг, риэқ эрур мақсум, чекма дўстдин миннат,  
Қазодин хориж эрмас иш, адуға инқиёд этма.

Тиларсен фақр даштин қатъ қылгайсан эранлардек,  
Багир сув қил, юрак парголасидин ўзга зод этма.

Навоий, истасанг уқбо муродин номурод ўлғил,  
Агар дунё муроди йўқтур, ўзни номурод этма.

\* \* \*

Дардини жисмим аро асрой дебон тадбир ила  
Тоза доғ әрмас, ўқи захмин туубмен қир ила.

Токи шамъи анжумандур моҳи шабгардим менинг,  
Кўк шабистонидин ой ҳар тун қочар шабгирила.

Зулфи ичра зор жисмим ҳөлатин қиласанг рақам,  
Эй муҳаррир, зарҳал этгайсен қаро таҳририла.

Ҳаддинг эрмастур менинг ишқим дебон ёзгурмаким,  
Мен ҳам англармен, валие не чорадур тақдир ила?

Ул пари зулфи саводин ёзғали бўлмиш давот  
Ўйла савдоийки, аспарлар ани занжир ила.

Қабр аро айланг юзумни чун қароким умр ўтуб,  
Дўст кўйи азми қилдим юз туман тақсир ила.

Ишқ шаръида Навоий қатл ила топсанг ҳалос,  
Билки, ўлмақдин қутулғондекдуур таъзир ила.

\* \* \*

Илгин ул гулранг этибдур лола яфроги била,  
Кафларин барги била, тирноғларин доги била.

Риштайи зулфи ҳаёлидин ҳаво қилган қўнгул  
Бир қушедурким, қочибдур гўйиё боғи била.

Решалар кўксумда кўр, Фарҳод баҳсин қўйим, ул  
Қозмади мендек бало тоғини тирноги била.

Шамъ ҳамдардимдуур ҳижрон туниким, мен киби  
Ҳажр ўтида қоврулур ул доги ўз ёғи била.

Оташин лаълинг шаҳиди қабридин гулгун губор,  
Ким қўпар, ўттур эмас қон ранги туфроги била.

Бемаҳал гулбонг ила ёлқитма, булбул, элниким,  
Даҳр боги гуллари хуштур vale чоғи била.

Лола эрмас, урди ўт гулшанга бир гул ҳажридин  
Ўртаниб ҳар дам Навоий нола қилмоғи била.

\* \* \*

Мен масти гарқи бодамен аксим әмас май ичра, вах,  
Соқийга бовар бўлмаса бехуддугум бастур гуваҳ.

Тақво ридоси бирлаким масжидга бордим дайрдин,  
Эй мугбача, ийнак ридо бўйнумда гар қилдим гунаҳ.

Келдим қочиб ғам хайлидин майхонаға, эй пири дайр,  
Тенгри паноҳинг гар манга хум кейнида берсанг панаҳ.

Дайр ичра сархуш мугбача дилимни торож айлади,  
Айб этмангиз гар келмаса ёдимга шайху хонақаҳ.

Наззорадин ҳуш аҳлининг дастори тушмак не ажаб,  
Мундоғки сархуш секритур ҳар ён саманд ул қажкулаҳ.

Тасбиҳни май раҳни қил, ҳар донаға майл этмагил,  
Гар истасанг қўнглунг қушин сайд этмагай бу домгах.

Май тулгинияг ҳар пашшаси пиледурур хартумлук,  
Дафъ этгали дайр аҳлиға гар чекса дарду ғам сипаҳ.

Юз бирла гар дайри фано йўлин супурсам, важҳи бор,  
Ким дайр пири оллида бу навъ ўлубмен рўбараҳ.

Гулхан аро остингда кул, урён бошингда ишқ ўти,  
Бу навъ тахту тож ила сенсен Навоий подшаҳ.

\* \* \*

Очиб қўксум шикофин, айладим қўнглумни наззора,  
Эрур юз пораву ғам тийғидин ҳар пора юз пора.

Таним меҳнат сипеҳри, анда, вах, пайконингу ашким  
Қўнгулга гусса еткурмакка событ бирла сайёра.

Манга бедардлиқ дард эрди, ваҳким, ҳажрингдин  
Чу менда бўлди дард, эмди зорур бечоралик чора.

Үтарсен ўйнай-ўйнай, мен гадойи хаста йўл узра,  
Қолурмен бир қиё бокмоқ учун ёлбора-ёлбора.

Кўнгул саргашталиқдин бўлди йўқ оғзинг киби, гўё  
Ани чарх айлангандур ғунача йўнмоғлиққа инкора.

Ўлумдин ҳажр душвор ўлмаса дард аҳлиға, невчун  
Ажал Мажнунни асрраб, айлагай Лайлини оввора?

Навоий кўксини чок этти ҳажр андоқки, фаҳм этгай  
Тахайюл ҳайъатин кўнгул аро ким қилса наззора.

\* \* \*

Хуш улким, бор эди илгимда печон сунбулунг гаҳ-гаҳ.  
Тутунлар чирмашур бошимға они чун соғинсам, вах.

Юзунгдур поклик меҳри, кўзумдур ростлиқ айни,  
Анингдек юзга мундог кўздин ўзга кўз маозаллаҳ.

Кўнгул парголасидур ҳар тараф ишқингдин ўртанган,  
Шаарларким чиқар оҳим ўти дуди била ҳамраҳ.

Тушумда лаълию рухсоридур, уйғотманг мени, гар худ  
Масихо бирла Юсуф бошим узра етсалар ногаҳ.

Учуб руҳум қуши ҳар ҳаво айлар занахдонин,  
Анингдек қуш масалликким нишиман қилмиш ўлғай  
чах

Муҳаббат қўйида буқим гадо шаҳни қилур ошиқ,  
Биайних бор аниңгдекким гадони ошиқ этгай шаҳ.

Қазойи момазо чун фавти ҳол айлар зиҳи ҳисрат,  
Муваффақ улки аввалдин бўлур ўз вақтидин огаҳ.

Қалам ёзғон балодин муҳтариҳ бўлгой зиҳи нодон,  
Муқаррар бўлмоғон рўзий талаб қилғон зиҳи абллаҳ.

Навоий, дафтари ҳажринг ёзиб, кўз тўқти ҳунобин,  
Чу очсанг сафҳа-сафҳа, кўргасен қон ўтганин таҳ-таҳ.

\* \* \*

Оразинг муштоқидур бу кўзки бўлмиш дардманд,  
Гарчи бордур дардлиғ кўзга ёруғлиқтин газанд.

Дард ўтин ёқти кўзумга ҳажр чун қўрдум юзин.  
Куйдурур албатта ҳар доруки бўлгай судманд.

Бу қизорғон кўз аро мардум эмаским эл кўзи,  
Тегмасун ҳуснунгга деб ўт узра солибмен сипанд.

Токи ул бемор кўз ошуфтаси бўлмиш кўзум,  
Истабон жинсият оғриқ шевасин қилмиш писанд.

Кўзларим лаълига ҳамранг ўлди ваҳ, не ҳол экин,  
Ким бу аччиғ йиглагон сойи ул айлар пўшханд.

Кўзни бир из туфрогидин равшан этким суд эмас,  
Шофиъ кофурий чекиб осмоқ анга мушкин паранд.

Ул қуёш ҳажрида билмонким, Навоий кўзига  
Барча олам тийрадур ё боғламишдур чашмбанд.

\* \* \*

Чун илик бермаски ўпсам, ул ситамкор илгини  
Бир киши илгин ўпкайм, ўпкай ул ёр илгини.

Чун аёғи туфрогин ўпкунча топмон эътибор,  
Сунса ҳам ногах, ўнарга не ҳадим бор, илгини?

Жон сотармен хоки пойингга, нединким аҳли байъ  
Туттуурлар сотқучи бирла харидор илгини.

Зулфидин, тонг йўқ, Калимуллоҳдек этса аждаҳо,  
Ким яди байзодин айлабдур намудор илгини.

Сўргали келса Масиҳим бошима доманкашон,  
Ул этакдин ким ола олғай бу бемор илгини?

Догу қондин борур ул қўлким очилмиш лолазор,  
Ҳажринг айёмида чексанг ошиқи зор илгини.

Эй Навоий, билки, ҳижрон даштидин бўлмас ҳалос,  
Сайр аро матлуб агар тутмас талабгор илгини.

\* \* \*

Жилваму айлар қизил тўн бирла ҳар ён ул пари.  
Е магарким лолазор ичра кезар кабки дарий?

Телбалар қатли қизил қилмиш либосин, оҳким,  
Бир йўли девоналар қонига кирмиш ул пари.

Хулласин хуноблиғ жон риштасидин қилди чарх,  
Бўлди жонлар жони, ваҳ-ваҳ, ул париваш пайкари.

Оразинг нақшимудур қонлиг кўнгулда жилвагар,  
Ё шафақдин бўлди толиъ офтоби ховарий.

Ич шафақгун майки, гардун қотиледурким, эрур  
Янги ой бирла шафақ тигу либоси аҳмарий.

Қон уза кўнглум юаунг шавқидин андог хастадур,  
Ким эрур гулгун ҳарир оллида онинг бистари.

Ул пари лаълида жонинг, эй Навоий, бўлди маҳв,  
Лаългун кисватда маҳв этгандек ўзни ул пари.

\* \* \*

Жонга чун дермен: «Не эрди чиқмоғинг кайфияти?»  
Дерки: «Боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати».

Жисмдин сўрсамки: «Бу заъфинга не бўлди сабаб?»  
Дер: «Анга бўлди сабаб ўтлуқ бағирнинг хирқати».

Чун бағирдин сўрсам, айтур: «Анда ўт тушди манга,  
Ким кўнгулга шуъла солди ишқ барқи офати».

Кўнглумга қислам ғазаб, айтурки: «Кўздиндур гунах,  
Кўрмайн ул тушмади бизга бу ишнинг тухмати».

Кўзга чун дерменки: «Эй тардомани юзи қаро,  
Сендин ўлмиш телба кўнглумнинг балову ваҳшати?!»

Йиглаб айтур кўзки: «Йўқ эрди манга ҳам ихтиёр,  
Ким кўрунди ногаҳон ул шўх маҳваш талъати».

Эй Навоий, барча ўз узрин деди, ўлгунча куй,  
Ким санга ишқ ўти-ўқ эрмиш азалнинг қисмати.

\* \* \*

Бир кун мени ул қотили мажнуншиор ўлтургуси,  
Үсерук чиқиб, жавлон қилиб, девонавор ўлтургуси.

Гар заъф ила ожизлигим кўнглига раҳме солса ҳам,  
Бошимга етгач секретиб беихтиёр ўлтургуси.

Васли аро гар ўлтурур, жонимга юз минг шукр эрур.  
Чун қолсам ондин бир замон, ҳижрони зор ўлтургуси.

Ошиқ бўлурда билмадим мен нотавони хастаким,  
Ҳажр ўлса, ғам куйдургуси; васл ўлса, ёр ўлтургуси.

Майдон аро, аҳли дин, кирманг тамошосигаким,  
Юз кўрмайин ул кофири чобуксувор ўлтургуси.

Лаълинг закоти май тутуб тиргузасанг, эй мугбача,  
Дайр ичра мен дилхастани ранжи хумор ўлтургуси.

Дерлар Навоий қатлига гул-гул очибтур оразин,  
Кўргунча они, войким, бу хор-хор ўлтургуси.

Фамингдин чун ажал гўр оғзида жисмим ниҳон этгай,  
Мазорим лавҳи дардинг шарҳини тилдек баён этгай.

Қанотлиқ мўрдек жисмимни уй қилмиш ажал хайли,  
Магар ул навъ қушлар бу бузугни ошён этгай.

Юз очқач эгма қаддим заъф қилди, вах, не билдимким,  
Қуёш васли янги ойимни мундоғ нотавон этгай.

Оғиз бўлди кўнгулга чокию тил анда пайконинг,  
Не тонг, бу тил оғиз бирла агар муҳлик фигон этгай.

Қиличинг суйини истар қуурргон нахлдек қаддим,  
Ажаб эрмас, қазо онинг гулин гар аргувон этгай.

Дер эрдим кўйини юй ашқ ила эл заҳми қонидин.  
Не билдимким ҳамул эл рашки-ўқ ашкимни қон этгай.

Натижа куймагу ашкидин ўзга тоғмагай улким,  
Бу гулшан шуълаву дудин гулу сунбул гумон этгай.

Тилар юз лаҳт қон этгай насибин даҳр дехқони,  
Қаю булбулниksam гул хони узра меҳмон этгай.

Жигаргундур Навоий жисми қон ёшдин, маҳалдурким  
Қазо бу навъ лаъл учун фано тогини қон этгай.

\* \* \*

Нечаким, ул ойга мендин меҳрибонроқ йўқ киши,  
Яхши то қилсан назар, мендин ямонроқ йўқ киши.

Хасталар жонига ул бемор кўздин новаке  
Гар отарсен, билки, мендин нотавонроқ йўқ киши.

Оҳу хунобимни лаҳну бода қилмишсен гумон,  
Дилраболар ичра сендин бадгумонроқ йўқ киши.

Аҳли ишқ озори жонин истабон тишлар лабин,  
Мендин ушбу қиссада озурдажонроқ йўқ киши.

Ер этар эрмиш ватан бехонумонлар кўнглини,  
Шукр, сендин қўйида бехонумоироқ йўқ киши.

Хослар васл истагайлар, ваҳки, мен девонадин  
Ул пари қўйида беномунишонроқ йўқ киши.

Эй Навоий, хурдайн назмингга ислоҳ истасанг,  
Шоҳи Ғозийдин жаҳонда хурдадонроқ йўқ киши.

\* \* \*

Тилармен музтар этса офати осуда жонимни,  
Совурса оғият бирла тузулган хонумонимни.

Чиқиб сархуш, чопиб абраш, қилиб жавлон, олиб  
майдон.

Вужуд иқлимидин маҳв айласа ному нишонимни.

Үруб жонимға неши ғам, тузуб қатлим учун марҳам,  
Ҳино қиласа бало шоҳидлари илгига қонимни.

Фироқ ичра алифдек қаддима ғам тогини юклаб,  
Уҳуд остидаги дол этса жисми потавонимни.

Жунун қўйида усрук судратиб ратбул-лисон қиласа,  
Фано авбошига дайр ичра бу рози нишонимни.

Юзин айлаб қаро, кейнича солиб ишқ атфолин,  
Бари маству маланг ўйнатса ақли хурдадонимни.

Навоий, не май эрдиким, ичиб оламға фош эттим  
Улустин ёшурун йиллар кўнгулда арагонимни.

\* \* \*

Севунгил, эй кўнгул, охирки жисминг ичра жон келди.  
Қувон, эй жони маҳзуним, ҳаёти жовидон келди.

Сафардин ул пари етти, мени маҳзунни шод этти,  
Кўнгулдин эски ғам кетти, тан ичра янги жон келди.

Хирад, йиғ бу масофингни, таҳаммул, қўй газофингни,  
Вараъ, тарк айла лофингни, ки ошуби жаҳон келди.

Дамеким андин айрилдим, кўнгулни ҳамраҳи қилдим,  
Бугун келди кўнгул, билдим, ким ул номеҳрибон келди.

Келибтур ёшурун ул шах, мени мажнун эмон огах,  
Пари эрмас эса, бас ваҳ, нечук кўздин ниҳон келди?!

Фалак боқти фигонимга, ажал раҳм этти жонимга,  
Хазонлиғ бўстонимга гули боғи жинон келди.

Муганийй, бир навое туз, Навоий, нагмае кўргуз,  
Лёқчи, томса тут тўқкуз, ки Доройи жаҳон келди.

\* \* \*

Не бир субҳ ул қуёш базми аро ичтим тўла жоме,  
Не ёттим масти рухсорим аёғига қўюб шоме.

Не бир қуш ҳаргиз ул гулшан сори еткурди пайғомим,  
Не бир ел ҳаргиз ул гулдин манга еткурди пайғоме.

Ўқунгдин минг тўшуклук кўнглак ичра толпинур  
жисимим.  
Ҳамул қундин сариф чехрамда гулгун ашқдур, эй шайх,

Нечукким тутмадинг, эй умр, вайроним аро ором,  
Рамингдин тутмади жон ҳам бузуғ жиссимид ороме.

Ҳамул қундин сариф чехрамда гулгун ашқдур, эй шайх,  
Ки бир зарбафти гулфомий кийиб чиқти гуландоме.

Югурдуң Каъбайи мақсад тилаб кўп, лек тинмайсен,  
Чиқарсанг ўзлуқунгнинг дайридин ўзни, эрур коме.

Навоий, тонгла ҳуру софийи кавсардин ортуғдур,  
Бугун ул мугбача ишиқида бўлсанг дурдишоме.

\* \* \*

Эй, гули сарви чаманда оразинг шармандаси,  
Сарв бу озодлик бирла қадингнинг бандаси.

Гар ўғурламайдурур жон нақдини ширин лабинг,  
Бас, недур сўрсам табассум бирла шаккар хандаси.

Васлин иста, эй кўнгул, шоядки охир топқасен,  
Чун масалдурким, топар ҳар нимани жўяндаси.

Айтур эрмишсенки, ой бир камтарин қулдур манга,  
Кўрки, ёри етмиш ойнинг толиъи фархандаси.

Тожи Кайхусрав била мулки Сулаймон истамас,  
То Навоий бўлди ул султони олам бандаси.

\* \* \*

Йўқтур андуху малолат ўтига хас мен киби,  
Бедилу бечораву бемору бекас мен киби.

Эйки, Мажнун васфин эттинг, ўлмади ёр оллида,  
Мен қилиб юз жон фидо, ул бўлмагай, бас, мен киби.

Дема, парвона куяр мендекки, сўз шамъ узрадур,  
Не учунким ул доги гам шоми қуймас мен киби.

Турки анжумга дедим, ҳусн ичра сен ё ул фузун,  
Дедиким, бўлгай анга юз банда чаркас мен киби.

Қошларинг ёсиға қурбон қилғали йиллар тилаб  
Топмагай бир бу кўҳан тоқи муқавас мен киби.

Эйки, давр аҳлия вафоси йўқ дебон озурдасен,  
Ошнолигни алардин сен ҳам эт бас мен киби.

Эй Навоий, ишқ ўтина ҳар ким ёрутмоғ истаса,  
Ер юзинда топмагай тутруг учун хас мен киби.

\* \* \*

Менинг баҳтим юзи гам қожидин ул кун қаро бўлди,  
Ки кўнглум ул кўзи-қоши қароға мубтало бўлди.

Қутулмиш эрди ошиқлик балосидин кўнггул, кетмиш  
Ул ой кўйига, ёна анга билмон не бало бўлди?!

Қошу кирпикларинг кўнглум уйин қилди камонхона,  
Алифлардин ўқу ҳар наъл анга бир ҳалқа ё бўлди.

Бузулғон хаста кўнглумдин ўқин зинҳор чекмангким,  
Ул уйга бу сутун, ул нотавонға бу асо бўлди.

Лабингга қайси тил бирла Фидо дей хаста жонимни,  
Анга жоним фидоким, жони лаълингга Фидо бўлди.

Ажаб мухлилк эмасму ишқ дашти, эй мусулмонлар,  
Ки бир мўриға ҳар кун тўъма икки аждаҳо бўлди.

Фано истар эсанг, ич дайр пири илгидин жоме,  
Нединким хонақаҳ шайхи иши зарку риё бўлди.

Вужудим фоний айлаб, олди дин бир мугбача, тонг йўқ,  
Агар зуинор боғлаб, масканим дайри фано бўлди.

Навоий, гуссадин махлас тиларсен, масти бехуд бўл,  
Ки даврон дарду ранжиға даво бу бўлди.

\* \* \*

Тануредур ичим гўё қизитқон ишқ ўти они,  
Ёпиштурғон кабоб ўрни анга ҳар доғи пинҳони.

Қизил раглар эмас кўз ичраким, кўз мардумин ғамзанг  
Анингдек нешлар урдики, оқмиш ҳар тараф қони.

Эрур қаддинг хаёли гаҳ кўнгул, гаҳ кўзда, гўёким,  
Будур ул жўйбору боғнинг сарви хиромони.

Тариқи ишқ аро кўнглумдадур ҳар дам ғами, ул уй  
Ажаб йўл узрадурким, ўксумас бир лаҳза меҳмони.

Ғамин шомин ёрутти қаддинг ул юз шуъласи бирла,  
Нетар кундузни улким, буйладур шамъи шабистони.

Яна ўтлуқ кўнгулда оташин лаълинг фироқидин  
Қизиқ ҳар лаългун пайкон әрур бир лаъл пайкони.

Хати райҳони ичра бодайи лаълин ҳаёл айлаб,  
Учар ҳар лаҳза руҳум, соқиё, тут роҳи райҳоний.

Мунунгдекким, йироқдур Каъбайи мақсад ҳамоноким,  
Эрур манзилга етмасдин жараснинг тинмай афгони.

Навоий давлати боқий тилар бўлсанг, яқин билким,  
Эрур соликка мушкил топмоқ они бўлмайин фоний.

\* \* \*

Маҳвашеким, меҳридин бўлдум жаҳон овораси,  
Раҳм этиб бир чора қилмас ўлса ҳам бечораси.

Захмлар қилдинг яна ғам нешидин, эй бевафо,  
Бутмиш эрди васл нўши бирла бағрим ёраси.

Бевафолар кўнгли, тонг йўқ, лабларингға бўлса сайд,  
Қайдаким лаъл ўлса атрофида бўлур хораси.

Юзига боққоч, ажаб йўқ кўзларимга тўлса ашк,  
Эл кўзига ёш тўлар қилса қуёш назораси.

Дарди ҳажрингдин Навоий кўнгли, кўкси, бағридур  
Ҳар бири юз пораву минг ёра ҳар бир пораси.

\* \* \*

Қилдим ул ой оллида ошиқлигим изҳорини,  
Мен анга сиррим дедим, билмон анинг асрорини.

Кўз қаросин ҳал қилиб ул ойга ёзғум номае,  
Бори бу тазвир ила кўргай қўзум рухсорини.

Кўзидин то жонға етмон, лаълидин бермас ҳаёт,  
Ул Масих ўлдум деганда тиргизур bemорини,

Хайфдурким, риштайи тасбих қилғай аҳли зуҳд  
Қуфр зулфи ичра ўлган халқнинг зуннорини.

Оразинг даврин чекарда гўйиё наққоши сунъ  
Мехр даври бирла тенг очмиш эди паргорини.

Тўқма жоминким, бало сели жаҳонни бузмасун,  
Маст кўрсанг, зоҳидо, дайри фано хамморини,

Эй Навоий, шавқидин ўлсам, иморат қилғасен  
Туфроғим бирла муҳаббат қўйининг деворини.

\* \* \*

Оҳқим, ул ганж ёд этмас бизинг вайронани,  
Ул қуёш бир зарра ёрутмас буазуғ кошонани.

Эгма қошин кўргузуб айлар манга манъи жунун,  
Янги ой бирла керак соғ этса бу девонани.

Кўзума ул важҳдин дермен юзунг афсонасин.  
Ким севарлар уйқусизлар доимо афсонани.

Ўзгалар ҳуснидин ўртамонки, гардун ҳар кеча  
Ерутур минг шамъу куйдурмас бири парвонани.

Чиқти жоним бодайи лаълинг кўруб, эй мугбача.  
Вах, тўла айлаб нетарсен қасдима паймонани?

Билмадиким, аввал айлар нафӣ ранжидин халос,  
Нафӣ қилғон шайх мут қўйидаги майхонани.

Ашк йўлин тут, Навоий, хоки пойи бирлаким,  
Гусса бар берур қаёнким сочсам ушбу донани.

\* \* \*

Фунчадек қон боғланибдур кўнглум, эй гул хирмани,  
Боргали кўз жўйборидин жамолинг гулшани.

Кўз қаросидин ёзай дермен битик, ҳайҳотким,  
Куйдуур гайратки, мен маҳруму кўз кўргай ани.

Ақл қочти кўнглум ичра сокин ўлғач дарди ишқ,  
Мўр манзилгоҳи әрмас аждаҳолар маскани.

Кўнглум уйида гами ториқмасун ҳар заҳмидин,  
Марҳамин ташлангки, ҳар ёндин очилсун равзани.

Аргувоний ашқ аро савсан масаллик лолмен,  
То тўнингдур аргувоний, кўнглагингдур савсаний.

Ҳар гул ушбу боғ аро кўрсанг, тикан осибидин,  
Фарқайи хуноб ўлуб, юз чок әрур пироҳани.

Ашқ қонида Навоийдур сўнгак жисми била  
Ул муборизким, қизил жинс ичра бўлгай жавшани.

\* \* \*

Тушда сарву гулдин ислаб бирни, қучтум бирини,  
Айлагил, эй сарви гулрух, бу тушум таъбирини.

Англадик ўтлуг юзи кўнглум не янглиғ қилди сув,  
Мум аро ким кўрмамишдур шуъланинг таъсирини.

Дўстлар, дафъи жунунум гар тиласиз, боғлангиз  
У пари кўйида бу девонанинг занжирини.

Сувратингдин ожиз ўлса Моний, эрмастур ажаб,  
Қайда нақош айлагай қилки қазо тасвирини?

Васл ила қилғил бузуг кўнглум иложинким, қилур  
Шоҳ адл этмак била вайроналар таъмирини.

Ишқу май, эй шайх, азалдин сарнавишт эрмиш манга,  
Вах, нетиб хуш кўрмагаймен тангрининг тақдирини?

Эй Навоий, дерсен ул ой ишқини элдин ёшур,  
Оти мазкур ўлса, найтай ҳолатим тагирини?

\* \* \*

Турфа гулзор айламиш май гуллари рухсорини,  
Турфароқ буқим, арақ сероб этар гулзорини.

Эй, кўнгул, ҳар торига юз жон муқайяддур, буқим  
Юз гирех бирла кўрарсан зулфининг ҳар торини.

Ёқмангиз захмимга марҳамким, ўлармен қилса гум  
Чоклик бағримдин ул ой тийгининг озорини.

Боғлагайлар атридин дин аҳли коғурликка бел,  
Ел паришон этса куфри зулфининг зунорини.

Бумни зоф этгай оҳим дуди қилса ощён,  
Дашт ичинда мен бўлур вайронанинг деворини.

Фош этар кўнглум шарори, тийра оҳим дуди ҳам,  
Неча дермен қилмайин ишқим ўти изхорини.

Ғам ҳужумидин не ғам, азми ҳаробот айлаким,  
Қўймайин бир жом ила ул хайлнинг осорини.

Сойир айларда қадаҳ топсанг сабот, эй мугбача,  
Айлайин барҳам фалакнинг событу сайёрини.

Англағил, жоноки, кўюнгда Навоий ўлди зор,  
Топсанг итлар уни ичра фигони зорини.

\* \* \*

Бўлди ийд, ул турки чобук азми майдон қилгуси,  
Ваҳки, эл бехудлуғи жонимни қурбон қилгуси.

Барқи оғат бўлғуси ҳар шуълаеким айрилур  
Марқаби туйноғидин, ул дамки жавлон қилгуси.

Ўқ ҳунилаб, ўт-ёлиндек ҳар тарафким қўйса юз,  
Юз кўнгулни қўйдуруб, юз жонни вайрон қилгуси.

Ошикоро жон олиб ҳар ён қилур машғул ўзин,  
Элии билмас деб йигит ўзини нодон қилгуси.

Шамъ эмас, кўз очтилар наззорага аҳли қубур,  
Ким ул ой ийд оқшоми сайри хиёбон қилғуси.

Субҳ майдон азми қилғоч, ваҳки, йўқ ёлгуз мени,  
Оlam аҳлин ийди рухсорига ҳайрон қилғуси.

Ийдгоҳ аҳли ҳужуми бирла, эй шах, қилма қибр,  
Ким фалак бу жамъни ҳоли паришон қилғуси.

Эй Навоий, рашидин ўлдумки, ул қотил бугун  
Ҳар тараф бу шакл ила юзланса юэ, қон қилғуси.

\* \* \*

Оғиз ичра тилингдек гунчада гулбарги тар бўлгай,  
Вале бу шарт илаким барги гул ичра шакар бўлгай.

Қадингга сарви раъно ўхшагай, лек ул замонким сарв  
Хиромон бўлгаю гул бергай, ул гулдин самар бўлгай

Юзунг даврига ой даврини ташбиҳ эткамен, вақте,  
Ки анда хол ила хатт фитнайи даври қамар бўлгай.

Қўзунгга ўхшасай нарғис, агар киймоч ўлуб оқи,  
Мудаввар асфари ичра қаролигдин асар бўлгай.

Хатингга қадр шоми ўхшагай бу шарт бирлаким,  
Тажалло нуридин ул шом аросинда сахар бўлгай.

Цу минсанг ашҳабинг ул дам қуёш бўлгай санга  
монанд,

Ки берса кўкбўзин жавлон жаҳон зеру забар бўлгай.

Манга ишқингда Мажнун бирла Фарҳод ўхшагай ул  
чоғ,  
Ки бу бўлгай жаҳон расвоси, ул мундин батар бўлгай.

Ҳабардор они билгил, эй кўнгул, бу давр жавридин  
Ким ул тун-кун ҳаробот ичра маству бехабар бўлгай.

Дедим, назм аҳлининг сархайли ким бўлгай, деди  
хотиф.

Навоий бўлгай, улким сен тилайдурсан агар бўлгай,

\* \* \*

Эй қуёш, неччун қошибидин соядек сурдунг мени,  
Рашан айлаб жумлай оламни, куйдурдунг мени.

Куйдуруб, эй ишқ ўти, гардунга совурдунг кулум,  
Пояда охир бу янглиғ қўкка еткурдунг мени..

Ҳажр ўти тоби яна беҳол қилди, нечаким,  
Эй насими васл, ўз ҳолимга келтурдунг мени.

Ишқ манъида сўзунг чун ҳашв эди, бўлдум хамуш,  
Қилма, эй воиза, гумонким йўлдин озғурдунг мени.

Найладим, эй ишқим, бўлдум ўлум муставжиби,  
Ким бу янглиғ ҳажр жаллодига топшурдунг мени?!

Васлинг эттинг ваъда аммо ҳажрингга қилдинг асир,  
Қўкка чектинг, лек ерга оқибат урдунг мени.

Эй Навоий, васл агар рўзий эмастур чора йўқ,  
Қилмадинг деб саъй бас, не ишга ёзғурдунг мени?!

\* \* \*

Эй кўнгул, қўйғилки, мундин сўнг гадолиг фан қилай,  
Кўйида бу фан била бир йўл бошин маскан қилай.

Гаҳ бу ишоратдинки ул кўй ичрадурмен, шод ўлай,  
Гаҳ бу меҳнатдинки андин айрумен, шеван қилай.

Айламакдин танга андуху бало топнин ҳисор,  
Жонима хайру саломат хайлини душман қилай.

Ул юзу қомат керак, ваҳ, ўзни куч бирла неча  
Мойили гул айлайн ё волайи савсан қилай?

Ёшурун ғам солди равзанлар кўнгулга, эй рафиқ,  
Қўйки, мен ҳам оҳ ила гардунни юз равшан қилай.

Соқиё, кўз бирла кўнглумни қаро қилмиш хумор,  
Келки, бу уйларни май хуршидидин равшан қилай.

Гар Навоий маст агар махмур ўтар бу дайрдин,  
Бодаполодин кафан, муг дайридин мадфан қилай.



Эркин ВОХИДОВ

## ШАРҲЛАР

### ЖУНУН ВОДИЙСИДА

Улуг Навоийнинг ҳар бири бир жаҳон маъно, бир олам ҳис тўйғу ифода қилгучи байтларини такрор-такрор ўқиб ҳар сафар қўнглиминиз сурур ва ҳаяжон билан тўлади, ҳар сафар бу олмос сатрларнинг янги қираларини қашф қиласмиш, янги-янги маъно товланишларини кўриб ҳайратланамиш.

Навоий байтлари бизнинг ҳаётимизга болаликдан, дастлабки ўқиш китоблари билан кириб келади. Биз илк бор буюк шоирни донишманд муаллим сифатида танимиз, «олим бўлсанг, олам сеники» деб айтган устоз сифатида ўрганамиш. Сўнг ўсмирлик, йигитлик фаслида бизга Навоий мұҳаббат, вафо дарсини беради.

Ениқ ишқий байтларни ён дафтаримизга кўчириб ёзамиш, илк севги мактубларига қўшиб битамиш. Вақт ўтиши билан буюк Алишер кўз олдимизда файласуф сифатида намоён бўлади, бизга ҳаёт дарсини ўргатади, унинг севинч ва андуҳлари, завқу жафоларини сўзлаб дунё ҳақидаги тасаввур доирамизни кенгайтиради.

Жунун водийсига мойил кўёармен жони зоримни,  
Тилармен бир йўли бузмоқ бузулғон рўзгоримни.

Мана шу матлаъ билан бошланувчи газал ўзбекнинг хона-донида дам-бадам меҳмон бўлади. Уни машҳур ҳофизларимиз мақом йўлларида жуда таъсирили ижро этганлар.

Бу газал дунёнинг гаму андуҳидан зардоб бўлган шоир қалбининг афгонидир.

Инсон юраги ва тафаккури ҳаддан зиёд севинчни ҳам, гамни ҳам қабул қилолмаслик хусусиятига эга. Тўйгуларнинг оғатли сели кишини телба қиласмиш. Шоир ўз жонини жунун, яъни телбалик водийсига мойил кўради, бузулган ҳаёт-рўзгори уни ақлдан оздиргани, энди телбаликни бўйинга олиб дашту сахролар кезишдан ўзга иложи қолмаганини ва

телбалик-бузиш, вайрон қилиш экан, демак бузилган ҳаётини бир йўла вайрон қилмоқ тилагини фарёд билан ифшо қиласди:

Жунун водисига мойил кўрармен жони зоримни,  
Тилармен бир йўли бузмоқ бузулғон рўзгоримни.

Шоир дунёдан шунчалар кўнгли қолган, совуганки, оқибатсиз одамлардан шунчалар меҳри қайтганки, бу ҳаётдан ҳеч бир нишонсиз йўқ бўлиб кетишни тилайди. Инсон жисми қу хоки губор бўлмоқца маҳкум, лекин шоир истаги —

Фалак бедодидин гарчи мани хокий губор ўлдум,  
Тилармен, топмагайлар тўтиёликка губоримни.

Яъни, золим одамлар мени тириклигимда хўрладилар, қадримга етмадилар. Вақт келарки, менинг одамларга кўргузган меҳру садоқатим, фидойилигим аён бўлар. Кишилар менинг қадримга етарлар, мозорим хокини кўзларига тўтиё қиласлар. Лекин тириклигимда бедодлик қилганлар мен дунёдан ўтгач ўқинмоқлари бенаф, кўзларига тўтиё қилмоқ учун губоримни топмагайлар. Ўшанда, эй аҳли гафлат, Навоий қайга азм этди деб сўраманг, мен тириклигимдаеқ ихтиёрим жиловини қазонинг қўлига бериб қўйганман:

Деманг, қай сори азм этгунг, менга йўқ ихтиёр, охир —  
Қазо илкига бермишмен иони ихтиёримни.

Ошиқ дунёning жабру жафосидан кўп қонли ёшлар тўқди. Оқибат кўзларидан ўша қон ёшлар ҳам қуриб тамом бўлди. Фақат заъфардек саргайган юзи қолди. Шоир бу ҳолатни ҳайратомуз ташбеҳга боғлади: золим фалак менинг баҳоримни олиб унинг бадалига ҳазон фаслини менга берди. Бу лоладек қон ёшларим қуриб, ҳазондек саргайган юзим қолганида памоён бўлиб турибди.

Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфарони юз,  
Фалак зулми бадал қилди ҳазон бирла баҳоримни.

Навоий даҳр эулмидан бошига ёғилган балоларни байтдан байтга кучлироқ фарёд билан байн қиласди. Биринчи байт ошиқнинг «жунун водисига мойил» бўлганини, иккинчи байт дунёдан тамом йўқ бўлиб кетиш тилагини ифода қилса, газал сўнгига яқин шоир буларнинг барчасидан ўта оғатни қаламга олади — бу оғат телба бўлишдан ҳам, дунёдан бено му нишон кетишдан ҳам оғир бир оғат. Бу — ёру диёрдан жудо бўлиш мусибати. Навоий шундай ёзади:

Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимга юз меҳнат,  
Не тонг, бошим олиб кетсан қўюб ёру диёримни.

Яъни, агар мен ёру диёримни ташлаб бош олиб кетар бўлсам, бунинг боиси ёрдан ва диёрим одамларидан бошимга

минг балолар ёққанидир. Тақдир менинг бошимга солган бу савдо шундай оғир савдоким:

Ёмон ҳолимга бағри оғриғай ҳар кимсаким күргай,  
Бағир парголасидан қонга булғонғон узоримни.

Бағрим пора-пора бўлганидан қонга бўялдим, бу ҳолимни кўрган ҳар бир кимсанинг бағри оғримай иложи йўқ. Тириклик шоирнинг наздида — дард. Бу дарднинг давоси эса ёлғиз ўлим. Асли шаробдан келган бош оғриқнинг давоси шароб. Аммо шоир учун тириклик шаробининг дафъи хумори захри қотиллар.

Ҳаётим бодасидин саргаронмен асру, эй соқий,  
Қадаҳқа заҳр қотил қуй, доги дафъ эт хуморимни.

Яъни, ҳаёт бодасини ичиб бошим оғирдур, эй соқий, қадаҳга заҳар қуйиб бергин-да менинг бошим оғриғини дафъ эт. Чунки бу дунёда ўлмай туриб тинчимак мумкин эмас, шу боис мени дардлардан озод қилмоқчи бўлсангиз, бору йўғими ни ёқинг:

Жаҳон тарқини қилмай чунки тинмоқ мумкин эрмастур,  
Навоий, қил мени озод ўртаб йўку боримни.

Навоийнинг бу машҳур газали фалак бедодидан, бемеҳр одамлар жабридан шоирнинг чеккан ноласи бўлиб неча аср-дар оша девондан девонга кўчирилиб, оғиздан-оғизга ўтиб, ҳам китоб ва рақларида, ҳам қўшиқлар қанотида бизгача етиб келди. Буқун биз улуғ бобомизнинг олис набиралари бекиёс истеъдод қаламидан тўкилган мана шундай сатрларни ўқиб, эшишиб онгимиз ва юрагимиз билан баҳрамандлик топамиз, узоқ-узоқ замонларнинг садосини тинглагандай бўламиз:

Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни...



*Нажмиддин КОМИЛОВ*

## **ЖОН ВА ЖОНОН МОЖАРОСИ**

Алишер Навоийнинг лирик асарлари жамланган «Хазоинул маоний» девонида икки ярим мингдан ортиқ газал бор. Шарқ адабиётида бирор шоирга бунчалик кўп газал ёзиш насиб бўлмаган. Аммо гап фақат сонда эмас. Навоий қалбидан қуилилиб чиқсан газалларнинг ҳар бири даҳо ижодкорнинг беназир санъати ва теран тафаккуридан тувоҳлик берадиган бадиий дурдона, мўъжизадир. Бу бадиий миниатюраларнинг яратилганига беш асрдан ошди, лекин кеча ёзилгандай ҳамон руҳимиз, щууримизни галаёнга солиб, дилларга ҳаловат бағищлайди, ўқиган сари яна ўқигингиз, байтлар қатидаги сеҳрли ва сирли маъноларни теранроқ, тўлароқ англаб олгингиз келади. Буюқ ўзбек шоири салафлари ижодхонасида камолга етган кўҳна жанрнинг имкониятларини истифода этиб, бемисл маҳорат кўрсатиш, хазон билмас шеърий гулшанлар яратиш баробарида ўзи мустақил равишда янги ифода усуулларию услублар ихтиро қилди, ижодий тажрибалар, улкан изланишлар йўлидан бориб, газал инкишофи ни баланд чўққиларга олиб чиқди.

Яхлит маъноли, воқеабанд газаллар яратиш улуғ Навоийнинг шундай услугубий ихтиrolаридандир. Мақсад Шайхзода биринчи бўлиб бунга эътиборимизни қаратган эди. Аввалги шоирларда аҳён-аҳён учраб турадиган бу хусусият Навоий ижодида изчилилк тусини олади, муайян равия, бадиий ифода тарзига айланади. Турфа инсоний ҳолатлар, воқеа-ҳодисалар тасвирига бағищланган туркум-туркум газаллар шундан далилат беради.

Яхлит маъноли газал радиф-сўзга ургу бериб, шоирона ваҳиятни намоён этиш, ё бирор-бир ҳодисадан таъсирланиб, ҳис-ҳаяжонни тўкиб солиши, шу воқеа моҳиятини очиши, ёхуд муайян анъанавий тушуича-тамсиллар, образ-ифодалар атрофифда сухансозлик қилиши, лутф кўрсатиш ниятнинг меваси-

дир. Чунончи, улуг шоир жон ва жонон мавзуида бир туркум-дилбар газаллар яратганким, шулардан бирини қўйида тўла келтирамиз:

Хар лабинг ўлганни тиргузмақда жоно, жон эрур,  
Бу жиҳатдан бир-бириси бирла жоножон эрур.

Жоним андоқ тўлди жонондинки, бўлмас фаҳмким,  
Жон эрур, жонон эмас, ё жон эмас, жонон эрур.

Бўлса жонон бордутур жон ҳам, чу жонон қилди азм  
Жон кетиб жонон била, жондин менга ҳижрон эрур.

Жон манга жонон учундур, йўқ жонон жон учун,  
Умр жононсиз қотиқ, жонсиз вали осон эрур.

Борса жон жонон йитар, гар борса жонон жон кетар,  
Кимсага жонону жонсиз умр не имкон эрур.

Хушдуур жону жаҳон жонон била, жонон агар  
Бўлмаса, жон ўйлаким ўлмас, жаҳон зиндан эрур.

Жоним ол, эй, ҳажру жононсиз манга ранж айлама,  
Чунки жононсиз Навоий жонидин ранжон эрур.

Газалда «жон» сўзи ўн тўққиз, «жонон» сўзи ўн олти марта тақорланиб келган. Бироқ бу қайтариқлар бизга ноҳуш туюлмайди, аксинча, кучли завқ уйготади, шоирнинг заковати, топқирлигига қойил қоламиз. Қаршимизда ўзига хос бутун бир газал-тажнис, яъни бир ўзакли, талаффузи, шакли ўхшаш, аммо маънолари хилма-хил сўзлар воситасида барпо бўлган ҳайратомуз санъат намунаси. Аёнки, тажнис классик шеъриятимизда кенг тарқалган усул, лекин етти байтли газалда икки жинодош сўзнинг бошдан-охир ҳар гал янги маънода, янги жило, янги товланиш билан бундай занжирланиб келиши фавқулодда ҳодиса. Гёё уста заргар бир бўлак жавоҳирдан турфа тароватли марварид доналарини суфталаб, ипак ипга тизиб чиққандай. Ва лекин шу нарса ҳам эсда турсинким, улуг шоир сўз соҳибқирони эканини кўз-кўз қилиш учунгина бу санъатга қўл урган эмас. Бу санъат замирида Навоий қалбida ҳамиша яшаб, кўкариб турган эзгу-ардоқли фикрлар: ишқ, вафо, садоқат ҳақидаги мунавар, муборак ғоялар порлаб диққатимизни тортади. Сўз — тафаккур хизматида, санъат — фикр ва ғоянинг кўрки, тарғиботчиси.

Бутун газал бўйлаб сўз додини бериб тажнисни узлуксиз давом этириш бир санъат бўлса, буни муҳим ижтимоий-ахлоқий ғоя билан боғлаб ривожлантириш орқали гўзал бир тасвирни вужудга келтириш яна бир санъат — юксак шоирлик маҳоратининг, уйгоқ, уйғун тахайюл, табиатдай қудратли ва сахий истеъоднинг нашъу намоси, сехркорлиги. Шоирнинг усталигини қарангки, байтлар бир-бири ила ман-

тиқан пайвандланиб, етакчи, сарбон гояни теранлаштира бориши асносида лирик қаҳрамоннинг туйғулари ҳам байтдан байтга кучайиб, унинг юрагидаги дарди, эҳтирос-ҳаяжонлари жўшиб бораверади, жон ва жонон можароси зўрайди, висол шодлигию ҳижрон азоблари, ошиқ изтироби ва ёр истиғноси орасидаги драматик зиддият тараанглашади. Ғазални шарҳланнимизда бу хусусият янада равшанроқ кўзга ташлана боради. Аммо бу ишни бошлиғидан олдин ҳамма гапларимиз келиб тақаладиган «жон» ва «жонон» сўзларига изоҳ бермоқчимиз.

Жонон сўзининг жондан келиб чиққани аниқ. Лекин қандай қилиб? Балки бу «жон каби», «жонга ўхшаш» (жондан ширин) деган маъноларни англатар? Яъни: жонмонанд — жонмон — жонон тарзида бирикманинг ихчамлашиб бориши оқибатида содир бўлгандир? Форс тилида сўзни мана шундай ихчамлаб, талаффузни енгиллаштириш ҳодисаси бор. Аммо Суддий Баснавийнинг фикрича, жонон жон сўзининг қўплигидир. Махбубни улуғлаш, унга чексиз ҳурмат-эҳтиром билдириш мақсадида шундай қилинган бўлса ажаб эмас, чунки бу яхши одатимиз ҳозир ҳам амал қилиб келмоқда. Бундан ташқари, жонон — жонларнинг жони (жони жонҳо, жони жонон) туганмас, ўлмас жон маъносида ишлатилиб, бора-бора тилда мустаҳкамланиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда барча маъноларда ҳам жонон (муаннас шакли жонона) инсон учун энг қимматли, азиз ҳисобланган жон билан баробар қўйилгани, ҳаттоқи ундан ортиқроқ билиб, эъзозланяётгани аён бўлмоқда. Жонон — махбуб, маъшуқ, дилбар, дилором, санам — буларнинг барчаси ёрнинг сифат-синонимлари. Улардан ҳар бири шеъриятда ўз мавриди, ўз мақом-нисбатида қўлланиб келинган. Чунончи, жонон сўзи тилга олинганда албатта жон сўзи ҳам қўшиб зикр этилган. Воқеан бир-бирига вобаста бу тушунчаларни яна ҳам тўлиқроқ тасаввур этмоқчи бўлсан, жон сўзининг келиб чиқиш моҳиятини ҳам билишимиз даркор. Зеро, қадимги аждодларимиз буни ҳозир биз тушунгандай талқин этмаганлар. Ҳозир биз жонни танадан ажратиб тасаввур қилолмаймиз. Жон, яъни тириклик материянинг олий даражада уюшган шакли бўлмиш биологик ҳаётнинг (демак инсон вужудининг ҳам) хусусияти деб қараймиз. Қадимгилар эса, жон бошқа, тана-жисм бошқа деб тушунгандар. Боз устига, уларнинг тасаввурicha, жон, рух — олий неъмат, бирламчи борлиқ бўлиб, жисм қуий хаюло — тўрт унсурдан таркиб тонгган бир қолип. Агар жон бўлмаса, вужуд ўзича яшай олмайди, дунё тимсоли бўлган бу «вайрон»ни жон обод қилиши мумкин. «Ошиқ дили дўстга мунтализир ва беқарор таллинганийдай, жисм рұхга муштоқ ва мухтоҷдир», дейди «Қашғул маҳжуб» китобининг муаллифи Шоҳ Иноятулло. Алишер Навоий асарларида учрайдиган «жисми вайроним», «тан уйи», «вужуд хокистари» сингари ибораларни шу маънода англашимиз керак. Унингча, жонсиз жисм — қаро тупроқ: «Жисмдан жонсиз на ҳосил, эй мусулмонларки, ул бир қаро туфроқдуурким, гулу райҳони

йўқ». Жоннинг шоирлар кўп қўллайдиган иккинчи рамзий номи «равон» (юриб турувчи) эканини эътиборга олсак, жон жисмга қарама-қарши ўлароқ доимо ҳаракатдаги нарса деб қарапгани маълум бўлади. Шунинг учун у жисм билан курашади, ўз асли — мутлақ руҳга бориб қўшилишга интилади, дея талқин қилинган. «Жоним оғзимга келди», «жон риштаси», «жони кирди» қабилидаги халқ иборалари ҳам шу тасаввурлар таъсирида туғилган. Мазкур тасаввурлар, шу билан бирга, абадий ҳаёт ҳақидаги, Масих (Исо), Хизр тўғрисидаги армонли ривоятларнинг яратилишига ҳам сабаб бўлган. Гёё Масих ўз нафаси билан ўлган одамни тирилтирад, Хизр бўлса оби ҳаёт — тириклик сувини топиб ичгани учун мангу яшаб, одамларни эзгулик манбаига етаклар эмиш...

Алишер Навоий тасвирлаган ошиқнинг севган ёри худди шундай нафасли киши, унинг лаблари ўликка ҳам жон багишлай олади, бу лаблардан ўпган ошиқ абадий ҳаёт тонади. Фақат бу эмас. Жонон лабларининг ҳар бири алоҳида алоҳида сеҳр кўреатиш қудратига эга ва соҳирлик ишида улар фоят иноқ-иттифоқдирлар. Қисқаси, газалнинг ушбу ривоятга асосланган биринчи байтининг мазмуни бундай: «Жонгинам, лабларингнинг ҳар бири ўлган одамни тирилтиришда жон ўрнидадир, улар иккови бу ишда жуда иноқдирлар». Байтдаги «жонон» сўзининг иноқ, иттифоқдан ташқари, яна бир — жонга жон, жон бериб жон олиш деган қадимий маъноси ҳам бор. Масалан, урушда фидойилик кўрсатган кишиларга нисбатан шундай дейилган. Навоий газалга бу маънони ҳам сингдира олган: жононнинг икки лаби ошиқقا жон бағишлишда бир-бири билан тортишиб, баҳслашади — бири жон олса, иккинчиси жон ато этади. Ҳа, бу ёр дийдорига муштоқ, кўнгли муҳаббат бодаси-ла лиммолим одам учун табиий ҳолдир. Ошиқ жонон ёдида шунчалик азиат чекадики, ўзининг бор-йўқлигини унугиб қўяди, бироқ жонон ҳузури, висол уни қайта ўзига келтиради, тирилтиради. Висол лаҳзасидаги бу руҳий ҳолат, қониқиши, ёр лабларидан олинган бўсанинг лаззати жонга беқиёс ҳузур бағишлиди. Жон жонон билан қовушиб, йўқ-йўқ, бирлашиб кетади. Улар орасида ҳеч қандай фарқ қолмайди: жон — жононга, жонон эса — жонга айланади. Яъни: «Жоним жонондан шу даражада тўйиб қониқдики, қайсиси жон, қайси бири жонон эканини билмай қолдим — жон бўлса, жонон қани, жонон бўлса, жон қани?» Биринчи байтининг бевосита давоми бўлмиш иккинчи байтининг мазмуни шундан иборат.

Муҳаббат қиёмида ошиқнинг «буду нобуду тенг бўлиб» қолиши, жонон жилвасида эриб кетиши Навоий ижодида кўп маротаба учрайдиган хуш тасвирлардан. Чунончи, шоир бошқа бир газалида бундай дейди: «Ёр буди ичра нобуд ўлғаменким, ўртада ўзгаликдан демаким, ўзликдан осор қолмагай». Ишқ тариқати шуки, агар бу йўлга кирган одам ҳақиқий ошиқ бўлса, у ўзини маъшуқнинг бир бўлагига айлантириши, орада «у» — «мен» деган фарқланишга ўрин

қолдирмаслиги керак. Ахир, висол чоғида юз берадиган муҳаббат қиёми «Ўзни унтиши ва маҳбубдан айри тасаввур қилмасликдир» (Шоҳ Иноятулло, «Кашфул маҳжуб», 19-бет). Бу ошиқни бекарор орзиқиб кутган дам, унинг учун олий мукофот. Чунки ошиқнинг кўнгли ва жони тинимсиз равишда жононга қараб интилади, жононсиз яшашни дўзах азоби деб билади. Зотан, жононсиз жоннинг унга кераги йўқ. Жононсиз жон тани ҳам қийноқ ва уқубатлар гирдобига солади.

Жоннинг доимий суратда жононга талпиниши, висолга ташналигини инсоннинг ўз Идеалига, бутун файзу фазилати, пок ахлоқи, ички маънавий дунёсининг кўркам, нурафшонлиги билан жозибали бўлган Дўст сари интилиши деб билмоқ керак. Дўст — кишининг севган ёри ҳам, эътиқод-имон тимсоли ҳам, эзгулик, адолат ва ҳақиқат ҳамдир. Яхши инсонни сёвиш — ҳаётни севиш, ҳаётни севиш — ҳақиқатни, ҳақни севиш демакдир. Буюк Навоий хаёлотида етилган Жонон образида бу тушунчаларнинг бари мужассам. Шу маънода жононга бўлган муҳаббат реал турмуш, муҳитдан қониқмаган, зулм ва зўрлик пажмурда этган, дунёнинг нотекис ва нотўқислигидан озурда кўнгилнинг қидирган оромгохи, сигинадиган ва суюнадиган ягона паноҳонаси бўлганини унумтайди. «Хазоин-ул маоний» дебочасида шоир ўз ғазалларининг ёзилишига сабаб бўлган ҳаётий туртқиларни бундай қайд этади: «Оллимга анча душворлиқлар юзланди ва теграмга онча саъб гирифторлиқлар айланди ва бошимға сипеҳр онча бало тошини отди ва ишқ сипоҳининг лагадқўби заиф пайкарим била сўнгакларимни онча оёқ остида ушотдиким, не сўзимдан хабарим, не ўзлугим билан ўзумдин асар қолди». Бу аҳволимни шарҳ этсан тушунадиган бир мушфиқ инсон тополмадим, шу боис дардларимни шеър қилиб ёздим, дейди Навоий.

Ерга бўлган ишқнинг шиддат ва шарофатини шу тахлит камоли эътиқод билан таърифлаб келиб, улуғ шоир учинчи байтда фикрларини янада равшанроқ баён этади: «Агар жононнинг бўлса — жоннинг ҳам бор, агар жонон кетишга чоғланса. билгилки, жон ҳам жонон билан бирга кетади. Демак, жондан ажраласан ва ҳижрон азобида қоласан». Жон билан жоннинг ажралмаслиги ҳақидаги бу ғоя кейинги байтларда янгича қиёсланиш ёрдамида давом этади. Масалан, тўртинчи байтнинг мазмуни бундай: «Жон менга жонон учун керак, аксинча, жонон жон учун эмас. Чунки жононсиз яшаш беҳад оғир, аммо жонсиз шу маромда ўртаниб-ўртаниб изҳор яшаш беҳад оғир, аммо жонсиз умр кўриш осон». Жигарсўхта, шайдойи ошиқ кўнгил муножотини мана шу маромда ўртаниб-ўртаниб изҳор этган. Висолдан сархуш, бироқ ёрдан жудо бўлиш муқаррарлигини олдиндан сезгандай жон талвасада. Ҳижрон азобларига қайта гирифтор бўлмаслик учун жондан кечишга ҳам рози... Тўртинчи байтдаги «жонсиз умр осон эрур» жумласи бизга галатироқ туюлиши мумкин.

Дарҳақиқат, қандай қилиб одам жонсиз яшай олади? Чамаси, бу ўринда шоир жон баҳсининг мажозий-ботиний маъносини чуқурлаштира бориб, инсон учун маънавий ҳаётнинг афзалигини таъкидламоқчи бўлган. Унинг назарида ҳақиқий ҳаёт маънавий ҳаётдир, зероким, жонон, кўриб ўтганимиздай, ана шу маънавий фазилатларнинг умумлашма тимсоли. Навоий сўз ўйини — тажнистан мантиқ силсиласига ўтади: модомики, жон билан жонон бир экан, бири иккинчисиз тасаввур этилмас экан, жонони йўқ (ишқисиз) одамлар жонсиз кишилардир. Улар тирик юрадилару лекин руҳан, қалбан ўлганлар. Шунинг учун умрлари осон кечади. Аммо энг қизиги шундаки, шоир ўзининг бу фикридан қайтади, ахир, ишқ барча маҳлукотда бўлиши шарт, ишқисиз, жононсиз, умуман ҳаёт йўқ. Бу хулоса бешинчи байтда ўз ифодасини топган: «Жон кетса, жонон кетса, жон ҳам кетади. Шундай бўлгач, жононсиз ва жонсиз қандай яшаш мумкин?»

Бу фикр олтинчи байтга келиб мазмунан яна кенгаяди, жонон фақат ошиқнинг жони билан баробар нарса бўлиб қолмай, балки «жону жаҳон»га тенг бутун мавжудотни ўз ичига оладиган тушунчага айланади. Энди ошиқ ўз жони, ўз шахсияти ҳақида қайгуриш билан чегараланмайди. Унинг учун дунёнинг барча ширинлиги, лаззати, ҳатто азоб, хўрсаниқлари ҳам жонон билан хуш, жонон билан маъноли ва зебо: «Жону жаҳон жонон билан хушдир, агар жонон бўлмаса, жон бўлмайди деганинг кам, бу кенг жаҳон зинданга айланади». Навоий тақрори бўлса-да, ҳижрон оғирлигини бот-бот таъкидлаб, охириги еттинчи байтда илтижо ва тавалло оҳангини кучайтиради ҳамда газални шу пафос билан якунлайди. Зору нотавон ошиқ жондан кечиш эвазига бўлса ҳам жонон васлидан маҳрум этмасликларини ёлбориб сўрайди: «Эй, ҳижрон, майли, жонимни олгин, аммо жононсиз яшаш азобини менга раво кўрма. Чунки жононсиз Навоий жонидан безордир».

Маълум бўладики, таҳлил этганимиз газалда ошиқнинг икки ҳолати — висол лаҳзасидаги ҳаловат, жоннинг яираши ва ёрдан ажралганда юз берадиган руҳий қийноқлар қиёсланиб тасвир этилган. Бошқача айтганда, жон ва жонон баҳси васл ҳамда ҳижрон қиёси негизига қурилган. Висолга мушарраф бўлган ошиқ бу баҳтнинг абадий барқарорлигини истаб, агар жонон ташлаб кетса нималар бўлиши мумкинлигини зорланиб гапиради. Бу — Алишер Навоийнинг айни шу газалда қўллаган бадиий усули. Жон ва жонон можаросига бағишланган бошқа газалларида шоир яна ўзгача санъат, ўзгача усулларни синаб кўрган. Масалан, «Қасди жоним қилди ҳажр, эй қотили хунхор, кел» сатри билан бошланадиган газалда жонондан ажралган фироқдаги ошиқнинг изтироблари ифодаланади. У ёрига гойибона мурожаат қилиб, «Жон нақдини овучда ушлаб турибман, агар келсанг, йўлингга сочаман», дейди. Рух ҳам, жон ҳам жонон йўлига муңтазир, ошиқнинг нияти бўлса жонини жононга топшириш: «Жон етиб тур оғзима, дерман лабингга топширай, лутф этиб

қилғил мени жон бирла тенгсиз неъмати! Ҳаётбахш нафасли маҳбуб висолига муштоқ ошиқнинг интизорликдан жони оғзига келган. Шу бетоқат жонимни келиб олгин, мени азобдан қутқар, сендан миннатдор бўламан, дейди, у. Аммо бу айни ҳолатда ошиқ учун янгидан жон топиш ҳам. Чунки Навоий васф этган маҳбуб лаби жон бағишлиш қудратига эга-да!

«Севингил, эй кўнгул, охирки, жисминг ичра жон келди», деб бошланадиган газал эса бунинг акси ўлароқ жонон келгандан кейинги шодлик, руҳий қўтариқилик кайфиятини тараннум этади. Ёр бемор бўлиб ётганда ошиқнинг жони ачишиб, баттар қийналади. Ёки ёрдан келган мактуб, ёрга юборилган нома, ёхуд ёр муждасини келтирган хабарчи кабутарлар тасвири ҳам Навоийда ошиқ қалби ҳаяжонлари билан қўшилиб кетади. Жонондан келган нома жон исини (ҳам хабар, ҳам хушбўй маъносида) келтирса, жавоб номасини ёзганда ошиқ уни жон риштаси билан чирмаб, ҳар бир сўзи, ҳарфи ёрдамида гўё қийналган жонининг нишоналарини жўнатади. Бу каби газалларда муайян образнинг чизгилари намоён, тасвир характерли деталлар асосида давом этган ва шу ҳаётий ашё — сурат таъсири натижаси ўлароқ лирик туйгулар қулф уриб, қайнаб чиқади. Хуллас, Навоийнинг воқеабанд, яхлит маъноли асарлари унинг лирик меросидаги ўзига хос гоявий-бадиий ҳодиса, туркумлар ичидағи ҳар бир газалнинг махсус усулда битилгани эса бутунилик, гармонияга интилган муқтадор шоирона тафаккурнинг рангин оламида алоҳида-алоҳида кўринишлардир. Шу сабабли улуғ шоир ижодининг тадқиқотчилари учунгина эмас, балки унинг асарларини ўқиб, баҳра олишни ният қилган китобхонлар учун ҳам бу хусусиятларни билиш зарур.

## ТИМСОЛЛАР ТИМСОЛИ

Шарқ ҳалқлари тафаккури тарихида чуқур илдиз отган тасаввуф таълимотини яхши билмай туриб, Алишер Навоий дунёқараши ва адабий меросини барча мураккабликлари, фалсафий теранлиги билан тўлиқ ҳолда тўғри, ҳаққоний ёритиб бериш мушкул. Ўттизинчи йиллардаёқ Ойбек бунга эътиборни қаратган эди. Аммо, назаримда, бу масала ҳамон ҳал бўлмасдан долзарблигини сақлаб қолмоқда. Чунки ҳозир ҳам улуғ шоир асарларини «керакли» ва «кераксиз» қисмларга ажратиш, орифона мазмундаги шеърларини нашрлардан соқит қилиб, эл кўзидан яшириш, «пайқамасдан» тадқиқотларга киритмасликка мойиллик давом этмоқда. Баъзан эса, сўфиёна маъноларни англаб етмаганимиз сабабли, Навоийнинг рамзий ибора-истиораларини ҳаминиқадар талқин этиб, ўқувчиларни чалгитиб келмоқдамиз. Бу ҳол Навоий даҳосини, оламининг бепоёнлиги ва улуғворлигини муazzам салоҳияти ҳам кўркамлиги билан идрок этишга халақит беради. Ваҳоланки, Навоий мероси — яхлит бир адабий борлик,

бебаҳо маънавий ҳазина. Ва яна мухими шундаки, шоирнинг ўлмас гуманизм билан кўкарган ҳаётбахш гоялари «дунёвий» асарларида қандай порлаб турса, биз бир чеккага олиб қўймоқчи бўлган «илоҳий» асарларида ҳам шундай куч билан нур таратиб туради. Зотан, улар зоҳирий жиҳатдан шундай, аслида эса, ботиний маънолари моҳиятига кўра бир хил фалсафий-тасаввуфий қараашлар силсиласига бориб тақаладиган ўзаро узвий алоқадор асарлар бўлиб, бирини иккинчисиз тушуниш қийин. Бас, шундай экан, шоир асарларида учрайдиган ишқ, май, майхона, ҳаробот, соқий, согар, қадаҳ, хум, кўнгил, маҳбуб сингари кўпдан кўп киноя-тимсоллар, рамзий маъноли сўзлар ва улар заминида ётган яширин маънолар асрори ҳамда унинг ижоди яхлит бир бутунликда олиб текширилиб, олам ва одам ҳақидаги мушоҳада-мукоши-фалари ичida шарҳлансангина, мазмуни керакли даражада аниқ ойдинлашиши мумкин.

Масалан, қуидаги ғазални олайлик:

Каманд учига еткурмас ғаму андеша айёри,  
Бийик чекмиш магар майхона томин сунъ меъмори.

Хуморим заъфида қаҳгил иси то етти маст ўлдум,  
Сувалмишдур магар май лойидин майхона девори.

Тўла куб оғзи май, хуршидедур, гўё тенг очилмиш  
Чекарди бу ики хуршид даврин сунъ паргори.

Май ичмиш хонақаҳ шайхи, ҳаробот аҳли айш айланг.  
Ки, чиқмиш баҳя урғон хирқасидин маблаги кори.

Кўринган моиво буди эмас, балки намудидур.  
Май устида ҳубобу мавж шаклининг намудори.

Ҳубобу мавж май таҳрикидин зоҳирдурур, лекин  
Сукун топғон вужуди, майдин ўзга қайдадур бори?

Қуёш аксимудур ҳайвон суйида ё кўрунмишдур  
Равоносо май ичра соқин гулчехра руҳсори.

Фано дайрин кўнгул истарки, бир-бир пири дайр элга  
Тутарда бода, шояд, журъаे сунгай бизинг сори.

Навосидин фано чун ҳосил ўлди, қилгасен эй ишқ,  
Навоий риштаи жонин муганий удининг тори.

Хўш, бу ғазалда қандай гоя ифодаланган? Май ва унинг ҳосиятларини таърифлашдан мурод нима?

Ўз-ўзидан аёнки, Навоий зикр этган май биз тасаввур қилган ёхуд билган ичимлик эмас. Шоир сира ҳам буни назарда тутмаган. Бильякс, ўта тақводор ва нокдомон бўлган Навоий замонасининг ишратиааст, майхўр кишиларини қаҳру ғазаб билан танқид остига олиб, шаробни «уммул ҳабоис», яъни барча ёмонликлар онаси деб эълон

қилган. «Ҳайрат-ул аброр» достонида бўлса, бадмастларнинг масхарали ҳажвий қиёфасини яратиб, уларни элга шарманда этган. Ушбу газалда шоир майни илоҳий ишқ — маърифат, дониш иштиёқининг авжи қиёми, Ёр жамоли мушоҳадасидан ошиқ дилида пайдо бўлган кучли завқ — илҳомнинг, беҳад хурсандлик, сурурнинг рамзий ифодачиси сифатида қўлланган. Хумор бўлиш, майпастрлик ҳам бу ерда шунга мувофиқ. Бу буюк нур чашмасидан хузурланиш, висол бехудлиги, ҳаёт табиат зеболиги ҳамда ақл ва тафаккур етмайдиган, аммо қўнгил билан ҳис этиладиган Мутлақ рух мўъжизоти жилвасидан баҳрамандлик ва шунга талпиниш сархушлигидир.

Чунки Навоий эътиқод қўйган фалсафий таълимотга биноан, олам азалий ва абадий ягона руҳнинг ўз-ўзини севиб, ўз жамолини томоша қилиш истагидан пайдо бўлган қўзгудир. Бирламчи қудрат порлашидан тараалган нур бу қўзгуда акс этади, яъни моддий дунёдаги жамики мавжудот ва маҳлуқот — заррадан қуёшгача, еру кўк, собуту сайёра шу нур билан ёритилади, шу нур туфайли ҳаракатланади, муайян уйғуник ичра ривожланиб туради. Бу илоҳий тажаллини шоирлар май тимсолида қабул қилганлар. Моддий дунё эса, шу тасаввур бўйича, жом ёки қадаҳдир. Дунёнинг ранго-ранг товланишлари, ўзгариш, янгиланишлар, табиатнинг турфа сиру асрори, ходиса-ашёлари, баҳорий уйгониш, чунончи, дараҳтларнинг кўкариб, туллаб мева боғлаши, дашту дараҳтнинг ўт-ўлан билан қопланиши, қушларнинг масти бўлиб сайраши, борингки, ҳаётнинг барча нашъу намоси, гуркираб кўринган нафосат тӯфони шу май уммонининг мавжланиши, кўпириши деб тушунтирилган. Инсон ҳам мазкур қўзгунинг бир бўлаги, лекин руҳи мутлақ энг кўп акс этган ҳилқат. Чунки у холиқиятнинг сарвари ва ганжи гавҳари, яъни «икки олам истеъодининг жамулжами» (Бедил). Инсон руҳи шу боис тинимсиз равишда ўз манбаига қараб ингилади. Бу интилиш дунёнинг ўзини идрок этиш ва ўз-ўзини англаб этиш орқали содир бўлгани сабабли инсон олам ҳодисалари гўзаллигини мушоҳада этиб, чексиз ҳайратланади. Ҳайрат эса ашё-ҳодисаларни билиб олиш қизиқишини кучайтиради. Шу тариқа, киши моҳият-ҳақиқатни билиш иштиёқи билан ёниб, борган сари қўпроқ ташвиш-тараддуdda бўлади. Инсоннинг бутун ҳаётий фаолияти, ижод ва яратувчилик қобилияти, кашфу каромати ва файзу фазилатлари шу ишқнинг қудрати деб талқин этилгани.

Аммо инсон табиати икки асос — руҳий ва моддий олам унсурларидан таркиб топгани учун улар орасида кураш боради. Агар моддий асос бўлмини жисм талаблари кучайса, у хирс ва шаҳват, ҳайвоний нафс домига гирифтор бўлиб, борган сари тубанлашади. Бу хавфнинг олдини олиш учун киши доимий равишда руҳий-маънавий эҳтиёжларини қондириб борини, шу жиҳатни тарбиялашга бел боғламоги даркор. Бу ишда унга ўзидан кўра комилроқ инсон — пир раҳнамолик қиласи. Пир ёки ориф деб тасаввувф аҳли донишда етук.

маърифат нури билан қалби лиммо-лим, пок ният, покиза аҳлоқли закий одамни назарда тутганлар. Навоий назарида Жомий ана шундай шахс бўлган. Бундай шахслар ҳаммавақт эзгуликни ўйлаб, ўзига эргашган одамларни қалб саҳовати билан тарбиялаганлар, уларнинг иродасини чиниқтириб, кўнгил чашмасининг кўзини очиб, оламни янгича тушунишга, ҳақ йўлни ҳимоя қилишга ўргатганлар. Юқорида келтирганимиз газалда шу маънолар ифодаланган. Буни муайян изоҳлар билан шарҳлаб, тушунтиришга ҳаракат қиласиз.

Газалнинг биринчи байтидаги ғаму андеша айёри, сунъ меъмори, каманд, майхона каби сўз ва бирикмалар изоҳга муҳтоҷ. Каманд шеъриятда аксар ёр сочи ўрнида истиора сифатида қўлланилади. Бироқ бу ўринда Навоий унинг асл лугавий маъноси — арқонни назарда тутган. Ғаму андеша айёри — ақл тадбиркорлиги, ақлу ташвиш тадбири деган маънони беради. Майхона эса «шавқу завқ ва илоҳий маърифат тўлиб-тошган комил инсон — орифнинг ботиний дунёси ва руҳи мутлақ манбаидир». (Сайид Жаъфар Сажжодий. Мусталиҳоти урафо. 392-б.) Сунъ меъмори — худо. Энди байтнинг мазмунига келсак. Алишер Навоий баланд иморатлар, сарой ва қалъаларнинг кунгурасига арқон ташлаб, тирмашиб том устига чиқиш одатига ишора қилиб, дейди: «Азал меъмори — худо майхона томини шунчалик улуғ ва баланд қилиб қурган эканки, фикру ташвиш тадбирининг арқони унинг кунгурасининг учига етмайди». Шоирнинг таъкидича, ақл ва тадбир билан майхона қалъасини забт этиш мумкин эмас. Нега? Чунки ориф қалбининг маърифати ва у орқали илоҳий руҳ манбаининг бекиёс гўззалигини идрок этишга (шуни айтиш керакки, Навоий ибора-тимсолларида ҳар доим икки маъно — ориф қалби ва руҳи мутлақ биргаликда кўзда тутилади, зоро ориф қалби олий зот манбаига олиб борадиган бир восита, кўпприк деб қаралган) фақат қалб ва руҳ қодирдир; ақлий мушоҳада, мантиқий-тафаккурий билиш усули бунга қобил эмас. Маълум бўладики, Алишер Навоий газалнинг матлаиданоқ тасаввуф тариқатининг асосий талабларидан бирини баён этган. Бу талаб тариқат йўлига қадам қўйган одам учун биринчи жиддий мушкулот ҳам эди, чунки ақлу ҳуш қудрати етмайдиган нарсага кўнгил майли билан эришиш — руҳий иродани қайтадан қуриш, ўзини ўз виждан, эътиқоди олдида жавобгар ҳисоблаб, қаттиқ назорат остига олиш, жуда кўп дунёвий ҳавас-ҳоҳишлардан воз кечиш демакдир. Майхона қасрининг буюклиги олам сиру асрори, ажойиботлари, ҳодиса-воқеаларининг беҳад кўплиги, уни билиш, моҳиятига этиш қийинчилигидир, айни вақтда саркаш нафс қутқуларини енгиш, юксак аҳлоқли одам бўлиш маشاқатларини ҳам англатади.

Иккинчи байт биринчи байтдаги фикрни давом эттиради: толиб (ёки ошиқ) ақлу тадбир билан комил инсон мартабасига қўтарилишига — майхонани забт этишга кўзи етмагандан кейин, бу бинонинг деворларини ҳидлаш билан қаноатланади.

Яъни пирнинг муҳитига яқинлашиб, унга қўл бериб, дастлабки насиҳатларини эшишидан баҳра олади. Майхона девори шундай қилиб, пири комилнинг муҳити, ташқи, зоҳирий дунёсидир. Иккинчи тарафдан, бу — бизни ўраб олган моддий дунё ҳам. Чунки қалъя ичидаги руҳ манбани идрок этиш, аввало қалъя деворлари — дунё ашёларини ўрганиш, хаёл, сезгилар орқали унинг моҳиятига етиб бориш билан амалга ошади. Заъфи хумор — кайфнинг тарқала бошлиши, ишқнинг вақтинча сусайиши, ҳақиқатга шубҳа билан қараш, шубҳаланиш лаҳзасини билдиради. Каҳғил-сомонли лой. Май лойи — шароб қуйқуми, дунё мулки, ҳирсий иштиёқлардан ҳали покланмаган руҳ тимсоли. Алхосил, байтнинг мазмуни қўйидагича: «Майхона деворини май лойи билан шуваганлар шекилли, хуморим тарқалганда димоғимга сомонли лой ҳиди уриб, яна маст бўлдим». Еки: «Муҳаббатим вақтинча сусайгандан (кўнгилда шубҳа туғилганда), пирга яқинлашганим сабабли шубҳаларим тарқалиб, қалбимда ишқ яна аввалгидай алангланди». Пирнинг ички олами унинг нутқи, ҳаракатлари, кароматида зуҳур этганидай руҳи мутлақ ҳам дунё гўзалигида жилваланиб, кишини мафтун этади. Орифнинг завқи салиқаси, нозикфаҳм заковати дақиқ маънолар мағзини осон чақиб, мушкул масалаларни ички бир фаросат билан ҳал қилиб бера олади. Бу худди қадаҳдан томган май томчилари каби ошиқ дилига ҳикмат нури бўлиб қўйилади. Шу маънода тасаввуф аҳли хум, хумхона, согар, жом, майкада деганда ҳам орифнинг пурфайз жозиб юрагини тушунганлар.

Учинчи байтда биз тушунмайдиган учта сўз бор. Булар: куб, хуршид, паргор. Куб — шароб сақланадиган хум, мажозий маънода, боя айтганимиздай, орифнинг кўнгли ва руҳи мутлақ. Хуршид — қуёш. Паргор — доира чизадиган асбоб — (циркуль); баъзан йўл-йўриқ, чора-табдир маъносида ҳам қўлланилади. Шунга кўра, учинчи байтнинг маъносини ҳозирги тилимизда қўйидагича изоҳласа бўлади: «Оғзигача май тўлғазилган хум худди қуёшга ўхшайди, гўё оллоҳнинг доира чизгичи бу икки қуёшнинг (яъни фалак қуёши ва май хумининг) гардишини чизганда бир пайтда баравар очилгандай». Ёхуд: «Май хуми билан қуёшнинг тарҳи бир хил, улар бирга бир вақтда яратилган ўхшаш нарсалардир». Шоир айтмоқчи, қуёш ҳам май хуми, яъни бирламчи манбаъдан нишона. Шунинг учун улар бир-бирининг мавжудлигини исботлайдилар — қуёшнинг далили қуёш. Май хумини қуёшга ўхшатиш билан Навоий ориф қалбининг саховати, карами-нинг бепоёнлигини таъкидламоқчи, зеро қуёш ўз ҳарорати, зиёси билан оламни мунаvvар этгандай, ориф қалби ҳам ошиқларни фаровон баҳравор эта олади. Бундан ташқари, бу ерда толибнинг зоҳирий мушоҳададан (майхона деворини ҳидлаш) аста-секин ботиний маъноларни англаш сари бораётгани, бундан ҳайратланаётгани ҳам ўз ифодасини топган.

Тўртинчи байт шарҳи. Хонақоҳ — сўфийлар йигилиб, важду самоъ билан шугулланадиган жой. Ҳаробат сўзининг

лугавий маъноси вайрона, шаробхона бўлса-да, аммо тасав-  
вуф аҳли истилоҳида инсон жисмининг хароб бўлиши —  
қаноат, факр йўлига кириб, ҳайвоний нафслар, кераксиз,  
ёмон хулқ-одамлардан кутулиб, ўзни хоксорлик, камтарин-  
лик рутбасига солишидир. Хароботийлар, яъни ринклар «май-  
хона тараддуидан бехомумонлиги ва паймона тааллуқидан  
бесарусомонлиги» («Маҳбуб-ул қулуб») билан машҳур. Улар  
учун «тожу тахт туфроғ билан тенг», ҳамма нарсадан фориғ,  
ёлғиз ёр ишқида сармаст. Ҳирқа-сўйийлар киядиган йиртиқ,  
жанда кийим. Бундан ташқари, инсоннинг бадани, сурати ва  
ашёлар олами ҳам. Баҳя — ямоқ, жияк. Маблаги кори —  
ишининг натижаси, аҳволи, бор-буди демак. Ҳуллас, байтнинг  
мазмуни бундай: «Хонақоҳ шайхи май ичибди, яъни унинг  
кўнглида илоҳий нур порлаб, бу ҳузурдан сархуш бўлибди.  
Эй ошиқ ҳароботийлар, сиз ҳам бу ҳабардан курсанд бўлибди.  
Важд-ҳолга тушинг. Кўрмайсизми, шайхнинг аҳволи унинг  
жанда тўнининг йиртиқларидан маълум бўлди, яъни ботиний  
олами юзага чиқди, маърифат нури шуълаланди». Байтнинг  
иккинчи сатрида сўйиларнинг ўз жамоалари мажлисида жа-  
зава ҳуружида рақсу самоъга тушиб, кийимларининг чок-  
чокидан сўклиб кетишига ишора бор.

Бешинчи ва олтинчи байтларда шоирона ифода-тимсоллар  
орқали қадимги ва ҳозирги фалсафанинг учта муҳим катего-  
рияси тушунтирилган. Булар моҳият ва ҳодиса, мазмун ва  
шакл, жуэз ва кулл (яккалик ва умумийлик) категориялари-  
дир. Бироқ фалсафий категориялар ҳақида гапиришдан ол-  
дин нотаниш сўзларнинг маъносини билиб олишимиз керак.  
Масалан, мосиво — гайр, ўзга, ундан бошқа деган маънолар-  
ни ифодалаб келади. Мазкур фалсафий-тасаввуфий исти-  
лоҳининг моадо деган иккинчи атамаси ҳам бор. Навоий дево-  
нининг биринчи газалида шу сўз ишлатилган. Шарҳланёт-  
ган газалимизда эса, шоир мосиво деб моддий борлиқ, яъни  
дунёни назарда тутган. Чунки дунё мутлақ рух билан инсон  
орасида, яъни қалб билан «у», орасида гайр, бегона бир  
тўсиқ, ўзгаликдир. Шу каби ошиқ билан маъшуқ орасида  
парда бўлиб турган жисм, бадан ва унинг эҳтиёжлари ҳам  
ўзгадир. Шарқ шоирлари асарларида учрайдиган Рақиб —  
севишганларни ажратиб турувчи шахс шу хусусиятларни  
ўзида жамлаган образ бўлиб гавдаланади. Бешинчи байтдаги  
буд — асос, ҳақиқий мавжудликни, намуд — кўриниш, шак-  
лий белгиларни англатса, хубоб — сув ва бошқа суюқликлар  
юзасида пайдо бўладиган пуфакча. Бу сўз мавж билан бирга-  
ликда ҳаракат, моҳиятнинг зухуротини билдиради. Энди бе-  
шинчи байт мазмунини қайд этиш мумкин: «Кўзга ташлан-  
ган нарсалар (ўзгаликлар) зоти азалийнинг ҳақиқий моҳия-  
тини англатмайди, шу сингари пуфакча ва тўлқин майнинг  
ўзи эмас, балки шаклий ифодасидир». Ёки бошқача қилиб  
айтсан: «Май устидаги пуфак ва мавж майнинг моҳиятини  
акс эттиргмаганидай, «у»дан бошқа кўринган ашёлар «у»нинг  
борлигини — мавжудлигини белгиламайди, улар ташқи бел-

гилардир, холос». Шундай қилиб, ташқи дунё ва ундағи нарсалар моҳият әмас, балки ҳодисадир. Моҳият — руҳи мутлақ ёки ориф күнглидаги маърифат. Айни вақтда, моддий дунё — шакл, руҳ әса — мазмун. Инсон ҳодиса ва шаклларга маҳлиё бўлмаслиги керак, унинг мақсади ва вазифаси моҳият-мазмунни билишга қараб бориш. Демак, тасаввуда дунё Мутлақ руҳ билан инсон орасида тўсиқ деб ҳисобланса-да бироқ, барибир, дунёни билиш шарт қилиб қўйилган, дунёни билмасдан туриб, моҳиятни (ҳақни) идрок этиш мумкин эмаслиги тан олинган. Шу тариқа, ҳодиса моҳиятни билиш йўлида имтиҳон, чунки у ранг-баранг ва хилма-хил. Шарқ файласуфлари бу миқдорий қўпликни асмо (исмлар), ашё (нарсалар), сифот (сифатлар), имтиёз (фарқлар), афъол (ҳаракат-фаолият), важҳ (юз, жиҳат) ва бошқа истилоҳлар воситасида тавсиф этиб келгандар. Миқдорий хилма-хиллик, мантиқий равишда, жузъият ва қуллият, яъни тур ва жинс тушунчаларини келтириб чиқаради. Жузъият (тасаввудчилар буни қасрат ҳам деганлар) қуллиятга, яъни ваҳдатга зиддир. Шундай бўлгач, уларнинг ҳусусиятида ҳам қарама-қаршилик мавжуд: ваҳдат — бирламчи қудрат, тургун, ҳаракатсиз жавҳар (субстанция) бўлса, қасрат — тағсилийлик, доимий ҳаракат, ривожланиш қонуниятига тобеъ. Демак, майнинг мавж ва пуфакчаларини томоша қилиш, мушоҳада этиш билан чегараланмасдан, ҳудди ҳодисадан моҳиятга қараб борилгандай, қасратдан ваҳдатга қараб бориш ва шу асосда бирламчи қудрат нафосатини идрок этиб, ҳузурланиш мумкин. Газалнинг олтинчи байтида бу фикр очиқроқ ифодаланган (бунда таҳрик — ҳаракат, сукут — тургунлик, тиниш): «Пуфак билан тўлқин майнинг ҳаракати, тажаллусидир. Бу ҳаракат тингач, тиниқ майнинг тоза вужудидан бошқа нима қолади?»

Бу вужудни идрок этган киши Ёр ҳузурига мушарраф бўлиб, фано мартабасига яқинлашдиким, газалнинг еттинчи байти шу ҳусусдадир. Ҳайвон суйи деб гўё одамзод ичганда абадий умр топадиган афсонавий ер ости мамлакатнинг чашмасини атаганлар. Тасаввудда у ишқ-муҳаббат булоги, ҳақиқат нурининг манбанинг англаради. Байтнинг мазмунни әса бундай: «Ишқ чашмасида ёки ҳақиқий нур манбаида кўринган қуёш аксими ё жонга ўҳшаш май ичида азал соқийсининг гулдай зебо юзи намёён бўлганми?» Соқий сўзи ҳам бу ерда рамзий маънога эга, яъни мутлақ файзиёт, маърифат булоги демак. Майда ёр жамолини кўриш, май идишини қуёшга ўҳшатиш Навоийнинг севган образларидан. «Ашириқат мин акси шамесул қаъси авворул худо, ёр аксин майдада кўр деб жомдин чиқди садо» — чиқаётган қуёш косасининг аксидан ҳидоят нурлари порлаб кўринди, жомдан ёр жамолини майда кўр, деган садо чиқди. «Ҳазоин-ул маоний» девони мана шу байт билан бошлигади. Шоир назарида ловуллаган олов қўраси — муazzам офтоб ҳам ўша буюк илоҳий қудрат-

нинг инъикоси, мавжудотни ҳаракатга келтирувчи май тўлгазилган жом, унинг порлаши эса — ёр жамоли.

Ёр жамолини кўрган ошиқ мақсадга эришиб, фано во-дийсига кириб боради. Газалнинг охирги икки байти шу маънони ифодалашга хизмат қиласди. Саккизинчи байтдаги дайр аслида насронийлар ва оташпаратлар ибодатхонаси нинг номи, мажозан эса майхона, дунёдир. Дайри фано — ҳайвоний нафедан қутулган, руҳан тирик, маънавий жиҳатдан етук қишилар мажлиси, уларнинг ботиний олами, Навоий бу байтда маънавий ҳақиқатларни кашф этган одамлар ҳузурини қўймасаш, улар хизматидан баҳра олиш туйғусини ифодалаган. Шунинг учун у пири дайр деганда ҳам эзгулик ва карам дарёсининг тимсоли комил инсонни кўзда тутган. Алҳосил, байтнинг мазмуни: «Юрак майхона истайди, чунки унда пири комил қишиларга сабоқ бермоқда, шояд менга ҳам шу май шуъласидан бир насиб этса». Ёки: «Кўнгил жисм, вужуд йўқоладиган, фано бўладиган макон истайди. Чунки унда камолот ва етуклик тимсоли маънавий шайх ҳақиқат файзи-дан элга бир-бир бода тутмоқда. Зора, у бу ҳикмат ва дониш шаробидан менга ҳам бир қултум узатса».

Тўққизинчи байтга келсак, бунда иккита сўз ўзак маъно ташийди. Биринчиси — наво. Навонинг маънолари кўп. У му-сиқа, куй, оҳанг, шу билан бирга мунтазамлик, тартиб-инти-зом, симметрия, низомия, нафосат тушунчаларини қамраб олади. Агар бу маъноларнинг ҳаммасини бир жойга йиғсан, наво умумбашарий, умумжаҳоний оламнинг яхлит уйғунли-гидан иборат олий гўзалликни ифодалаган бўлади. Модомики шундай экан, ягона руҳий қудратнинг мунтазам ҳаракати, созкорлиги қайдида қалбнинг шукру шукуҳи, ором ва осо-йишталиги ҳам наводир. Алишер Навоий, шубҳасиз, охирги байтда қалб ороми, ички руҳий қониқиши нашидасини тасвир-лаган. Бу нашида шоир юрагида бир муаззам куй бўлиб янг-раган ва муганий (иккинчи ўзак сўз) тушунчаси билан боғланиб кетган. Муганий — чолғувчи дегани. Бу ўринда эса у узлуксиз ёғиб турувчи нурфайзнинг навосини етказув-чи, шу неъматдан огоҳ этувчининг тимсолидир. Куй каби оқиб келадиган ушбу нур қалбни роҳат-фарогатга гарқ этади. Байтнинг насрий таржимасини келтирсан, фикримиз янада ойдинлашиши мумкин: «Эй ишқ, буюк жаҳоний уйғунлик нури навосидан, сафо нашидасидан қониқиши мұяссар бўлди, энди Навоий жонининг ипини шу нурни ёғдирувчи чолғувчи асбобига тор қиласин, яъни ўша буюк нур риштасига улаб юборгин». Ёки: «Эй ишқ, маҳбуб жамолини кўриб, ўзликдан батамом хориж бўлдим — мақсадга етдим, висол куйи вужу-димни оғушига олди. Энди Навоийнинг жонини жонон нури-нинг тарамларига боғла». Бу ерда шоир тахаллуси билан байт мазмуни ўзаро уйғунлашиб, ажойиб сўз ўйини ҳосил бўлга-нини кўрамиз. Шу нуқтада шоирнинг ҳар икки тахаллуси (Навоий ва Фоний) маъно жиҳатидан бир-бирига яқин экан-лиги ҳам маълум бўлади.

Улуг шоирнинг фалсафий мушоҳадаси мана шундай чуқур ва қамровли. Коинот ва инсон унинг назарида яхлит бир бутунликни ташкил этади, бир қонуният билан бошқарилади. Инсон бу қонуният сирларини рух кучи, алоҳида хиссий тасаввурлар теранлиги билан билиб олиши даркор.

Хуллас, мазкур ғазалда мажозий тимсоллар ёрдамида тасаввуф фалсафасининг билиш назарияси ифодалаб берилган: аввал оламни билиш мушқуллигидан қўрқиб саросимага тушиш, ҳайратланиш, кейин ташқи дунё нарса-ҳодисаларини мушоҳада эта бошлиш, зоҳирий мушоҳададан аста-секин моҳиятни идрок қилишга ўтиш. Моҳиятнинг улуғворлигини ҳис этиб, руҳий-тафаккурий қоникиши туйиш. Бу жараён уч босқичга ажратилиб, илмул яқин, айнул яқин, ҳаққул яқин деган маҳсус терминлар билан белгиланган. Яқин — исбот талаб қилинмайдиган шак-шубҳасиз ҳақиқат. Айн — чашма, кўз, ҳар нарсанинг асли, зот. Тасаввуф назариётчиларидан Абдураззоқ Кошоний бундай дейди: «филжумла, сўғифийлар ақидасига мувофиқ маънавиятни билиш уч хилдир: илмул яқин, айнул яқин ва ҳаққул яқин. Аввали ҳолатда одам маълумни ақлий далил, ҳужжат келтириш билан дарк этади ва иккинчи ҳолатда билиб олинган, исботланган маълумни мушоҳада этади ва учинчи ҳолатда ҳақиқатни дарк этишга етади». (Абдураззоқ Кошоний. Масобих-ул ҳидоя, 52-бет). Бу бамисоли қуёш шуъласи ва ҳароратини далил келтириш билан исботлаш (илмул яқин), қуёш жисмими кузатиш билан аниқлаш (айнул яқин) ва қуёш вужудининг мусаффо нурдан иборат эканини қалбан идрок этишдай (ҳаққул яқин) гап. Қаширий деган олим назарида эса «илмул яқин — ақл аҳли учун, айнул яқин — илм арбоблари учун, ҳаққул яқин — орифлар учундир». (Қаширий. Кашф-ул маҳжуб, 497-бет). Демак, бу фалсафий қарашга мувофик, ҳақиқат тажрибадан олдин мавжуддир, мантиқ кучи билан эмас, балки ҳис — рух воситаси билан, яъни интуиция ёрдамида билиб олинади. Чунки ҳақиқат инсоннинг ўзининг қалбida, кўнгил кўзгусида. Фаҳмлаган бўлсангиз, дунёни билишининг бу усули немис олими И. Кант (XVIII аср)нинг «нарса ўзида» ва «априор» (тажрибадан аввал мавжудлик) тушунчалари остида ривожлантирган фалсафий таълимотга ўхшаб кетади. Биз ҳам худди шуни таъкидламоқчи эдик, яъни тасаввуф баъзи тадқиқотчилар айтмоқчи бир дин ўрнига келган янги, мурракаблаштирилган ва мистик туйгуларни қондиришга хизмат қилувчи иккинчи дин эмас, балки оламни билишга йўл очган, шу сабабли ҳам фикрий-хиссий мушоҳадакорлик, ҳур фикрлиликни ёқлаб, инсонни тадқиқ этишга диққат қилган катта фалсафий оқимдир. Ана шу жиҳати билан у динга нисбатан олга ташланган мухим қадам бўлди ва башарий тафаккур тараққиётига шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатди. Алишер Навоийга ўхшаш гуманист мутафаккирлар учун эса у инсон табиати ва тийнати ҳақида, жамият, ҳаёт воқеа-ҳоди-

салари моҳияти тўғрисида ўйлашга имкон берадиган қидириш-изланиш, таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилган. Улуғ шоир буни биринчи девонига киритган:

Харобот аро кирдим ошуфта ҳол,  
Май истарга илгимда сингон сафол, —

деб яқунловчи таржеъбандида равshan баён этган. Таржеъбандни ўқир эканмиз, муаллифнинг рози дилидан огоҳ бўламиз, чунки у ёшлигидан бошлаб ҳар хил илмларни ўргангани, ҳар хил «саргузашт»ни бошидан кечириб, дунё ва унинг одамлари ҳақида кўп мулоҳаза юритганини ёзади. Шоху сultonлар дабдабаси, шайхул ислому уламо-умаролар, манман деган донишмандлар сухбати уни қониқтирумаган, уларнинг бирортаси ҳам инсон қаршисида пайдо бўладиган минглаб саволларга жавоб беришга кодир эмас эди. «Назар айла бу коргоҳ вазъига, ки ортар тамошосида ҳайратим», дейди шоир. Олам моҳияти нимадан иборат, инсон нега дунёга келади ва яна нега кетади? Нега инсон зоти бир хил эмас? Фирибагарлик, қонхўрлик, риё, ёлғон қаердан келиб чиққан? Бу ва бунга ўхшашиб саволлар Навоийни ҳамиша қийнаб келган. На ўзимнинг «Саъи ила фикратим», «на қасби улум этти ҳал мушкүлим», деб ёзади у. Юрагида ҳар хил андешалар, шубҳалар кезгани, лекин замона тафаккури доирасидан батамом чиқиб кетишга журъат қилолмаганини эслатади. Ва оқибатда:

Менинг бошима бас қотиг тушди иш,  
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим, —

дея ўзини тасаввуф билан овутади. Яъни «май билан улфат» тутинади. Шундай қилиб, тасаввуф Навоийга жаҳолатдан қутулиш, дунёни билишга чанқоқ юракни маълум даражада тинчтишига кўмак берган. Бунинг иккита сабаби бор: биринчиси шуки, Навоий яшаган замоннинг ақлий тараққиёт даражаси, фан ривожи реал дунё воқеаларини илмий асосда тушунтиришга ожизлик қиласарди. Иккинчиси эса, бу яна муҳимроқ, инсоннинг ақлий имкониятлари, донолиги билан ахлоқи, аъмол-нияти орасида мавжуд бўлиб келаётган номувофиқликдур. Навоий ақлу заковати ҳайратланарли, қилни қирқ ёрувчи кишилар ичиди нафс домига тушган, зулм ва бадирдорлиги билан машҳур бўлганларни кўп кўрган эди. Шунинг учун улуг инсониарвар шоир ахлоқий фазилатлар тарбиясини биринчи ўринга қўядиким, бу ҳам тасаввуфона мурожаат этишга олиб келарди. Зоро, тасаввуф бутун эътиборни айнан инсон ахлоқини поклашга қаратиб, шу мақсадда турли йўл-йўриқлар, амалий тадбирлар ишлаб чиққан эди. Тасаввуф одамни виждони билан юзма-юз қўйиб, ўзи ҳақида ўйлашга мажбур этар, ҳақиқат ва эътиқод поклиги руҳида тарбияларди.

Фалсафий таълимот сифатида оламни ягона деб эътироф этиш билан тасаввуф жаннат-дўзах тўғрисидаги диний афсоналарни мантиқан инкор қиласар, натижада зоҳид, муҳтасиб,

аълам каби шариат намояндалари ҳақиқатни билмайдиган нодон кишилар бўлиб чиқарди. Навоий уларни муқаллидлар, яъни юзаки нарсалар, қуруқ ақидаларга кўр-кўронга тақлид қилувчи, мустақил фикрлашдан маҳрум одамлар деб атайди. Тасаввуф, шу тариқа, фалсафий дунёқараш сифатида диний ақида, мутаассиблика зид әди ва Алишер Навоий ундан куч-кувват олиб, комил журъат билан:

Зоҳид, сенга ҳуру менга жонона керак,  
Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак.  
Майхона аро соқию паймона керак,  
Паймона неча бўлса тўла, ёна керак, —

дея олар эди. Тасаввуф, айниқса, Жомий ва Навоий мансуб бўлган нақшбандия таълимоти қаноат ва тийинишин талаб этса-да, бироқ дунё гўзалигидан ҳузурланишни инкор этмаган. Негаки, модомики реал дунё Мутлақ рух инъикоси экан, демак уни севиш ва ундан баҳра олиш мумкин. Шу асосда инсоннинг инсонга муҳаббати, яъни мажозий ишқ орқали илоҳий ишққа қараб бориш ҳам табиий ва зарурий деб топилган. Навоий ўзини ана шу «ишқи мажозий» куйчилари сирасига киритади. Дарҳақиқат, биз таҳлил этган газалга ўҳшаган соғ тасаввуфий маъноли ва «ишқи ҳақиқий»ни васф этувчи асарлар Навоий ижодида асосий ўринни эгаллайди. Аммо шуниси борки, ибораларнинг тимсолийлиги, рамзий йўналиши «дунёвий газаллар»да ҳам сақланган. Ойбек айтганидай, бу ерда конкрет бирор шахс муҳаббати назарда тутилмайди, балки умуман яхши инсонни севиш мадҳ этилади. Ишқ Навоий наздида покбозиқдир, яъни: «Пок кўзни пок назар билан пок солмоқдир ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин қўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ» (Маҳбуб-ул қулуб, 42-бет). Шунинг учун, масалан, дейлик, «Келмади» радифли газални муножот куйи оғушида берилиб тингларканмиз, «Эй Навоий, бода бирла ҳуррам эт кўнгил уйин, не учунким бода кирган уйга қайгу келмади», деган мақтаъни эшитганда, шоирнинг лирик қаҳрамони ёрини кутавериб қийналганидан, уйига кириб аламдан роса ичиб олибди-да, деб ўйласак, ўта калтафаҳмлик қилган бўлардик. Бундай газалларда ҳам бода, шароб, май сўзлари ўша мажозий маънода — муҳаббат шавқини билдириб келишини эсдан чиқармаслик керак. Бундан ташқари, Навоий бодани «кўнгул уйини ҳуррам этувчи» нарса деганда, ёрни кўнглида сақлаш, унинг ёди билан яшашни таъкидлаган. Негаки, нақшбандия сулукида ёд, хотира, эсга олиш тушунчалари муҳим ўрин эгаллайди. Абдулҳаким Табибийнинг ёзишича, нақшбандияда туз йўлга кирган одам қалбida «эътиқод нури, тавҳид нури, маърифат нури, ҳидоят нури, аждодлар ёди нурининг бодаси» жўшиб туриши лозим. (Абдулҳаким Табибий. Афғонистонда тасаввуф ривожи, 10-бет). Бунда эсга олиш, хофиза қуввати

ҳақида ҳам гап борадики, бу ватан, эл-улус ғами каби кенг маъноли тушунчалар билан боғланиб кетади.

Шундай қилиб, тасаввуф инсонни улуғлаш, ҳаётнинг қадрига етиш, умрни оқилона ўтказиш гояларини тарғиб қилишга назарий замин ҳозирлаб, инсоннарвар шоирларнинг илҳомига илҳом қўшган. Бу таълимотнинг негизи савқи табиий, руҳий қўзғалиши, ваҳийлик ҳам шоирона тафаккур кайфиятига мос тушарди. Ва, умуман, биз шайхлар, орифлар тасаввуфидан ижодкорлар тасаввуфини фарқ қилишимиз керак. Сўғифилар учун тариқат зикру самоъ, важду ҳол, қасбу каромат эди. Аттор, Румий, Жомий, Навоий сингари буюк шоирлар учун эса у шуурий мушоҳада усули, инсон зотини маънавий баркамол ҳолда кўриш орзуси, сирли-хаёл оламни тасаввурда яратиб, Идеал бир гўзаллик ишқида ёниш бўлган. Одамнинг асрлар давомида абадий ҳаёт, руҳнинг ўлмаслиги ҳақида ўйлаб келган армонлари, ривоят-асотирлар бу беҳудуд романтик олам уфқини кенгайтирган. Шу боис, умрида тасаввуфнинг бирор расмий қоидасини бажармаган, яъни расман сўғий бўлмаган Алишер Навоий мазкур таълимотни маслак, мағкуравий эътиқод сифатида қабул қилиб, ўзининг инсоншунослик, ҳақпаратлик ва адолатпаратлик гояларига бўйсундирган эди. Шоҳ ва шахзодаларни инсофга чақириш, риёкор шайхлар, бетавфиқ сўғифиларни фош қилишда ундан фойдаланди. Шоирнинг ижоди ана шундай муракқаб ва кўп қиррали, ибора-образлари кўп маъноли, теран. Унинг ҳар бир асари устида тўхталганда, бу хусусиятни албатта эътиборга олиш лозим.

## «АХТАРИН АШК ЭТТИЮ СОВУҚ НАФАСНИ ОҚ СУБҲ»

Тўққиз байтли бу газал рамали мусаммани маҳзуф баҳрида ёзилган (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун). Мазмунига кўра ошиқона, яъни ошиқнинг ҳижрондаги изтиробларини, кечинма-ҳисларини ифодалайди. Шу жиҳатдан уни шарҳи ҳол усулида ёзилган асарлари сирасига киритиш мумкин. Аммо зоҳирий маънолари билан ошиқона бўлиб кўринган ушбу газалда орифона (тасаввуфий) маънолар ҳам ифода этилади, умуман, Алишер Навоийнинг аксар газалларида зоҳирий ва ботиний маъно, «дунёвий» ишқ билан «илоҳий ишқ», бошқача айтганда, «мажозий» маънолар билан «ҳақиций» маъно бирга қўшилиб, бири иккинчсини тақозо этиб келади. Икки маънолилик, икки йўналишилди тасвир мазкур газалга ҳам хос, шунинг учун унинг шарҳи ҳам ана шу икки жиҳатни очиб беришга хизмат қилиши керак. Газалда бошдан охиригача иккита образ — тонг ва тун (ёки шом) тимсоли қарама-қарши қўйилиб, қиёсланиб борилади, ташбих ва истиоралар шу икки тимсол — образ атрофига ўюштирилган. Ошиқнинг ҳижрони, айрилиқдаги ҳолати — тун, висол дамлари — тонг, ёргулук. Ошиқ инсон ҳижрон, айрилиқ

тунидан қутулишга ва ёр дийдорига мушарраф бўлиб, фараҳ топишига талпинади, ҳижрондаги азобларидан зорланади, охирида эса тонг отиб, васл умиди шуъласи кўринади. Демак, ғазал ягона мавзуга бағишлиланган, тасвир мантиқи байтлар аро вобаста бўлиб, бир силсилани ташкил этади. Энди байтлар шархига ўтамиш.

Ахтарин ашқ эттию совуқ нафасни оҳ субҳ,  
Бўлди гўё шоми ҳажрим ҳолидин огоҳ субҳ.

Аввало нотаниш сўзларга изоҳ берамиз: ахтар — юлдуз, ашқ — қўёши, субҳ — тонг. Матлаъда ҳазрат Навоий ажойиб шоирона тасвир яратган: тонг (субҳ) жонлантирилиб, унга одам хусусияти сингдирилган. Тонг гира-ширасида юлдузлар қўзёшидай омонат милтиллайди, тонгнинг салқин шамоли эса, дардманд ошиқнинг оҳидай совуқ. Яъни тонг ошиқ аҳволига ачинади, ғамгин бўлади ва қўзёш тўкиб, совуқ оҳ тортади. Лирик қаҳрамон ўз ҳолати билан отаётган тонгни қиёслаб, тонг менинг айрилик шомидаги азобларимдан хабар-

салқин шабада уфуриб, оҳ чекди, дейди. Эрталабки салқин шабада дард зўридан оҳу нола қилган одамнинг нафасига ўхшатилган, совуқ оҳ эса бу ўринда афсус ва ачиниш, ожизлик нишонаси. Байтнинг насрий мазмуни: «Тонг гўё менинг ҳижрон тунидаги аҳволимдан хабар топгандай, юлдузларни қўзёши қилиб, совуқ шамоли билан оҳ уриб етиб келди». Бу — байтнинг «дунёвий», ошиқона шарҳи. Байтнинг ботиний, орифона маъносини тушуниб олишимиз керак. Чунончи, тонг (субҳ) — «ваҳдат нурининг таралиши» («Шарҳи Гулшани роз», 583-бет), илоҳиёт тажаллиси; у олами гайбдан нузул этиб, таайюнот (аён нарсалар дунё гоялари) зулумотини ошиқ қўнгли саҳифаларидан сидириб ташлайди. Оҳ — ишқ гулгуласининг тил билан ифодалаб бўлмайдиган авж лаҳзаси. Шом — ваҳдатга қарама-қарши қасрат (кўплик) мартабалари, таайюнот пардаси. Нафас — қўнгилнинг маънавият гулзоридан эсган лутфидан тозаланиши (Сайийд Жаъфар Сажжодий, Мусталаҳоти урафо, 405-бет), гайб латофатига, маҳбуб талабига интилиш. Нафас, шунингдек, вақтни, лаҳзалик ҳолни, оний ўзгариш ва ёришишларни ҳам билдиради. Ҳижрон — ҳақдан, илоҳдан бошқага юз ўгириш, қўнгилнинг вақтинча ўзга фикр-ташишилар билан банд бўлиши, парда орқасида қолиши.

Ана шу маъноларига кўра, матлаънинг орифона мазмуни бундай бўлади: «Менинг дунё ишлари — қасрат билан машғуллигимни, ҳақдан бошқа нарсаларга эътибор қилиб, ундан узоқда қийналишимни кўриб, илоҳий ваҳдат нури дилим саҳифасини тозалаш, ўз ҳолимга қайтариш учун етиб келди». Воқеан, оразудаги неъмат — гўзалликка мунтазир одамнинг қалби тонгда ёришиб, фараҳ топиши табиий. Қўнгил мусаффо бўлади, яйраб нафас оласан киши. Тонг орифона шеъриятда кўп қўлланилади. У — илоҳий файзият

тимсоли, нуроний одам даракчиси. Илохий ёр дийдорига толиб одам бу нурга етишиш учун кўпдан-кўп руҳий қийноқлар, хижрон азобларини бошидан ўтказиши керак. Шарҳланатган газалда солик (йўловчи) нинг яна шу ахволи руҳияси тасвирланади, ташвишли талпинишлари қўрса-тилади.

Иккинчи байт:

Гам туни муҳлик гамим англаб яқо чок айлади,  
Тонг елидин ҳар нафас ҳолимга тортиб оҳ субҳ.

Мазкур байтда матлаъда ифода этилган мазмун давом эттирилган. Тонг матлаъдагидай бечора ошиқ ҳолига ачиниб, қўё ёши тўкиш, оҳ уриш баробарида, гам тунидаги ҳалокатли (муҳлик — ҳалокатли демак) ахволни кўриб, ёқасини йиртади. «Ёқа йиртиш» — тонгнинг отишини англатувчи истиорадир, чунки ёқа йиртилганда одамнинг кўкраги кўрганидай, тун пардаси йиртилганда тонг намоён бўлади, яъни илохиёт жамоли кўрина бошлайди. Навоийнинг Самарқандда гадодан сотиб олган байтининг биринчи мисраси: «Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокроқ», яъни: Кўкрагим тонгнинг куйлагидан чокроқ. Бу ерда субҳнинг пироҳани — тонг пардаси, ҳарир бир нимқоронгилик хаёл сахифасида яралган тонгнинг отиши, ёқанинг йиртилиши эмас, балки кўкракнинг чок-чок бўлишига ташбиҳ қилинган. Аммо ҳар икки байтдаги тасвирнинг чиройида муштарак жозиба бор. Иккинчи байтдаги «тонг ели», «оҳ», «нафас» сўзлари такрор бўлса-да, аммо ҳолатга аниқлик бериш, таъкидлашга хизмат қилган. Тун — асл маъносидан ташқари, олами имкон — борлиқ, гайб сиру асрорини, мазкур байтда жабаррут олами (илоҳ ва фариштапар орасидаги олам)ни ҳам англатади. Шунингдек, тонг елини илохий неъмат файзи, илохиёт ёди маъноларида ҳам тушунсак, байтнинг орифона мазмуни бундай бўлади: «Гайб асрорини англашдаги ҳалокатли интилишларим, қўрқинчли ахволимни кўриб, тонг ёқасини чок этди, яъни отди. Йишиёқу изтиробим эвазига илохий нурдан нишона кўрдим».

Учинчи байт:

Тийра ҳижроидин чу йўқтур Фарқ субҳу шомима,  
Хоҳ шом ўлсун қоронгу рўзгорим, хоҳ субҳ.

Бу байтда яна бир фавқулодда тоза истиора қўлланилган: тийра ҳижрон. Қоп-кора айрилиқ — бу ошиқнинг қил сиғмаган қалби, мотамзада ҳолати. Ҳижрон туни, ҳажр шоми иборалар ёнида мазкур истиора тасвирнинг латифлигини оширади, рангни қуюқлаптиради, лирик қаҳрамон кечинмаларининг шиддатини бўрттириб қўрсатинга хизмат этади. Қолган сўз ва иборалар тушунарли, шу боис байтнинг зоҳирий мазмунини қўйидагича шарҳлаш мумкин: «Айрилиқ гамидин ҳаётим, руҳиятим шундай қоронгики, тонг билан шомим, кеча ва

кундузим орасида фарқ йўқ. Хоҳ тонг бўлсин, хоҳ шом — сезмасман, бари қоп-қора тунга айланган». Байтнинг ботиний, маърифий маъноси: «Илоҳий ёр ёдини фаромуш этиб, нафсоний дунёга берилиб қолганим учун тонг билан шомнинг фарқи билинмай қолди, шом бўлса ҳам, тонг отса ҳам кўнглимга ҳеч нарса сифмайди, чунки қоронгу рўзгор — дунё ташвишидан қутулиш ғоят мушкул, у мани ўз домида занжирбанд этган». Солик ўз иродасини батамом пир қўлига топшириб, тариқат мақомидан зинама-зина кўтарилса, нафс қутқуси ва дунё истакларидан бутунлай қутулсагина, кўнгилни узил-кесил тажаллиёт зиёсига рўбарў эта олади, «тийра ҳижрондан» қутулади.

Тўртинчи байт:

Дуди охимдин қорорғай, ҳажр шомидин батар,  
Бўлса ҳижрон қатъида бир кун манга ҳамроҳ субҳ.

«Дуди оҳ» ҳам ёр ишқида ёнаётган безовта, бетоқат ошиқ аҳволининг ночорлигини англатувчи муболагали истиоралардан: ошиқ ёр ишқида шундай ўртаниб ёнаяптики, гўё унинг ичидан олов гуриллаб чиқаяпти, бу олов унинг оҳу ноласидирким, тутунидан олам қоронғилашади, ҳатто зиё таратадиган тонг юзи ҳам бу тутундан қора тусга киради. Бу эса ҳажр шомидан ҳам батар. Шоир сўзу гудоз, ёниш-ўртанишнинг, ишқ тортишлари, қийноқлари, руҳий-маънавий талпиниша курашларни шундай дардли сатрларда таъриф этади. Хуллас: «Агар тонг ҳижрон пайтида (авжида) мен билан бир кун бирга бўлса, оҳим тутунию ҳажрим шиддатидан ўзи ҳам қора рангга бўялади». Дунё ишлари, моддий олам талабларига қараб юраверсанг — тонгни ҳам сезмайсан, илоҳий нур ҳам қоронғиликни ёриб ўтолмайди.

Бешинчи байт:

Тийра шомим дафъ қилди меҳр зоҳир айлабон,  
Яхши борди меҳрибонликларда шайъиллоҳ субҳ.

«Меҳр» билан «меҳрибонлик» сўзлари ўзаро тажнис — сўз ўйинини ташкил этган: меҳрнинг бир маъноси қуёш, яна бир маъноси эса муҳаббат, меҳр. «Шайъиллоҳ» — оллоҳнинг каромати, неъмати демак. Байтнинг мазмуни: «Худонинг неъмати бўлган тонг меҳрибонлик кўрсатиб, яхши натижа олиб келди, қоронги шомимни дафъ этиб, қуёшни бошлаб келди». Ва яна: «Ваҳдат нури зиёси — тонг баракатидан касрат — дунё шуғли кўнглимдан кетди, кўнглим тозаланди, илоҳий нур чашмаси — қуёшга етишиш имкони топилди».

Олтинчи байт:

Хушдуур жоми сабуҳ, эй шайх, сен ҳам ичгасен  
Тутса май соқий бўлиб бир меҳрюзлик моҳе субҳ.

Бу байтдаги «меҳр» сўзи бошқа маънода, яъни машуқа сифати бўлиб келган. Шоир умумлашма тасвирлардан бир қадар аниқроқ тасвирга кўчади, юзи қуёшдай порлаган со-

ҳибжамол соқий ҳақида ёзади. Лекин бу билан Навоий газалнинг орифона, ботиний маъноларини давом эттиришдан возкечди, дея олмаймиз. Аксинча, анъанавий тамсиллар — соқий, жом, май сўзлари шоир айнан илоҳий муҳаббат ҳақида гапираётганини билдириб туради. Бу байтда яна бир анъанавий образ бор — бу шайх образи. Шайхни шоир бу ўринда тақводор шахс, зоҳид маъносига қўллаган, аслида эса шайх комил инсон, пири муршид маъносига ҳам келади. Машхур сўфиларнинг кўпи шайх деб эътироф этилган. Навоий ўзларини билимдон ҳисоблаб, орифларнинг ботиний оламидан бехабар, завқу шавқдан маҳрум дунёпараст шайхларни назарда тутган. Шундай қилиб, байтнинг маъноси: «Эй тақводор шайх, тонг пайти комил инсон маънавиётдан сўз бошласа ёки қуръон тиловат қилса, илоҳий кашф зухурроти, мушоҳада сархушлигига муҳаббатга лиммо-лим юрагидан роз айтса, сен ҳам қулоқ сол ва сархуш бўл, чунки тонгги сухбатнинг сурурни ўзгача, лаззатли, бенихоя ва ёқимли». Нега бундай маъно келиб чиқди? Чунки, тасаввух талқинида жом — «илоҳий тажаллиёт мавжи ва бепоён нурнинг порлаши» (Миръот-ул ушшоқ), соқий — «файз манбаиким, вужуд зарротини борлиқнинг бодасидан сархуш қилгандир» («Миръот-ул ушшоқ»), май — «галаботи ишқ» (Сажжоддий, 400), «илоҳий тажаллиёт...» («Миръот-ул ушшоқ»), яъни: меҳрюзлик соқий — ориф инсон илоҳиёт тажаллисининг файзидан тонгда бода тутса, эй шайх, сен ҳам ичишинг муқаррар.

Еттинчи байт:

Ғам туни қўҳи балосидин магар бўлмиш ҳалос,  
Ким менингдек кўргузур рухсораи чун коҳ субҳ.

Қўҳи бало — бало тоғи, рухсора — юз, коҳ — сомон. Ошиқ изтироб чекишдан, бало тогининг юкини тортишдан ранглари сомондай сарғайган. Бу аҳвол тонгнинг бўзарид оқариши орқасидан қуёш нурларининг олтин (сарик) рангда қўрина бошлиши билан қиёсланган. Афтидан, тонг ҳам мен каби айрилиқ ғамининг балосидан ҳалос бўлибди, чунки сомондай сарғайган юзини кўрсатмоқда, дейди ошиқ. Тоғ балосидан ҳалос бўлиш қуёшнинг тоғ ортидан чиқиб келишига ишора ҳамда қуёш тунда уфқ ортида, тоғлар кейинида банди бўлади, эрталаб яна қутулиб йўлга чиқади, деган қадимий тасаввурга вобаста тасвир бу. Навоий субҳ (тонг)ни бир шаъс сифатида жонлантириб, уни лирик қаҳрамон ҳолати билан қиёслашни давом эттирган.

«Бало» — илоҳнинг имтиҳонлари, солик йўлида учрайдиган қийинчиликлар, «бало тоғи» шунга мувофиқ — тариқат йўлида учрайдиган имтиҳонларнинг энг оғири демак. Мазкур байтда қўҳ ва коҳ (тонг ва сомон) сўзларини зид қўйиш (тазод санъати) ҳам бор. Ошиқ ўзининг дарддан юзи сарғайганини айтиш билан бирга илоҳий қудрат, зоти азалий ва унинг имтиҳон-балоларининг беҳадлиги олдида зарра мисол кичик ва ҳақири эканини ҳам таъкидлайди. Шу тариқа, со-

ликнинг мақомот сари интилишларидағи иккиланишлар, мушкилотлар, имтиҳонлар қийинчилиги ва уларни енгигб ўтиш учун иродани чиниқтириш ишиштаки акс этади бу байтда.

Саккизинчи байт:

Субҳидам бедору гирён бўл, агар файз истасанг,  
Ким сенинг уйқунга хандон ўлмасун ногоҳ субҳ.

Газалнинг орифона мазмуни бу байтда яна ҳам очиқроқ ифодаланган субҳ илоҳий файз тимсоли эканини шоир ўз тили билан баён этган. Бундай файзга тунлари бедор ўтириб, тоат-ибодат билан шугулланган, илоҳ ишқида куйган, ўртаган дардли одамларгина эришадилар. Навоий даврида илоҳтаб дарвешлар, ориф солиҳлар дунё роҳатидан воз кечиб, маънавият сирини кашф этиш учун кечалари ухламай, зикр айтиб чиқар, бутун вужудлари, қалб-шуурларини шу мақсадга қаратиб, сидқидилдан мутлақ руҳ сари интилганлар. Натижада уларнинг кўнгиллари равшанлашиб, завқу сурур топар, зеҳнларида маърифат тонги ёришарди. Маънавият олами ошиқлари Навоий васф этган ҳақиқий ошиқлардир, улар шоирнинг идеал образлари, эзгулик фаришталари эди. Шунинг учун у орифлар гоясини жону дилдан тарғиб этиб, дейдик: агар илоҳий файз истасанг, эрта саҳарда уйқуни тарқ эт, худо йўлида бедор ва гирён бўлгин (байтда гирён ва хандон — кулиб ва йиғлаш сўзлари зид қўйилган), гафлатда ётма, бўлмаса, файздан бенасиб қоласан — тонг сенинг аҳволингга кулади. Қамолот истаган одам тонгдай уйгоқ, тонгдай пок бўлиши лозим.

Ва ниҳоят, тўққизинчи байт:

Эй Навоий, ул қуёшнинг муждаи васлин бериб,  
Қилса нетқай шоми ҳажрим меҳнатни қўтоҳ субҳ.

Газалнинг бошидан бошлаб давом этиб қелган шом — тонг бадиий зидланиши мақтаъга келиб якунланаяпти. Субҳдан кейин қуёш чиқиши ва туннинг чекиниши муқаррар. Лекин Алишер Навоий назарда тутган тонг илоҳий тажалли сафоси бўлганлиги сабабли қуёш ҳам пири муршид қалби ёки Мутлақ руҳнинг манбай тимсолидир. Тонг эса шу манбай — нур чашмасининг даракчиси. Ошиқ, йўловчи ҳижрон туни, яъни дунёвий талаблар, илоҳиётдан узоқлаштирувчи ишларзулумлар зулумоти қийноғидан кейин ниҳоят васл шодмонлиги имконини топади, кўнгил даричаси ёр жамолига қараб очила бошлиди. Мақтаънинг зоҳири маъноси: «Эй Навоий, ул қуёш, яъни ёр васлининг дарагини етказиб, ҳижрон шоми азобини (меҳнат — азоб дегани) қисқартирса кошкийди». Байтнинг орифона ботиний маъноси эса бундай: «Эй Навоий, вахдат нури жилоси — тонг Зоти мутлақ (ёки комил инсон қалби) манбаига етишиш хушхабарини етказиб, илоҳ ёдидан бегоналашув қийноғи, касрат зулумоти ичра чекаётган руҳий изтиробу азбларимни қисқартирса нима бўлар экан». Маз-

кур газалда Навоий илоҳий ишқ кечинмаларини реал инсоний кечинмалар тарзида ана шундай тасвиру талқин этади. Зотан, орифларнинг тариқат даражаларини эгаллаш йўлидаги интилиш — ёнишлари нега реал бўлмасин, ахир бу оддий одамларнинг эмас, ўзларини рухан тайёрлаган, жуда катта вазифани бўйинга олиб, фақат маънавий маърифат сари ўтли шавқ билан интилиш одамларнинг ҳар қандай дунёвий тушунчадан холи покиза ишқи. Шунинг учун уларнинг қалб кечинмалари юксак ва олийжанобдир. Шу шавқ ва интилишни тор маънода тушунмаслигимиз керак. Бу Навоий каби буюк инсонларнинг дунё ва илоҳ орасида, дунёни севиш ва дунёни кишиларидан задалик, дунё ишларидан кўнгил узолмаслик ва дунёда бўлмаган идеалга боғланиш, уни севиш ҳислари орасидаги талпиниш-изланишлари, руҳий саргардонлик ва қийноқларнинг рамзий шеърий изҳоридир.

## «ЭРУР КЎНГУЛДА САФО ИШҚ ТОЗА ДОҒИ БИЛА»

«Хазоин-ул маоний»нинг биринчи девони — «Ғаройиб-ус сигар»га киритилган ва Алишер Навоийда кам учрайдиган таҳаллуссиз газаллардан бири («Ғаройиб-ус сигар»да жами ўнта таҳаллуссиз газал бор) ўзу сатр билан бошланади. Ушбу газал «Бадоеъ-ул бидея» девонида ҳам мавжуд. Демак, у шоирнинг ёшлиқ йилларида ёзилган. Газал етти байтдан иборат, лекин таҳаллусли мақтаъ бўлмагани сабабли якунловчи хуласа етишмаётгани сезилади. Асар мавзуи — ишқи илоҳийни куйлаш, бу ғоя ғоҳ мажозий ташбих-истиоралар, анъянавий образлар (парвона, булбул), ғоҳ тўғридан-тўғри тасаввуфий истилоҳ — тамсиллар воситасида баён этилади. Қайд этиш жоизки, ишқи илоҳийни тараннум этган ирфоний-маърифий мазмундаги газаллар Навоий девонларининг асосий қисмини ташкил этади, уларни эса бир неча гурӯҳга бўлиш мумкин: 1) муножот-газаллар; 2) худо ва пайғамбар мадҳига бағишинланган наът-ҳамд газаллар; 3) ошиқнинг аҳволини тасвирловчи «шарҳи ҳол» газаллар; 4) фалсафий фикр-мушоҳадаларни ифодаловчи газаллар. Тилга олинган газалда ошиқона кечинмалар руҳи, ёр васфи ҳам, фалсафий мушоҳада-мукошифа ҳам бор. Демак, асар бирон-бир ҳис, бирон-бир муайян ҳолатни эмас, шоирнинг катта мавзу атрофидаги умумий тасаввуртутшунчалари, шунга мувофиқ ишқнинг инсон қалбига ўтказидиган таъсири ҳақида зикр этади, ишқ ва фано, тариқат йўлининг жозибаси ва таҳликаси шоирона талқин этилади. Шу боис газал байтларини бевосита ўзаро занжирий боғланниш эмас балки қофия, радиф, мавзу ва оҳанг муштараклиги бирлаштириб туради, мадҳ, васф, шарҳи ҳол ва тасаввуфий манолар бир ўзандаги оқимга туширилган. Чунончи, матлаъда ошиқнинг ишқ дарди янгиланганидан хушиудлиги, иккин-

чи байтда маъшуқа фироқида қийналиш, кинояли хотирот, учинчи ва тўртинчи байтларда ишқнинг қудрати ва мўъжиза-корлиги ҳақида мулоҳаза-муқояса, бешинчи байтда шоҳ ва дарвешнинг ишққа муносабати, олтинчи ва еттинчи байтларда бўлса илоҳиёт файзини топган соликнинг лаҳзалик масур туйғулари, ёр жамолига маҳлиёлиги тасвир этилади. Хуллас, ишқнинг турли жиҳати, ошиқ инсоннинг ҳолатлари ва шоирнинг ўз мавзууга муносабати, қарашлари акс этган. Умуман, Навоийда илоҳий ишқ ҳар хил ҳолатларга bogланиб, ҳар бир газалда ўзгача бир тароват янги-янги ифода, услубий тарзу равия билан куйланади. Шунинг учун унинг ғазаллари бир-бирининг айнан такрори эмас, балки ҳар бир янги асар сифатида ўқувчига алоҳида завқ багишлайди, тасаввуфнинг ҳар бир мақоми ва манзилларидаги руҳий ҳолат, бу манзилларни кашф этиш қийинчиликлари, Буюк Илоҳнинг ҳуэурига талпиниш, согинч ва қўмсаш, маънавият неъматидан сархушлик, қалби маърифатга ғарқ Дўст дийдорига ташниалик, ундан маҳрумлик дамларидаги изтироб ҳар бир ғазалда турфа рангу оҳанг, суврату санъатлар орқали такрор-такрор талқин этилади. Бу ғазалчиликда, айниқса, орифона шеъриятда қабул қилинган анъана бўлиб, шоирнинг ўзига хос маҳорати, навбунёдкорлиги шу анъана бағрида камол топиб, кўзга аёнлашди. Буни меъморлик санъати билан қиёсласа бўлади: Самарқанду Бухоро, Ироқу Нишопур, Балху Ҳирот меъморчилик ёдгорликларига қаранг, уларнинг нақшу нигори, кошинлари, тарху тароватида ўхшашлик бор. Аммо ҳар бир янга ўзига хос салобат, ҳусну жозибага эга, ҳар бир меъморнинг «дастхати»ни аниқ ҳис этасиз. Шеърият ҳам шу: қатъий анъаналар андозаси ичра беназир устакорлик, улуг салафлар даражасига кўтарилиш ва шу майдонда ихтиrolар қилиш, янги йўл, янги оҳанглар топиб, элни қойил қилиш. Анъанавий усул-равияда маҳорат кўрсатиш — бир мўъжиза, асрлар анъанасини енгib шоирона ихтиrolар қилиш — иккинчи, янада олийроқ мўъжиза. Навоийнинг ҳар бир ғазалида анъанавий мавзууни янги рух, янги туйғу ва фикр билан янгидан янгратиш, ғазалнинг қадимий шаклидан фойдаланиб, шоирона мўъжизалар кўрсатиш маҳорати намоён. Воеан, таҳлилга олган ғазалимиз ҳам «Эрур кўнгилда сафо ишқ тоза доги била» деб бошланади: ишқнинг кўнглида ҳар бир янгиланиши, тоза додлар қолдириш янги илҳом ва завқ олиб келади, янги шеърини бунёд этади. Ушбу ғазални байтмабайт шарҳлаб чиқсан, айтилган фикрлар тўлароқ ва аниқроқ англашилади. Биринчи байт:

Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доди била,  
Нечунки кўзда ёруғлик эрур қароги била.

Ишқнинг доди — дарду алами, асорати, яраси тозаришидан кўнгилда шодлик, сурур ва равшанлик пайдо бўлди. Зотан, бунга ажабланмаслик керак, чунки кўзнинг қорачиги равшанлиги унинг қорачуғидан. Байтнинг мазмуни

шу. Ажойиб ташбих: кўз гавҳари қора, аммо кўришнинг қуввати, ёруғлик ўшандан, демак, ишқ қўнгилга дарду доғ солса-да, лекин қўнгил қўзини равшанлаширади, оламни мусаффо нигоҳ билан идрок этишга чироги ҳидоят бўлади. Навоий шу ташбих орқали тазод санъатининг фавқулодда янги бир кўринишини қашф этган ва инсон руҳидаги талотумларни, қарама-қарши ҳолатларни тушунтира олган: ишқ-муҳаббатдан фориг одам тинч, хотиржам яшаши керак. Бироқ ҳаётда бунинг акси бўлади, муҳаббат дардига гирифторлик хурсандчилик, фароғатга сабаб бўлади. Қўнгил бу дарддан яйрайди! Шоир оқлиқ ва қораликни (байтда «сафо» ва «тоза» сўzlари ҳам ўзаро мутаносибликка киришиб, завқли бир туйгу бағишлайди), қуллик ва озодликни, ишқий безовталик лаззати ва ишқисизлик бадбаҳтигини қиёслайди, суфийнинг тан азоблари эвазига түядиган руҳий-маънавий ҳузурини олқишишлайди. Доғ — тамға, нишон; доғ — андух, гам; доғ — жароҳат, яра; доғ — юракдаги қора нуқта, сувайдо; доғ — лоланинг қора ранги; доғ — қуллик белгиси. Сафо эса «риёзат чекищдан кўнгилнинг покланиши» («Миръот-ул ушшоқ»), «поклик, таъбнинг нописанд, ёмон хислатлардан тозаланиши... кўнгилнинг ағёр, яъни гайри ёрдам, ғаддор дунёдан юз ўгириши»дир («Мусталаҳоти урафо» 262-бет). Шундай қилиб, ишқ доғи ағёр доми, дунё қудрати қуллигидан кўнгилни озод этади. Илоҳни севиш, унга қул бўлиш қулликдан озод бўлишнинг чин йўли, демак, бундай қулликдан хурсанд бўлиш керак. Шунинг учун ҳам ошиқ маҳбубасининг тамғасини кўнгилда асраб, унга қул бўлишдан боши осмонда. Ишқнинг фараҳ ва фароғат, сафо ва рўшнолик келтириш хосиятини шундай ажойиб, оригинал тоза тасвир билан ифодалаган шоир иккинчи байтда мўъжизакор тахаюлининг яна бир қиррасини кўз-кўз этади:

Фироқ шоми енгилмас ўқунг кўнгугл йўлини  
Ки, борур ул сари пайконидин чароғи била,

Биринчи байтдаги қоронгу-ёруғ тазоди давом эттирилган, аммо маъно бошқа. Биринчи байтдаги ташбих асослари доғ ва кўз қорачиги ижобий маънодаги ранг эди, аниқроқ қилиб айтсақ, бу қораликлар оқлиқ-равшанлик келтирадиган эди, фироқ шоми ошиқ учун ёруғлик эмас, азоб-изтироб олиб келади. Ошиқнинг ҳижрондаги кунлари тун билан баробар, ҳижронда ошиқ учун ёруғлик йўқ, унинг тонги зим-зиё, қуёши маҳв этилган, фироқ шоми тариқат аҳли наздида соликни илоҳдан ажратиб турувчи парда, касрат, дейди шоир маъшуқага қараб, ўқинг (киригинг) кўнглим йўлини адашмасдан топади, чунки у кўнгилга томон чироги билан келаётди. Кимга ишора бор бу ерда? Гап шундаки, «пайкон» сўзи ҳам ўқни билдиради, лекин бу ўринда камон ўқи назарда тутилаяти. Камон ўқининг ўткир учи эса металдан ясаларди ва у нишонга қараб учиб бораётганда металл қисми ярақлаб турар, баъзан эса олов сочаётгандай, шуълаланиб кўзга тани-

ланарди. Ўқнинг ана шу ҳолатини Алишер Навоий чироқ кўтариб бораётган одамга ўхшатиб, жонли ва чиройли суврат чизган: «Фироқ шомида, яъни сенинг ёдинг, вақтинча кўнгилдан кўтарилиб, дунё иши — ташвиши парда бўлиб мени сендан ажратганда, ўқинг адашмасдан кўнгил йўлини топади, зеро у ўз нишонига пайконини чироқ қилиб бораётпи». Бундай ташбихни бошқа бирорта шоирда учратмаймиз: ёрнинг киприги — зулматни ёриб бораётган машъала, гўё эзим-зиё тунда чақилган чақмоқ. Албатта, матьшуқа кипригини чақмоққа қиёс этганда Навоий кўзни ҳам назарда тутган, чунки аслида киприк бировга қараб отилмайди, балки назар, қараш йўналади, яъни кўзнинг нури, қуввати таъсир этади, жозиба, куч багишлайди. Шунинг учун киприк чақмоқ самовий миқёсда илоҳий нурнинг ярқ этиб, кўнгилни ёритиши ёки заминий миқёсда соҳибкаромат пирнинг назар қилиши, бир нигоҳ билан қалбларга ғулгула солиши тарзида талқин этилиши мумкин. Оддий ҳаётда ҳам қалб китоби бўлмиш кўзларнинг кўнгилларни боғлаши, севигига замин ҳозирлаши кўп учрайдиган ҳодиса.

Учинчи байт:

Эрур сукуту фано ишқ лозими, булбул  
Не воказиф онча фифону улуғ димоги била.

Навоий «Асарлар» и куллиётининг 1988 йилги янги нашрида (З-жилд. 428) мазкур байтнинг биринчи мисрасида «фано» ва «булбул» сўзларидан кейин вергул қўйилгани учун маъно бузилган. Агар шу нашрга суюнадиган бўлсақ, «Сукут ва фанодир, ишққа лозим бўладигани булбул, бунча фифони ва улуғ димоги билан нимадан хабардор?» деган ғалати гап келиб чиқади. Бундай «тахрир» ўқувчини чалгитиши, Навоий асарларини тушунишни қийинлаштириши аниқ (Буни таъкидлашга мажбурмиз, чунки ҳозирги ёзувга кўчирилган классик шеърларда тиниш белгиларининг аҳамияти катта, вергул нотўғри қўйилгани учун маъноси мавҳумлашган байтлар анча). Хўш, Навоий бу байтда нима маънони ифодалаган? Бу маъно қўйидагича: «Сукут сақлаш ва фано — жисму нафс эҳтиёжларидан батамом қутулиш ишқнинг заруратидир, шунча нола-фифони, сархушу ошуфталиги билан булбул буни қайдан билсин». Ҳа, шоир бу ерда ошиқлик рамзи, нафосат ошуфтаси, ишқни ёниб куйловчи булбул билан баҳсга киришган. Бу қизиқ, чунки Навоийнинг бир қанча ғазалларида булбул хониши мадҳ этилади, лекин бу байтда у булбул ишқнинг моҳиятига тушуниб етмайди, деган фикрни баён этади. Балки бошқа маъно бордир бу гапнинг тагида, балки шоир бирор-бир мазҳаб ақидасини, бирор-бир тариқат пешвосининг кўрсатмаларини тасдиқлаётгандир? Дарҳақиқат, матлубга етишиш йўли фақат оҳу нола эмас, фифон чекмай, зоҳирлан сукутда бўлиб, дардни элга ошкор қилмай, ботинан кўнгилни маърифатдан сароб этиб, фано мартабасини эгаллап ҳам мумкин. Масалан, Баҳовиддин

Нақшбанднинг ақидаси шундай. (Баҳовиддин Нақшбанддан. сиз самоъга қандай қарайсиз, деб сўраганларида, у киши: «Мо инкор накунему ин кор накунем» — «Биз инкор қилмаймиз, аммо бу ишни қилмаймиз», деб жавоб берганлар). Самоъ ва зикрга берилмай, муайян касб билан шугулланиб, юдамларни ҳақни танишга даъват этган дарвешларнинг йўли шуни тақозо этарди. Улуғ мутафаккир рамзий йўсинда тариқат ахлининг икки тоифаси сулукини таққослаган: тинч, хотиржам зикр билан, ички оламни тараққий эттириб, ҳаққа яқинлашувчилар ва самоъ, рақс, қўшиқ-куй орқали муҳаббатларини очиқ изҳор этувчи бетоқат, безовта одамлар. Шундай ошиқлик ҳар доим ҳам фигону нола эмас экан, «анжуманда ҳилват» кўрувчиларнинг ботиний маърифати, кошифлик йўлида ўзгача ёниш, ўзгача фидойи қатъият бор. Тўртинчи байт мазмуни учинчи байт юзасидан айтган фикримизни тасдиқлади. Байтни келтирамиз:

Ул ўтки ўртади парвонани, ҳамул ўтдин  
Кўринки қовруладур шамъ доги ёги била.

Маълум бўладики, гап парвона ишқи устида бораяпти, яъни шоир булбулнинг нолали муҳаббати билан парвонанинг жим, аммо вужудини ёндирувчи «индамас» муҳаббатини қиёсламоқда. Тасаввур қилинг: шамъ, унинг атрофида эса алангага қараб талпинаётган митти парвона. У ўтга шундай ихлос, шиддат билан интиладики, оловга қўшилиб ёниб кетгунча тинчмайди. Бироқ парвона шунчалик ошиқлиги, дардининг зўрлигига қарамай, оҳу нола чекмайди, балки жимжит ўтга томон талпинаверади. «Ул ўт», яъни илоҳий ишқ алангаси фақат парвонани эмас, шамънинг ўзини-да, муми ва ёги билан қўшиб қовуради, эритиб куйдиради. Улуғ шоир тамсиллар воситасида Ишқнинг беинтиҳо зарроту жонзотлар, ошиқу маъшуқ барини қамраб олувчи қудратини бизга тушунтироқчи бўлган. Шамънинг шуъласи — илоҳий ишқ, муми ва ёги — дунё, инсон вужуди, парвона — ошиқ инсон тимсоллариdir. Парвона — фано тимсоли, яъни ёмон сифатлардан қутулиш ва маҳмуда (яхши) сифатларга эга бўлиш, хирсу ҳавасни тарқ этиш йўли. Бу фақир дарвешларнинг, ахлуллоҳнинг тариқати, хўш, шоҳлар-чи, улар ҳам бу баҳтга мушарраф бўла оладиларми?

Шоҳу улус ғамию жоми Жам, хушо улким  
Синуқ сафол ила дурд ичкай ўз фароги била.

Йўқ, шоҳлар фано мартабасига етишолмайдилар, чунки улар дунё ғамию улус ташвиши, шон-шуҳрат, айшу ишрат билан банд — шоирнинг гояси шу. Афсонага кўра, Ажам шоҳларидан Жамшид шундай жом ихтиро қилибдики, унинг ичидаги шароб асло тугамас ва у оламни ўзида акс эттириб турар экан. Шундай қилиб, «жоми Жам» — туганмас бойлик ва ишрат, шуқуҳу салтанат рамзи. Унинг сўфиёна талқини

ҳам бор: «Маърифаи бодаси билан молим ориф кўнгли» («Миръот-ул ушшоқ»). Лекин Навоий мазкур байтда буни назарда тутмаган, бўлмаса шоху дарвеш аҳволини чоғиштирамаган бўларди. Шоир анъанавий тасаввуфий эътиқодга амал қилиб ориф дарвешнинг фақир ҳаётини подшонинг ҳашаматли ҳаётидан устун қўяди, аммо буни қуруқ таъкид йўли билан эмас, балки «назарий» тушунтиришга интилади: «Шоҳ фуқаро ташвиши ва ўзининг шону шухрати, туганнис давлати, ишрати билан овора, у бу гамдан фориг бўлолмайди. Демак, шунчалик дабдабаю шукуҳи билан озод, баҳтиёр эмас. Ҳатто жаҳонни кўрсатувчи олтин жом ҳам уни гамдан озод қилолмайди. Шоҳнинг акси ўлароқ синиқ сафолда (жоми Жам — салтанат ва ҳашам рамзи бўлса, синиқ сафол — камбағаллик, камтарлик белгиси) май қуйқумини ичайтган, яъни маҳбубнинг васли деб азоб чекаётган дарвеш баҳтиёр. «Дурд» — май қуйқуми, қаноат ҳамда айни вақтда номуродлик, маҳбубнинг бетоқат қилувчи ёдини ҳам англатади. Хуллас, Навоий илоҳий ишқнинг хосиятлари ҳақида гапириб келиб, парвонасиғат дарвешнинг мамлакат подшосидан устун турувчи озод-эркин турмушини шарафлайди. Олтинчи байт:

Хумор аро тиладим соқию қадаҳ, юз шукр,  
Ки улки мен тиладим келди ўз аёги била.

Шоир ўзининг синиқ сафолда «дурд» ичиб, маҳбуб ёдида сармаст қаҳрамони — ишқ парвонаси ҳолатидан руҳланиб кетиб, ўзини у билан шерик, ҳаммаслак қилиб кўрсатади. Аммо лирик қаҳрамон-дарвеш ёр ёдида сархуш бўлса, шоир ҳали хумор, у энди соқию қадаҳ талаб қиласяпти. «Хумор» ҳам мастиликнинг асорати, аммо у вақтингчалик совуш, соликнинг иккиланишини, бекарор ҳолатини ҳамда «маҳбубнинг иззат пардаси ичига яшириниши, дунё пардаси ваҳдат юзини беркитишини» англатади. Ана шундай ҳолатда шоир турланган кайфиятни бир хилликка келтириш, яъни дарвеш ҳолатига мослаш учун соқи (пири муршид) қўлидан қадаҳ (маърифат) тилайди ва аллоҳ унга тилаганини етказганини — пир ҳузурига етганидан шукроналар айтади. Байтдаги «аёқ» сўзи икки маъноли: 1) одамнинг атъоси ва 2) қадаҳ. Демак, сўз ўйини — тажнис ясалгаң: «Келди ўз аёги била — келди ўз қадаҳи била». Теран маъно, тоза ифода ва тимсоллар билан очилган. Еттинчи байт:

Қучарга сарв ниҳоли бири қадингдек эрмас.  
Агар кетурса ани боғбон қучоги била.

Бу байтнинг зоҳирий маъноси кўриниб турибди. Шоир маҳбуб қоматини энг чиройли дарахтга ўхшатмоқда, йўқ, маҳбуба қомати сарвдан ҳам чиройли, ахир сарвни қучгандан ёр қучгандайин ҳаловат туйиш мумкинми? Боғбон сарвларни қучоқлаб олиб келса ҳам, лекин бу ёр қоматини қучганчалик эмас. Аммо байтнинг тасаввуфий, зоҳирий маъноси ҳам бор.

Қад деганда сўфийлар пирнинг ҳайбати, илоҳийлик аломати бор одамни назарда тутганилар. Шундай бўлгач, байтнинг мана бунақа маъноси ҳам келиб чиқади: «Гарчи боғбон боғдаги чиройли сарв дараҳтларини намойишкорона қучиб келса-да, лекин уларнинг бирортаси комил инсон — пирнинг гўзал, илоҳий ҳайкалидай эмас, уларни қутиш пирга сифинишдай лаззат беролмайди».

Алишер Навоийнинг улуғворлиги шундаки, унда зоҳирий ва ботиний маънолар, яъни ишқи илоҳий ва ишқи маъжозий ифодалари бир-бирига халақит бермайди, балки бир-бирини тўлдириб, қувватлаб туради. Бошқача айтганда, ишқи ҳақиқий тасвиридан ишқи маъжозий тасвирига ёки аксинча ҳолатга осон ўтилади, китобхон гоҳ бу маънодан, гоҳ у маънодан, гоҳ ҳар иккисидан завқлана олади. Ушбу газалда ҳам шуни кузатиши қийин эмас, унда тариқат ақоиди, мақомат босқичларидаги солик ҳолатлари, ишқ изтироби ва ошиқ азоби, дардли ўртанишлар тасвиранади ҳам шу билан баробар, муайян инсоний кечинмалардан воқиф бўласиз. Воқеан, ишқ парвонаси солик дарвеш ҳам реал инсон, унинг ечинмалари ҳақиқий инсоний кечинмалар, фақат унда ният улуғроқ, дард беинтиҳо, идеал фоят узоқ...

## «АҲД ҚИЛДИМ: ИШҚ ЛАФЗИН...»

Алишер Навоийнинг ҳар бир газали ўзига хос ёндошиш, ўзига хос таҳлил ва тафсир усулини тақозо этади, чунки ҳар бир газал алоҳида руҳий ҳолат, алоҳида бадиий фикр ва ҳистийгулар ривожини ифодалаб келади, тасвир тарзи, санъатлар мунтазамлиги ва мутаносиблиги ҳам шунга мувофиқ. Мазкур газалда эса Ишқ водийисида мушкилотларга дуч келган ошиқнинг бир лаҳзалик ҳолати, иккиланиши, гайрнинг сўзига қулоқ солиб, гўё вақтинча «араз», «истигно» билан ёридан юз ўғиришга бехуда уриниши тасвиранади. Одатда истиғно (ўзини озод ҳисоблаш, ноз қилиш, араз) маъшуқ хислати бўлиши керак, ошиқ эса ниёзманд, ҳамма вақт ёрга содик одамdir. У шу хислати билан машҳур. Бу ерда анъана-га хилоф равишда иш тутилмадимикин? Йўқ, ундай эмас. Навоий лирик қаҳрамонининг озурдалигини маъшуқ нози сингари тушунмаслигимиз керак. Бу «истигно» — ишқдан тавба-тазарруъ «аҳди» замирида ошуқ кўнглининг ҳар қандай азобларга бардош бериши, дарду балоларга тайёр туриши маъноси ётади. Ошиқ ишқ қийноқларидан кутулишга чора излайди, аммо қўллаган тадбирлари бехуда бўлиб чиқади. Чунки у бу домга абадул-абад гирифттор, ишқни тилга олмайман, дейди, лекин у тилига келаверади, сирини элга билдиргиси келмайди, аммо дарди ошкор бўлаверади. Зоро, опиқнинг инон-ихтиёри ўзида эмас. Одамда шундай ҳолатлар бўладики, оҳанрабодай тортиб турган нарсадан ҳам безор бўлсан, жоннинг қийноғисиз яшаш мумкин эмаслигини.

қутулишга интилиб, қутулолмаслигингни англаб баттар изтироб чекасан. Навоий айни шу руҳий ҳолатни қаламга олган, яъни тилда тавба қилиб, инкор этиб, аслида кўнгил қаърида бунинг аксини тасдиқлаш, ўзига хос шеърий санъат бу. Бир неча байтда кўринадиган, баъзан бутун газал бўйлаб ёйиладиган ушбу усулнинг классик шеършуносликда номи йўқ. Во-қеан, Навоий каби улуғ шоирларнинг турфа санъатлари, услубий ихтиrolарига ном топиш, уларни тадқиқ этиш осон юмуш эмас. Навоий худди сон-саноқсиз усул-йўлларни ёд биладиган, ҳар гал янги, ҳайратланарли юришларни ўйлаб топиб, ғалабага эришадиган шоҳмотчи мисол иш тутади. Сўзнинг битмас-туғанмас имкониятлари, мутассир этувчи ифодавий қудратини намойиш этади. Сўздан мўъжиза яратиш, классикларнинг ўз тили билан айтганда, сўзнинг додини бериш — пайғамбар санъаткорларга насиб бўлган баҳт.

Рамали мусаммани маҳзуф баҳрида ёзилган ушбу газалнинг аввалги беш байти ана шу тавба-тазарруъ мазмунида, яъни инкор — тасдиқ усулида ёзилган, шу жиҳати билан бу байтлар ўзаро боғланиб келади. Қолган уч байт газалнинг умумий мазмуни билан бевосита эмас, балки бавосита боғланади. Шу сабабли газални пароканда дея олмаймиз. Тўғрисини айтганда, мен «пароканда» истилоҳини шеърга нисбатан қўллашга қаршиман. Чунки парокандалик бадиий асарга хос хусусият эмас, у бутунлай боғланмаган байтлар йигиндисини билдиради. Улуғ шоирларда, жумладан, Навоийда бундай шеър йўқ. Байтлар, юзаки қараганда, мазмунан боғланмаган, турли мавзуда бўлиб туюлса-да, ботинан улар ўзаро алоқадор. Шунинг учун бундай газаллар таҳлилида бевосита боғланиш (мусаллас) ва бавосита боғланиш деган тушунчалардан фойдаланишни маъқул деб биламан. Шундай қилиб, мазкур газал ҳасби ҳол, яъни ошиқ кечинмаларини ифодалайдиган асар бўлиб, байтлари қуйидагича шарҳланиши мумкин.

Биринчи байт:

Аҳд қилдим: ишқ лафзин тилга мазкур этмайин,  
Тил неким, хомам тилидин доги мастур этмайин.

«Мазкур» — зикр этиш, тилга олиш, «хома» — қалам, «мазкур» — ёзиш, рақам этиш. Қолған сўзлар тушунарли. Аммо, бу байтнинг, қолаверса, бутун газалнинг ўзак — калит сўзи ишқидир. Ишқ нима? Одамлар орасидаги алоҳида майл, севги, муҳаббат, деб жавоб берамиз дафъатан ва аксар аёл билан эркакнинг ўзаро муносабатлари, бир-бирига интилишини кўз олдимишга келтирамиз. Албатта, аёл ва эркак орасидаги муносабат оила асосига қурилса ёмон бўлмайди, бу ҳаёт қонунига мувофиқ, чунки ҳаётнинг ўзи ҳам муҳаббатдан яралган. Лекин Ишқни кенгроқ маънода, кайҳоний андоза олиб қарасак-чи! Суфий орифлар тушунадиган маъноларга лиққат қиласак-чи? Ахир, Навоий ишқнинг ана шу маъноларига кўпроқ эътибор берганку. Суфийлар талқинига кўра,

ишқ — дўстлик туйғусининг олий даражага кўтарилиши: дўст орқали маърифатни, илоҳни севиш. Воқеан, «дўст» тушунчасининг ўзи ҳам кўп маъноли, «дўст» деганда улар юксак заковат, қалбида эзгулик нури порлаб турган инсон ва Мутлақ илоҳни англаганлар. Ана шундай дўст, яъни ёр ишқига гирифтор бўлган одамлар бир-бирларисиз туролмайдилар, агарчи бу боғланиш юз кулфат ва ранж келтирса-да. Шунинг учун ишқ сўзи ранж, дард сўзлари билан маъно-дош бўлиб қолган. Бу сўзниг асл этимологик маъноси ҳам шунга ишора этади: у арабча «ашақа» (зарпечак) сўзидан келиб чиққан. Зарпечак, биламизки, ўт-ўланлар, дараҳтларга ўралиб олиб, уларнинг ширасини сўриб қуритадиган гиёҳ. «Ишқ ҳам авжга кўтарилганда бамисоли зарлечакдай одамни бедармон қиласди, сезиш қобилиятини сусайтириб, еб-ичиши-дан маҳрум этади, ишққа чалинган кишига ўзгаларнинг гап-сўзи малол келади, у дўстдан бошқага қарамайди», дейди «Истилоҳоти урафо» лугатининг муаллифи Сайийд Жаъфар Сажжодий (289-б.). У яна давом эттиради: «Дейдиларки, ишқ шундай бир ўтки, ошиқнигина эмас, маъшуқни ҳам ёндиради, ишқ бало дарёсидир ва илоҳий жунундир ва дилнинг маъшуқ сари қиём этишидир». Ишқ олдida денгизлар — томчи, тоғлар — зарра. У денгизни жўшу хурӯшга келтириб, тогни талқон қила олади. «Эй ишқ, балойи жон эрурсан, ҳам жонима дармон эрурсан», дейди Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун»да. Тариқат бўйича ишқ мақоматдан кейин келадиган ҳол мартабаларидан бири. Бу мартабада соликка илоҳий жамол кўрина бошлайди, унинг бетоқатлиги, қалб ҳарорати зўраяди. Бу мартабага эришиш учун не-не руҳий синовлар, тараққиёт манзилларини босиб, покланиб ўтиш керак. Ўз азобларга бардош бера олмаганлар ярим йўлда қоладилар. Демак, илоҳий жамолга етишиш учун сабр, барча азобларга бўйсуниш иродаси зарур, бўлмаса, қийноқларга чидай олмай, Навоийнинг лирик қахрамони каби: «Энди ишқ сўзини тилга олмасликка аҳд қиласди», дейиши ҳеч гап эмас. Гирифторлик гирдоби ичидағи ҳасрат бу, аммо у ёлғон «аҳд». Аслида ошиқ баттар бу баҳри азимга ўнгимоқчи, зеро ошиқнинг занжири ҳам, қаноти ҳам ишқ, уни буд этадиган ҳам нобуд қиласиган ҳам қутулиб бўлмас шу Буюк Жозиба. Шоир иккинчи ва учинчи байтларда «аҳди»ни мустаҳкамлайди; чунончи, иккинчи байт:

Барча элга фитна бўлғон кўзга мафтун бўлмайин,  
Ҳар киши наззора айлар юзни манзур этмайин.

Яъни: «Барчани фитна-фириб билан алдаган кўзга мафтун бўлмасликка (алданмасликка), барча қарайдиган юзга қарамасликка аҳд қилдим». Барчани фитна билан ўзига мафтун этадиган кўз дунё бўлиши ҳам, дунё нафосати билан боққан Мутлақ рух чашмаси бўлиши ҳам, юз-кўзидан нур ёгилиб турган комил инсон бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда маъшуқ

кўзи фитнакор, алдамчи эканлиги аниқ, у барчани ошуфта этади. Ишқ аслида ана шу мафтункор юзу кўзга қарашдан бошланган, ўша кўзларки, бечора ошиқни бир лаҳза тинч қўймайди. Хўш, агар юз ва кўз илоҳий сифат — тажаллиёт белгиси бўлса, нега у мафтункор, алдамчи? Гап шундаки, суфийлар наздида маъшуқ кўзи — басират даражаси, яъни қалб кўзининг ўткирлиги ва ҳам айни вақтда у ошиқни имтиҳон этувчи, синовдан ўтказувчи куч. Илоҳий жамол турли кўринишда жилоланиб, қалбга йўл излайди. Жило, мавж, товланиш — сехру жоду, мафтункорлик эмасми? Кўз, шу билан бирга, гайбнинг манбай, сиру асрор чашмаси. Юз эса — илоҳиёт жамолининг тимсоли ва комил инсон чеҳраси. Навоий даври кишиларнинг ва буюк шоирнинг шахсий тушунчаси ана шундай. Ҳам олам нафосати, ҳам инсон қалби гўзаллиги ҳамда барча гўзалларнинг гўзали, барча равшанликлар манбай деб ҳисобланган Илоҳни бир ибора, бир ташбих билан ифодалаш, уни лирик кечинма орқали ёниб куйлаш. Буларнинг ҳаммаси Яхшилик ва Эзгуликка ошиқликни таърифлаш ва охир-оқибат инсон маънавиётини юксалтиришга хизмат этиш истагидан туғилган. Оқил ва одил инсоннинг юраги илоҳ фазилати билан тўлиқ ва бу унинг аъмоли, фитратида намоён бўлади, бошқалар шу қалбнинг файзини идрок этиб, ундан баҳра олиб, илоҳга яқинлашадилар. Шунинг учун бундай файзли одамлар эътиборни тортади, ҳамма уларга қараб интилади, уларнинг хоки пойини кўзига суртади. Шу учун бу илоҳий юз ва «фитнакор» кўзлардан бекиниш қийин, улардан бекиниш — илоҳдан юз ўгириш билан баробар! Яхшиси, Ишқ оловида ёниш насиб этсин, жоду кўзлардан жудо қилмасин.

Учинчи байт:

Ишқ куфури бирла тақво хонақосин бузмайин,  
Бут хаёлидин кўнгил дайрини маъмур этмайин.

Ишқ — куфр, ошиқ бўлиш — кофирилик. Бу кимнинг фикри? Албатта, мутаассиб диндорлар, ишқу ошиқликнинг ҳақиқий маъносини тушуниб етмаган кишиларнинг фикри, улар ҳаётни, илоҳий муҳаббатни қўйлаган шоирларни шундай тамгалар билан айбламоқчи бўлганлар. Лекин, қизиги шу ердаки, тасаввубнинг ваҳдатул вужуд фалсафасини чуқур идрок этган шайх-орифлар, айниқса Аттор, Румий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Машраб каби шоирлар буни ўзлари ҳам тан олганлар. Чунки суратпаст, масаланинг моҳиятига етмаган жоҳил руҳоний талқинидаги кофирилик билан суфий шоир назарда тутган кофирилик бошқа-бошқа нарсалардир. Руҳонийлар исломни тан олмаган, бутга синган одамларни кофир десалар, суфийлар «касрат оламининг зулми, дунё талаби, ваҳдатдан жудоликни» куфр деб уқтирганлар («Миръот-ул ушшоқ»). Ишқнинг кофири бўлиш — суфий наздида ҳақиқий имонга эга бўлиш, нечунким, фарқлар, қўпликлар олами орқали, ёпиқлик пардасини кўтариш дунё-

ни тарқ этиш орқали ваҳдатга етилади. Диндор руҳоний илоҳи севишни эмас, унга сажда қилиш, тоат-ибодат билан жаннатий бўлишни тарғиб этади, суфий бўлса илоҳдан бошқасини тан олмайди, расм-русумлар, одат-маросимларни инкор этади, илоҳ жамоли акс этган барча мавжудотни, бутни ҳам, насроний қизни ҳам севиш мумкин, деб таълим беради. Шайх Санъонни эсланг (Навоийнинг «Лисон-ут тайр» асари қаҳрамони). У римлик қизга ошиқ бўлиб, исломдан воз кечиб, насроний диннига киради, ишқ ўйлида нимаики юз берса — барига чидайди ва оқибатда илоҳий муҳаббатга эришади. Шайх Санъон саргузаштига диққат қилинса, ваҳдат майдан сархуш суфийлар эмас, балки тақвадор зоҳид ва соҳта шайхлар коғир бўлиб чиқади. Чунки «коғир — сифот, асмөв ва афъол даражасидан ўтмаган одам» («Миръот-ул ушшоқ»). Навоий «ишқ коғири» иборасини «бут» ва «дайр» сўзлари билан ёнма-ён қўллаган. Сабаби шуки, «бут — асосий матлаб, мақсад, яъни маъшуқ тимсоли», дайр эса — бутхона, оташпаратлар ибодатгоҳи бўлиб, тасаввуғ истилоҳида орифлар мажлиси ва зоти аҳадият ҳузуридир. Кўнгил дайрини бут хаёли билан безашпир сұхбатини қўмсанш демак. Шундай қилиб, байтнинг мазмуни бундай: «Ишқнинг бехудликлари, парҳезсизлиги билан тақво-тийиниши, яъни зоҳид хонақосини бузмаслик, маъшуқага сифиниши, унинг ёдида ёниш фикри билан кўнгил уйини обод этмасликка аҳд қилдим», яъни пир сұхбатидан дилимни узишга сўз бердим.

Тўртинчи байт:

Ҳар кеча бир лаб майи васлидин этмай жонни маст,  
Ҳар кун онинг ҳажрида қўнглимни маҳмур этмайн.

Сўзлари ҳам таъод ва ҳам таносуб санъатларини ҳосил иб, аввалги байтларда ифодаланган ошиқлик шартларини инкор этиш билан давом эттирилган. Сўфиёна талқинга риоя этадиган бўлсак, «лаб — маънавиёт оламидан малаклар воситасида анбиё ва орифларга нозил бўлиб, завқ ва илҳом пайтида улар кўнглидан тилига қўчадиган калом» («Миръот-ул ушшоқ»), май — илоҳий тажаллиёт, маҳмур — шу ваҳдат майдан бехудлик. Байтнинг мазмуни: «Ҳар кеча бир ширин лаб, яъни ориф кўнглида пайдо бўлган илоҳий каломни эшитиши лаззатидан жонимни маст қилмайин ва ҳар куни шу каломдан ажралиб, қўнглимни хуморли (бу сўз қўмсанш, соғиниши маъносида ишлатилган) қилмайин, деб қарор этдим». Ёки мана бундай шарҳлаш ҳам мумкин: «Ҳар кеча пири орифнинг маънавиёт оламидан ваҳий тушган каломи лаззатидан жонни хушнуд этиш ва ҳар кун ўша маърифат каломини қўмсанб, хумор бўлишдан тийинайин дедим». Навоий бу байтда кеча ва кундузни қиёслаганда ёргулик ва зулумотни эмас, балки аксинча, кечаси бўладиган пиру мурид орасидаги хилмат сұхбатларни, кундузи ва уларнинг ўзаро ажралиб ке-

тишларини назарда тутган. Демак, ошиқ учун бундай кундуз-лардан кўра, пир васли мунаввар этган тун афзал.

Шу тариқа, тўртта байтда ошиқнинг ўз маслагидан қайтишдаги «ахд»лари баён этилиб, шеърнинг оҳанги, матн қабатидаги маънолар эса, барча «ахд»лар ёлғон эканини, инкорларнинг замирида тасдиқ яширганини билдириб туради. Ошиқнинг ана шу кинояли ҳолатини англатиш учун шоир бешинчи байтда оҳиста «мантиқий ўтиш» усулини қўллади, газал мазмунига ўзгариш киритилади.

Мана ўша байт:

Гар чидай олмай кўнгул берсам бирорга ногаҳон,  
Бори эл ичра чидай олгунча машҳур этмайнин,

Ошиқликнинг талабларидан воз кечишга «ахд» қилган лирик қаҳрамон энди ўзининг бунга чидай олмаслигини англайди, энди у бир гўзалга, мукаррам дўсти ализга кўнгил бериши муқаррар. Лекин энди у ишқини пинҳон тутишга «ахд» қиласи. Аммо бу иш имкондан хориж, чунки ошиқлик ошкоро бўлмай иложи йўқ — дардни яширсанг, иситмаси ошкора қиласи.

Шундай экан, ишқ ва майни (ваҳдоният нурини) тарк этиб бўлмайди.

Ишқу май анжоми чун ҳажр ўлди, қўй, эй шайхким,  
Ўзни бу иқболдин куч бирла маҳжур этмайн.

Анжом — тугалланиш, оқибат демак, Маҳжур — айрилиқда қолган одам. Байтнинг насрый мазмуни эса бундай: «Ишқ ва май, яъни илоҳий неъматга интилишни йифишириб қўйиш, тарк этишнинг оқибати ҳажр-айрилиқdir. Қўй, эй шайхким, ўзимни бу саодат — ошиқлик ва бодапарастлик саодатидан куч билан ажратмайин».

Мана энди ҳаммаси равшан бўлди: Алишер Навоий тақвадор шайх гапига кириб, ошиқликни тарк этмоқчи бўлган одамнинг аҳволини кўрсатмоқчи экан. Шайх ишқни қуфр этиб, бехуда, маънисиз нарса деб тушунтирган, уни тилга олмасликка, фитначи кўзларга қарамасликка чақирган. Аммо ошиқ охири билдики, ишиқдан — илоҳий файздан ажралини азоби ишқ азобидан қўра ҳам зўрроқ, йўқ-йўқ, бугина эмас, ошиқлик азоби ҳузур-ҳаловатга элтувчи, руҳий камолот сари етакловчи тозаланиш, халос бўлиш азоби. Шунинг учун бу азоб — саодат. Хуллас, лирик қаҳрамон газалнинг олтинчи байтига келиб, ўз баённомаси («ахди»)дан бутунлай қайтади, унинг олдин айтган гаплари ўз-ўзини синаш, ёхуд аллақандай кинояли усулда ишқ оловининг шуҳратини муболагали қилиб ифодалашдай тааассурот қолдиради. Икор замиридаги тасдиқ зоҳирний тасдиқка айланиб, ошиқнинг ўз имкону эътиқодида собит эканлиги маълум бўлади. Мана шундан кейин Навоий қуйидаги умумий контексга «ёпишмайдиган» еттинчи байтни келтиради:

Зулм ила эл жонига ўт ёқма, эй ким шоҳсен.  
Гар десанг дўзах ўтига жонни маҳрур этмайин.

Ошиқона ва орифона газалларда, кўпроқ мақтаъдан олдинги байтда бирор ўғит-насиҳат қилиш кам учрайдиган ҳодиса эмас. Бундай ҳолни Ҳофизу Саъдий, Жомий ва Навоийда тез-тез учратамиз. «Дўзах оловига жоним кўймасин десанг, эй шоҳ, зулм билан халқ жонига ўт ёқма». Буниг олдинги байтларга алоқадорлик жойи борми? Бевосита эмас, аммо бавосита бор. Ишқизлиқ, илоҳдан бехабарликнинг ўзи зулм, демак, бундай одам подшо бўлса — эл ҳолига вой, чунки ишқи йўқ одам бераҳм, бешафқат бўлади. Илоҳ ишқи, умуман кўнгилнинг муҳаббатга майиллиги одамни адолат ва инсофга ошно этади. Навоийнинг бу қистирма насиҳат байти шундан далолат берадики, у лирик кечинмалар тасвири асносида ҳам шоҳни адолатга чақириш, золимларни жазолаш, халқни улардан халос этиш гоясини ўтказишни лозим тонган ва буни зарур деб ҳисоблаган. Ишқ, Илоҳ, Адолат тушунчалари Навоий учун бир-бири билан зич алоқадор. Унинг катта-кичик барча асарларига бу гоя сингдирилган. Газалнинг мақтаъи ҳам еттинчи байт каби умумий мазмунига тўғридан-тўғри боғланмайди, шунингдек, у еттинчи байтнинг ўзига ҳам унчалик яқин эмас.

Гарчи маъзур ўлди маъмур, эй Навоий ўзни мен  
Дўст маъмур айлаган хизматда маъзур этмайин.

Маъмур сўзининг бир маъноси амр-фармон, иккинчи маъноси обод, фаровонлик. Маъзур — узрли, кечирилган. Бу икки сўз байтда тажнис ва таносиб санъатини яратишга хизмат қилган. Яъни: «Гарчи маъмур — маъруз (подшо амри вожиб бўлганидай дўст ҳоҳиши ҳам вожиб) деган мақолга асосан, эй Навоий, мен ўзимни дўст амр айлаган хизматдан четга тортмайин». Ёки: «Узрларим кўпайиб кетди, эй Навоий, дўст амр айлаган хизматдан ўзимни маъмур тутмайин» ва яна: «Гарчи узркоҳлик кўпайиб кетган бўлса ҳам, эй Навоий, мен дўст обод айлаган мажлис хизматидан бўйин товламайин».

Бу уч изоҳимиизда ҳам Навоий байтининг маъноларидан қайсиидир томони акс этди, бироқ, назаримда, иккинчи кўриниш ҳақиқатга хийла яқин, чунки у газалнинг умумий мазмунини яқунлай олади. Мақтаъдан бошлаб давом этган «аҳд»ларини шоир узркоҳлик деб айтади, яъни узрим жуда кўпайиб кетди, кел, гапни қисқа қилиб. Йўст амр этган хизматни узр айтмасдан бажарайин, дейди у. Ошиқ учун дўстнинг хизматидан шарафли иш йўқ, у доим бунга таъиғ турини керак. Улуғ шонирнинг маслаги шу эди.

## «СОҚИЁ, ТАЛХ ҮЛДИ АЙШИМ ҲАЖР БЕДОДИ БИЛА»

Афтидан, бу Алишер Навоийнинг ўз ҳәёти билан bogliq ишқаларни акс эттирувчи газаллардан бири. Чунки унда яқин кишисидан ажralиб, шодлиги ғамга мубаддал бўлган, қаттиқ қайғу чеккан одамнинг ҳасрат-ўқинчлари, бевафо ва бебақо дунё, унинг нотанти ишларидан норози қалбнинг нидоси ифодаланган. Классик шоирлар ўз андуҳлари, шахсий кечинмаларини ҳам анъанавий образларда, умумий тарзда баён қилишни маъқул кўрганлар, лекин, шундай бўлишига қарамай, ушбу шеърда анъанавий ифода-истиоралар замирида самимий инсоний дард, мотамзада юракнинг фифон-ҳасрати, нохуш қайфиятини ҳис этамиз. Бироқ, газал гарчи андуҳли оҳангда бошланиб, унда навоиёна ўртаниш — ёнишлар гулғуласи авж пардада кўкда ўрлаган бўлса-да, асар мақтаъига келиб умумий умидворлик, илоҳий ишққа дахлдорлик туйғуси қалбга сингади.

Шоир газални жудолик дардидан бетоқат дилнинг ғалаёнини тасвирлаш билан бошлайди:

Соқиё, талх үлди айшим ҳажр бедоди била,  
Тут ачиғ майким, ичай Мирзо Чучук ёди била.

Агар «мирзо чучук ёди» деган маълумот бўлмаганида, байти оdatдаги ошиқона мазмунли шеърлар қаторида таҳлил қилган бўлардик, яъни ошиқнинг хижрондаги изтироблари сифатида талқин этардик. Албатта, бу ерда ҳам айрилиқ ҳақида гап боради, аммо бу бошқа хилдаги айрилиқ. Шоир суфиёна ишқи илоҳий ёҳуд севгилисидан ажралган одам кечинмасини эмас, балки меҳр қўйган, азиз тутган одамини йўқотган кишининг ҳолатини қаламга олади. Хўш, мирзо деб Навоий кимни назарда тутган? Ё у Мирзо Чучук лақабли одаммикин? «Бадоеъ-ул бидоя» ва «Ғаройиб-ус сиғар» давонларининг 1988 йилги нашрида ҳақиқатдан ҳам бу Мирзо Чучук тарзида ёзилиб, номлар кўрсаткичидаги тарихий шахслар қаторида зикр этилган. Лекин бу одам ким? У қайси тоифадан, нима билан шуғулланган, Навоийга қандай алоқаси борлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган. Шоир ҳаётига оид тадқиқотларда ҳам бундай маълумот йўқ, унинг бошқа асарларида эса бу номни учратмадик. Фикримизча, бу байтда Навоий Мирзо Чучук лақабли одамни эмас, Мирзо исмли шахсни назарда тутиб, унинг бевақт вафотидан гоят қайғураётганини изҳор этган. Яъни «Мирзо Чучук ёди билан» деб эмас, балки «Мирзонинг чучук ёди билан» тарзида ўқишимиз керак. Байтдаги «талх» (аччик) ва «чучук» сўзларининг бир-бирига зид қўйилиши ҳам шунга ишора: Мирзонинг ширин ёди билан аччиқ май ичай. Бу одам Самарқандда яшаган ва Навоийнинг меҳру муҳаббатини қозонганд, ёшлигига вафот этган истеъододли шоир Мирзобек бўлиши ҳам, жувонмарг Мўмин Мирзо бўлиши ҳам

мумкин. Аммо ғазал «Бадоєъ-ул бидоя» ва «Гаройиб-ус сигар» девонларига киритилганидан, у самарқандлик Мирзобек Вафойи хотирасига багишланган, деган техминимиз түгрироқ бўлиб чиқади. Энди байтнинг мазмунини келтирамиз: «Эй соқий, айрилиқнинг зулмидан ҳаётим май, яъни турмушим аччиқ бўлди, сен ҳам менга аччиқ май тут, токи Мирзонинг ширин ёди билан ичайин». Май бу ерда оддий шароб ҳам, руҳий сархушлик тимсоли илоҳий маърифат нури ҳам эмас. Бу инсоний кайфиятнинг, руҳий изтиробларнинг йигма ифодаси — ғаму ҳасрат рамзи. Шундай қилиб, май фақат шодлик ва сурур, дилхушлик ифодасигина эмас, мотамзадалик, андуҳнинг ҳам ифодасидир. Фарқ шундаки, «айшнинг талх» ўлишини ифодаловчи май «аччиқ май»дир. Иккинчи байт:

Сипқориб жоми сипеҳр, ақдоҳин айлай рез-рез,  
Неча чеккайман забуилуг чарх бедоди била.

«Сипеҳр» — осмон, фалак; «ақдоҳ» — қадаҳлар. Шоир бу сўзлар воситасида ажойиб истиорали тасвир яратган: осмон жомида май ичиб, унинг қадаҳларини майд-майдан қилиб ташлайман, дейди у. Қадимгиларнинг тасаввурида осмон етти қаватдан иборат. Навоий ана шу қаватларнинг ҳар бирини бир қадаҳ деб олади ва шўришу ошўбим шунчалик зўрки, осмон жомини синқориб, қабатлари — қадаҳларини чил-чил қилиб синдириб ташлайман, дейди у. Чунки чархи фалак — осмоннинг зулми ҳаддидан ошган, қачонгача ундан алам, хорлик чекиши мумкин? «Ҳажр бедоди»ни шоир «чарх бедоди» билан боғлайди, зеро дўстни дўстдан жудо этган, бир дам шодликни раво кўрмайдиган гаддор душман шу забун (паст) ва ситамгар чарх-да! Бу ўринда шундай савол туғиладики, Навоийнинг фалакка қарши бош кўтариши, исёни унинг тасаввуфий эътиқодига зид эмасми? Ахир осмону фалакни ҳам аллоҳ яратган-ку. Буни англаш учун «тақдир» истилоҳининг маъносини билишимиз лозим. Тақдир ёки тақдир азалий — бу киши ҳаёти, фаолиятининг худо томонидан олдиндан белгиланиши демак. Бу тушунча тасаввуфда кенгроқ маънода талқин қилинади: Мутлақ руҳ томонидан ажралган моддий дунё ўзи мустақил ҳаракат қила бошлайди, одам фарзанди ана шу моддий дунёдан жабр кўради, Мутлақиятнинг ўзидан эмас. Демак, Навоий осмонга қарши газабкор норозилик изҳор этганда, тангрига қарши эмас, балки ҳамма вақт инсонни азоб гирдобларида тутадиган, ўз муроди бўйича яшашга имкон бермайдиган чархи фалакка қарши чиқсан бўлади.

Зухд кўнглум кўзгусин қилмиш муқаддар, эй ҳариф,  
Синдиurmен тавба пири ишқ ирподи била.

«Зухд» — парҳез, тийинишиузлат. «Ҳариф» — сухбатдош, дўст. «Иршод» — тўғри йўл кўрсатиш, хидоят. «Муқад-

дар» — губорли, қора, ғамгин. Байтнинг маъноси туур: «Зуҳд, яъни зоҳидона тавба-тазарру ў кўнглимнинг кўзгуси ни губорлик қилибди, эй дўст, бундай тавбани ишқ пирининг раҳнамолигида синдириб ташлайман.» Шоир қуруқ, сохта зоҳидлик билан илоҳий ишқ майдан баҳрамандликни қара-ма-қарши қўяди, чунки зоҳидлар фақат тавба билан чегара-ланар, илоҳиётни дарк этишнинг кўнгил кўзгуси илоҳиёт майдан тавба қилиш аксинча кўнгилни хирадаштиради. Тавба та-саввуда ҳам бор, аммо унда бу тушунча тариқат йўлига киришнинг биринчи босқичи, ҳаром-ҳалолдан тийинишни англалади. Зоҳид тавбаси, шундай қилиб, тараққий топмаган. намойишкорона тавбадир. Осмон қадаҳларини «синдириш» билан зуҳд тавбасини «синдириш» орасида алоқа борми? Агар зоҳидлик билан осмон, яъни дунё ва дунёпаастликни алоқадор деб ҳисобласак, унда осмон қадаҳини синдириш билан зуҳд тавбасини синдириш ҳам алоқадор бўлиб чиқади.

Бевафолик гар будурким қилди ул шўх, эй кўнгул,  
Сирфа қилмас ошнолиг одам авлоди била.

Бу байтнинг маъноси «сирфа» сўзининг («Гаройиб-ус сиғар» девонининг 1959 йилги ва «Бадоев-ул бидоя»нинг 1988 йилги нашрида мазкур сўз шу кўринишида чоп этилган) маъносини англаш орқали билиб олинади. Алишер Навоий асарларининг изоҳли лугатида «сирфа» — жабр, зулм, жафо деб тушунтирилган ва ушбу байт мисдол қилиб келтирилган. «Фарҳанг забони тоҷик» лугатида мазкур сўз йўқ, балки «сирф» сўзи борким, унинг маъноси холис, соф, фақат, ҳеч-дир. «Ғиёс-ул лугот»да ҳам сирф (сирфа сўзи йўқ) сўзи шу хилда изоҳланган. Зулм, жабр маъносини қўйиб кўрайлики: «Эй кўнгил, бевафолик агар ул шўх қилган даражада бўлса, зулм (жабр) қилмас ошнолик одам авлоди била». Кўриниб турибидики, маъно чиқмади: зулмнинг ошнолик қилиши ёки қилмаслиги мантиқисизлик. Энди «холис», «соф», «ҳеч» сўзларини қўллаймиз: «Бевафолик агар ул шўх қилганчалик бўлса, холис (соф) қилмас ошнолик одам авлоди била» ёки: «Бевафолик агар ўша шўх қилганчалик бўлса, ҳеч қилмас ошнолик одам авлоди била». Бу жумлаларда ҳам аниқ маъно йўқ, байт китобхон учун жумбок бўлиб тураверади.

«Ғиёс-ул лугот»да мазкур сўзининг сарв ва сарфа шаклла-ри ҳам келтирилиб, изоҳланган. Сарф — олтин ва кумушни саралаш, харажат қилиш, сарфлаш, шунингдек, бута, ҳийла ва ҳодиса, замоннинг айланиши, умуман айланиш ва бирор нарсанинг тўнтирилиши. Сарфа — ёруғ юлдуз, у Ой манзиларидан ўн иккинчисининг номидир; баҳиллик, хасисликни билдиради: ҳийла ва макр, зиждалиқ рамзи. Бу маъноларнинг қайси бири Навоий байтига мос келади. Агар феъл сўзини оладиган бўлсан, сарфлаш, харажат қилиш, агар равишни оладиган бўлсан, сира, ҳеч, агар от сўз керак бўлса, юлдуз,

фалак маъносида олишимиз мумкин. Сарфлаш маъносида: «ул шўхнинг бевафолиги — жабру ситами шунақа бўлса, у одам авлоди билан ошнолик қилмайди, яъни одам авлодига ошнолигини сарфламайди». Бунда «ул шўх» — пари, рух, умуман реал бўлмаган хилқат сифатида англашилади. Сира маъносида: «Агар ул шўхнинг бевафолиги шунақа бўлса, у одам авлоди билан сира ҳам ошнолик қилмайди». Юлдуз маъносида: «Бевафолик агар ул шўх қилганчалик бўлса, Сарфа, яъни ўлдуз одам авлоди билан ошнолик қилмайди». «Сарфа» сўзининг яна тежаш, фойда маънолари ҳам бор: «Агар бевафолик ул шўх қилганчалик бўлса, одам авлодига ошноликни тежамайди» ёки: «Бевафолик агар шу бўлса, яъни у шўх қилганчалик бўлса, одам авлоди билан ошнолик фойда қилмайди». Кейинги талқинда маъно борга ўхшайди, дарҳақиқат, маҳбубанинг бевафолигини кўрган лирик қаҳрамон «Одам боласи билан ошнолик қилишнинг фойдаси йўқ экан», деган хуросага келиб, ҳафсаласи пир бўлиши мумкин. Шунинг учун «Ғаройиб-ус сигар»нинг янги нашрида «сирфа» сўзининг «сарфа» деб тузатилганини маъқуллаш лозим.

Навоий ўлимни — айрилиқ деб, ошиқقا зулм, деб олар экан, уни бевафолик ҳам деб атайди. Ошиқни доғда қолдириб, ташлаб кетиш чархнинг, замонанинг бевафолиги, ситамидан бир нишона бу. Шу нуқтада «сарфа» сўзининг замон айланиши, ўлдуз (чархи фалак тимсоли), ҳийла, мақр, хасислик маънолари ҳам туташади. Фалак одам авлоди билан ошнолик қилмайди, пари одам авлоди билан ошнолик қилмайди ва ҳоказо.

Ваҳки синди нахли уммедин, хушо ул боғён,  
Ким эрур хушҳол бир навраста шамшоди била.

Маъноси: «Умидим ниҳоли синди эвоҳ, нобуд бўлди. Кўкарган шамшоди билан хушҳолу хурсанд юрган боғбонга ҳавасим келади, қандай яхши!» Аламли ўқинч ва дард бор бу мисраларда — нахли уммадини йўқотган одамнинг ичидан отилиб чиқсан ўқирик ва бошқаларга нигоҳ ташлаб таскин тошиши бор. Унинг ниҳоли синган, умидлари чилпарчин, аммо бошқа боғбонларнинг ниҳоли кўкарган, улар шод. Бу ҳасад эмас, умидли нигоҳ, ҳаётга, абадиятга боғланиш, ҳаёт абадиятини ҳис этиш. Байтдаги «синди» сўзи олдин ўқиганимиз «рез-рез», «синдиurmân» сўзларини эсга солади. Синиш — ўлим, синиш — исён, синиш — тоқатсизлик, рухий зилзила. Фалак зулми, ажак шамоли унинг умид ниҳолини синдириди, у бўлса бир газабга келиб, осмон қабатларини синдиришга чоғланади, бир аччиқ-аччиқ ҳасрат майини сипқоради, бир «навраста шамшоди»дан хушҳол боғбонларга қараб таскин топади. Шу-да инсоннинг ахволи, унинг қўлидан бошқа нима ҳам келарди? Шоир аламзада одамнинг рухий ахволидаги ўзгаришлар, тўлқинларни бир нечта шеърий байтда ана шундай теранлик билан чизади. Кейинги байтларда

таскин оҳанги, ноиложлик, ночорлик давом эттирилган. Масалан, олтин байт:

Чун худо Лайли қулоқин ёлқитур, Мажнун, не суд  
Тоғни гар келтирур афгонга фарёди била.

Яъни: «Эй Мажнун, фарёдинг билан тоғни келтирганингдан нима фойда. Лайлиниң қулогига түякашларнинг хиргойиси ёқмаяпти». Шоир ўзининг оху ноласидан пушаймон, чунки бўзлаб дод солишлар, фалакнинг гирибонидан олиш ҳеч бир нафъ келтирмайди, ҳеч ким уни эшифтмайди. Ҳатто Лайли ва Мажнуннинг фарёдларидан туйган. Навоий инсоннинг қаршисида ожизлигини таъкидламоқчи. Ўқириклар беҳуда, ундан кўра муazzам, беҳудуд ишқ сахросига қадам қўй, ўзингни шу билан овут — најот шунда, деб уқтиради у:

Эй Навоий, ишқ сахросида худ қўйдинг қадам,  
То нечук лошкайсан ул поёни йўқ водий била.

Ишқ водийси — илоҳий даргоҳ ҳузури бир-биридан аж-ралган дўстларнинг васлга эришадиган, дийдор қўришадиган жойи. Инсон руҳи ўз маҳрамини излаб топади. Навоий ва унинг замондошларининг ишонч-имони шундай эди. Шу сабабли шоир ишқ водийсига кирдингми, имиллама, олдинга инил, деб жаҳд этади. Яъни: «Эй Навоий, ишқ сахросига қадам қўйганингдан кейин, энди нега бўшашасан («лошкайсан» — қадимги туркий сўз бўлиб, бўшашиб, имилламоқ маъноларини билдиради), поёни йўқ бу водийда». Газал Навоийга хос шундай мантиқий якун — шоирона руҳбахш оҳанг билан ниҳоясига етган.



*Мұхаммад АЛИ*

## **ЭЛ КОМИН РАВО АЙЛА...**

Күнгиллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон күргач,  
Эрур андоқки, қушлар қичқиришқайлар йилон күргач.

Күнгүл чокин күзумда ашки рангин элга фош этди,  
Балиғ захмини фаҳм аларлар эл дарёда қон күргач.

Күзум қон ёш тўкар, нетиб күнгил захмин яшурайким,  
Топарлар ерда захмин сайд қонидин нишон күргач.

Бўёлгон қон аро жон пардаси етгач ғами ҳажринг,  
Күнгил боғида баргедурки ол ўлмиш хазон күргач.

Хадангинг захми ичиндин балоларни юғон ёшим  
Эрур тифле ки, олғай қуш боласин ошён күргач.

Күнгиллар нақдини торож этарга ёпмогинг бурқаъ  
Анингдекдурки, юз боғлар қароқчи карвон күргач.

Юзин зулф ичра то кўрдим, ўлиб васлига етмасмен,  
Ғалат эрмиш юз урмоқ, кеча ўтни ҳар қаён күргач.

Эрун чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,  
Бас, эл комин раво айла, ўзингни комрон күргач.

Навоий, хурдаи назмингни андоқ айладинг таҳрир,  
Ки сочқай хурда бошинг узра шоҳи хурдадон күргач.

Ўзбек классик шеърияти сирларга тўла бир оламдир. Бу оламнинг тагига етдим деган киши хатога йўл қўяди. Бу бепоён осмонни қучмоқча уриниш билан баробардир. Қолаверса, у ёки бу шоир ижодининг, айрим газалнинг талқини ҳамиша ҳам бир киши томонидан айтилган фикр, яъни

хусусий фикр бўлиб қолаверади. У бизга ёқиши ҳам, ёқмаслиги ҳам мумкин. Умуман олганда эса, буюк шеъриятимиз айниқса Алишер Навоий ижодини ўрганишга интилоқ зарур, мураккаб, аммо марғуб ишдир.

Алишер Навоий газалларида ҳамиша «коса, косанинг тагида нимкоса», балки нимкосалар мавжуд бўлади. Биз, албатта, баҳоли қудрат, имкон етганча илгаймиз. «Қўнгиллар ноласи..» деб бошлангувчи газал тедасига шоир: «Чим» ҳарфининг чобукларининг чехра кушойиши «Гаройиб дин» деган сўзларни ёзиб қўйган. Бу — газалнинг «Гаройиб-ус сигар» девонига мансублигини билдиради. Ҳазаж бахри шуъбасида ёзилган ушбу газал жуда кўп фазилатларга эга. У биринчи қараашда аниқ бир мавзуга бағишлимагандек туюлади. Аммо... Байтнинг биринчи мисраси илгари сурилган фикринг исботи учун иккинчи мисрада бир ажойиб образ келтирилади. Бу образ ўзининг мутаносиблиги билан кишини ҳайратда қолдиради, ҳар бир сўз, ташбех, ўхшатиш бир-бирига мос, мақбул...

Биринчи байт. матлаъга эътибор беринг:

Кўнгиллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,  
Эрур андоқки, қушлар қичқиришқайлар йilon кўргач.

Мутаносибликлар: қўнгил — қуш, нола — қичқириқ. зулф — илон; қўнгил чиндан қушга ўхшайди, парвозни хуш қўради: нола аслан ҳам қичқириқдир, зулфнинг эса илонга ўхшашлиги аён. Классик шеъриятда бир сўз фақат бир маънони билдирамайди, балки ҳали айтганимиздай, тагида нимкосаси ҳам бўлади. Масалан, ушбу байтда «қўнгил — қуш» дедик, йўқ, у бу ерда инсонни билдиради, «зулф», тасаввуфга кўра, ўзгарувчан олам тимсоли, бекарорлик рамзи. Шу важдан ҳам у илонга ўхшатилмоқда, илон эса ҳамиша бекарордир, ҳамиша ўзгариб туради. «Каманда» — тузоқ, қўнгилларни илинтирувчи тузоқ, банд деганидир. Шуларга кўра, байтдаги «коса» ушбуидир: қўнгиллар зулфинг ҳалқасини кўргач, бамисли илон олдида турган қушларнинг қичқириганидан нолалар айлади. Биз илғаган «нимкоса»: киши бу оламнинг бекарорлигидан азоб тортади, унинг тузоқларида нола чекади. Иккинчи сатрдаги «қуш» — энди қуш эмас,— одам, қичқириқ — оҳ-фарёддир, илон эса бу оламнинг бало-қазолари тимсолидир.

Иккинчи байтда:

Кўнгил чокни кўзумда ашки рангин элга фош этди,  
Балиғ захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач,—

мисраларини ўқиймиз. Одатда ҳар бир байтнинг ўз «умри», ўз «ташвиш»лари бор. Улар бир қараганда ўзаро боғланмагандек, лекин мазмунан муштараклик бирлаштириб туради. Газални, таъбир жоиз бўлса, бир кичик қишлоққа ўхшатгим келади. Байтлар бамисоли уйлардек, дарвоҷе, «байт»

сўзининг бир маъноси уй ҳам демакдир. Бу ерда ҳам шундоқ. Ҳажрингда кўнглим чок-чокидан сўкилиб кетди, буни кўзимдан оққан рангин ёшларимдан ҳам билса бўлади — фош этиб турибди. Ахир дарё юзида қонли сувни кўрган кишилар, балиқнинг жароҳатланганлигини тез фаҳмлаб оладилар. Кўнгил — балиғ, чок — заҳм, иккиси ҳам кўздан ниҳонлиги билан ўхшаёт; кўздаги ашк — дарёдаги қон, фош этмоқ — фаҳм айламоқ бир-бирларига мутаносиб тушунчалардир.

Учинчи байтда эса бунинг акси: кўзим-ку қонли ёш тўқмоқда, бас, кўнглимдаги жароҳатни яшириб ўлтиришга ҳожат бормикин? Ахир ерда сайд (ов қилинган қуш, илвасин ва х. к.) қонини кўрганлар унинг ярадор бўлганлигини дарорвон англаб оладилар-да.

Бўёлғон қон аро жон пардаси етгач ғами ҳажринг,  
Кўнгил боғида баргедурки, ол ўлмиш ҳазон кўргач.

...Гами ҳажрингдан жон пардаси қонга чулғаниб бўлди, боғдаги барг ҳам ҳазон фасли етганда қизғиш тусга киради... Бу ерда ҳам мутобиқ (параллел)лар: жон пардаси — барг, ғами ҳажр — ҳазон фасли, бўлмоқ — ол ўлмоқ. «Кўнгил» сўзи эса бутун борлиқ маъносида келмоқда.

Бешинчи байт. Вужудимда ишқинг камони отган ўқдан пайдо бўлган заҳмларни балоларни бетиним кўзёшларим юваётири, бу худди болаларнинг қуш уясини кўриб жиши полопонларни олишларига ўхшайди. Захм ичи — ошён, балолар — қуш болалари (тажнис кўриниши), кўзёшлар — болалар мутобиқлари чиройли.

Олтинчи байтда ундан ҳам ёрқин, тиниқ манзара чизилали: кўнгиллар нақдини талон-тарож этмоқ учун юзларингга бурқаъ (парда) ташлаб олибсан, ҳа-ҳа, қароқчи ҳам карвонга ташланиш олдидан юз-кўзларига ниқоб кийиб олади... Биринчи мисрадаги мавҳум тасвир иккинчи мисрадаги ажойиб образ билан катта ҳаётий манзара касб этади.

Юзин зулф ичра то кўрдим, ўлиб васлига етмасмен,  
Фалат эрмиш юз урмоқ, кечака ўтни ҳар қаён кўргач.

Шоҳ байтлардан бири! Байтдаги «коса»: зулфунг ичра юзингни кўриб қолдим, аммо ортиғи менга насиб эрмас... Агар кечаси ҳар қаёнда ўт ёниб турган бўлса қай бирига юз уриб борурсан? «Нимкоса» тасаввуфга кўра, юз — бу, ҳокими мутлақ, ҳақ таола тимсоли, зулф — беқарор ўзгарувчан олам, зулмат... Демак, зулматларга чўмилган беқарор олам ичра ул ёруғ сиймони (ҳақни) кўриб қолдим, аммо ўлсам ҳам васлига ета олмаслигим аён, чунки ловуллаб турган оловга юз уриб бормоқ қўрқинчли ва хатодир, кўйдириб кул қиласди: Байтда «Зулф — кечака» мутобиги, «юзин — юз урмоқ» товуш уйғунлиги ҳам кузатилади.

Тўққиз байтнинг еттитаси таърифи шундайдир. Биз турли бир-бирига ўхшамаган манзараларни томоша айладик.

Илонни кўрганда чирқиллашиб қичқирган қушлар, дарёда қони пайдо бўлганидан яралангани маълум балиқлар, ерда қони қолган сайдлар, куз фасли келганда боғлардаги баргларнинг қизара бошлиши, қуш уясидан жишиш полопонларни шафқатсизларча олаётган болалар, карвонни кўрганда юзини яшириб олган саҳройи қароқчилар, тун-кечада ҳар қаённи тутиб кетган гулхан, оловлар... Ранг-баранг лавҳалар, барчаси ҳаётдан олинган, биз уларни ҳар қадамда учратганимиз, шоҳиди бўлганмиз, завқланиб ҳайратга тушганмиз, таъсириланганмиз. Улар таниш, аммо шоирнинг сеҳрли қалами остида бизга янги бўлиб туюладилар.

Юқоридаги тасвиirlардан ҳаёт, борлиқнинг кенг манзараси намоён бўлгач, шоир энди, ҳаёт ҳақида, шундай ҳаёт қўйнида яшаётган инсон умри, умр мазмуни ҳақида шундай хуласа ясади:

Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши боқий,  
Бас, эл комин раво айла, ўзунгни комрон кўргач.

...Ўзинг бахт-саодатга эришгач, элнинг ҳам мурод-мақсадга етишишига саъй-ҳаракат кўргиз; билгилким, бойлик, давлат ўткинчидир (фонийидир), яхши от эса боқийидир. Бас, яхши от қолдирмакка шошил... Бу ўзгарувчан оламда яшар экансан, бекарор оламда қарор топмоқчи бўлсанг, ана шуларни ёддан чиқарма, деган фикр ётибди тагматнда. Газалдан кўзланган мақсадга, чамаси, энди етиб келдик...

Газалга нуқта қўйишдан аввал, юқоридаги саккиз байтга кўз югуртирган шоир равон оҳанг, гўзал ташбеҳлар, шеърий санъатлар, сирлар пайдо бўлганини кўриб бир лаҳза ғуурли хаёлга берилади, «катта кетади»:

Навоий, хурдаи назмингни андоқ айладинг таҳрир,  
Ки сочқай хурда бошинг узра шохи хурдадон кўргач!

...Эй Навоий, сен шеърингга сирларни шундоқ жойлай олдингки, энди уни кўриб заковатли нозикфаҳмлар подшоси бошинг узра зарлар сочажак! Ёу ерда тажнис санъати кўриниб турибди: хурда — сир, яширин сир; хурда — зар, олтин резалари; хурдадон — нозик нарсаларни билувчи, ўткир заковатли киши маъносида англашилади.

Шоирнинг «катта кетганича» ҳам бор. Биргина газалдан етти хил образ ишлатиб, еттита бир-бирига ўхшамайдиган манзаралардан ҳаётнинг кенг тасвирини яратган, боқийлик ҳақида файласуфона фикр айтишда тазоду тажнис каби ва бошқа шеърий санъатлардан хўб фойдалана олган улуг Алишернинг бошига ҳар қанча зар сочсалар арзиди.



## Жамол КАМОЛ

### «ҚИЗИЛ, СОРИҒ, ЯШИЛ...»

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил,  
Шуълайи оҳим эсар ҳар ён қизил, сориғ, яшил.

Гулшан этдим ишқ саҳросин, самуми оҳдин,  
Ким эсар ул дашт аро ҳар он қизил, сориғ, яшил.

Орази, холинг оила хаттинг хаёлидин эрур,  
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориғ, яшил.

Шишадек кўнглимдадир гулзори ҳуснинг ёдидин  
Тобадонинг аксидек алвон қизил, сориғ, яшил...

Лаългун май тутқил олтин жом бирлан сабзада,  
Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сориғ, яшил.

Фақр аро беранглик душвор эрур беҳад, валек,  
Ҳирқада тикмак эрур осон қизил, сориғ, яшил.

Эй, Навоий, олтину шингарфу зангор истама,  
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориғ, яшил...

Алишер Навоий газаллари — гўзаллик мулкининг мангу сўлмас чечаклариdir. Уларда ишқ бор, дард бор, фараҳ бор... Беором, оташин қалбнинг буюк талпинишлари, юксак, олийжаноб руҳнинг бетакрор сувратлари, манзаралари...

Маъно ва тафаккур, хаёл ва тасаввурнинг авж пардалари, учқур парвозлари, сўнгсиз жилвалари, демакдир... Уларни баҳолаш, талқин этиш учун биз, фақирларга Навоий етуклиги даражасига кўтарилиш йўл бўлсин, лекин, ҳарҳолда ҳазратнинг маънавий дунёсига яқинлашиш, унинг камолига эрганиш шарт. Шу маънода Навоий ижоди буюк бир кўзгудир-

ким, ҳар кимса унга кўз солиб, унда кўзи илғаганича кўрар, у бир ҳазинадирким, ҳар киши унга қўл чўзиб, ундан қурби етганича олар... Навоийнинг ҳар битта байти замирида бир, уч, беш ёки ўnlаб маъно ва мазмунлар яширин, инчунин, уларнинг изоҳи учун бир, уч, беш ёки ўnlаб талқинлар туғилиши муқаррар. Уларнинг қирралари, чизгилари, товла-нишлари, рамзу ишоралари беҳисоб. Бир йўла қамраб олиб бўлмайди. Дунёни бир қарапашда қамраб ёки битта талқинга сиддириб бўлмагандек... Лекин Навоий дунёқарашининг бош устуни бор. У шоир дунёсини, унинг осмондек азамат гумба-зини бошида тикка кўтариб туради. Бу — тасаввух таълимоти, нақшбандийлик тариқати. Шоир фалсафаси ана шу таълимот, ана шу тариқатга суннади. Бу таълимот ва тариқат-нинг қисқача мазмуни шундай: оламдан мақсад — одамдан мақсад — худо, худодан мақсад — камолот, камолотнинг эса йўли чексиз. Бу йўлга чиққанлар «ҳақиқат йўлчилари» аталиб, ишқ-муҳаббат уларга раҳнамо бўлади... Алишер Навоий олам ва одамни ана шу нақтаи назардан кузатади ва идрок этади, бошқача айтганда, у олам марказида одамни, одам сиймосида оламни кўради, олам ва одам бирлигига эса «хусни мутлақ», «мехри мутлақ» қўёшнинг ранг-баранг шуълаларини кўриб, ҳайрат ва ҳаяжонга тушади. Унинг газаллари ҳақ-ҳақиқатнинг ана шу чексиз шуълалари қар-шисидаги чексиз ҳайрат ва ҳаяжонларнинг сўнгсиз нидолари, садолариidlар.

Ўқиймиз, илк манзара — илк ҳайрат:

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориг яшил,  
Шуълайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Яъни: жононим қизил, сориг, яшил рангли тўён киймиш, шундан бери юракдан чиқадиган оҳим шуълалари ҳам қизил, сориг, яшил тусдадир... Хўш, шоир бунда фақат одамни кўзда тутмоқдами? Олами ҳам кўзда тутмаялтими? Худони-чи? Биз бугун шундоқ деб айру-айру савол қўямиз. Лекин бу тушунчаларни Навоий бир-биридан айрмаган, унинг фалса-фаси уларни бир бутунга жамлаган, «воҳид» деб баҳолаган. Шоирнинг «жонони»да олам яшайди, у оламда эса, қатрада қуёш акс этганидек, камолотнинг олий тимсоли бўлмиш олий хилқат, юксак ҳақ-ҳақиқат, оллоҳ акс этади... Ер тўни, олам либоси, ҳақиқат манзараси ранг-баранг, бас, уларнинг қар-шисида турган Навоий ҳайратлари ҳам, шуълайи оҳу фифон-лари ҳам ранг-барангдир... Шоир энди ана шу ранг-баранглик оҳангини ривожлантиради, ўзининг ёрга (оламга, худога) нисбатан кечинмалари орқали маънавий сувратлар, лавҳалар чизади, кўзимиз ўнгига руҳ китобининг ранг-баранг саҳифа-лари очилади:

Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми оҳдин,  
Ким эсар ул дашт аро ҳар он қизил, сориг, яшил.

Яъни: ишқ саҳросини оҳим самуми (гармсели)дан гулшан (ранг-баранг) этдим, зеро ул дашт аро энди қизил, сориг, яшил шамоллар эсади... Бу шунчаки шоирона муболагами? Ҳам муболага, ҳам ҳақиқат. Оламни идрок этишда Навоий даражасига кўтарила олмаганлар учун бу, шубҳасиз, муболага. Аммо юқорида айтганимиз шоир дунёқарашига суюнчик бўлган олам-одам бирлиги нуқтаи назаридан эса — айни ҳақиқат. Оллоҳ одамни азизу мукаррам қилиб, оламнинг сарвари этиб яратган, бас, унинг чеккан оҳи ишқ саҳросини гулшан этса ва ул дашт аро қизил, сориг, яшил шамоллар эсса не ажаб?!

Навоий энди бизни жононга бир оз яқинлаштиради, унинг орази, холи билан хатти хаёлидан сўзлайди. Дейдикি:

Орази, холинг била хаттинг хаёлидан эрур,  
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориг, яшил.

Инсон камолот йўлидан юриб, олий ҳақиқатга яқинлашаркан, унинг ҳусни-талъатини аниқ тасаввур этишга интилади, тасаввур этаркан, кўз ўнгига даврон камалакдек жимирлашиб кўринса, не тонг?! Наинки, даврон, балки ёрнинг ҳусни гулзори ёди билан, эшик тепасидаги туйнукдан уйга ёруғлик тушгандек, кўнгилга ҳам алвон шуълалар қуилиб туради:

Шишадек кўнглимдадир гулзори ҳуснинг ёдидан  
Тобадонинг аксидек алвон қизил, сориг, яшил...

Турфа шуълалар ила лим тўлган кўнгилнинг муроди эса — ваҳдат майидир:

Лаългун май тутқил олтин жом бирлан сабзада,  
Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.

Киши ҳали ёш (сабза) экан, олтин (асл) жомда лаългун май — ҳақиқий ишқ ва эътиқод шаробини ичса, на хуш. Қизиллик, сориглик, яшиллик бирикувининг бундан ҳам яхшироқ имкони бўлурми? Бу шаробини ичганлар эса фақирлик йўлини танлаганлар. Зеро, фақирлик — ишқ аҳлининг шарафидир. Фақирликда бефарқ яшаш — олам ҳақиқатидан йироқ тушиш мушкул, аксинча, дарвешлар тўнига қизил, сориг, яшил ямоқлар тушиши табиий, яъни, дарвешлик тўнини кийиб, оламнинг ранг-баранг ҳақиқатини идрок этиш ўнгай:

Фақр аро беранглик душвор эрур беҳад, валек,  
Хирқада тикмак эрур осон қизил, сориг, яшил.

Ниҳоят, сўнгги байт, сўнгги нидо — мақтаъ. У шоирнинг фахриясидек жаранглайди:

Эй Навоий, олтину шингарфу зантор истама,  
Бўлди, назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил.

Саҳҳоф (муқовачи) ва рассомлар өдатда шингарф (қизил), олтин ва зангор бўёқлар ила китобларни безайдилар. Лекин Навоий бунга муҳтоҷ эмас, унинг назми азалдан рангидир, шу туфайли унинг девони — умр китоби ҳам табиий йўсинда қизил, сориғ, яшил тусдадир, яъни, олам ҳақиқати рангларига бўялмишdir.

Газални ўқиб, ўйлайман: неча бир зобит, неча бир мустабидлар кишилик дунёсини, ҳақиқатни битта ранг, битта бўёққа бўямоқчи бўлдилар, лекин ҳар гал бу уринишлар шармандалик билан тугади...

Навоий газали — ҳақиқатнинг рангин оламига битилган ўлмас мадҳиядир. Шу олам бор экан, бу газалнинг умри, сафоси тугамас...



## *Абдурашид АБДУҒАФУРОВ*

### **«ТИЛИМ ЛОЛУ СИРИШКИМ ҚОН»**

Бало дашти аро Мажнун менингдек кўрмамиш даврон,  
Қуюндеқ ҳар замон бир кўрмаган водийда саргардон.

Не андуҳу малолимга балият даштидек гоят,  
Не савдо жужунимга маломат баҳридек поён.

Тунум дайжур, ўзум ранжур, ичим ғамноқу бағрим чок,  
Тилим лолу таним беҳол, ишим афғон, сиришким қон.

Заифу дарду ғам пеша, наҳифу меҳнат андиша,  
Залилу бесару сомон, қатили ханжари ҳижрон.

Фигонимдин фалак ғамгин, сиришкимдин жаҳон рангин,  
На ишқим ўтиға таскин, на ҳажрим дардига дармон.

Бошим ғам тошидин пора, таним ҳажр ўқидин ёра,  
Кўнгул бу ёрага чора топарға топмайнин имкон.

Кўзум намлиқ, бўюм ҳамлиқ, ичим андуҳу мотамлиқ,  
На ҳамдамлиқ, на марҳамлиқ топиб бу меҳнати пинҳон.

Манга не ёру не ҳамдам, манга не дўст, не маҳрам,  
Манга не чора, не марҳам, манга не сабру не осмон.

Бу аҳволи табоҳимдин, фигони умркоҳимдин,  
Ҳам ўтлук дуди оҳимдин қарориб кулбаи аҳзон.

Фалак раҳзан, замон душман, бадан равзан уза равзан,  
Қолиб жон хисравидин тан, чиқиб тан кишваридин жон.

Навоий, бўлса меҳнат кўп ичокўр жоми шират кўп,  
Неча бўлса суубат кўп, қилур ваҳдат майи осон.

Бу газал фақат Навоий меросидагина эмас, балки бутун ўтмиш шеъриятимиздаги ижтимоий лириканинг энг ёрқин намуналари жумласига киради. У «Хазойин-ул маоний»ни тартиб беришда шоирнинг ўзи томонидан йигитлик йиллари девони сифатида тасниф этилган «Наводир уш-шабоб» таркибига киритилган бўлса-да, аслида, қарилек йиллари ижодий фаолиятига мансуб.

Лирик қаҳрамон — муаллиф «мен»ининг ички ҳаяжонли ҳайқириги каби жарангловчи бу газал даврон жабру зулмию тақдир кемтиклигидан, фалак бедодию машаққатли турмуш ташвишларидан, замона аҳлининг шафқатсизлигию инсоннинг беқадрлигидан мунгли шикоят ва кескин норозилик тарзида ёзилган.

Унинг, беистисно, ҳар бир мисраси эрк-хуқуқлари, ғууршарафи зўравонлик билан топталган, ҳам маънавий, ҳам жисмоний аёвсиз эзилган покиза ва ҳалол инсоннинг чуқур изтироби, айни замонда, чексиз қаҳри билан йўғрилган. Худди шу боисдан бутун газалдан замонадаги қандайдир ёвуз кучлар томонидан оғир азоб-уқубатлар гирдобига улоқтирилган толеи паст ва унутилган қалб дардининг түғёни уфуриб туради, бундай аянчли ва адолатсиз ҳолат билан асло келиша олмаслик борасидаги руҳий исён юзага яққол чиқади, норозилик оҳангি барагла жаранглайди.

Навоий ана шундай жиддий ижтимоий мазмунни кескин ва ўта таъсирчан ифодалашда юксак бадиий маҳорат намойиш этган. Шоир қўллаган ҳар бир истиора, тазод, сифатлаш ёки ташбих, қиёслаш ва муболага мантиқий бўлиб, газал-монологнинг умумий шиддатли руҳи, шикоят оҳангি ҳамда исёнкор йўналишига жиддий ҳисса бўлиб қўшилади. Газал байтлари шиддат ва ички ҳаяжон билан ўқилади.

Бало дашти аро Мажнун менингдек кўрмамиш даврон,  
Қуюндеқ ҳар замон бир кўрмаган водийда саргардон.

Баттол замон ва бевафо замона аҳли томонидан таъқиб ва тазийқ остига олинган шахс тилидан ёзилган газалнинг бу бошланма байтидаёқ бутун асар учун етакчи бўлган дардли мазмун, исёнкор руҳ ҳамда кескин норозилик ўзининг ёрқин ифодасини топган.

...Бало-қазолар даштида жудоликда юрган Мажнуннинг не-не оғир кунларни бошидан кечирганлиги ҳаммага маълум. Аммо, унинг кўрганлари, фиғон чекади лирик «мен», тортаётган менинг азоб-уқубатларим олдида ҳеч нарса эмас; менингдек бир нафас ҳам тинчлик-осойишталик билмай, водийдаги сарсон-саргардон кимсани ҳеч ким кўрмаган. Байтдаги «даврон» сўзи бу ўринда ўзининг асл моҳиятини ўзгартириб, «бошга тушган кулфатлар, оғир кунлар» маъносини, умуман, адолатсизлик ва зўравонликни ўзида ифода этади.

Газалнинг кейинги барча байтлари мазкур бадий образ — «даврон»ни, қуюнек қадрсизлик ва сарсон-саргардонликни муайян қирраларини ёритиб, унга ўзига хос аниқликлар киритади.

Не андуху малолимга балият даштидек гоят,  
Не савдо жунунимга маломат баҳридек поён.

Зеро, мен чекаётган гам-гуссаю қайғу-мусибатнинг на ранжу кулфат даштидек чек-чегараси бор ва на булар оқибатида юзланган шайдолигу телвалигимнинг маломат денгизидек ҳадду ҳудуди бор, дейилар экан, бу ана шу бесарҳад руҳий талошларнинг изоҳли талқинидек жаранглайди.

Тунум дайжур, ўзим ранжур, ичим ғамноку бағрим чок.  
Тилим лолу таним беҳол, ишим афгон, сиришким қон

Янада ғамгин ва қайғули йўналишда битилган мазкур байтда, бизнингча, кескин ва қатъий хуқм руҳи ҳуқмондир.

...Кечам тим қоронғу, безиё («дайжур») дейилади байтда. ўзим ранжу озор, мусибат остидаман («ранжур»); ичим ғам-гуссага тўла («ғамнок»), бағрим эса тилка-пора («чок»); тилим тутилган, таним заиф, ҳолсиз, ишим оҳу фигон чекишу қўзимдан қонли ёш оқизиши...

Шоир лирик қаҳрамоннинг ночор аҳволини юрагини тирнаётган мусибатни ёрқин ифодалай оладиган жуда қучли ва сермаъно сўз-образларни «(«дайжур», «ранжур», «ғамнок», «чок», «лол», «беҳол», «афгон», «қон») топа олади. Бугина эмас. Шоир ҳудди шу сўзларга мантиқий ургу юклаб, улардан қофия сифатида фойдаланади, натижада, байт мисралари саккиз teng бўлакларга бўлинниб, уларнинг ҳар бири ҳуқму маҳкум руҳини эгаллади:

- |                   |                  |
|-------------------|------------------|
| 1) Тунум дайжур.  | 5) Тилим лол.    |
| 2) Ўзум ранжур.   | 6) Таним беҳол.  |
| 3) Ичим ғамнок.   | 7) Ишим афгон.   |
| 4) Ва бағрим чок. | 8) Сиришким қон. |

Айтиш керакки, газалнинг шу байтидан бошлиб, умумий ягона қофияланишдан ташқари, ҳар бир байт мисраларининг мустақил ички қофияланганини қузатамизки, бу ҳол асарнинг бадий жиҳатдан ҳам баркамоллигига яна бир далилдир.

Заифу дарду ғам пеша, наҳифу меҳнат андиша,  
Залилу бесару сомон, қатили ханжари хижрон!

Лирик «мен»нинг ўз иқрорича: у дарду ғамнинг доимий йўлдошлигидан заиф, чексиз азоб-уқубатлар ва хавфу хатардан озиб-тўзиб кетган, хору зор, айрилиқ ханжари уни қатл этган.

Фигонимдан фалак ғамгин, сиришкимдин жаҳон рангин,  
На ишқим ўтига таскин, на ҳажрим дардига дармон! <sup>1</sup>

Яъни: менинг чекаётган оху ноламдан фалак қайғу-мотамда. Тинимсиз оқаётган қонли кўёёшимдан бутун борлик қизил ранг олган. На ўртаётган ишқим ўтига таскин ва на айрилиқ дардига шифо топаман.

Бошим ғам тошидин пора, таним ҳажр ўқидин ёра, <sup>2</sup>  
Кўнгил бу ёрага чора топарга топмадим имкон!

Байтда шоир «ғам тоши», «ҳажр ўқи» бириқмаларини қўллайди. Айтиш керакки, бу бириқмалар ҳам жуда кенг мазмунни ифодаловчи, рамзий образлар даражасига кўтарилиган ҳамда оқибат натижада лирик «мен»нинг инсоний шаррафи ва қадру қимматини топтаган ижтимоий ёвуз кучларга, зўравонлик ва адолатсизликка киноя этади. Ана шундай ижтимоий мазмундор «ғам тоши»нинг тинимсиз зарбалари, «ҳажр ўқи»нинг эса узлуксиз қадалиши натижасида лирик «мен»нинг боши пора-пора, бутун танаю аъзолари яра-чақа, аммо, бундай ғам-мусибатлардан, қайғу-аламлардан қутулиш чораларини топишнинг иложи йўқ...

Қўзум намлиқ, бўюм ҳамлиқ, ичим андуҳу мотамлиқ,  
На ҳамдамлиқ, на марҳамлиқ топиб бу меҳнати пинҳон.

Кўринадики, ғазалнинг барча байтлари бир-бiri билан мустаҳкам боғлиқ, бир-бирини тўлдиради, мазмунан чуқурлаштиради, дадиллайди. Кедтирилган байтда ҳам етакчи мавзу янгича қирраларда очилган: кўзим ёш билан тўла, қадду бўйим букиқ, эгик; ичим эса ғам-ғуссага тўлиб-тошган, юрак-бағрим мотам-мусибат билан йўғрилган; вужудимни ўртовчи кўзга кўринимас бу азоб-қийноқларга на марҳам топа оламан, на дардлаша оладиган ҳамдамим бор.

Кейинги байт шу ғамгин таъкидни янада қатъийлаштириб, янада бўрттириб ифодалаш мақсадини кузатади. Айни замонда, бу байт ҳам Навоийнинг юксак бадиий санъатига, мисрага тизилган ҳар бир сўз имкониятларини бош мақсад-гояга тўла-тўқис хизмат эттириш маҳоратига ёрқин мисол бўла олади. Байтда ҳаммаси бўлиб ўнта сўз иштирок этади. Улардан бири — инкор «не» саккиз маротаба, иккинчиси — «манга» тўрт ўринда қайта-қайта келади. Аммо шоирнинг уста санъаткорлиги, жўмладан, шундаки, бу тақрорларнинг ҳеч бирини ноўрин ёки ғашга тегувчи, гализлик

<sup>1</sup> «Наводир уш-шабоб» нашрида (Тошк. 1959, 495-б.) бу мисра: На дардим ўтига ташкин, на ҳажрим дардига дармон — шаклида хато берилган.

<sup>2</sup> Бу мисра ҳам ўша нашрда:

Бошим ғам тошидин ёра, таним ҳажр ўқидин пора — шаклида хато берилган.

туғдирувчи оддий қайтариқ дейиш мумкин әмас. Аксинча, улар хар бир конкрет ҳолатда жиддий маънавий вазифани ўтайди, гояни таъкидлаб, ҳолатнинг чиндан ҳам фажеъ моҳиятини чертиб кўрсатади, оҳангга шиддат ва суръат баҳш этиб, уни хитоб, ҳайқириқ даражасига кўтаради:

Манга не ёру не ҳамдам, манга не дўст, не маҳрам,  
Манга не чора, не марҳам, манга не сабру не сомон!

Бундай аянчли, ночор аҳволимдан, ўтлиқ нолаю оҳимдан бурқсиб чиқаётган тутун қайгу-ҳасраг ғамхонамни янада қорайтириб, қоронгулаштириб юборган:

Бу аҳволи табоҳимдин, фигони умркоҳимдин.<sup>1</sup>  
Ҳам ўтлуқ дуди оҳимдин қарориб кулбам аҳзои!

Навбатдаги байт, шубҳасиз, газалнинг шоҳбайтидир. Унда поясма-поя баланд пардага кўтарила борган шикоят, норозилик, қоралов юқори чўққига чиққан. Эндиликда яна ижтимоийлик олд ўринга ўтади — лирик «мен» «фалак»ни очиқдан-очиқ қароқчи, йўл-тўсар, бору йўғини зўрлик билан шилиб олувичи «раҳзан» дея қоралайди, «замон» эса унга нисбатан «душман»нинг худди ўзи. Ана шу «раҳзан» ва «душман»ларнинг ёвуз қилмишларидан унинг аъзойи бадани «равзан уза равзан», яъни имла-тешик, худди шу «раҳзан» ва «душман»ларнинг қасрат-қасофатидан жон ихтиёридан тан четда қолиб, тан мулкини жон тарқ этган, бошқача айтганда, тандан жон, жондан тан айрилишга мажбур бўлган:

Фалак раҳзан, замон душман, бадан равзан уза равзан,  
Қолиб жон хисравидин тан, чиқиб тан кишваридин жон!

Газалнинг сўнгги яқунловчи байти фақат ички қофиялигина әмас, балки ички радифли ҳамдир. У шоирнинг ўзига таскин-ўгит аралаш мурожаати, хитоби тарзида битилган. Эй Навоий, дейилади унда, азоб-уқубат, қайгу-мусибат қанча кўн бўлса, ишрат жомини — шодлик ва хушнудлик, хурсандчилик ва хуррамлик қадаҳини шу қадар кўп ичабер; чунки барча қийинчилик ва мушкулликни ваҳдат майи осон қиласи.

Навоий бўлса меҳнат кўп, ичакўр жоми ишрат кўп,  
Неча бўлса суубат кўп қилур ваҳдат майи осон!

Навоийнинг бу газали моҳиятан инсоний қадр-қиммат, шон-шараф, эрк-хуқуқнинг поймол этилишига қарши кучли норозиликнинг лирик воситаларда жуда таъсирчан ифода-лашнинг ёрқин намунасиdir. Ёвуз кучларнинг зўравонлигидан дардли шикоят исёнкор рух билан уйқаш юзага чиққан

<sup>1</sup> Бу миера нашрда:

Ҳам аҳволи табоҳимдин, ҳам охи умри тоҳимдин — шаклида хато берилган.

бу газал бадиий жиҳатдан ҳам барқамолдир. У кейинги асрлар ўзбек ва қардош туркий халқлар ижодкорларига баракали таъсир кўрсатган. Жумладан, буюк озарбайжон шоири Фузулий меросида Навоий газалига ҳам мазмун ва ижтимоий рух, ҳам бадиий воситаларига кўра жуда яқин газал мавжудки, бу ўринда биз унинг фақат бошлангич байтини келтириш билан чекланамиз:

Дўст бепарво, фалак беражм, даврон бесукун!  
Дард-чўх, ҳамдард-йўқ, душман қавий, толеъ забуни!

Навоийнинг бу газалига бир қатор ижодкорлар, жумладан, XIX аср бошларида қалам тебратган иқтидорли шоир Муқимий ва Фурқатларнинг яқин дўсти Муҳайир, шунингдек, Муҳйилар таҳмис боғлаганлари маълум.

Газал нашридаги юқорида қайд этилган хато-нуқсонларни биз Муҳайир таҳмисига асос бўлган матн бўйича аниқладик.



## *Иброҳим ҲАҚҚУЛ*

### **«ПАРИМ БҮЛСА УЧУБ ҚОЧСАМ...»**

Парим бўлса учуб қочсам улусдин то қанотим бор,  
Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор.

Чиқиб бу дайрдин Исога нечун ҳамнафас бўлмай,  
Биҳамдиллаҳ, тажарруд бирла ҳимматдин қанотим бор.

Халойик сұхбатидин минг гамим бордурки, муфт ўлғай,  
Агар минг жон бериб билсамки, бир гамдин најотим бор.

Чекиб ағёрдин юз жавру тортиб ёрдин минг ғам,  
Не ўзга халқдин гайрат, не ўзимдин ўётим бор.

Кечиб күядин ёзай бир хатки, даҳр ахлига кўз солмай,  
Бу дамким кўз саводидин қаро, кўздин давотим бор.

Тилар кўнглум қуши анқодин ўтгай нари юз водий,  
Мунингдек сайр этарга Қоғдин ортуқ саботим бор.

Навоий, билки, шаҳ кўнгли манга қайд ўлмаса, биллаҳ,  
Агар кавнайнга хошок чоғлиғ илтифотим бор.

Ҳар қандай улуғ санъаткорнинг шеърида сўз унинг ўзи  
акс эттиришни истаган фикр ва туйғудан бир неча ҳисса  
ортиқ маъноларни ифодалайди. Шунинг учун ҳақиқий шеър-  
нинг ғоявий-бадиий таркибида ҳамиша нималардир сир  
бўлиб, аллақандай маъно гавҳари яширинлигича қолаверади.  
Энг зукко шеършуноснинг ҳам таҳдил имконияти чекланган.  
Чунки у ҳар қанча уринмасин, сўзнинг мажозий моҳиятини  
барча ранг, оҳанг товланишлари билан идрокдан ўтказа ол-  
майди. Бирданига бир неча рамзий мазмунларни таркибига  
бирлаштира олган шеър — чинакам шеър. Навоийнинг газали

шу даъвонинг ёрқин исботидир. Уни ўқиган бугунги ўқувчи қандай хуносаларга келади. Тахминан бундай: Шоирни «улус» жуда бездирган экан-да, қанот чиқариб қочишни кўзлабди. Шоҳ унга илтифот кўрсатганида, балким у «халойиқ сухбатидин минг ғам»га гирифтор бўлмасми. Бунга сабаб ўша жаҳолатли замон, адолатсиз феодал тузум ва ҳ. к.

Газалнинг шахс ва замон ўртасидаги зиддиятлардан мулоҳаза қўзғагани яхши, албатта. Лекин бу шоирнинг қўлига қалам тутқазган асосий дард ёки бош мақсад эмас.

Туркий тасаввуф шеъриятининг буюк вакили Юнус Эмро ҳусни мутлақ ошиқлари тилидан:

Ишқинг олди мандан мани,  
Манга сан кераксан, сан!  
Жисмим ёнур кеча-кундуз,  
Манга сан кераксан, сан!—

деб айтган. Илоҳий «муҳаббат баҳрининг ғаввоси» бўлган юрак фақат тавҳид завқига муҳтоҷдир. Уни Ҳақдин бошқа «на борлик», на «йўқлик» — ҳеч нима севинтирумайди. У таҳайюл ва ваҳдат майидан маст, ҳалқу оламдан қочиб, «кўнгул таҳтининг шоҳи» — Ҳақ даргоҳига учмоқ шавқида ёнади. Навоий газалида ҳам «Ман»ликдан кечиб, «Сан»ликка юз бурган лирик қаҳрамоннинг сирли кечинмалари, олами гайб сори парвози тасвиirlанган.

Эрур мақсад йироқ, водий узун, тун тийра, йўл бўртоқ,  
Бу йўлда салб этиб ўзлик юкин, ўзни сабукбор эт,—

дейди Навоий бошқа бир ўринда. Юқоридаги газал қаҳрамони «ўзни сабукбор» эта олгани учун ҳам «учиб қочмоқ» ниятини очиқ изҳор қилган:

Парим бўлса учуб қочсам улусдин то қанотим бор,  
Қанотим куйса учмоғдин, югурсам то ҳаётим бор.

«Парим бўлса» демоқ билан одамда пар пайдо бўла қолмайди. «Учуб қочсам» дейиш улусдан қутулиш чораси эмас. «Қанотим куйса...» Дарвоқе, қанот нимадан куяди? Қуёш оташибданми? Йўқ, ҳусн қуёшининг нуридан. Навбатдаги байтни ўқиб англаймизки, лирик «Мен» «Парим бўлса учуб қочсам...» дейя асоссиз сўзламаган экан. Унга самога учган Исо пайғамбар ўrnак. У Исоға ҳамнафас бўлмогни истайди:

Чиқиб бу дайрдин Исоға нечун ҳамнафас бўлмай,  
Биҳамдиллаҳ, тажарруд бирла ҳимматдин қанотим бор.

Дайрдин чиқмоқ — бу дунёни тарқ қилмоқ. Аммо «нобакор олам»дан баланд кўтарилиш учун ҳам қанот керак. Шу маънода тажарруд — воз кечиш ва ҳиммат тилга олинган.

Дийдорталаб ошиқларнинг сухбати — илоҳий сухбат. Улар учун, Ибн Арабий айтмоқчи, жимлик ва сукут орифликнинг олий белгиси, негаки, «билган гапирмай, гапирган бил-

майди». Ҳақиқий ишқ аҳлининг иқорига кўра, «Қай ерда тинчлик бўлса, Ҳақ ила бирлик бўлар». Ҳалойиқнинг ўткинчи манфаатларга дахлдор машмаша ва ғавғолари ана шу хаёлий бирликка халал беради.

Ҳалойиқ сухбатидин минг гамим бордурки, муфт ўлгай,  
Агар минг жон бериб билсамки, бир гамдан нажотим бор.

«Ҳалойиқ сухбатидин минг гам» исканжасида қолган киши нажот тилаши табиий. Аммо бу «минг гам»дан биттасида ҳам нажот йўқ. Агар бўлганида текинга «минг жон бериб» бўлса-да, уни билиш мумкин.

Чекиб ағёрдин юз жавру тортиб ёрдин минг гам,  
Не ўзга халқдин гайрат, не ўзимдин ўётим бор.

Биринчи мисрада гап ёр ва ағёр ҳақида. Ағёр — душман ёки ганим. У юз жавр кўрсатган бўлса ёр ёхуд дўст минг гам етказган. Шу боис ўздин ҳам «ўзга халқдин» ҳам узоқлашилган.

«Рақиб», «агёр» деганда биз салбий қиёфадаги инсон тўғрисида ўйлашга кўнигиб қолганмиз. Ҳолбуки, тасаввув адабиётида «рақиб» ва «агёр» ҳақидағи фикрлар нафсга доирдир.

«Тўққиз мингдир бу нафс ҳашорати,  
Мудом эгурлидир аларнинг оти...»

Юнус Эмро «Тўрт кишидир йўлдошим...», дейди. «Ул тўртнинг бири — жон, бири — дин, бири — имон». Хўш, охиргиси-чи? Мана, эшитинг:

Бири нафсимдур душман,  
Анда савашиб қолдим...

Тасаввув шеърияти билан чукур яқинлиги йўқ Захириддин Мұхаммад Бобур ҳам «Шахвату нафс қавий душмандур». «Нафс ёғисини мағлуб этгил», нафс «Душманедур агарчи ўтру эмас, Лек бир лаҳза сендин айру эмас», дея огоҳлантирган.

Навоийнинг «Чекиб ағёрдин юз жавр...», дейиши, бу — «нафси золим»га тегишли. «Ёр» эса вужуди мутлақдир. Нафсни енгиси — «ўзлик иморатин» бузиш. Акс тарзда «Не ўзга халқдин гайрат, не ўзимдин ўётим бор», дейиш ҳолатига кўтарилиш имконсиздир.

Кечиб кўздин ёзай бир хатки, даҳр аҳлиға кўз солмай.  
Бу дамким кўз саводидин қаро, кўздин давотим бор.

Нега кўздин кечиб «бир хат» ёзиш керак? Фақат «даҳр аҳлиға кўз солмаслик учунми? Йўқ, албатта. «Жон кўзи»

Ёрни кўриб, «Дил ондин хабар» бергач, ҳусн шоҳи жон ичинда жойлашиб, «кўнгилни арш» айлайди. Бу — ботин кўзнинг очилиши:

«Ботин кўздир Дўстни кўрган,  
Бу зохир кўз ёбондадур...»

Кўздин кечиш ва «кўз саводи»га оид ҳақиқат асосан мана шу.

Тилар кўнглим хуши анқодин ўтса нори юз водий,  
Мунингдек сайдарга Қоғдин ортуқ саботим бор.

Бу икки мисрада фано водийсига сайдар эътиборда тутилган. Чунки анқо қушидан ҳам «нори юз водий»га ўтишга ахли фаногина қодирлигига Навоийнинг ўзи бир ўринда гувоҳлик берган:

Уруж истар эсанг бу дайр ичинда фоний ўлғилким,  
Малак узра қадам босиб ўтар ахли фано густох.

Демак, шеър қаҳрамонининг анқо манзилидан ҳам «нори юз водий»га сайдар этарга саботи етарли. Ахир, унинг кўнгли «фано кучидин зўрбозу» истаётир. Ғазалнинг сўнгги байтини ўқиймиз:

Навоий, билки, шах кўнгли манга қайд ўлмаса, биллах,  
Агар кавнайнга хошок чоғлиг илтифотим бор.

Ниҳоят бош муддао гапирилди: шоҳнинг кўнгли шоирга мойилмас. Шунинг учун икки дунёга ҳам унинг «хошок чоғлиг» илтифоти йўқ. Профессор А. Ҳайитметов ғазал шоирнинг йигитлик вақтида яратилганига таяниб, ўша шоҳ «Навоийга душманлик назари билан қараб, унга Ҳиротда кун бермаган золим Абу Сайд эди. Унинг даврида Навоий Ҳиротда ниҳоятда қийналиб, бир пулга зор бўлиб, туришга уйи йўқ, ейишга овқати йўқ ҳолда яшайди... Ҳиротдаги хушомадгўй феодаллар подшонинг Навоийга муносабатининг ёмонлигини билиб, унга нисбатан яхши қарамаганлар. Натижада, шоир юқоридаги ғазалда тасвирланган ахволга тушган ва охири Ҳиротдан кетиб қолган», деб ёзди. Ғазалдаги умумий рух, мистик кечинмаларнинг бағоят қуюқлиги, сўз ва оҳангдаги гамгинлик шундай хulosса чиқаришга асос беради. Аммо ғазалнинг гоявий-бадиий мундарижаси бошқа мулоҳазаларни ўртага ташлашга ҳам монелик қилмайди.

Алишер Навоий ғазалларидан бирида шоҳга мурожаат этиб, ўзни «ўздин улуғроқ шоҳга ҳожатманд» билишга қақирган. Бу шоҳ—Аллоҳ. Бизнингча, ғазал хотимасида ана шу шоҳдан марҳамат кутилаётир. Шоирнинг икки дунёни ҳам хошокча назарга илмаслиги бир золим подшоҳнинг муносабатигина бояланса, шеърда аксини топган илоҳий-фалсафий моҳият ўз-ўзидан майдалашади.

Югурма ризқ учун, не етса ҳақдин англаким, комил,  
Не келтургил демиши, не гайбдин етганин қайтормиши.

Навоий энг мушкул ахволда ҳам шу эътиқодга содик қолганлиги ва Тангридан бошқасидан қўрқиши, шафқат ти-лашини гумроҳлик билганлиги шубҳасизdir.



## Нусратулло ЖУМАЕВ

### САТРЛАР СИЛСИЛАСИДАГИ СЕҲР

Шеърдаги бадиият салмоғи — мазмун, гоя ва руҳий таъсир кучини теран тушуниш учун асарнинг шаклий тузилиши, сўзлар, сатрлар аро маънан, суратан боғланиш сеҳрини илгаб олиш муҳим. Шундай таркибий тузилиш бадииятини илмда «композиция» истилоҳи ифодалайди. Барча рубобий (лирик) асарлар сингари, ғазалда ҳам композиция табиий хусусият. Санъаткор атай композиция яратмайди, муайян композиция танлаб, сўнгра шу асосда асар ёзмайди. Композиция — шакл масаласи. Ғазал бадиияти — мазмун ва шакл бирлиги, мутаносиблиги маҳсулидир. Шундай экан, ғазалнинг бўлгуси мазмун ўзига хос композиция билан бирга бунёдга келади.

Ғазал композициясига кўра тўрт мустақил турга ажralади: 1. Мустақил байтли ғазал. 2. Якпора ғазал. 3. Воқеабанд ғазал. 4. Мусалсал ғазал. Ғазал фақат шаклий сайқалдорлик-кагина эмас, балки бадиий етуклиқ, гоявий юксаклик ва мазмун салмоқдорлигига омил бўлувчи композицион белгиларга асосан шундай турларга бўлинади. Булар — ғазалнинг ўзига хос композицион типлари. Ҳар бир типга мансуб ғазаллар ўзига хос композицион хусусиятлари билан ўзаро фарқланиб туради.

Ўзбек ғазалиёти тарихий тажрибаларининг энг юксак натижалари Алишер Навоий ғазалиётида мужассамлашган. Унинг девонларида ғазалнинг мазкур тўрт турига оид ажойиб намуналар мавжуд. Қайд этилган типдаги ғазалларнинг энг олий нави мусалсал (силсилали) ғазалдир. Навоийнинг шундай асарларидан бирини таҳлил этишдан аввал мусалсал ғазалнинг хос фазилатлари ҳақида фикр юритайлик.

Таркибидаги лирик воқеа, манзара, фикр ва кечинма сатр-

лар силсиласида, даражама-даражажа ривожланиш хусусиятига эга бўлган газал мусалсал газалдир. Классик поэтикадаги тадриж усулининг бутун газал доирасида фаол қўлланиши ўша газалнинг ўзига хос композицион тур — мусалсал газал сифатида шаклланишига хизмат қиласди. Мусалсал газал ич-ки тадрижий такомилга эга бўлган якпора ва воқеабанд газалга ўхшаб ҳам кўриниши мумкин. Аммо мусалсал газал билан воқеабанд ёки якпора газаллар орасига тенглик аломати қўйиб бўлмайди. Яъни, улар айнан бир турдаги газаллар эмас. Мусалсал, воқеабанд, якпора газаллар орасида қўйида-гича тафовут мавжуд. Албатта, ҳар қандай воқеабанд газал замирида муайян сюжет ётади. Бу сюжет «маълум бир фабула ва ҳикоя маъносида эмас, балки фикр ва туйғуларнинг бир-бирига мантиқий равишда боғланиб келишлиги» (М. Шайхзода) тарзида тажассум топган тақдирда ҳам, у ибтидо, ривожланиш ва интиҳо босқичларидан иборат бўлади. Агар мана шу босқичлар изчил силсилаардан ташкил топса, газал воқеабандлик билан бирга мусалсаллик ҳам касб этадики, бу юксак санъат намунасига айланади. Демак, барча воқеабанд газаллар мусалсал бўлавермайди, айни пайтда, ҳар қандай мусалсал газаллар ҳам воқеабанд бўла олмайди. Якпора газаллар ҳам шундай. Қўйилган масала матлаъдан мақтаъга қадар тадрижий усулда, мисралар силсиласида ривожлантирилса, поэтик фикр ва кечинмаларнинг бундай ривожланишига поэтик образ ҳамда бошқа бадиий воситалар ҳам ҳамоҳанг бўлсагина, газал айни пайтда якпоралик (яхлитлик) ва мусалсаллик фазилатига эга бўлади. Мусалсаллик газалнинг бутун композициясига тегишли хусусият. Шунинг учун, айрим байтларида тадрижий такомил мавжудлигига қарамай, мустақил байтли газаллар мусалсал бўла олмайдилар.

Алишер Навоийнинг «Ёрдин айру кўнгул мулкедурур сultonи йўқ, Мулкким, сultonи йўқ, жисмедурурким, жони йўқ» ёки «Жонға чун дермен: «Не эрди ўлмаким қайфияти?» Дерки: «Боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати» матлаъни билан бошланувчи асарлари мусалсал газалнинг классик на-муналаридир. Қуйида Навоийнинг мусалсал газалларидан бирини таҳлил этамиз.

Дўстлар, маҳрам деб элга роз ифшо қилмангиз,  
Бошингизга юз бало қуч бирла пайдо қилмангиз.  
Фош қилманг роз, чунким асрой олмай қилдингиз,  
Ўзгалардин асрамоқ боре таманин қилмангиз.  
Ишқ асрорига тил маҳрам эмастур зинхор  
Ким, кўнгулдин тилга они ошкоро қилмангиз.  
Чун кўнгулдур қалбу тил ғаммоз, маҳфий розни  
Жон ҳаримидин бу иккига ҳувайдо қилмангиз.  
Чун кўнгул тил бирла маҳрам бўлмади, ҳожат эмас  
Айтмоқким, элга андин нукта имло қилмангиз.  
Сахв этиб, чун роз дуррин сочtingиз, нозим бўлуб  
Оҳнинг дудин саҳобу кўзни дарё қилмангиз.  
Чок-чок айлаб кўнгулни, тилни айлаб юз тилим,

Ташлаб итларга, аларнинг ёди қатъо қилмангиз.  
Менда ҳижрон дардию, йўқ васл, боре дўстлар.  
Чорае гар қилсангиз, жуз жому саҳбо қилмангиз.  
Чун Навоий ишқ розин асрай олмай қиёди фөш,  
Отини роз аҳли тумморинда ишо қилмангиз.

(«Бадоеъ ул-васат», 216-ғазал)

Ғазал Навоийнинг қарилик лирикаси маҳсули бўлиб, панд-насиҳат мавзууда яратилган. Тўққиз байтдан иборат бу газал сир сақлаш маданиятидан сабоқ беради.

У мавзуу, гоя, мазмун жиҳатидан «Наводир уш-шабоб» девонидаги «Кимсани дард аҳли деб сирримга маҳрам айладим» сатри билан бошланувчи газалга жуда яқин. Қизиги шундаки, бу газалларнинг бошқа хусусиятлари ҳам бир-бирига мутаносиб: яратилиш даври, ҳажми, вазни, лирик қаҳрамони бир хил. Аммо улар бир газалнинг турли вариантлари эмас. Қиёсий таҳлил этилганда, уларнинг ҳар бири мустақил ва оригинал газал эканлигини тасдиқловчи қатор фазилатлар юзага чиқади.

«Кимсани дард аҳли деб сирримга маҳрам айладим» газали услубан газалнинг шарҳи ҳол тилига мансуб. Унда лирик қаҳрамоннинг ўз замондошларидан бирига сирини изхор этгани ва бунинг оқибатида бошидан кечирган изтироблари шарҳланади. Бу газалда эса лирик қаҳрамоннинг ҳаётий саргузашти, унинг оқибатлари эмас, балки сир ва сирдош сақлаш маданиятига оид ҳаётий тажрибадан келиб чиқсан тугал, қатъий умумлашма, хулосалар дидактик услубда ифодаланади.

Бу икки газални бир шоир шуурида кечган кечинмаларнинг тадрижий такомили натижаси сифатида баҳолаш, уларга бир-бирининг мантиқий давоми сифатида қарашиб мумкин. Чунки шоирнинг ҳаётий саргузаштлар ниҳоясида этилган хулосалари «Эй Навоий, дема сирринг кимсага...» дебон биринчи газал мақтаъида бошланган ва иккинчи газалда тўлиқ акс этган. Бу ҳолат «икки газал бир йўла ёзилган экан», деган фикрни уйғотмаслиги лозим. Улар шоир ҳаётининг бир даври — қарилик босқичида, лекин турли фурсатларда, турли воқеалар турткиси билан ёзилган бўлиши эҳтимол. Газалларнинг бири «Наводир уш-шабоб»дан, иккинчisi «Бадоеъ ул-васат» девонидан ўрин олиши ҳам балки шу билан изоҳланар.

Дўстлар, маҳрам деб элга роз ифшо қилмангиз,  
Бошингизга юз бало куч бирла пайдо қилмангиз!

Бу бир маҳаллар «кимсани дард аҳли деб сиррига маҳрам айлаган» ва бундай очиққўнгиллти туфайли, «ўз-ўзини куч била расвойи олам айлаган» лирик қаҳрамоннинг ўз шахсий фожиасидан жамиятга бераётган сабоги. Аввалги газалнинг

«кимсани дард аҳли деб», «дема сирринг кимсага» иборалари шоирнинг муайян кишиларга нисбатангина ишончи яраланганидан гувоҳлик қилса, бу газал матлаъидаги «элга роз ифшо қилмангиз» сўзлари шоирнинг кишиларга ишонавериб кўп панд егани ва умуман, элга ишончи йўқолганидан кафолат беради.

Иккинчи байт матлаъидаги фикрни янада кучайтиради:

Фош қилманг роз, чунким асрой олмай қилдингиз,  
Ўзгалардин асрамоқ боре таманно қилмангиз.

Энди шоир инсон табиатидаги умуминсоний заифликдан огоҳлантиради. Инсоннинг ўз сирини асрашга ўз иродаси ожизлик қилса, ўзининг оғзига кучи етмаса, сирини пинҳон тутишни бошқалардан умид қилиши ақлга сигмайди. Чунки бошқалар ҳам унингдек бир бандайи ожизда. Шунинг учун одам, аввало, ўзига ўзи пишиқ бўлиши лозим. Шу тариқа, шоир умумдан хусусга кўчади:

Ишқ асрорига тил маҳрам эмастур зинҳор  
Ким, кўнгулдин тилга они ошкоро қилмангиз.

Ғазал ҳажвий, киноявий руҳда давом этади: «кимса», «эл», «ўзгалар»ни қўя турайлигу, аввал, ўз аъзоларимизни назорат қиласлий. Маълум бўладики, «расвойи олам», «юз бало»га мубтало бўлишимизнинг биринчи боиси тил экан. Чунки сиримизни илк ошкор этувчи — у. Демак, сир-асрорни зинҳор-базинҳор «кўнгулдин тилга» кўчирмаслик керак. Аммо, кўнгулга ишониб бўлармикин?

Чун кўнгуллур қалбу тил ғаммоз, маҳфий розни  
Жон ҳаримидин бу иккига ҳувайдо қилмангиз.

Афсуски, кўнгул ҳам маҳрами асрор бўлолмайди. Чунки уни «қалб» деб атайдилар. Навоий бу ўринда, «қалб» сўзининг ўз (кўнгул) ва кўчма (қаллоб, фирибгар, нопок) маъноларидан маҳорат билан фойдаланган. Бу эса кўнгулдан қаллоблик ва фирибгарлик зоҳир бўлиши хаввидан далолат. Шундай қилиб, кўнгул — хиёнаткор, тил-сотқин («тил» сўзининг ҳарбдаги маъносини ҳамда «ғаммоз» сўзининг сир очувчи, чақимчи маъноларини эсланг) экан, маҳфий сирни жондан бу икки аъзога кўчирмаслик, уни фақат жонда асрамэк маъқул. Акс ҳолда, «маҳфий сир» жондан кўнгулга, кўнгулдан тилга, тилдан «кимса»га, «кимса»дан «ўзгалар»га, «ўзгалар»дан «эл»га ўтиб фош бўлади. Қарабисизки, сохиби асрор яна — расвойи олам.

Ғазалдаги силсилавий тасвир тил ва кўнгул тафтиши билан тугамайди. Чунки инсоннинг ички имкониятида сирни фош этувчи бошқа воситалар ҳам бор:

Чун кўнгул тил бирла маҳрам бўлмади, ҳожат эмас  
Айтмоққим, элга андин нукта имло қилмангиз.

Шоир тилни сўзлашдан, кўнгулни тилдан, жонни кўнгулдан тийгандан кейин, сирни ошқор этувчи яна бир омил — имлодан (сирни ёзув орқали фош этишдан) ҳам тийилишини огоҳлантиради.

Шунчалик эҳтиёткорликка қарамай, бордию сир элга аён бўлиб қолса, шоир «Оҳнинг дудин саҳобу кўзни дарё қилмай» — шармандалиックка равнақ багишламай, хоинларни жазолашни маслаҳат қўради:

Чок-чок айлаб кўнгулни, тилни айлаб юз тилим,  
Ташлаб итларга, аларнинг ёди қатъо қилмангиз.

Бу байт сир сақлаш санъати ҳақидаги мусалсал мушоҳадаларнинг — «Сир сақлаёлмайдиган вужуд — ҳалокатга маҳкум» маъносидаги изчил мантикий якунидир.

Албатта, сирни бу қадар цинҳон сақлаш камдан-кам иро-дали кишиларнинг қўлидан келади. Айниқса, Навоий сингари сухан ахлига собит совуқконлик билан сир сақлаш душвор. Чунки, шеър аҳли таъсирчан, эҳтиросли, очиқкўнгил бўлишади. Лирик қаҳрамон ўз саргузаштидаги сахбу хатони назарда тутиб: «Саҳв этиб, чун роз дуррин сочтингиз, нозим бўлуб, Оҳнинг дудин саҳобу кўзни дарё қилмангиз», дея ўзгаларга сабоқ беради.

Бу ва ғазалнинг сўнгги икки байти: «Домланинг айтганини қил-у, қилганини қилма!» қабилидаги ўгитни эслатади. Негаки, шоир ўзидаги «хижрон дардини» барабалла изҳор этиб, «дўстлар»дан чора — «жому саҳбо» тилаб турибди. Ғазал лирик қаҳрамоннинг ўз айби — «ишик розини асрой олмагани»га икror бўлиб, уни «роз аҳли» сир сақлай олувчиilar тоифасига киритмасликлари илтижоси билан тугалланади.

Демак, ғазал мундарижаси пишиқ ишланган. Ғазал сир сақлашнинг мукаммал сабоги, унга асос бўлган шахсий кечинма ҳамда оқибат-натижадан тузилган.

Ғазалнинг гоявий моҳияти ҳаёт сабоқлари юзасидан панд-насиҳат қилишгина эмас. Киноявий тасвирдан мақсад иғвор, бадҳоҳ замон ва аҳли замон устидан заҳарханда кулиш, уларни фош этиш, уларга нафрат изҳор этиш ҳамдир. Асар замондошларимиз маънавий камолоти учун катта тарбиявий, маърифий аҳамиятга эга.

## «ЗУЛФУНГ ОЧИЛИБ...»

Зулфунг очилиб, орази дилжў била ўйнар,  
Ҳиндубачае шўхдурур, сув била ўйнар.  
Ул шўх кўнгул лавҳин этиб тийра нафасдин,  
Бир тифллур, алқиссанки, кўзгу била ўйнар.  
Ўйнай-ўйнай боғлади уйқумни фусундин,  
Тоғамзаси ул нарғиси жоду била ўйнар.  
Тонг йўқки, кўзунг бўлса кўнгул бирла мулойим,  
Мажнунга ажаб йўқ, агар оху била ўйнар.

Бир лўлийи бозигар эрур чавбар ичинда  
Холингки, ўшул ҳалқайи гесу била ўйнар.  
Зоҳид била нафс этса тамасхур, не ажабким,  
Ит саир қилур вақтда тулку била ўйнар.  
Муг дайрида маст ўлса, Навоийни кўрунгким,  
Бир олма киби гунбази мийну била ўйнар.

(«Бадоеъ ул-васат». 166-ғазал)

Навоийнинг ўрта ёш лирикасига мансуб бу газал шоирнинг ўрта ёшдаги бадий камолотини, ўрта ёш гўзалликла-рига мафтунлигини, ўрта ёш эҳтирослари инъикосини ифодалаб турибди. Асарнинг мазмун-мундарижаси маъшуқа жамолини васф этишдан иборат. Аммо ундаги васф анъанавий тавсифий газаллардан кескин ажralиб туради. Ҳар бир хусусият васфи муайян қиёсий тасвир асосига қурилган. Зулфнинг эшилиб, силкина-силкина юз теграсида ўйноқланиши шунчаки айтиб ўтиб кетилмайди. Акс ҳолда, зулф васфи қуруққина таърифланган бўлиб қоларди. Шоир шу ҳолатга мос ҳаётий тамсил топади. Тамсил усулида сув билан ўйнаб турган ҳиндубачани зулғфа муқояса этади. Бу қиёсга ҳиндубача ва зулфнинг икки манонд белгиси — қоралиги ва шўхлиги асос бўлади. Шунингдек, бу қиёсдан маъшуқа юзининг сувдай тиниқ, мусаффо ва ҳаётбахшлиги аён англашилади.

Шоир газалнинг мазмунига мутаносиб, шўх ва ўйноқи оҳанг танлаган. Бу ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнидир.

Газалнинг классик қўшиққа айланиши ва ҳалққа севимили, машхур бўлицида ҳам мана шу шакл ҳамда мазмуннинг бадий мутаносиблиги боисдир.

Газал мураддафлиги, радифга «ўйнамоқ» феъли танлангани тасодифий эмас. Бу ҳам — бадий мутаносиблик тақозоси. Газалда мазмун ва бадий тасвир мутаносиблиги бошдан-оёқ изчили давом этади. Бу эса газалнинг композицион жиҳатдан якпора шаклда вужудга келишини таъминлайди.

Зулфнинг болаларга хос ўйинқароқлиги тасвири кейинги байтларда ҳам ўша маромда сақланган:

Ул шўх кўнгул лавҳин этиб тийра нафаасдин,  
Бир тифлдор, алқиссаки, кўзгу била ўйнар.  
Ўйнай-ўйнай боғлади уйқумни фусундин,  
То ғамзаси ул нарғиси жоду била ўйнар.

Ҳаётий лавҳалар билан қиёслаб тасвирлаш, тамсил усули бу газалда услубий воситага айланган. Чунки у бутун газал доирасида амал қиласи. Маъшуқанинг кўзи тасвирланган байтга эътибор беринг:

Тонг йўққи, кўзунг бўлса кўнгул бирла мулойиб,  
Мажнунга ажаб йўқ, агар оху била ўйнар.

Бир қарашда, байтда кўз тасвири асосий мақсад эмасдай туюлади. Аслида эса, асосий мақсад кўз тасвири, буни шоир бевосита эмас, билвосита амалга оширади. У щундай мазмунни ифодалайди: «Сенинг кўзинг менинг кўнглим билан ўйнашгани таажжубланарли эмас, чунки мажнуннинг оху билан ўйнаши табиий». Бундан англашиладики, шоир маъшуқа кўзи оху сингари гўзал, хуррак, ўйноқи эканлигини, шунингдек, лирик қаҳрамон кўнглининг мажнунҳоллигини ҳам сўзаро тасвиirlаб ўтган.

Ҳаётий асосларда акс этган хол тасвири ҳам диққатга сазовор:

Бир лўлийи бозигар эрур чаңбар ичинда  
Холингки, ўшул ҳалқайи гесу била ўйнар.

Шоир талқинича, тебраниб турган маъшуқа ҳалқаси теграсидаги хол чамбарак ичидан ўйин кўрсатаётган лўливашиб гўзалга монанд. Демак, васф этилаётган хол шунчалар дилнишин ва жозибадор.

Одатда, мустақиллиги билан ажralиб турадиган матлаъдан олдинги байтда шоир зоҳидга танқидий муносабатини тамсилий усулда, образли тарзда қистириб ўтади:

Зоҳид била нафс этса тамасхур, не ажабким,  
Ит сайд қилур вақтда тулку била ўйнар.

Бунда ов чоғида итнинг тулки билан ўйини лавҳаси зоҳиднинг нафсга муносабатини очиб беришга хизмат қилган. Байт зиминая нафснинг тулкидек хийлагарлиги ҳам сингдирилган.

Ғазал ихлосмандларини жуда қизиқтириб келган тилсимлардан бири еттинчи, яъни тугалланма байтнинг мазмунидир.

Муг дайрида маст ўлса. Навоийни кўрунгким,  
Бир олма киби гумбази мийну била ўйнар.

Шарҳлашга уринсак, дастлаб байтнинг мазмуни жуда соддадек туюлади. Яъни, гёёки, «Майхонада маст бўлган чоғида Навоийни кўрасиз, у олам гумбазини қўлида бир олма каби ўйнатиш қудратига эга бўлади». Аммо байтнинг замирида бундан кўра салмоқли ва сехрли маънно яширгандек, шарҳдан кўнглимиз тўлмайди. Балки, байтнинг ботинида сўфиёна мазмун ётгандир. Фараз қилайлик, «муг» — маънавий майхона, унда маст бўлиш — ҳаққа эришиш тимсоли бўлсин. Бунда маънан Ҳақ даражасига кўтарилилган лирик қаҳрамоннинг олам гумбазини бир олма каби ўйнаши (борлиқни маънавий жиҳатдан тугал англаб этиш)ни аниқроқ тасаввур этиш мумкин. Тугалланманинг фалсафий тус олиши Навоий газалиёти учун умумий хусусиятдир.

## «...ЁР УЗАР БЎЛСА МУҲАББАТ РИШТАСИН...»

Алишер Навоий ғазалиётида бутунги инсоний, оиласи муносабатларда ҳам ибрат бўлгулик ҳаётий сабоқлар, кечинма, мулоҳазалар мужассам асарлар кўп. Мана, шундай ғазаллардан бири:

Кимки, онинг бир малаксиймо париваш ёри бор,  
Одами бўлса, пари бирла малакдин ори бор.  
Кеча улким чирманур бир гул била, не тонг, агар  
Гунчадек ҳар субҳ ўлуб хандон нашот изҳори бор.  
Йўқ ажаб булбулға гул шавқидин ўлмоқ зорким,  
Пардин ўқ жисмига соңчиғон ададсиз хори бор.  
Белингу лаълинг ҳаёлоти била кўнглум эрур  
Анкабутеким, онинг жон риштасидин тори бор.  
Сунбули зулфи агар ошуфтадур, айб этмаким,  
Гул юзида ётқон икки нозанин бемори бор.  
Айлаб ўзни маству бехуд, чиқмасун майхонадин  
Кимки, мендек давр элидин кўнглида озори бор.  
Эй, Навоий, ёр узар бўлса муҳаббат риштасин,  
Келмас ўлса ул сенинг сори, сен онинг сори бор.

(«Наводир уш-шабоб», 181-ғазал)

Бу асар Навоий ижодий такомилининг учинчи босқичида яратилган ва дастлаб «Наводир уп-ниҳоя» девонига киритилган бўлиб, унда етарли ҳаётий тажриба, ҳаёлий эмас, мавжуд турмуш кузатишлари замонида юзага келган ижтимоий хуласалар мужассамлашган. Якпора тузилишга эга бу ғазал рамали мусаммани мақсур вазнида битилган.

Ғазалнинг биринчи байтиёқ вафо, садоқат, фидойилик каби олижаноб инсоний туйгулар билан йўғрилган. Ягона инсон муҳаббати билан яшаш, ўз севгилисига садоқат Навоий замонида қанчалар долзарб ижтимоий муаммо бўлса, бизнинг давримизда ундан ҳам муҳимроқ ижтимоий-ахлоқий муаммодир. Ўз умр йўлдошларига содик яшайдиган, ҳаттоқи, «пари бирла малак»ка қайрилиб боқищдан орланадиган чин севги соҳиблари Навоийнинг юксак орзусидир. Навоий шундай ошиқона орият — одамийликнинг асосий шартларидан эканлигини алоҳида уқтиради. Бу Навоийнинг шоҳ байтларидан бўлиб, унда шоир мазмун салмоқдорлиги ва таъсирчалигини тарди акс (терс такрор) санъатини «малаксиймо париваш» ва «пари бирла малак» шаклида маҳорат билан қўллаган.

Шоир вафо асосига қурилган ҳаётнинг инсон фарогати ва камолоти учун нақадар ижобий аҳамиятга эга эканлигини иккинчи байтдаёқ кўрсатади:

Кечакулкинч ҳар субҳ ўлуб хандон нашот изҳори бор.

У оиласи фаровонликдан баҳраманд кишини тонгла гулгул очилиб, чор атрофга чирой улашаётган, муаттар хидлар таратаётган гунчага қиёслайди.

Ғазалнинг навоийвор тузилишига кўра, кўнгина асарлар

мавзу ва гояни баён этиш, уни бадиий шарҳлаш ва умумланма хулоса чиқариш каби қисмлардан иборат бўлади. Юқорида биринчи қисмнинг ифодасини кўрдик. Учинчи байтдан мавзу ва гояни бадиий шарҳлаш бошланади.

Шоир юқорида севикили ёр васли ғаниматлиги хақида фикр юритган эди. Энди ўша фикрни қувватлаш мақсадида гул ва булбул тимсолида айрилиқ изтироби манзараларини ҳам чизади.

Йўқ ажаб булбулға гул шавқидин ўлмоқ зорким,  
Пардин ўқ жисмига сончилгон ададсиз хори бор.

Классик шеъриятимиз саҳифаларида булбулнинг гулга шайдолигини акс эттирувчи минглаб байтларни кўздан кечириш мумкин. Уларнинг аксариятида булбулнинг гулга муносабати тавсифий характерда, ахборот тарзида баён этилган. Навоий эса мазкур байтда бадиий фикрни ҳаётий тафсиллар билан асослаши ўйлидан борган. Шоирнинг талқинича, булбулнинг гулга бўлган муҳаббатига унинг шайдолигигина эмас, балки ҳамдардлиги ҳам боисидир. Гулга булбулнинг ҳамдардлиги боиси шундаки, булбулнинг жисмига пардан ясалган ўқлар каби тиканлар санчилган. Худди шунингдек, гулнинг бадани ҳам тиканлар билан ўралган. Гулнинг мана шу озурда�онлигига қуюниш булбулнинг гулга меҳрини янада кучайтирган. Бадиий фикрнинг бу қадар топқирилик ва нафосат билан асосланиши шарқ бадиияти илмида «ҳусни таълил» деб юритилган. Рамзий образлар орасидаги бундай мутаносиблик асосида реал инсоний муносабатлар ётади. Инсоннинг инсонга муҳаббати замираida ҳам маҳбубанинг фақат ташқи чиройидан баҳрамандлик эмас, балки унинг маънавий оламига яқинлик, у билан ҳаммаслаклик, ҳамдардлик мужасам бўлади.

Кейинги байтдан маҳбуба гўзаллигининг муайян қирралари ва гўзаллик шавқидаги муҳиб кечинмалари аёnlашади:

Белингу лаълинг ҳаёлоти била қўнглум эрур  
Анкабутеким, онинг жон риштасидин тори бор.

Тасвир доирасига маҳбубага доир бел ва лаб, муҳибга доир кўнгул образлари тортилган. Уларнинг тасвири анкабут, жон риштаси ва тор образлари орқали юзага чиқарилган. Бадиий маҳорат ҳар қандай дагал жисм ёки ёқимсиз жониворни нафислаштириш қувватига эга бўлади. Навоий газалиётида мохирона қўлланган бундай образлардан бири «анкабут» — оддий ҳашарот ўргимчакдир. Бир қараашда, ҳеч бир ижобий хусусияти сезилмайдиган, хусусан, нафис адабиётдан йироқ бу жонивордан шоир лирик тасвирга хос қандай имконият топдийкин? Ўзи тўқиган торларда ўрмалаб юриш анкабутнинг ҳаёт кечириш тарзи. Унинг ҳаётини ўша торларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шоир лирик қаҳрамоннинг кўнгли-холати билан анкабут, маъшуқа бели билан анкабут

торлари орасида монандлик кўради. «Бел» ва «лаъл» образларига «жон риштаси» мутаносиб келади ва шу усул билан шоир белининг ингичкалиги, лабнинг нафис-юпқалигига ишора қиласиди. Байтдаги образлар муносабатидан «бел ва лаъл — кўнгулнинг жон ришталари», деган фикр англашилади. Шу йўсинда ошиқ қалбнинг муддаоси назокатли тарзда англатилади.

Навбатдаги байт газални яратиш чоғидаги Навоий илҳоми ва санъаткорлигининг авж нуқтасидан далолат беради:

Сунбули зулфи агар ошуфтадур, айб этмаким,  
Гул юзида ётқон икки нозанин бемори бор.

Шоир зулф ва кўз тасвирини яратмоқчи бўлади. Ҳайратомуз йўл тутиб, бу икки аъзонинг жонли тасвирини вужудга келтириш учун уларни бир-бирига поэтик восита сифатида хизмат қилдиради. Биринчи мисрада «сунбул» ва «ошуфта» сўзлари биланоқ зулфнинг таърифу тасвирини бериб қўя қиласиди. Газалхон маъшуқа зулфини «ошуфта сунбул» сифатида тасаввур эта бошлайди. Лекин унга сунбулий зулфнинг паришон ва ғамгинлиги боиси ноаён. Бу ҳолнинг сабабини аён этиш, демакки, зулф тасвирини янада кучайтириш мақсадида шоир кўз образига мурожаат қиласиди. Гул чехранинг сузук ва мастона кўзларини «икки нозанин бемор»га менгзайди. Яна ҳусни таълил санъатининг нодир имкониятидан фойдаланиб, зулф ҳолатини кўзлар аҳволи манзараси билан асослайди. Бу иккала мисрадаги тасвир чунонам бир-бирига эш ва чамбарчас боғлиқки, уларни бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шоир бунда сабаб ва оқибатнинг диалектик таносубига эришган. Биринчи мисра байт бадииятидаги оқибатни ифодаласа, иккинчи мисра сабабни англатади.

Навоий олтинчи байтда лирик мазмунни бадиий якунлашга ўтади:

Айлаб ўзни маству бехуд, чиқмасун майхонадин  
Кимки, мендек давр элидин кўнглида озори бор.

Шоир бадиий тугалланмани газалнинг дастлабки қисмлари билан мантиций узвийликда яратади. Биринчи ва олтинчи байтлардаги «Кимки» сўзи муайян тоифадаги кишиларни англатади. Илк мисрадаги «Кимки» — «Бир малаксиймо париваш ёри бор», яъни 1—6 байт оралигида тасвирланган гўзаллар ишқидан баҳраманд баҳтиёр киши образи. Олтинчи байтдаги «Кимки» эса — «Бир малаксиймо париваш ёр»дин ҳижрон чеккан (ўз замондошларидан озордан ўзга роҳат кўрмаган), 1—6 байт мобайнида ҳусни жамоли зухур этган гўзаллар васлидан бенасиб «ушшоқи зор» тимсоли. «Мен» сўзи қўлланмаганда ҳам, бу тимсол замиридаги Навоийнинг ҳайтий сиймосини таниб олар эдик. Чунки газалнинг навоийвор тузилиши, тасвир табиати, баҳтиёр ошиқ билан «Кўнглида озори бор», «Масту бехуд» ринд қиёфасининг

қиёси буни аниқ айтиб туради. Бу сатрлар газал мухлисларида Навоийнинг шахсий изтиробларига яна бир бор ҳамдардлик туйгуларини ўйғотади.

Шоир газални нақадар зукко мушоҳада билан бошлаган бўлса, шунчалик теран ҳаётий ўғит билан яқунлади:

Эй, Навоий, ёр узар бўлса муҳаббат риштасин,  
Келмас ўлса ул сенинг сори, сен онинг сори бор.

Бир-бирини тан олмаслик, худпараматлик, такаббурлик иллати ҳар қандай инсоний муносабатларга ҳамиша раҳна солиб келган. Шоир айрилиқ ҳавфидан огоҳ этади ва ўзликдан кечиб, ёр васлига сазовор бўлиш, уни қадрлашни маслаҳат кўради.

Бу назмий хулоса асрлардан бери ўзининг ҳаётий қудратини сақлаб келмоқда. У Навоий замондошлари учун қанчалик қадрли бўлса, бизнинг давримиз фарзандлари ва келажак насллар учун ундан ҳам кўпроқ сабоқ бўлгугулар аҳамиятга эга.

## ЎН САККИЗ ЕШ ҲАЙРАТЛАРИ

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур.  
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур.  
Деса бўлгайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор  
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.  
Ўн сакиз йил дема, юа саксон йил ўлса. улдуур  
Ҳусн шохи, ул балоларким, кўзу қошиндадур.  
Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки, бор  
Барчаси эзид таоло сунъи нақошиндадур.  
Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,  
Ақлга юз ҳайрат, ул ойнинг ичу тошиндадур.  
Май кетур, эй мугки, юз ҳайрат аро қолмиш Масих,  
Бул ажабларким, бу эски дайр ҳуффошиндадур.  
То Навоий тўқти ул ой фурқатидин баҳри ашқ,  
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

(«Бадоетъ ул-васат», 156-газал)

Машҳур ва манзур бу газал Алишер Навоий қариллик лирикаси маҳсули бўлиб, унда шоир ишқий-фалсафий мавзуда баҳс этади. Рамали мусаммани маҳзуз вазнида битилган.

Газал услугбан таъриф-тавсиф типида яратилган. Асарнинг мақсад-моҳияти ўн сақкиз ёшдаги манзур (назарда тутилган муайян сиймо) малоҳатини васф этишга қаратилган. Лекин бу васф инсон умрининг навқирон палласи ҳамда ҳусну жамол ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар билан йўғирилган. Ҳатто, баъзи байтларда тавсиф иккинчи ўринга ўтиб қолиб, таъриф, фалсафий умумлашма ифодаси биринчи даражага кўтарилади. Ҷуда таъриф-тавсиф баравар меъёрда, уйғун акс эттирилган бўлса ҳам, фалсафий моҳият эътиборимизни кўпроқ тортади. Чунончи, матлаъда ўн саккиз ёшли дилбарнинг сарвинозлигидан кўра, унинг шу ёшдаги маънавий-

рухий аҳволи тасвирига қучли ургу берилган. «Үн саккиз минг олам» — тургун сўз биримаси бўлиб, у бутун борлиқ ўн саккиз минг оламдан иборат, деган оламнинг чексизлиги ҳақидаги афсонавий қадимий тасаввурлардан келиб чиқсан. Шоир «Сарвинозимнинг бошида ўн саккиз минг олам гавғоси бор, аммо бунга ажабланмаслик керак, чунки у ўн саккиз ёшдадур», дер экан, биргина сарвиноз аҳволига эмас, умуман, инсоннинг ўн саккиз ёшига таъриф беради. Таъриф умуминсоний бўлганидек, назаримизда, ўн саккиз яшар сарвиноз ҳам умумлашма образ. Асарда ўн саккиз ёшли муайян инсон тасвириланган бўлиши эҳтимол, унинг ҳаётий сиймоси бизга маълум эмас. Балки, матлаъдаги таърифи тавсифга ўн саккиз яшар гўзал қиз эмас, баркамол бир ўспирин талъати асос бўлгандир.

Мухтарам мухлис, Навоий йигит кишини васф этгани ҳақидаги таҳминимизга дарҳол эътиroz билдириш ёхуд буни нотўғри талқин этишдан сақланишингизни сўраймиз. Бу — ҳали илмда ўрганилмаган муаммо. Навоийнинг йигитлар васфида битилган ўнлаб рубобий (лирик) асарлари борки, улар турли андишалар билан «Хазойин ул-маоний»нинг 1959—60 йилларда чоп этилган Ҳамид Сулаймон нашрига киритилмаган ва халққа етиб бормаган. Бу газал ҳамда қитъалар Навоий мукаммал асарлари тўпламида босилмоқда ва энди илмий баҳоланса керак. Назаримда, бу ҳодиса Навоий дунёқараши билан bogлиқ. Навоий инсонда илоҳий етуклиknи, илоҳда инсоний гўззаликни кўрган. Мутафаккир ўзи сигинган илоҳий қудрат, навқиронлик, баркамоллик, ҳайратомуз сехру синоатни, жисмоний ва ақлий тенгизликтин йигитлар сиймосида тажассум эттирган бўлса, ажаб эмас. Ҳарқалай, асарга ўн саккиз минг олами мушоҳада этишга қодир, ўн саккиз минг олам дарди билан яшайдиган, ақлу заковати ўн саккиз минг олам тилсимларини еча оладиган, ҳусни ўн саккиз минг олами лол қолдирадиган, ҳаяжон ва эҳтирослари ўн саккиз минг олами ўртайдиган ўн саккиз ёшли инсон сиймоси сабаб бўлган. Эҳтимол, бу Навоий орзусидаги комил инсон дур. Дарвоқе, ўн саккиз минг олам таҷвишлари билан яшайдиган ёш замондошларимиз ҳам йўқ эмас. Эсли-ҳушли, заковатли, ғайрат-шижоатли йигит-қизларимиз олдида шундай улкан муаммолар, вазифалар, орзулар турадики, уларнинг кўлами ва салмоги ўн саккиз минг олам ошубидан кам эмас. Чинакам инсон учун ўн саккиз ёш — шундай масъулиятли давр, аслида.

Кейинги байтларда матлаъдаги гоявий мазмун тадрижий такомиллаштирилади. 2—3-байтлар матлаъда васф этилган даражадаги камолотга эришган инсон етуклигининг яшовчанилиги ҳақида баҳс этади:

Деса бўлгайким яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,  
Ўн саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.  
Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдуурур  
Ҳусн шохи, ул балоларким, кўза қонинададур.

Мазкур байтлардан бошлаб газалдаги лирик қаҳрамон умумлашма образлиқдан бир оз чекланади. Яъни, умуман ўн саккиз ёшли инсон эмас, гўё ўн саккиз ёшдаги манзур васфи давом этади. Бунда фикримизга боис ғазалнинг матлаъдан кейинги қисмида кўпроқ аёл зотигагина хос фазилатлар қаламга олинганидир. Албатта, Навоийнинг бундай ғазаллари тагзаминида илохий ҳусн тимсоли ҳам туришини эсда сақлашимиз керак. З-байтдаги «ҳусн шоҳи» ибораси айнан шундан далолат беради.

Фоявий мазмуннинг байтларда тадрижий ривожланишига тадриж усули билан бирга ружуъ санъати ҳам кўмаклашган. Шоир иккинчи байтда, «Сарвиноз ўн саккиз ёшидаки ўн саккиз минг оламга татийдиган ҳусну жамолни зохир этган экан, ўн саккиз минг олам можароларини бошига сиёдиролган экан, ундаги бу қобилият яна ўн саккиз йил бемалол сақланади», дер экан, учинчи байтда бу фикридан қайтади. Ўз-ўзини «Ўн саккиз йил дема» сўалари билан инкор этиб, «Яна юз саксон йил ўтса ҳам, кўзу қошида турфа балолар жилва қиласар экан, ул сарвиноз ҳусн шоҳи сифатида гўзаллик салтнатида ҳукмфармолик қиласверади», деган хулосага келади. Ружуъ моҳияти мана шу ўз-ўзини инкор этиб, фикрни кучайтиришдадир. Сарвинознинг «кўзу қошида»ги ул балолар сехрига келсак, бунда Шарқ ғазалиётидаги кўз ва қош мадхидагитилган (масалан, кўзниң хунхорлиги, жаллодлиги, фитнагарлиги, қошнинг шамшир каби қаттоллиги, бирининг имо қилиб, бирининг жон олиши ва х. к.) ҳамма сифатлар назарда тутилади.

Шоир ақл бовар қилмайдиган даражадаги ҳусн соҳибини тасвирилаётган бўлса-да, унинг қонуний ва табиий ҳол эканлигини иқрор этади:

Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,  
Барчаси эзид таоло сунъи нақдошинадур.

Чунки Навоийнинг дунёқарашича, ҳар қандай ҳайратомуз гўзалликнинг яратувчиси ва ижодкори «сунъ нақдоши», яъни худодир. Ҳар бир модда, жисм, жонзор, шу жумладан, инсон ҳам бу илохий мавжудотнинг зарраси, бўлаги, акси янглиг намоён. Ҳар бир чиройда тангри таоло жамоли жилвалиниб туради.

Навбатдаги байт сарвинознинг ниҳоятда гўзал, аммо бекиёс бағритошлигига киноя тарзида яратилган:

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,  
Ақлга юз ҳайрат, ул ойнинг ичу тошинадур.

Сарвинознинг танаси (ташқи чиройи) кумушдай товланиб, ўзига мафтун этади. Аммо бу кумуш вужуд шундай сирга әгаки, унинг ичи кўнгул яширинган тошдан иборат. Бу синоатта инсон ақли юз карра ҳайрону лол қоладики, манзур-

нинг сийрати суратида ҳам намоён. Бу инсон табиати, қалб ва қиёфаси орасидаги мутаносиблик ҳамда зиддиятнинг навоий-вор фалсафий ифодасидир.

Бу газалда ҳам, анъанадагидек, мақтаъдан олдинги байтда майфурушга мурожаат қилинади:

Май кетур, эй мугки, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,  
Бул ажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.

Соқийга мурожаат тарзида битилган анъанавий байтлар газалнинг бошқа байтларидан алоҳида, мустақил маънога эга бўларди. Бу байт эса газалнинг олдинги қисми мазмунни билан чамбарчас боғлиқ битилган. Олдинги байтларда лирик қаҳрамон ўзининг ҳайратларини изҳор этган эди. Бунда эса Масиҳ «юз ҳайрат аро» қолганлиги ҳақида гап боради. Яъни бу кўхна майхона (дунё) ажойиботларига лирик қаҳрамон (Навоий) юз ҳайрат изҳор қилганидан Масиҳ ҳам юз чандон ҳайрат ичиди қолади. Бу ерда «хуффон» — кўршапалак образи атайин танлаб киритилган. Кўршапалак, яъни лирик қаҳрамон кўхна майхона (дунё) ажойиботларини кўргунча (майхонага кириб, ваҳдат майидан қонмагунча), ғоғил эди. «Эски дайр» ажойиботларини идрок этгач, кўзлари ярқ этиб очилди ва юз ҳайратга тушди. Бундай мўъжизадан жонбахш Масиҳ ҳам юз ҳайратга тушади, чунки у ўликни тирилтириши билан машхур, кўр кўнгил кўзига нур ато этишга у қодир эмас.

Мақтаъга келиб, таъриф-тавсиф ойга, қуёшга қадар кўтарилади:

То Навоий тўқти ул ой фурқатидин баҳри ашик,  
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси аниг ёшиндадур.

Навоий ул ой, яъни ҳусн шоҳи фироқига дучор бўлганидан (бу фоний дунёга меҳмон бўлганидан) буён йиғлайди ва кўз ёшларида ул қуёш — илохий талъатнинг акси мудом жилоланиб, шуълаланиб туради. Кўринадики, дастлабки байтлар тагзамиnidагина тўйиш мумкин бўлган сўфиёна образ ва маънолар мақтаъгача ошкора балқиб юзага чиқди.

Матлаъда бошланган тасвир мақтаъгача изчил ривожланди. Газалдаги сўз, образ, ифодалар ҳам шундай ривожгга муводиқ ҳаракатлантирилди. «Ўн сакиз минг олам», «ўн сакиз йил», яна «ўн сакиз ёш», яна «ўн сакиз йил», «юз саксон йил», «ҳайрат», «ақлга юз ҳайрат», «юз ҳайрат» сўз бирикмалари газалдаги мазмун ва гояннинг силсилавий тадрижини таъминлади. Натижада, асар композицияси мусалсал даражасида такомиллашибди.

Газал юксак бадиияти туфайли шуҳрат тутди, ҳалқа севилиб, тилдан тилга, дилдан дилга кўчди. Хонанда Берта Давидова томонидан классик қўшиқ сифатида, мақомшуносларимиз томонидан мақом куйларига солиб куйланиб, нашъу намо топди.

## «РОСТЛИГ УЛДУРКИ...»

Кўк бинафшазорини анжум чу наргисзор этар,  
Наргисинг бирла бинафшанг ҳажри кўнглум зор этар.

Чун Зухал толиъ бўлур холинг хаёли фитнадин,  
Жоним ичра юз минг ошуби бало изҳор этар.

Жилва қилғоч Муштарий кўзни узоринг ёдидин,  
Юз саодат ахтаридин ҳар замон дурбор этар.

Чун чиқар Баҳроми қотил, кўзларинг андишаси  
Хаста жонимни қатили ханжари озор этар.

Мехрдин тоғмай нишоне сенда ҳам, гардунда ҳам,  
Бу мусибат кўзума ёруғ жаҳонни тор этар.

Зухра ҳолимга сурудин навҳага айлаб бадал.  
Чанганинг сочин ёйиб дурри сиришк изҳор этар.

Ўлмаким англаб, Уторид ҳолима деб марсия,  
Шарҳи дардим назмидин ҳар лаҳза юз тумор этар.

Ой ҳалокимга тутуб мотам, кийиб тундин қаро,  
Оразин сайли била аҳли азо кирдор этар.

Тийра айлаб бениҳоят кеча умрум шамъини,  
Васл субхи ҳасрати ранжим юз ул миқдор этар.

Ростлиг улдурки, еткач ул қуёш, раҳм айлагай,  
Улча аҳволимга ҳар тун ҷархи кажрафтор этар.

Эй, Навоий, ишқ дардидин шикоят қилмаким,  
Жонинга жавру жафосин ҳар нечаким, бор этар.

Мавзу хусусиятига кўра, бу Алишер Навоийнинг ишқий газаллари тоифасига киради. У шоир ижодий такомилининг учинчи босқичи маҳсули бўлиб, Навоий уни илк бор «Наводир ун-ниҳоя» девонига киритган. Кейинчалик бу газал «Ҳазойин ул-маоний»нинг «Наводир уш-шабоб» девонига кўчган. Газалнинг ўзига хос ва мураккаб образлар силсиласи мавжудлиги, ҳажмининг катталиги (ўн бир байтдан иборат), тили ва бадиий тасвир услубининг ўзга ишқий газалларга нисбатан оғирлиги ҳам уни Навоий айни ижодий кучга тўлган ўрта ёшлирида яратганлигини тасдиқлади. Бу — Навоийнинг кўпмаънолилик хусусиятига эга асарларидан. Унда васф этилган ишқ «мажозий ишқ», яъни оддий инсоний муҳаббатдан кўра кенгроқ маъноларга эга. Газал руҳий мун-

дарижасининг нисбатан мураккаблашувига сабаб шуки, унда шоир инсоний ишқ билан пантеистик дунёқарашдаги «ҳақиқий ишқ» хусусиятларини бир нуқтада мужассамлаштиришга ҳаракат қилган ва бунга эришган.

Газал рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган.

Газалда Навоий лирик қаҳрамон кечинмалари ҳамда тахайюлини тасвирашда янгича йўл тутади.

Кўк бинафшазорини анжум чу нарғисзор этар,

Нарғисинг бирла бинафшанг ҳажри кўнглум зор этар.

Бир қараашда, бу — анъанавий руҳдаги байт.

Унда Мавлоно Лутфий таҳсинга сазовор бўлган «Орзин ёпқач, кўзимдин сочиулур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш» матлаъига ҳамоҳанглик бор. Мазкур байтларни инсон ва табиат муносабатлари, инсон руҳияти ҳамда табиат манзараларининг қиёсий талқини туаштиради. Бирида аввал инсон руҳияти лавҳаси ёритилиб, сўнг унга мутаносиб табиат тасвири яратилади. Таҳлил қилинаётган газал матлаъида эса бўлакча. Аввал, илк мисрада, табиат, аниқроги, осмоннинг хижрон шомидаги қиёфаси яратилади. Кун билан туннинг алмашиниши гўзал бадиий ифодаланади. Яъни, шоир наздида, осмон кундузи бинафшазор эди. Бинафшаранг кўм-кўк самони тасаввур қилинг-а! Кўк қадаҳига шом бодаси қўйилиши билан, нарғисдек сочилган юлдузлар кўк бинафшазорини нарғисзорга айлантириди.

Иккинчи мисрада табиатдаги ҳолатдан келиб чиқиб, инсон руҳи таҳлил этилади. «Кўк бинафшазори»га лирик қаҳрамон кўнгли, «анжум» ва «нарғис» образларига маъшуқанинг нарғисмонанд кўзлари ва бинафшаранг хатти, бинафшашакл зулфи шеърий параллелизм усули билан таносиб қилинади. Бу тасвирдан лирик қаҳрамон кўнгли маъшуқа висолига зоринтизорлиги англашилади. Лекин биз мазкур байт матлаъ эканлиги ва матлаънинг бадиий вазифаси лирик киришини ифодалашдан иборатлигини ҳам унутмайлик.

Матлаъда «кўк бинафшазори» ва «анжум» — юлдузлар ҳақида сўз очилдими, демак, газал давомида фалакка муносабат, осмоний жисмлар тасвири акс этиши муқаррар. Дарҳақиқат, Навоий Зухал (Сатурн), Муштарий (Юпитер), Баҳром (Марс), Мехр (Қуёш, Венера), Уторид (Меркурий). Ой каби сайёralарни газалга олиб кириб, назмийлаштиради. Бу шеърий образларни ўз бадиий муддаосини ифодалашга хизмат қилдиради.

Жилва қилғоч Муштарий қўзни уаоринг ёдидин,  
Юз саодат ахтаридин ҳар замон дурбор этар.

Байтда маъшуқа ёки газалнавис кўзда тутган бошқа бир эстетик идеал васлидан жудолик қуйидагича тасвиранган. Шоир бу машъум айрилиқ фожиасига сабабчи қилиб Муштарий сайёрасини кўрсатади. Форсий номи Биржис бўлмиш бу

сайёра, Навоий даври мунахжимларининг тасавиурича, олтинчи фалакда жойлашган еттинчи осмонга энг яқин юлдуз бўлгани учун мунахжимлар уни «Фалак қозиси» деб аташган. Гўё у илоҳий қудрат низомларига кўра, жамики мавжудот устидан ҳукм юритган. Навоий Муштарий сайёрасининг мана шу қозилик аъмолини назарда туттганлигини инобатга олсан, қуйидагича мазмун юзага чиқади: Муштарий, яъни фалак қозиси чехранг ёдини кўз хотирасидан ўчиргач, юзлаб баҳт юлдузлари ҳар замон дур ёғилгандек, кўзёш селини оқиздилар. Демак, фалак қозиси ҳукми билан лирик қаҳрамон баҳтсизлик — мангудай айрилиқка гирифтор бўлди.

Газалда изчил руҳий таҳлил кўзга ташланиб туради. Мана, юқоридаги воқеа лирик қаҳрамонни қандай кайфиятга олиб келди:

Меҳрдин топмай нишоне сенда ҳам, гардунда ҳам,  
Бу мусибат кўзума ёруғ жаҳонни тор этар.

Байтнинг санъаткорона хосияти шундаки, Навоий «меҳр» сўзининг турли маъно товланишларидан усталик билан фойдаланган. Шоир «меҳр» сўзининг луғавий ва кўчма маъноларини ишга солиб, «ийҳом» санъатини вужудга келтиради. «Ийҳом» асосида қатлам-қатлам маъно мағзига эга бўлган мисра яратади. Мисрани ўқирканмиз, дастлаб лирик қаҳрамон маъшуқадан меҳр-шафқат нишонаси топа олмаганини кўрамиз, сўнг маъшуқадагина эмас, балки умуман «гардунда ҳам» меҳр-вафо топмаганлигини англаймиз. Бу — «меҳр» нинг луғавий маъносигагина суюниб ифодаланган мазмун. «Меҳр» кўчма маънода қуёшли билдиради. Бундан айрилиқ азобидаги лирик қаҳрамон гардунда қуёш ҳам топа олмаганлиги англанилади. Демак, висолсиз одам — офтобсиз олам, деган мусибатли мазмун юзага чиқади. Бу мусибат эса ёруғ оламни лирик қаҳрамон кўзига қоронгу кўрсатади. Лирик қаҳрамон аҳволини халқ жонли тилидаги «кўзига жаҳонни тор этмоқ» ибораси билан ифодалаш байтнинг бадиий салмоғини яна чандон оширади.

Лирик қаҳрамон нақадар аянч аҳволда қолганлигини ўша муболагали манзара воситасида кўрсатишга ҳам Навоий сайёralар образини сафарбар қиласи:

Зухра ҳолимға сурудин навҳага айлаб бадал,  
Чангининг сочин ёйиб, дурри сиришк изҳор этар.

Зухра — Чўлпон юлдузи азалдан Шарқ адабиётида осмон чолгувчиси, созаңдаси сифатида тасвирланиб келади. Зухра юлдузининг шу хосиятини назарда тутмай туриб, Навоий байтини тўла тушуниш қийин. Хуллас, байтда мужассам бадиий мазмун шундан иборатки, чолгувчи сайёра лирик қаҳрамон аҳволини кўриб, чалиб турган куйини мунгли ва нолавор йигига айлантириб юборади. Унинг қўлидаги чанг эса соchlарини ёйиб, кўзёш дурларини оҳанг либосида соча бошлайди.

Кечинмалар фожейлигига асосланган лирик сюжет тобора авж нуқтасига кўтарила боради. Зухра юлдузининг чолгуси билан бирга соchlарини ёйиб фарёд чекиши лирик қаҳрамон ҳалокатидан дарак берса, кейинги байтлар буни қонунийлаштиради:

Улмаким англаб Уторид ҳолима деб марсия,  
Шархи дардим назмидин ҳар лаҳза юз тумор этар.  
Ой ҳалокимга тутуб мотам, кийиб тундин қаро,  
Оразин сайли била ахли азо кирдор этар.

Уторид — Меркурий планетаси қадимий адабиётда афсоналарга суяниб фалак котиби, ёзувчи ва шоирларнинг ҳомийси сифатида талқин этилган. Навоий ҳам шу талқинга таяниб, Уторидни шоир ва ҳомий янглиғ гавдалантиради. Гўё Уторид лирик қаҳрамон ўлимимианглаб, марсиялар ёзади. Унинг дардлари шарҳидан назмий марсиялар яратади. Лирик қаҳрамон дарди шу қадар кўпки, уни шарҳлаб ёзилган марсиялардан ҳар лаҳзада юз тумор — буклаб ўралган номалар майдонга келади.

Шоир сайёраларнинг фалакдаги ҳолатидан газалда жуда ўринли фойдаланади. Маълумки, ой қаро тун бағрида жойлашган бўлади. Шундан келиб чиқиб, Навоий уни қаро тўн кийган (ийғлаб фарёд чекаётган) мотамсаро азакашга ўхшатади.

Хуллас, таҳлил доирасига тортилган байтлар жонлантириш — ташхис санъатининг гўзал намуналаридан. Бу байтлар газалда ўзига хос лирик воқеабандликни ташкил этган.

Газал улкан бадиий маҳорат маҳсули сифатида Навоий ижодида, умуман, ўзбек газалиётида муҳим ўрин тутади ва ҳамиша маънавий-маърифий аҳамиятини сақлаб қолади.



## Матназар АБДУЛҲАҚИМ «ЎЙНАР»

Яхши биламизки, Навоий газалиётининг руҳи жаҳоний бир дардкашлик, ҳасратангезлиқ кайфияти билан сайдал топган. Шунинг учун ҳам «Ўйнар» радиифилинг ўзиёқ шоир меросининг мазкур хусусиятидан хабардор ўқувчими сергак тортириб қўяди.

Зулфинг очилиб, орази дилжў била ўйнар...

Зулф — аёлнинг чакка кокили, ёки, умуман, аёл сочи. Ораз юз, чехра маъносини беради. Жўё сўзи форс тилида истовчи, қидирувчи дегани. Демак, орази дилжў — юрак томонидан изланаётган, исталаётган юз, чехра. Бу мисрада шоир фақат тасвир билан кифояланади.

Ҳиндуда шўҳдуурур, сув билан ўйнар.

Ҳиндуда бача — форс тилидан таржима қиласиган бўлсак, ҳиндуда боласи демак. Иккинчи мисрадаги ташбиҳлар биринчи мисрадаги образларга аниқлик киритади, ранг беради. Маълумки, ҳиндудалар қора тусли одамлар, бинобарин, улар зулф билан, яъни ёрнинг сочи билан бир тусда. Қолаверса, бу қиёсда ҳаракат ўхшашлиги ҳам руҳ ўхшашлиги ҳам бор: аёлларнинг кокили, хусусан, чакка сочи ўйноқидир. Ўзининг бундай хусусияти билан бу соч кичкинтойларнинг шўхлигини эслатади. Бу ўхшатишдаги тагин бир фазилат шундан иборатки, ҳиндудалар, асосан, дарё ва уммоннинг соҳилларида истиқомат қилишади. Англашиладики, ёрнинг юзи сатҳи осойишта сувдек тип-тиник. Сувдан мусаффо чехра билан ўйнаётган кокиллар сув билан ўйнаётган қора рангли болакай сингаридир.

Энди очилиб сўзига эътибор қилинг. Очилиб ўзининг бирламчи — очилмоқ феъли билан ифодаланадиган маъносидан ташқари, хурсанд бўлмоқ, хуш кайфиятда ўтироқ деган мазмунларни ҳам англатади. Бу сўзининг, шунингдек, дардан фориг бўлмоқ маъноси ҳам бор. Энди навбатдаги мазмун жилосига эътибор қилинг. Маълумки, ёш бола сувни кўрганда қувониб-қийқириб, очилишиб кетади, соч ҳам чехранинг тиниқилигидан, сувдек мусаффолигидан қувониб, «очилади». Бу ерда сувнинг ҳам, норасида боланинг ҳам поклик, тозалик рамзи эканлигини бир эсласак, шоир ўз маҳбубасини нақадар улуғлаётганини янада теранроқ англаб етамиш.

Иккинчи байтда шоир ўз илоҳасининг шўхлиги ва унинг дастидан тортаётган уқубати баёнига ўтади. Бунинг учун у матлаъдаги образнинг мантиқий ривожланишидан келиб чиқиб фикрлади. Маълумки, кўнгилнинг ойнага, шишага ўхшатилиши қадимдан бор гап. Мисол учун халқимишининг «кўнгил бир шишадир, синса тузалмас» маталини эслаш кифоя. Биз бирон бир ноҳақликдан қаттиқ ранжисак, кўнглим хира бўлди, кўнглим қоронғу, деб айтамиш. Маълумки, хираланиш ойнага жуда ҳам хос бўлган хусусият. Ҳаётда кўп учрайдиган яна бир ҳодисани эсланг: кичкинтоилар ойна олдида шўхлик қилишни, уҳлаб, нафаси билан ойнанинг юзини хира қилишни яхши кўрадилар. Кўзгунинг ҳамда боланинг ана шу хусусиятидан фойдаланиб шоир навбатдаги мўъжизасини яратади:

Ул шўх кўнгил лавҳин этиб тийра нафасдин,  
Бир тифлдир, алқисаки кўзгу била ўйнар.

Яъни, у шўх кўнгил ойнасини нафаси билан қоронғу қилиб худди кўзгу билан ўйнаётган ёш болага ўхшайди.

ЎЙНАЙ-ЎЙНАЙ, БОҒЛАДИ УЙҚУМНИ ФУСУНДИН,  
деб давом этади шоир...

Фусун — бу — афсун, яъни сеҳр-гипноз дегани. Маълумки, одамни гипнотик ҳолатга солиш — метрономнинг бир зайлда тақиллаб туриши ё гипнозчининг бир хил сўзларни ёхуд харакатни тақрорлаши орқали инсоннинг идрокидаги назорат қилувчи марказларни забт этиш ва шу орқали идрок эгасини ўз иродасига бўйсундирмоқ орқали амалга оширилади. Афтидан, шунинг учун ҳам маъшуқанинг «уйқуни боғлаб» ўз измига бўйсундиришини таърифлашга ўтар экан, Алишер Навоий тақрорий харакатни ифодаловчи жуфт сўзни қўллади:

Ўйнай-ўйнай боғлади уйқумни фусундин  
ва уйқуни боғланган афсунгарни айтади  
то гамзаси...

демак, афсун қилаётган — гамза... Лекин сеҳрланиш ҳолатининг жуда ҳам чуқур эканлигини баён қилиш учун

шонир гамзанинг, яъни мижжалар ва қорачиқлар ишвасининг яна бир ҳамкорини айтади:

...ул нарғиси жоду била ўйнар.

Демак, сеҳрланиш ёлгизгина гамза туфайли эмас, гамза ва нарғиси жоду, яъни қош билан кўз ҳамкорлигида, иккита сеҳргарнинг ўйнашуви оқибатида содир бўлаяпти.

Шундан кейинги мисра қуидагича:

Тонг йўқки, кўзинг бўлса кўнгил бирла мулоийиб  
Мажнунга ажаб йўқ агар оху била ўйнар.

Мазкур байтдаги мулоийиб сўзига эътибор қилинг. Бу сўз ҳазиллашиб, бир-бировни хуш кўришиб ўйнамоқ мазмунига эга. «Лайли ва Мажнун» достонида Қайс Лайленинг висолидан маҳрум бўлгач, телбаланиб дашту биёбонга бош олиб кетади. У ерда жониворлар билан дўст тутинади, охулар билан дардлашади. Алишер Навоий араб фольклоридаги ана шу ҳодисага ишора қилиб, кўнгилни Мажнунга, ёр кўзини эса охуга ўхшатмоқда. Ўз кўнглининг илоҳа кўзи билан мулоқотини Қайснинг оху билан муносабатига менгзатилти. Шуниси ҳам борки, Қайс дардманд одам, ҳаддан ташқари гамгин қалб эгаси, бинобарин унинг, ҳатто оху билан бўлсин, ўйлашуви эҳтимолдан узокроқ. Шунинг учун ҳам шонир:

«Мажнунга ажаб йўқ агар оху била ўйнар», — дейди.  
Кўзга муносабатан эса:

Тонг йўқки, кўзинг бўлса бирла мулоийиб, —

дейди. Бу байтдаги мутаносиблик жадвали қуидагичадир: Кўз — оху, кўнгил — Мажнун, тонг йўқки — ажаб йўқ, мулоийиб — ўйнар.

Бу байтни шарҳлаётуб, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринники, фалсафа илмида, аксар, кўнгил ақлга қарши қўйилади. Негаки, кўнгил ақлга тўғри келмайдиган нарсаларни тусайди. Кўнгил кўчаси — ҳалқ таъбирича, ҳамиша адаштиради. Оху эса ювошлиқ, бокиралик тимсоли. Алишер Навоий бу байтда ҳамма айбни билвосита кўнгилга тўнкаб, кўзнинг бегуноҳлигини уқтироқда.

Навбатдаги байт:

Бир лўлийи бозигар эрур чамбар ичинда  
Холингки ўшал ҳалқаи гесу била ўйнар.

Ўйноқлаб турган сочнинг ҳалқаси ичидаги хол чамбар ичида ўйнаб томоша кўрсатаётган лўлига ўхшатиляпти. Маълумки, бозигар дўлилар, яъни ўйнаб томоша кўрсатувчи лўлилар оломон тўплапган жойда ўз санъатларини намойиш

қиладилар. Ер холининг лўлилар тоифасига ўхшатилишида маҳбубанинг хуснини таъкидлаш билан бирга, соч ҳалқаси ва унинг ичидаги хол ўйинидан бошқаларнинг баҳраманд бўлиши эҳтимолидан таҳлика ҳам сезилади. Бинобарин бу мисрадаги муқоясада ошкора тасвирдан ташқари яширип бир рашқ, пинҳон бир таъна бор.

Мана бу байтдаги муқояса ҳам инсоннинг жонивор билан ўйнашувига асосланганлиги жиҳатидан юқоридаги мисрага бир қадар ўхшаб кетади:

Зоҳид била нафс этса тামасхур йўқ ажабким,  
Ит сайд қилур вақтда тулку била ўйнар.

Бу ерда гапни сал узоқдан бошлашга тўғри келади. Маълумки, тасаввуф илмида инсоннинг илоҳга интилиши ҳаётдаги бош мақсаддир. Бу интилиш бутунлай холис бўлиши лозим, гараз эътиқодни чинпакка чиқаради. Шунинг учун ҳам мазкур таълимотда зуҳд, яъни худо жамолига эришувнинг намойишкорона йўли шартли равища гараз, нафс тимсоли сифатида талқин қилинади. Бобо шоирларимиз, шу жумладан Алишер Навоий ҳам мансуб бўлган тасаввуф поэзиясида бу образ ўзининг ёрқин аксиини топган. Демак, бу байтдаги зоҳид нафсониятига мутикасидан кетган одам. Нафс эса анъана бўйича итга қиёс этилади. Бу қиёс Навоийгача ва ундан кейинги шеъриятимизда ҳам мавжуд.

Ғазалнинг мақтаъси — яқунловчи байти:

Муғ дайрида маст бўлса Навоийни қўрингким,  
Бир олма киби гумбази мийну била ўйнар.

Муғ дайри — майхона. Гумбази мену — зангори гумбаз, яъни осмони фалак. Бу байтда ишқий галаён майхонадаги мастанинг ҳолатига ўхшатилади. Тасаввуф поэзиясида ҳаққа етишмак йўлидаги туйгулар, кечинмалар шартли равища мастиликка ўхшатилади. Негаки, бошқа бирорни астойдил севган одам ҳам, маст бўлган одам ҳам одатда ўзини унутади. Байтга қайтадиган бўлсанк маст одамнинг кўзига улкан нарсалар кичик, муҳим нарсалар аҳамиятсиз бўлиб қўринади. Қолаверса, ичган одам шўр, аччиқ луқмалар билан газак қилади. Демак, маст бўлган қаҳрамоннинг кўзига тор маънода майхонанинг зангори гумбази ҳам, кенг маънода осмони фалак ҳам бир олма каби туюлмоқда. Шунинг учун у осмони фалакни қўлига олиб ўйнайди, чарх ураётган коинот ўзининг муайян ўқи атрофида эмас, балки ошиқ қўлида айланиб туритди. Истаса, ошиқ унга тиши уради, тил теккизади. Бу ерда шоир маълум даражада ўзининг ошиқлигидан кулаётгандай. Бу, албатта, Навоийнинг ихтиёридаги масала. Лекин биз муҳлислар шуни яхши биламизки, Навоий буюк ошиқдир, шунинг учун ҳам мусаффо туйгуларига замин тор келиб, иши осмон сари тушган.

# **МУНДАРИЖА**

## **Шоирнинг Мансуравий Меросидан**

Муножот . . . . . 3

### **Суйима ГАНИЕВА**

Алишер Навоийнинг «Муножот» асари . . . . . 9  
Ғазаллар . . . . . 13

### **Эркин ВОҲИДОВ**

Жунун водийсида . . . . . 89

### **Нажмиддин КОМИЛОВ**

Жон ва жонон мажароси . . . . . 92  
Тимсоллар тимсоли . . . . . 98  
«Ахтарин ашқ этдию...» . . . . . 109  
«Эрур кўнгулда сафо ишқ...» . . . . . 115  
«Аҳд қилим...» . . . . . 121  
«Соқиё, талх ўлди айшим...» . . . . . 128

### **Муҳаммад АЛИ**

«Эл комин раво айла...» . . . . . 133

### **Жамол КАМОЛ**

«Қизил, сориг, яшил...» . . . . . 137

### **Абдурашид АБДУГОФУРОВ**

«Тилим лолу сиришким қон» . . . . . 141

### **Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ**

«Парим бўлса учуб қочсан...» . . . . . 147

**Нусратулло ЖУМАЕВ**

Сатрлар силсиласидаги сехр . . . . .	151
«Зулфинг очилиб...» . . . . .	155
«...Ёр узар бўлса муҳаббат риштасин...» . . . . .	158
Ўн саккиз ёш ҳайратлари . . . . .	161
«Ростлиғ улдурки...» . . . . .	165

**Матназар АБДУЛҲАКИМ**

Ўйнар . . . . .	169
-----------------	-----

**Н 14**

**Алишер Навоий**

Газаллар, шарҳлар /Тўплаб нашр, тайёрловчи-  
лар: А. Шаропов, Б. Эшиўлатов/.— Т., Камалак,  
1991. — 176 б.

Уlug санъаткор, беназир донишманд Алишер Навоий меро-  
си — ақлу заковат нури билан йўғрилган жозибали хазина.

Авваламбор, ушбу тўплам учун ана шу хазинадан бебаҳо  
дурданалар танланди. Иккиламчи, тан олайликки, не-не замон-  
лардан бери дилларни ва элларни ҳайратта солиб келаётган  
ҳазрат қалами сеҳрини тушуниш, хис этиш осон эмас, зоро, бу  
тилакка етишиш учун киши муайян билим ва малакага эга  
бўлиши лозим. Шунга кўра китобга Эркин Воҳидов, Нажмиддин  
Комилов, Жамол Камол, Муҳаммад Али ва бошқа таникли  
ижодкорлар ҳазратнинг турли газалларига ёзган шарҳлар кири-  
тилди. Шарҳлар сизни мутафаккир бобокалонимиз яратган  
жозиба оламига сал бўлса-да яқинлаштиради, дея умид қиласиз.  
Китоб шоирнинг табаррук 550 йиллик тўйига тўёнадир.

**Алишер Навои. Газели, комментарии.**

K 4702620102-50  
356(04) 91 12-91

ISBN 5-633-00710-7.

© Жамоа, 1991

**Литературно-художественное издание**

**На узбекском языке**

**АЛИШЕР НАВОИ**

**ГАЗЕЛИ, ЛИТЕРАТУРНЫЕ ЭТЮДЫ**

**Адабий-бадиий нашр**

**Алишер НАВОЙ**

**ҒАЗАЛЛАР, ШАРҲЛАР**

**Муҳаррирлар Асад Дилмурод, Раъно Акрам қизи**

**Мусаввир А. Габзалилов**

**Расмлар мухаррири Н. Абдуллаев**

**Техн. муҳаррир Ж. Нодирова**

**Мусаҳҳих С. Сайдолимов**

**ИБ № 3014**

Босмахонага берилди 6.03.91. Босишга рухсат этилди 8.08.91. Би-  
чими 84×108<sup>1</sup>/32. 2-босма қоғозга «Адабий» гарнитурада юқори  
босма усулида босилди. Шартли босма тобоги 9,24. Нашр тобоги  
8,92 Шартли кр. отт. 9,66. Тиражи 45.000. Буюртма 5164.  
Шартнома 1—91. Баҳоси 1. с.

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Кўмитаси «Камалак»  
нашиёт-матбаа бирлашмаси Тошкент 700113, Чилонзор маваеи,  
Қатортол кўчаси, 60.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашиётининг Мех-  
нат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент Ленин кў-  
часи, 41